



Министерство Финансов
Республики Узбекистан



Uzbekistan

Б.И Нурмухамедова, З.Х. Срожиддинова,
Б.Б. Сугирбаев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Ўқув қўлланма


**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ (БМТ ТД)
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**Б.И. НУРМУХАМЕДОВА, З.Х. СРОЖИДДИНОВА,
Б.Б. СУГИРБАЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ**

Ўқув қўлланма

836911



217

**ТОШКЕНТ
«INFO CAPITAL GROUP»**

2013

H-87

Тақризчилар:

А.В.Вахитов, - Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Ш.Ш.Усманов, - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат
бюджети бош бошқармаси бошлиги ўринбосари



Uzbekistan

Ўзбекистон Республикасида таълим харажатларини режалаштириш: ўқув қўлланма /
Б.И.Нурмухамедова, З.Х.Срождидинова ва Б.Б.Сугърбаев. Рус тилида таржимон - Ш.Х. Хо-
жибакиев. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (БМТ ТД). – Т.: «InfoCapital
Group», 2013. – 448.

Барча ҳуқуқлар БМТ Тараққиёт Дастурига тегишли. Мазкур ўқув қўлланмани ҳар
қандай шаклда қайта чиқариш ёки ундан кўчирмалар олиб фойдаланиш факатгина ёзма ро-
зилик орқали амалга оширилиши мумкин, маъбага ҳаёбда қилиш мажбурийдир. Қайта босиб
чиқариш, таржима қилиш ва босма нашрларни сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги ман-
зилга мурожаат этиш мумкин: 100029, Тошкент ш., Миробод кўчаси, 41/3-уй.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Тараққиёт Дастури, 2012 йил.
Ўзбекистон, 100029, Тошкент ш., Миробод
кўчаси, 4-уй.
Тел.: (+998 71) 120-34-50
Факс: (+998 71) 120-34-85
Сайт: www.undp.uz

© БМТТД «Ўзбекистонда бюджет тизминини
ислоҳ қилиш» лойиҳаси, 2010 йил.
Ўзбекистон, 100008, Тошкент ш.,
Мустақиллик шох кўчаси, 5-уй.
Тел.: (+998 71) 239-48-61
Факс: (+998 71) 239-48-60
Сайт: www.publicfinance.uz

Нашрда билдирилган фикрлар муаллифларга тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати ёки БМТ Тараққиёт Дастури нуқтаи назарияи ақс эттирмайди.

УЎК: 336: 37 (075)
КБК: 65. 467 (5У)

ISBN 978-9943-4011-3-6

© «Info Capital Group», 2013
© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт
дастури, 2013 йил.
© БМТТД «Ўзбекистонда бюджет тизминини
ислоҳ қилиш» лойиҳаси, 2012 йил.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ

1 - БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ: УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР.....	9
1.1.	Ўзбекистон Республикасида таълим соҳаси. Харажатларни режалаштириш хусусиятлари.....	9
1.2.	Таълим муассасаларини молиялаштириш усуллари..... Назорат учун саволлар ва топшириқлар Тавсия этиладиган адабиётлар	23
2- БОБ.	БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ.....	43
2.1.	Бюджет ташкилоти харажатлар сметасини тузишда қўлланиладиган асосий ҳужжатлар.....	45
2.2.	Бюджет ташкилотининг жорий ва капитал харажатлари.....	51
2.3.	Смета моддалари бўйича харажатларнинг асосий турларини ҳисоблаш тартиби.....	54
2.4.	Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш механизми.....	57
2.5.	Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш қоидалари.....	60
2.6.	Бюджет ташкилотлари харажатлар тўловини амалга ошириш тартиби.....	64
2.7.	Бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ишлатиш тартиби..... Назорат учун саволлар ва топшириқлар Тавсия этиладиган адабиётлар	67
3- БОБ.	ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ.....	73
3.1.	Мактабгача таълимнинг умумий тавсифи.....	73
3.2.	Давлат мактабгача таълим муассасалари молиясининг ўзига хос хусусиятлари. Жон бошига молиялаштириш.....	76
3.3.	Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи харажатларини режалаштириш ва штатлар сонини аниқлаш.....	84
3.4.	Давлат мактабгача таълим муассасаларини жорий сақлаш учун бошқа харажатларни ҳисоблаш.....	94
3.5.	Давлат мактабгача таълим муассасаларида болаларни овқатлантириш харажатларини ҳисоблаш.....	100

3.6.	Давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ҳақ тўлаш тартиби.....	107
	Назорат учун саволлар ва топшириқлар	
	Тавсия этиладиган адабиётлар	
4- БОБ.	УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ СМЕТАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ.....	115
4.1.	Умумий ўрта таълим тавсифи	
	Умумтаълим мактаблари молияси хусусиятлари.....	115
4.2.	Харажатларни базавий меъёрлар асосида режалаштириш.....	118
4.3.	Харажатларни режалаштириш учун асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	123
4.4.	Мактаб ходимлари штатлар сонини аниқлаш.....	134
4.5.	Иш ҳақи харажатларини режалаштириш.....	139
4.6.	Директор жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби.....	148
4.7.	Бошқа турдаги умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш хусусиятлари.....	161
4.8	Бошқа турдаги умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш хусусиятлари.....	164
	Назорат учун саволлар ва топшириқлар	
	Тавсия этиладиган адабиётлар	
	Иловалар	
5- БОБ.	ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ВА ШТАТЛАР ЖАДВАЛИНИ ТУЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	209
5.1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини жон бошига молиялаштириш.....	210
5.2.	ЎМКТ муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблаш ва штатлар жадвалини шакллантириш.....	228
5.3.	Педагог ходимларни рағбатлантирувчи ва компенсацияловчи устамалар ва қўшимча тўловлар.....	248
5.4.	ЎМКТ муассасаларида ўриндошлар ва соатбай ишловчилар учун соатбай ҳақ тўлашни ҳисоблаш.....	253
5.5.	ЎМКТ муассасалари харажатлар сметаларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.....	255
5.6.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисоблаш.....	270
	Назорат учун саволлар ва топшириқлар	
	Тавсия этиладиган адабиётлар	
6- БОБ.	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ВА ШТАТЛАР ЖАДВАЛИНИ ТУЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	303
6.1.	Олий таълим муассасалари харажатларини жон бошига молиялаштириш.....	305
6.2.	Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисоблаш.....	322

6.3.	Олий таълим муассасалари ходимларини рағбатлантирувчи ва компенсацияловчи устамалар ва қўшимча тўловлар.....	337
6.4.	Олий таълим муассасаларида ўриқдошлик асосида ва соатбай ишловчилар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш.....	344
6.5.	Олий таълим муассасалари стипендия жамғармасини ҳисоблаш.....	346
6.6.	Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» харажатларини ҳисоблаш.....	347
6.7.	Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси.....	357
	Назорат учун саволлар ва топшириқлар	
	Тавсия этиладиган адабиётлар	
	Иловалар	
7- БОБ.	ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАРОМАДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ТОПШИРИШ ҚОИДАЛАРИ.....	382
7.1.	Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари томонидан бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари даромадлардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш ва топшириш қоидалари.....	382
7.2.	Олий таълим муассасалари томонидан сетъ, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботларни тузиш ва топшириш тартиби.....	419
7.3.	ЎМКТ муассасалари томонидан сетъ, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар тузиш ва топшириш тартиби.....	425
	Назорат учун саволлар ва топшириқлар	
	Тавсия этиладиган адабиётлар	
	Глоссарий	

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар барча ёшларнинг таълим хизматларидан бир хилда фойдаланиши, ўқитувчилар малакаси ва таълимнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган. Таълим сифати ва самардорлигини ошириш билан бир қаторда тизимни режалаштириш ва молиявий таъминлаш масалалари ислоҳотлар марказида туради. Ҳозирги шароитда таълим муассасалари раҳбарлари кўплаб ташкилий, бошқарув, молиявий ва бошқа вазифаларни ҳал этишлари лозим. Ушбу вазифалар пировардида «Ресурсларнинг чекланганлиги шароитида қандай тўғри танловни амалга оширмак керак?» деган муаммога тақалади. Чекланганлик кишиларнинг барча эҳтиёжларини кондиритиш учун етарли миқдордаги ресурслар (пул, моддий, инсон)нинг йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун доимо маблағлардан фойдаланишнинг турли вариантлари ўртасида, бошқача айтганда, улардан фойдаланиш йўналишларида устуворликни аниқлаш зарурати туғилаверади. Ҳар қандай ижтимоий, иқтисодий соҳа тармоқлари корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари, менежерлари олдида шунга ўхшаш муаммо туради. Аммо ушбу муаммо ҳар бир соҳада ишлаб чиқариш ва кўрсатилаётган хизматлар, тармоқларнинг технологик ва ташкилий хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Шунинг учун таълим муассасалари раҳбарлари ва молия ходимлари умумий билимлардан ташқари таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборатлиги, улар муассасаларнинг бошқарув, режалаштириш ва молиявий таъминлаш жараёнларига қандай таъсир этишини билишлари зарур.

БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда бюджет тизими ислоҳоти» лойиҳаси кўмагида Республикамиз олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари ва Молия вазирлигининг юқори малакали мутахассислари томонидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланма узлуксиз таълим тизимининг турли типдаги муассасалари харажатларини режалаштириш масалаларини таҳлил этиш, ҳар бир таълим муассаса-

сига юклатилган вазифаларни сифатли ва кам харажатлар билан бажариш лозим бўлган ҳуқуқий-иқтисодий муҳитни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Ўқув қўлланма етти бобдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида харажатларни режалаштириш назарияси ва амалиёти масалаларини ақс эттиради.

Ўқув қўлланманинг 1-4-боблари Б.И.Нурмухамедова томонидан ёзилган бўлиб, Ўзбекистонда таълимга ажратилаётган харажатларни режалаштиришнинг умумий назарий асослари ёритиб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва унинг асосий босқичларига тавсиф берилган; таълим соҳаси харажатларини режалаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари молиялаштириш манбалари ва режалаштириш хусусиятларини инobatга олган ҳолда баён этилган; мамлакатда жон бошига молиялаштириш усулини жорий этишда эришилган ютуқларни, бюджет муассасалари харажатлар сметаларини тузиш хусусиятларини, ҳар бир харажат тури бўйича харажатлар сметасини тузиш тартибини батафсил тавсифлаш орқали молиялаштириш усуллари кўриб чиқилган.

Қўлланманинг 3-4-бобларида давлат мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари харажатлар сметаларини тузиш тартиби батафсил баён этилган.

Ўқув қўлланманинг 5-6-боблари профессор З.Х.Срожиддинова ва Б.Б.Сугирбаев томонидан ёзилган бўлиб, ушбу бобларда таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш тартиби ҳамда хусусиятлари батафсил ёритиб берилган. Хусусан:

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини жон бошига молиялаштириш; иш ҳақи жамгармасини ҳисоблаш, штатлар жадвалини шакллантириш, педагог ходимлар учун рағбатлантирувчи ва компенсацияловчи устамалар ҳамда қўшимча тўловлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўриндошлик асосида соатбай ишловчилар учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорини ҳисоблаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида харажатлар сметаларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби, бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш;

– олий таълим муассасалари харажатларини жон бошига молиялаштириш; штатдаги ходимлар меҳнат ҳақини ҳисоблаш, устама-

лар ва қўшимча тўловларни белгилаш, олий таълим муассасаларида ўриндошлик асосида соатбай ишловчилар учун соатбай ҳақ тўлаш; олий таълим муассасаларида стипендия жамғармасини ҳисоблаш; олий таълим муассасалари харажатлар сметасида IV гуруҳ харажатлари, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган «Бошқа харажатлар» ва олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва тақсимлаш хусусиятлари;

– олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари даромадлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва топшириш тартиби; олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар тузиш ҳамда топшириш тартиби.

Ўқув қўлланманинг ҳар бир бобида назорат учун саволлар ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган. Қўлланманинг сўнгида глоссарий берилган.

Муаллифлар БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўқув маркази раҳбариятига тегишли ўқув материаллари, жумладан, мазкур қўлланмани тайёрлашга билдирилган ишонч, шунингдек, Молия вазирлигининг етакчи мутахассислари ва тақризчиларга, хусусан, М.А.Хусаинов (Фан ва ижтимоий соҳани молиялаштириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи), Ж.Б.Абдусаматов (Давлат бюджети бош бошқармаси бош мутахассиси) ва проф. А.В. Вахабов ҳамда Ш.Усмоновларга қимматли маслаҳатлари ва тавсиялари учун алоҳида миннатдорчилик билдирадилар.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ: УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

1.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим, тарбия, кадрлар тайёрлаш ва касб-хунар таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтиш даврининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, таълим жараёнининг барча босқичлари: ўқув дастурлари билан таъминлаш, таълим муассасалари моддий-техник таъминоти, педагог ходимларни рағбатлантириш даражасининг пастлиги билан боғлиқ камчиликлар соҳада туб қайта ўзгаришларни тақозо этди. Ушбу ўзгаришларни амалга ошириш учун «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди (1.1-чизма).

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичида (1997 – 2001 й.) янги ўқув муассасалари тармоғини (академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари) яратиш, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув дарсликларининг янги авлодини яратиш ва нашр этиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришилди.

Дастурни амалга оширишнинг иккинчи босқичида (2001 – 2005 й.) биринчи босқичда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда куйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

а) ўрта махсус ва касб-хунарга йўналтирилган таълим билан бир қаторда базавий – умумий ўрта таълимни ҳам ривожлантириш;

б) таълим соҳасини жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш;

в) бошланғич таълимда ялғор ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш;

г) таълим тизимининг моддий-техник базасини яхшилаш;


д) педагог ходимларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш.

Ислохотларнинг учинчи босқичи (2006 йил ва кейинги йиллар) вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг 2004 йил 21 майдаги ПҚ-3431-сон Фармонига мувофиқ, 2004 – 2009 йилларда умумтаълим мактаблари тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилинди. Умуммиллий дастурлар доирасида республиканинг барча умумтаълим мактаблари моддий-техника ва спорт базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер техникаси, ўқув мебеллари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари ва амалга ошириш босқичлари

1.1-қизма



Манба: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, www.gov.uz

Таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш билан бир қаторда таълим тизимини молиявий таъминлаш масалалари ҳам соҳада амалга ошириляётган ислохотлар марказида туради. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини бажариш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2007 йил 26 февралдаги ПФ-3857-сон Фармони қабул қилиниши, унда белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, таълим муассасалари учун «пул ўқувчининг ортидан келади» тамойилига асослан-

ган, жон бошига молиялаштириш таълим тизиминига жорий этди, ўз ўрнида бундай ҳолат иқтисодий ва молиявий муаммоларини ечишда янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Замонавий таълим муассасаси аҳолига давлат томонидан қараланган таълим хизматларини тақдим этиш билан бир қаторда ўзгарувчан бозор шароитларида мустақил фаолият юритувчи иқтисодий субъект ҳисобланади. Бу ва бошқа масалалар мазкур бобнинг мазмунини белгилаб, Ўзбекистон фуқароларининг сифатли таълим хизматларига эга бўлиш борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ва таълим тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда таълим соҳаси

Бугунги кунда таълим тизими куйидаги таркибда фаолият юритмоқда (1.2-чизма):

- давлат таълим стандартларига (ДТС) мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг амал қилиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари ҳамда уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

1.2-чизма



Манба: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, www.gov.uz

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, таълим қуйидаги босқичларни қамраб олувчи ягона ва узлуксиз жараёндир (1.1-жадвал):

- мактабгача ёшдаги давлат ва нодавлат боғчалар таълим муассасаларида 6 – 7 ёшгача амалга ошириладиган таълим;
- 9 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим (мактаб);
- мажбурий ҳисобланган академик лицейлар ва (ёки) касб-ҳунар коллежларида амалга ошириладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (ўқиш муддати камида 3 йил);
- бакалаврият ва магистратура босқичларини қамраб олувчи олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим.

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим босқичлари

<i>Ёш</i>	<i>Таълим муассасасининг тури</i>		<i>Таълим босқичлари (даражалари)</i>
25 ва ундан юқори	Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар институтлари (3 йил давомида).		Олий таълимдан кейинги таълим
19 – 24	Олий таълимнинг касбий дастурлари (тиббиёт, ўқиш муддати 12 йилгача)	Магистратура (ўқиш муддати камида 2 йил) Бакалаврият Умумий олий таълим дастурлари (ўқиш муддати камида 4 йил)	Олий таълим
16 – 18	Академик лицей (ўқиш муддати 3 йил)	Касб-ҳунар коллежи (ўқиш муддати 3 йил)	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
11 – 15	Умумий ўрта таълим мактаби (ўқиш муддати 5 йил)		Умумий ўрта таълим
7 – 10	Бошланғич мактаб (ўқиш муддати 4 йил)		

	Мақтабгача таълим муассасаси	Мақтабгача таълим
4 – 6	II босқич	
2 – 3	I босқич	

Манба: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури www.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2010 йилда иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: «...энг муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурнинг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз, яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-хунарларга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш яқунланмоқда».¹

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш жараёнида 1536 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари, 9000 дан ортиқ умумтаълим мактаблари, 1800 та спорт заллари намунавий лойиҳалар бўйича қурилди ёки мукамал таъмирланди.

Таълим - жамиятнинг стратегик ресурси, давлат ва жамият қурилишининг муҳим, устувор йўналиши ҳисобланади, шу сабабли давлат таълим тизимини бошқаришда етакчи роль ўйнайди.

Давлат тамонидан таълим тизимини тартибга солишнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- таълим тизими мақсадларини аниқлаш;
- таълим тизимининг ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;
- таълим тизимини ресурслар билан таъминлаш ва молиялаштиришнинг бошқа манбаларини аниқлаш;

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.48.

- қўйилган мақсадларга эришиш жараёни мониторингини амалга ошириш.

Кенг маънода узлуксиз таълим тизимини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади мазкур соҳани ХХI асрда демократик жамият ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган тизимга айлантиришдан иборат.

Тор маънода эса ушбу мақсад барча ёшларга таълим хизматларидан бирдай фойдаланиш имконини бериш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва таълимнинг юқори сифатини таъминлашдан иборатдир.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсади ва стратегиясини белгилаш, ҳуқуқий-меъорий ва ресурс базасини шакллантириш мамлакатнинг олий бошқарув органлари – Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ваколатига киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим тизимининг умумий бошқарувини амалга оширади, унинг таркибида ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш, жумладан, таълим тизимидаги ислохотларни амалга ошириш учун масъул ҳисобланган Ахборот-таҳлилий департамент фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ислом университети каби айрим олий ўқув юртларининг, шунингдек, нуфузли хорижий халқаро олий ўқув юртларининг Ўзбекистондаги филиаллари бевосита бошқарувини амалга оширади. Бундан ташқари, Молия вазирлиги (молиялаштириш тизими), Иқтисодиёт вазирлиги (моддий-техника базасини ривожлантириш дастурлари, демографик прогнозлар, таълим муассасаларига, жумладан, давлат грантлари ҳисобидан қабул қилиш кўрсаткичлари ва дастурлари ва хоказолар) каби марказий иқтисодий идоралар ҳам таълим тизимини давлат томонидан бошқариш бўйича алоҳида ваколатларга эга.

Ўзбекистонда таълим муассасалари фаолияти устидан бевосита раҳбарлик қўйидаги икки вазирлик томонидан амалга оширилади: Халқ таълими вазирлиги (ХТВ) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ).

Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти учун масъул ҳисобланади. Бундан ташқари, ХТВ таркибига 5 та олий таълим муассасаси, 2 та ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва уларнинг жойлардаги 16 та филиаллари ҳам киради. Вазирлик марказий бошқарув аппаратида ташқари вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва услубий таъминлаш

бошқармалари ва бўлимларига эга.¹ Улар ўз ҳудудда жойлашган тегишли таълим муассасалари фаолиятига услубий раҳбарлик қилади. Уларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3857-сон қарорида белгилаб берилган. Мазкур қарор қабул қилингунга қадар, таълим муассасаларини молиялаштириш халқ таълимининг тегишли ҳудудий бошқарув органлари орқали амалга оширилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3857-сон қарорига мувофиқ халқ таълими муассасалари фаолиятини молиялаштириш бевосита ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилади. Уларнинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлимларининг топширилаётган марказлаштирилган бухгалтериялари ва марказлаштирилган хўжалик хизмати кўрсатиш гуруҳлари негизида халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари ташкил этилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (мазкур вазирлик таркибида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташкил этилган бўлиб, вазирликдан фарқли равишда ҳудудий бўлинмаларга эга) ва олий таълим муассасалари фаолияти учун масъулдир.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида таълим соҳаси учун, одатда, битта вазирлик масъул ҳисобланади. Ушбу вазирлик олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолияти мустақиллиги шароитида асосий эътиборни мактаб таълимига қаратади. Ўзбекистонда ислохотларнинг ҳозирги босқичида бир вақтнинг ўзида иккита вазирликнинг мавжуд бўлиши ва фаолият юритиши қуйидаги сабаблар билан изоҳланади²:

Аҳолининг умумий сониди мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар улушининг юқорилиги (31,5%), бундай вазият кўп сонли умумтаълим мактаблари ва болалар боғчаларини бошқаришни тақозо этмоқда (2012 йил бошида мактаблар сони 9763 тани, болалар боғчалари сони 4978 тани ташкил этган бўлиб, уларда 4,5 млн нафар мактаб ўқувчиси ўқийди, 530

¹ Улар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва улар қошида фаолият юритувчи услубхоналар, таълим стандартлари мониторинги бўлимлари (секторлар), ўқувчиларни касбга йўналтириш ва руҳий ташҳис қўйиш марказлари базасида ташкил этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 01.03.2011 й. 52-сон қарори).

² Ўзбекистонда таълим: талаб ва тақлиф муносиблиги. Инсон таракқиёти тўғрисида маъруза // UNDP/Uzbekistan – Тошкент, 2007/2008.

минг нафардан ортик мактабгача ёшдаги болалар тарбияланади, 416 минг нафар ўқитувчи ва 50 минг нафар тарбиячи меҳнат қилади)¹;

- мактаб таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кенг кўламдаги ислохотларнинг олиб борилаётганлиги, уларни амалга ошириш учун кўплаб бошқарув, интеллектуал ва инсон савий-ҳаракатининг талаб этилиши ва бошқалар.

Таълим харажатларини режалаштириш хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари

Мустақиллик йилларида таълим соҳасини молиялаштириш тизимида муайян ўзгаришлар учраган бўлса-да, давлат томонидан молиялаштириш принциплари сақланиб қолинди даражада фойдаланиш хусусиятларини сақлаб қолди. Ўзбекистонда таълим соҳасига ажратиладиган давлат харажатлари даражасининг юқори эканлиги демографик вазият (мамлакат аҳолисининг 60% дан ортигини болалар ва 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этади), Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилганидек, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тармоғининг кенгайиши, таълим секторини мустақкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган йирик миллий дастурларнинг амалга оширилиши каби омиллар билан боғлиқдир. Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон аҳолиси маълумотлилик даражаси бўйича дунёнинг тараққий этган мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллайди: жаҳонда аҳолининг маълумотлилик индекси ўртача 0,77 ни ташкил этгани ҳолда, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 0,99 га тенг.²

Умуман, таълим тизимини молиялаштиришга сарфланадиган маблағлар давлат ва нодавлат манбаларга бўлинади (1.3-чизма):

Молиялаштиришнинг давлат манбалари:

- давлат (республика ва маҳаллий) бюджети;
- давлат мақсадли фондлари.

Молиялаштиришнинг нодавлат манбалари:

- тўлов-шартнома асосида ўқишдан тушадиган маблағлар;
- таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган


¹ www.uzcd.uz

² Маълумотлар «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш стратегияси» лойиҳаси материалларидан келтирилган: <http://www.undp.uz>

ган даромадлар;

- хорижий кредитлар ва грантлар;
- ота-оналарнинг бадаллари, пулли таълимдан тушадиган кўшимча маблағлар;
- жамоатчилик ёрдами;
- бошқа хусусий манбалар (масалан, тадбиркорлар, хайрия ташкилотлари ва манфаатдор шахсларнинг ҳомийлик ёрдами).

1.3-чизма



Давлат бюджети давлат таълим муассасаларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бюджет харажатларининг ўртача 1/3 қисми таълим тизимини молиялаштиришга йўналтирилган. Масалан, таълимга ажратилган маблағлар 2008 йилда давлат бюджети харажатларининг 30,1% ни, 2009 йилда 31,0% ни, 2010 йилда 33,3% ни, 2011 йилда 39,7% ни ташкил этгани ҳолда, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 34,1% га тенг бўлди (1.2-жадвал). Ушбу харажатларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши ўртача 6,5 – 7,6% ни ташкил этади.

**Ўзбекистон Республикасида таълимга
йўналтирилган харажатлар
(фоизда)**

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й. (прогноз)
Давлат бюджети харажатлари (давлат бюджетига нисбатан фоизда)	30,1	31,0	33,3	34,7	34,1	34,1
Давлат бюджетидан таълимга сарфланаётган харажатларнинг ЯИМдаги улуши	6,5	6,9	7,2	7,6	7,5	7,4

Манба: www.mf.uz, www.uza.uz

Бундан ташқари, таълимга йўналтирилаётган бюджетдан ташқари давлат жамғармалари (Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси) маблағлари, қарз маблағлар (давлат таълим тизимини ривожлантириш учун сарфланадиган хорижий кредитларнинг қайтарилишини кафолатлайди) ва грантлар ҳам таълим тизимини молиялаштиришнинг давлат манбаларига киради. Ушбу маблағлар миқдори 2010 – 2011 йилларда бюджет маблағлари билан биргаликда ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан ўртача 8,3% ни ташкил этди.

Таълим муассасаларини сақлаш учун давлат бюджетидан маблағлар сметали молиялаштириш тамойиллари ва тартиби асосида ажратилади.

Смета асосида давлат бюджетидан молиялаштириш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- маблағларни сарфлашда иқтисод қилиш режимига амал қилиш, харажатлар минимумига интилиш;
- бюджет маблағларидан мақсадли (яъни олдиндан аниқланган ва келишилган мақсадлар учун) фойдаланиш;
- таълим муассасалари молия-хўжалик фаолияти устидан молия органларининг мунтазам назоратини амалга ошириш.

Бюджет соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 3 сентябрь 414-сон қарори билан ушбу соҳадаги муассасалар, жумладан, таълим муассасалари учун бюджетдан ташқари қўшимча даромадлар олиш ҳисобига молиялаштириш манбаларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 22.12.2009 йил. ПҚ-1245-сон қарорига мувофиқ, барча бюджет ташкилотлари 2015 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сон қарорида кўрсатилган манбалардан олинаётган даромадлар бўйича барча турдаги солиқлар ва йиғимлар ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг барча йўналишлари (таълим мазмунини янгилаш, таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар, тарбиячилар меҳнатини рағбатлантириш, таълим тизимини молиялаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш) ўзаро мустаҳкам боғлиқ ва туб ўзгаришларни талаб этмоқда. Бунда ҳар бир йўналишни амалга ошириш учун сарфланган куч ва харажатлар улар баравар, ўзаро бири-бирини тўлдирган ва қўллаб-қувватлаган ҳолда амалга оширилганда нисбатан юқори самара беради.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Таълим секторида туб қайта ўзгаришларни амалга ошириш ва «Таълим тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилинишини тақозо этувчи шарт-шароитларни тавсифлаб беринг.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг асосий босқичлари ва ҳар бир босқич вазифаларини санаб ўтинг. Ушбу вазифаларнинг бажарилиш даражасини тавсифлаб беринг.

3. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурини қабул қилишнинг асосий шарт-шароитларини айтинг.

4. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг асосий вазифаларини айтиб беринг.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими неча босқичдан иборат?

6. Узлуксиз таълим босқичларини санаб ўтинг ва тавсифланг.

7. Таълим тизимини давлат томонидан бошқариш нималарда намён бўлади, узлуксиз таълим соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади нима?

8. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини бошқаришни ҳукуматнинг қайси ваколатли ва ижро органлари амалга оширади?

9. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида таълим масалаларига масъул икки вазирликнинг бир вақтда фаолият юритиши қайси сабаблар орқали изоҳланади?

10. Таълимга харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш хусусиятлари нималардан иборат?

11. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини молиялаштириш манбаларини санаб ўтинг ва уларни тавсифлаб беринг.

12. Нима учун таълим муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади?

13. Ислохотларни амалга оширишнинг тегишли босқичларида таълим сектори молиявий ресурслари таркибида қандай ўзгаришлар юз берди?

14. Давлат бюджетидан молиялаштириш принципларини сананг.

15. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ислохотларнинг бошланишига асос бўлган меъёрий ҳужжатларни айтинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий:

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 29.08.1997 й. 464-І сон Қонуни.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 й. 463-І сон Қонуни билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 14.12.2000 й. 158-ІІ сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги 26.08.2004 й. 664-ІІ сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 – 2009 йилларда умумтаълим мактаблари тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги 21.05.2004 й. ПФ-3431-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги 26.02.2007 й. ПФ-3857-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2008 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлатга қаршли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.06.1999 й. 313-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибининг такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 07.06.2004 й. 263-сон қарори (маъжур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.02.2011 й. 42-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.05.2009 й. 139-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 01.03.2011 й. 52-сон қарори.

Каримов И.А. Асосий вазифамиз: Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Қўшимча:

Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза // UNDP/Uzbekistan Тошкент, 2007/2008.

Меъёрий-ҳуқуқий материаллар:

Биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари тўплами билан текин таъминлаш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.1997 й. 409-сон қарорига 1-илова).

Кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларини қишқи кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.1997 й. 409-сон қарорига 2-илова).

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим давлат муассасалари тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 25.10.2007 225-сон қарорига 1-илова).

1.2. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Бугунги кунда таълим соҳасини ривожлантиришнинг замонавий хусусиятлари, таълим муассасаларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ажратилган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи янги ва илғор усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Ушбу ҳолат давлат томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг бирламчи вазифаларига кирди ва у куйидагиларни таъминлашга йўналтирилади:

- таълим олиш имконияти;
- таълим сифати ва натижалари;

эҳтиёжлари бир хил ўқувчиларни маблағлар билан бир хил таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларни эса уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда маблағлар билан таъминлашни назарда тутувчи тенглик;

- ички ва ташқи самарадорлик.

Ҳар бир мамлакат ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, бюджет тизимининг хусусиятлари ва таълим тизимини бошқариш таъминларидан келиб чиқиб таълим соҳасини молиялаштиришнинг у ёки бу усулларини қўллайди. Шу билан бирга, аксарият таълим тизимларида таълим муассасаларини молиялаштиришнинг бир нечта кенг қўлланиладиган усулларини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга (2.1-чизма):

- *ўтган давр кўрсаткичлари асосида молиялаштириш* – бу усул ташкилот бюджетини ўтган давр харажатлари даражасида (инфляцияни ҳисобга олган ҳолда) мазкур муассаса молиялаштирилаётган тегишли бюджет имкониятларидан келиб чиқиб аниқлашни кўзда тутуди;

- *алоҳида шартномалар асосида молиялаштириш* – ҳар бир таълим муассасаси белгиланган мезонларга мувофиқ зарур ресурсларга бўлган ўз эҳтиёжларини асослаб бериши лозим. Ушбу ресурсларга берган буюртмаси талабларга мос келгандагина эга бўлади;

- *харажатлар асосида молиялаштириш* – ўзининг фаолиятини бажариш учун ташкилот томонидан сарфланган харажатларни коплаш, яъни бинолар, иншоотларни сақлаш, уларни

жорий таъмирлаш, ишчи-ходимлар иш ҳақини тўлаш ва ҳ.к. (бундай усул «харажатли» ҳисобланиб, ҳозирги даврга қадар Ўзбекистон таълим муассасаларини бюджет томонидан молиялаштириш амалиётида устуворлик қилмоқда);

• *формула асосида молиялаштириш* – бу усул молиявий маблағларни белгиланган меъёрлар тизимини ҳар бир таълим муассасасига маълум тартибда қўллаш ва ошқора асосида тақсимлаш имконини беради. Молиялаштириш формуласи:

- ҳар бир ташкилотда ажратилаётган ресурслар миқдори;
- ресурслар миқдорини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган омилларни аниқлаш имконини яратади.

1.4-чизма



Охирги ўн йилликларда формула асосида молиялаштиришга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ушбу усул кўпгина мамлакатларда ресурсларни адолатли тақсимлаш мақсадида таълим муассасалари учун у ёки бу даражада қўлланилади. Молиялаштириш формуласини давлат ва таълим ташкилоти ўртасидаги ўзига хос келишув сифатида кўриш мумкинки, унга кўра, таълим ташкилотлари зарур таълим натижаларини таъминлаш ва таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келишилган миқдордаги молиявий маблағлар билан таъминланадилар.

Мактабларни жон бошига молиялаштириш формуласи ривожланган (масалан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия), ривожланаётган (Чили) ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида (Арманистон) қўлланилмоқда.¹ Бюджет маблағларини таълим

¹ Программный обзор государственных расходов. Варианты подушевого финансирования в сфере общего образования в Узбекистане. Август 2006 г. Департамент сокращения уровня

соҳасига тақсимлашда жон бошига молиялаштириш формулаларини қўллаш маблағларни бир текис тақсимлаш, улардан оқилона, самарали, ошқора фойдаланиш ва олдиндан башорат қилиш каби афзалликларга эга.

Таълим муассасаларини жон бошига молиялаштириш

Харажатларни жон бошига молиялаштиришнинг мазмуни ва афзалликлари. Аввало, куйидаги саволга аниқ ва тўлиқ жавоб бериш мақсадга мувофиқ: таълим тизимида жон бошига молиялаштириш деганда нима тушунилади?

Таълим муассасаларини жон бошига молиялаштириш – бир ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) учун ўрнатилган харажатлар меъёрлари, ўқувчилар сони ва таълим муассасалари хусусиятларини акс эттирувчи махсус коэффицентларга асосланган молиялаштириш тизими.

Ҳозирги даврда жон бошига молиялаштириш турли хил вариантларда умумий таълим тизимида кенг қўлланилмоқда (асосан, ўрта таълим муассасаларида). Кўпгина давлатларда, айниқса, МДХ мамлакатларида (Арманистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон) маблағлар бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатлари меъёридан келиб чиққан ҳолда берилади. Молиялаштириш формуласининг асосини ўзгарувчи кўрсаткичлар ташкил этади ва улар ёрдамида куйидаги маблағлар ҳисобланади:

- ўқувчиларнинг базавий таълими учун маблағлар, бунда молиялаштириш формуласи ўз ичига турли синфлар ва турли типдаги мактабларда таълим қийматини акс эттирувчи турли коэффицентларни олиши мумкин;

- алоҳида мактабларда таълим олиш ёки айрим фанлар чуқур ўргатиладиган мактаблар харажатларини аниқлаш;

- ривожланишда нуқсони бор, ногиронлик, тилни яхши билмайдиган, ижтимоий-иқтисодий шароитлари оғир ўқувчиларнинг кўшимча эҳтиёжлари учун маблағлар ҳажмини аниқлаш;

- мактабнинг ҳажми ёки жойлашуви (алоҳида ажралиб қолган

бедности и управления экономикой. Регион Европы и Центральной Азии. Документ Всемирного банка.

мактаблар ёки аҳоли пунктлари, мактабларнинг ўқувчилар билан таъминланган, мактаб хоналари ва ҳовлилари, уларнинг жисмоний тавсифлари ва ҳоказо) боғлиқ тавсифларни молиялаштириш.

Юқорида санаб ўтилган ўзгарувчи кўрсаткичларнинг молиялаштириш формуласига киритилиши ресурсларни барча ўқувчилар ўртасида тенг тақсимлаш имконини беради. Аммо ресурсларни жон бошига молиялаштириш асосида тақсимлашнинг самарадорлигини таъминлаш учун таълимнинг белгиланган даражасини таъминлаш, ресурслар миқдори ва нархидан келиб чиққан ҳолда уларнинг миқдорий таҳлилини олиб бориш зарур. Акс ҳолда, сарфланаётган харажатлар ва таълим сифати ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш қийин кечади.

«Пул ўқувчининг ортидан келади» тамойили бўйича жон бошига молиялаштиришга асосланган бюджет маблағларини тақсимлашнинг муқобил механизмини танлаш қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- бюджетни тақсимлаш жараёнларининг ошкоралиги, объективлиги ва башоратлилигини ошириш, уни тузиш ва тасдиқлашда келишувлар учун кетадиган вақтни қисқартириш;
- молиялаштиришнинг химмат усулларидадан воз кечиш;
- маҳаллий даражада мактаблар тармоғини таркибий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш дастурлари доирасида молиявий маблағларни тақсимлаш тизимини «яшовчанлик қобилиятига эга бўлмаган» (мактаб ёшидаги болалар сонининг аста-секинлик билан қисқариши билан боғлиқ) мактабларни ҳисобга олган ҳолда яхшилаш;
- мактаблар даражасида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жамоатчилик ва ота-оналар олдида ҳисобот бериш тизимини яхшилаш.

Мазкур схема бўйича молиялаштиришнинг энг содда шаклида мактаблар ўртасида бюджет маблағларининг аниқ миқдорини тақсимлаш фақат таълим муассасаси ҳисобида турган ўқувчилар сонига боғлиқ: ҳар бир мактаб ҳар бир ўқувчиси учун бир хил миқдорда маблағ олади. Амалиётда, одатда, формулага мактаблар типи ва жойлашган жойига боғлиқ омилларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади. Таълим тизимида жон бошига молиялаштириш формуласи қўлланиладиган мамлакатларда қайси коэффициентларни қўллаш ло-

зимлиги, турли омилларни ҳисобга олиш учун уларнинг сони қанча бўлиши кераклиги борасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Масалан, Россияда қуйидаги омилларни ҳисобга олувчи коэффициентлар қўлланилади¹:

- мактабларнинг жойлашишидаги фарқлар (шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари);
- мактаблар ҳажмидаги фарқлар;
- таълим турлари ўртасидаги фарқлар (касб-хунар, умумий, бошланғич ва ҳ.к.);
- ақлий ривожланишида нуқсони бор болалар учун махсус дастурларни амалга ошириш;
- соғлиғи бўйича имкониятлари чекланган болаларни уйда ўқитиш хизматларини таклиф этиш;
- айрим фанлар чуқур ўргатиладиган дастурларни амалга ошириш;
- «онлавий таълим» дастурларини амалга ошириш.

Муайян бир мактабга ажратиладиган маблағлар миқдори (коэффициентлар қўлланилган ҳолда ҳам), ўқувчилар сонидан ташқари қатор бошқа омилларга-да боғлиқ бўлади. Шунга қарамай, ушбу усулда мактабларга миқдорий объективлик ва ошқоралик тамойиллари асосида аниқланган маблағлар ажратилади. Формулаларни ишлаб чиқишда коэффициентлар қанча кўп қўлланилса, у ҳисоб-китоб қилиш ва тушунишда шунчалик мураккаблик туғдириши мумкин. Бу ҳол эса жон бошига молиялаштириш тамойилларига зид эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистонда жон бошига молиялаштириш тажрибасини жорий этиш. Бюджет соҳасининг барча ташкилотлари сингари, таълим муассасалари ҳам ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарур маблағларнинг етишмаслиги муаммосига дуч келадилар. Ушбу муаммолар (муассасалар сметалари, фаолият натижасидан қатъи назар, синфлар сони, ўқув соатлари миқдори, квадрат метрлардаги майдон, ўтган йил харажатлари каби натурал ва қиймат меъёрларидан фойдаланиб тузиш билан боғлиқ бўлган) бюджет маблағларига эҳтиёжни анъанавий тартибда аниқлаш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Муассаса томонидан ҳисобланган бюджет маблағларига эҳтиёж

¹ Финансирование школьного образования в Российской Федерации: опыт и проблемы. Всемирный банк/НФПК. – М.: Алекс, 2005. – С.16.

махаллий (худудий) молия ёки бошқарув даражасида кўриб чиқилади ва унга бюджет имкониятларидан келиб чиқиб тузатишлар киритилади. Бунда таълим учун ажратилаётган бюджет маблағларининг ҳақиқий миқдори аксарият ҳолларда муассаса томонидан аниқланган ва ҳисоблаб чиқарилган эҳтиёжга нисбатан анча кам бўлади. Муайян муассасанинг тасдиқланган бюджети моддалар бўйича тақсимланган харажатлар рўйхатидан иборат бўлади. Муассасалар ушбу рўйхатга мувофиқ харажатларнинг ҳар бир моддаси бўйича ойма-ой бюджет маблағларини оладилар.

Харажат моддалари асосида бюджетдан молиялаштириш усули таълим муассасалари раҳбарларининг маблағларни тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш мустақиллигини чеклаб қўяди, бу эса улар томонидан ўз эҳтиёжлари учун харажатларини режалаштирганда маблағларни ошириб кўрсатиш манфаатдорлигини юзага чиқаради.

Молиялаштиришнинг ушбу тизимини қўллаш таълим муассасаларини бошқариш мустақиллигининг чекланишига олиб келади. Муассасаларнинг тузилмаси ва ходимлар таркибини тартибга солувчи нормативлар ҳамда қатъий моддалар бўйича белгиланган бюджетлар маблағларни қайта тақсимлашда етарлича эгилувчанлик бермайди. Шу сабабли улар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун ўз ресурсларини бошқаришни яхшилашда чекланган имкониятларга ва арзимас манфаатдорликка эгадир.

Таълим соҳасини, яъни режалаштириш ва молиялаштириш механизмларига замонавий усулларни киритиш мақсадида 2008 йилдан бошлаб тажриба сифатида, ҳамда ўрганилган жаҳон тажрибасининг илмий асосланган ва бюджет маблағларидан фойдаланилганда самарали ва натижавий усулларни қўллашнинг илғор усулларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган жон бошига молиялаштириш усули асосан Тошкент вилоят Оққўрғон туманида синовдан ўтказилди.

Лойиҳанинг мақсади Оққўрғон тумани таълим муассасалари базида бюджет ресурсларини бошқариш ва бюджетни шакллантиришнинг муқобил механизмларини жорий этиш бўйича тажриба ўтказиш эди. Тажриба натижалари ва олинган хулосалардан таълим тизимини молиялаштириш соҳасида миллий сиёсатни ишлаб чиқишда фойдаланиш кўзда тутилган.

Тажриба лойиҳасини амалга ошириш 2005 йилнинг январь ойида

Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг «2005 йилда Тошкент вилояти Оққўрғон туманида умумтаълим муассасаларини жон бошига молиялаштириш усулини такомиллаштириш бўйича тажриба ўтказиш тўғрисида»ги 18/1-сон қарорининг имзола-ниши билан бошланди.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрь 251-сон қарори қабул қилинди, «Мақтаб таъли-мини ривожлантириш» инвестиция лойиҳасининг техник-иктисодий ҳисоб-китоби (ТИХ) ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 414-сон қарорига ўзгартиришлар киритил-ди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2008 йилдаги асосий макрониктисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон қарори қабул қилинди. Таълим муассасалари молияси масалаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ушбу ўзгаришлар таълим муассасалари мақоми, уларнинг харажатларини режалашти-риш, харажатлар тўлови, харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш масалаларига тегишли бўлиб, улар таълим тизимига жон бошига мо-лиялаштириш усулини босқичма-босқич жорий этишни жадаллаш-тирди.

Жаҳон банки кўмагида Халқ таълими вазирлиги томонидан амал а оширилган инвестиция лойиҳасининг муҳим компонентларидан бири «Таълим соҳасида бюджетни тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув, молиялаштириш тизимини такомиллаштириш» ҳисобланади. Ушбу компонент вазифалари қаторига «дастурнинг иккинчи босқичи даво-мида Бухоро вилоятида жон бошига молиялаштириш усулини жорий этишда асос бўладиган жон бошига молиялаштиришнинг тегишли формуласини шакллантириш ва уни амалга ошириш режасини иш-лаб чиқиш, ўқув курслари материалларини тайёрлаш ва барча зарур ҳукукий-институционал шарт-шароитларни яратиш»¹ каби вазифалар кирди. Ушбу вазифалар таълим секторида жон бошига молиялашти-ришни кенгайтириш учун асос бўлиши лозим эди».

Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республика-си Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 14.03.2008 й. 24/8-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2005 й. 251-сон қарори қабул қилинди. «Мақтаб таълимини ривожлантириш» инвестиция лойиҳаси ТИХ материалларидан.

қўшма қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумтаълим муассасалари ўз бюджетларини харажатларнинг базавий меъёрлари асосида ҳисоблашга ўтдилар.

Бошқа мамлакатлардаги каби бир нафар ўқувчи жон бошига молиялаштириш натижаларини баҳолаш жараёни ўзига ҳос объектив мураккабликларга эгадир. Жон бошига молиялаштириш формуласи мактаб таълими самарадорлигини оширишга кўмаклашиши учун, маблағлар таълимнинг пировард натижалари бўйича тақсимланиши зарур. Аммо бу натижаларни баҳолаш жуда мураккаб: улар турлича бўлиши, аниқлашда қийинчиликлар туғдириши ва ҳар доим ҳам миқдорий жиҳатдан ўлчанмаслиги мумкин. Миқдорий жиҳатдан ўлчаниши мумкин бўлган натижалар (масалан, имтиҳонлар ва назорат ишлари бўйича натижалар) муайян даражада ўқувчилар, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва қобилиятларига, айрим ҳолларда эса улар субъектив омилларга ҳам боғлиқ. Шу сабабли уларни таққослаш учун мураккаб статистик ҳисоб-китоблар ва махсус тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистонда таълим секторида жон бошига молиялаштириш усулини босқичма-босқич ва барча ҳудудларда жорий этиш учун зарур шароитлар яратилмоқда (1.3-жадвал). Барча умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларига юридик шахс мақоми берилиши, умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш ва мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчини тарбиялаш харажатларининг базавий меъёрларини жорий этиш шартларини қатъий белгиловчи ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги муҳим қадам ҳисобланади.

Харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиқиб таълим муассасалари харажатларини режалаштиришга асосланган жон бошига молиялаштиришни жорий этиш босқичлари

№	Жорий этилган йил	Асос	Минтақа (вилоят/ шаҳар)	Муассаса тури
1	2008 йил	Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг «2008 йил учун Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумтаълим муассасаларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 14.03.2008 й. 24/8-сон қўшма қарори	Бухоро, Фарғона, Тошкент ш.	Умумтаълим мактаблари
2	2009 йил	Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг «2009 йил учун Бухоро, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 16.04.2009 й. 24/8-сон қарори	Бухоро, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Хоразм, Тошкент ш.	Умумтаълим мактаблари
3	2010 йил	Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 28.04.2010 й. 34/16, 35/15-сон қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 14.04.2011 й. 24/8-сон қарори	Барча минтақалар	Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари
4	2010 йил	Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 20.08.2010 й. 67/329-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 26.08.2012 й. 2136-сон билан рўйхатга олинган	Барча минтақалар	Олий таълим муассасалари
5	2011 йил	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 22.03.2011 й. 25/08-сон қўшма қарори	Барча минтақалар	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 29.12.2008 й. ПҚП-1024-сон қарорининг 20-бандини бажариш мақсадида Молия ва Халқ таълими вазирликлари 2009 йил апрелда «2009 йил учун Бухоро, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий меъёрлари»ни тасдиқлади. Шу тариқа 2009 йилда умумтаълим мактаблари харажатларини бюджет ҳисобидан режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартиби (Бухоро, Фарғона ва Тошкент шаҳри билан бирга) Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари муассасаларига ҳам жорий этилди.

2010 йилга келиб республиканинг барча умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари ўз бюджетларини харажатларнинг базавий меъёрлари асосида туздилар.¹

2010 – 2011 йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари ўз харажатларини бир нафар талабани (ўқувчини) ўқитиш харажатларининг базавий меъёрларидан келиб чиқиб норматив режалаштириш тизимига ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари «Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом»ни² тасдиқлади. Низомга мувофиқ, харажатларнинг базавий нормативлари ва унга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида бюджет маблағлари ҳажмини аниқлашнинг тубдан янги тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 22.03.2011 й. 25/08-сон қўшма қарори қабул қилиниши ва 2011 йил учун бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тўғрисидаги Низомнинг тасдиқланиши ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 28.04.2010 й. 34/16, 35/15-сон қарорлари.

² Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 20.08.2010 й. 67/329-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 26.08.2010 й. 2136-сон билан рўйхатга олинган.

бюджет маблағлари миқдорини жон бошига молиялаштириш асосида аниқлаш борасида навбатдаги қадам бўлди.

Ҳозирги вақтда жон бошига молиялаштириш шароитида ишлаш учун зарур тайёргарликдан ўтган ходимларга бўлган эҳтиёж Молия вазирлигининг ўқув маркази, олий таълим муассасалари қошидаги иқтисодчи ходимлар малакасини ошириш институтлари ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган турли халқаро лойиҳалар фаолиятлари орқали қондирилмоқда. Шунга қарамай, ўзгаришларга тайёрликни рағбатлантириш учун ҳамкорликдаги аниқ фаолият зарур. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, янги тизимнинг жорий этилишидан келадиган ижобий натижалар сезиларли даражага етиши учун муайян вақт талаб қилинади.

Харажатлар сметаси асосида молиялаштириш

Бюджет ташкилотларининг молиявий ресурсларини бошқариш бошқарув тизимининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. У таълим муассасалари хўжалик ва молиявий мустақиллигининг кенгайтиши шароитларида алоҳида, устувор аҳамият касб этади.

Таълим хизматларининг улкан ижтимоий аҳамияти, бошланғич, ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг давлат томонидан қафолатланганлиги ушбу соҳа фаолиятини давлат томонидан қатъий тартибга солишни тақозо этади. Таълим муассасалари даромадлари ва харажатларининг йўналишлари ҳам давлат томонидан тартибга солиш соҳасига киради.

Аксарият таълим муассасалари нотижорат ташкилотлари (асосий мақсади фойда олишга қаратилмаган) ҳисобланади. Шунинг учун уларда ўз капиталини кўпайтириш, асосан, фондларни шакллантириш орқали амалга оширилади: асосий воситалар фонди, кам баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар фонди, номоддий активлар фонди ва бошқа (тегишли активларни сотиб олиш ва ҳисобга киритиш бўйича) фондлар.

Ушбу хусусиятлар таълим хизматларининг табиати билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида, таълим муассасалари молиявий-хўжалик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини тақозо этади. Бу ҳолат ташкилотда молиявий менежментни йўлга қўйишга бевосита таъсир кўрсатади.

Ташкилотларни молиявий бошқаришда молияни режалаштириш алоҳида аҳамиятга эга, у муассаса бюджетини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Ушбу усул режа йили учун молиявий ре-

сурслар ҳажми, уларнинг асосий манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини олдиндан аниқлаш ҳамда уларни ташкилот хўжалик фаолиятининг бошқа жиҳатлари билан боғлаш, имконини беради. Аммо, асосан, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, сметали молиялаштириш тартиби ва қоидаларига бўйсунадиган таълим муассасаларида «бюджет» тушунчаси моҳиятан «харажатлар сметаси» тушунчасига мос келишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Муассасанинг харажатлар сметаси асосий молиявий ҳужжат ҳисобланади. Унга мувофиқ, муассасанинг тегишли ижтимоий (масалан, таълим) хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун маблағлар ажратилади. Халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг тармоқларга бўлинган тизими бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибига мувофиқ республика, вилоят, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан (идоравий ва ҳудудий бўйсинувига боғлиқ ҳолда) молиялаштирилади. Бунда юридик мақомга эга ташкилотлар ўз молиявий режаларини мустақил равишда харажатлар сметаси кўринишида ишлаб чиқадилар ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлайдилар.

Молиялаштиришда бюджет манбаларининг мавжудлиги таълим муассасаларининг бюджет қонунчилигига бўйсунушига олиб келади. Бу ҳол ушбу муассасаларда молиявий менежментни йўлга қўйишда қуйидаги қатор хусусиятларнинг мавжуд бўлишини белгилаб беради:

- муассасалар хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида зарур маблағлар ва мол-мулк билан таъминланадилар (яъни муассасага тегишли мол-мулк эгаси давлат ҳисобланади ва ундан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш имкониятлари чекланган);

- амалдаги қонунчиликка кўра, таълим муассасалари барча бюджет ташкилотлари сингари бюджетдан ташқари фаолиятини (бюджет фаолияти каби) амалдаги бюджет таснифи бўйича тузиладиган даромадлар ва харажатлар сметасига, қолаверса, бундан келиб чиқадиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи хусусиятларига мувофиқ амалга оширадилар;

- смета даромадлари ва харажатлари (бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар билан биргаликда) билан боғлиқ бирламчи ҳужжатларни расмийлаштиришда қатор чекловлар мавжуд.

Таълим муассасалари учун бюджет маблағларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини моли-

ялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сон қарори билан қўшимча даромадлар топиш ҳисобидан молиялаштириш манбаларини кенгайтириш кўзда тутилган. Уларга қуйидагилар киради:

- давлат таълим муассасалари томонидан пулли хизматлар кўрсатиш¹;

- бюджет ташкилотлари томонидан ўзга ташкилотларга вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ижарага бериш;

- ҳомийлик ва ҳайрия ёрдами;

- қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Пулли хизматларни жори йўтишда ташкилотлар аниқ шарт-шароитлар, моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти имкониятларидан келиб чиқиши зарур. Масалан, таълим муассасалари қуйидаги қўшимча хизматларни кўрсатиши мумкин: концертлар, мактаб ҳаваскорлик спектакллари ташкил этиш; пулли ўқув курслари, қўшимча пулли машгулотлар ташкил этиш; пулли спорт секциялари ва клублари очиш; қонунчиликда тақиқланмаган ва фаолият йўналишига мос келувчи наشريёт, консалтинг ва бошқа хизматлар кўрсатиш. Бунда ҳар бир ташкилот бюджетдан ташқари пулли фаолиятни таъминлаб берувчи ичқи ҳужжатларни ишлаб чиқади ва амалга киритади. Муассасанинг бюджетдан ташқари пулли фаолияти белги-ланган меъёр ва нормативлар асосида амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета муассаса учун тасдиқланган нарх ва тарифлар, режалаштирилаётган хизматлар ҳажми ва уни бажариш учун харажатлардан келиб чиқиб тузилади ҳамда юқори ташкилот томонидан тасдиқланади. Ташкилотлар пулли хизматлар кўрсатиш бўйича барча фаолиятни мустақил амалга оширадilar, аммо бунда қуйидаги талабларга риоя этишлари лозим:

- касбий фаолияти бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- хавфсизлик, экология, санитария ва гигиена, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш;

¹ Таълим муассасаларида ишлаб чиқариш ва товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан қўшимча даромадларни жалб этиш жараёни Бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби билан тартибга солинади (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 4.01.2000 й. тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 25.01.2000 й. 880-сон билан рўйхатга олинган).

- бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг амалдаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш;

- ўз фаолияти тўғрисида тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатда ҳисобот бериб бориш.

Пулли хизматлар кўрсатиш бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда ҳисоб-китоблар қуйидагича амалга оширилади:

- жисмоний шахслар билан – нақд ёки нақд бўлмаган шаклда;
- юридик шахслар билан – фақат нақд бўлмаган шаклда.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ўзга ташкилотларга ижарага беришдан қўшимча маблағлар жалб этиши мумкин. Ижара объектларига бинолар, иншоотлар (уларнинг юксаклари), иморатлар, транспорт воситалари ва ташкилотга тегишли ҳамда унинг балансида турувчи бошқа мол-мулклар кирди. Раҳбарлар ижара шартномасини тузишда мол-мулкни ижарага бериш ва уни кейинчалик эксплуатация қилиш кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда ҳажмига таъсир кўрсатмаслиги ва асосий фаолият тури бўйича харажатларнинг олиб кетмаслигини назорат қилишлари лозим.

Муассасага маблағлар жалб этишнинг яна бир муҳим манбаи юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия ёрдами ҳисобланади. Муассаса раҳбарлари ўз ташкилотларининг иқтисодий фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилар эканлар, жамоатчилик, ота-оналар, корхоналар ва ташкилотлар – кадрлар буюртмачилари, тадбиркорлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан фаол ишлашлари, уларни кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини янада оширишни назарда тутувчи стратегик ва тактик мақсадларининг реаллиги ва амалга ошириш мумкинлигига ишонтира олишлари зарур.


Ташкилот раҳбарлари муассаса ихтиёридаги бюджет ва бюджетдан тапқари маблағларни тақсимловчилар ҳисобланади ва уларнинг мақсадли ишлатилиши учун масъулдирлар. Қолаверса, қўшимча даромадлар олиш билан боғлиқ фаолият бюджет ажратмалари ҳисобидан кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва сифатига путур етказмаслиги устидан назорат олиб боришга мажбурлар.

Юқорида санаб ўтилган бюджетдан тапқари маблағлар, шунингдек, бюджетдан молиялаштириш бўйича иқтисод килинган маблағлар (чорак/йилнинг охириги иш қуни учун) юқорида номи келтирилган ҳукумат

қарорига мувофиқ ташкил этилган Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари ҳисобланади.

Харажатлар сметасининг мазмуни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга¹ мувофиқ, бюджет ташкилотлари харажатлари тасдиқланган бюджет ажратмалари доирасида ва харажатлар сметасида кўрсатилган мақсадлар учун амалга оширилади. Харажатлар сметаси ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бўйича кўзда тутилган бюджетдан ажратилган маблағлар акс эттирилади.

1.5-чизма



Юридик шахс мақомига эга ва ўз харажатларини қоплаш учун бюджетдан ажратилган маблағлардан ташқари бошқа даромад манбалари мавжуд бўлган ташкилотлар бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни ҳам тузадилар. Бюджетдан ташқари маблағлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган.

бўйича смета ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузилдиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағлардан қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади.

Масалан, олий таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида таълим олишнинг тўлов-шартнома шакли ва тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга¹ мувофиқ тўлов-шартнома асосида давлат таълим стандартлари ва дастурлари доирасида таълим хизматларини кўрсатади. Таълим олиш учун тўлов-шартнома асосида тушиётган даромадлар олий таълим муассасалари томонидан қуйидаги мақсадларда сарфланади: тўлов-шартнома асосида ўқиётган талабаларнинг жорий таъминоти; моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқув жараёнини жиҳозлаш; асбоб-ускуналар сотиб олиш; ётоқхоналарни юмшоқ инвентарлар билан жиҳозлаш; маънавий-тарбиявий ва спорт тадбирларини ўтказиш; ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, моддий рағбатлантириш ва бошқалар. Олий таълим муассасалари томонидан ҳар йили (календарь йили учун) тўлов-шартнома асосида таълим олиш учун тўловлардаги тушган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ишлаб чиқилади. Сметалар бўйича тегишли харажатларни молиялантириш (тўловларни тўлаш) тўловларни амалга ошириш кетма-кетлигини ҳисобга олиб, амалдаги қонунчиликка қатъий риоя ўтган ҳолда амалга оширилади.

Ташкилотлар, агарда қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мустақил равишда харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани, шунингдек, штатлар жадвалини тасдиқланган ташкилий тузилма, штат бирликлари, намунавий штатлар ва бюджетдан молиялаштириш меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фирмойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, те-

¹ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига даъуд бўйича давлат комиссияси томонидан 24.07.1999 й. тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 6.08.1999 й. 795-сон билан рўйхатга олинган.

гишли ҳокимиятларнинг уларга берилган тегишли ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидаги қарор ҳамда фармойишларида кўзда тутилган харажатлар киритилади.

Харажатлар сметаси ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бир йиллик муддатга – 1 январдан 31 декабргача мавсумий ёки жорий йилда ишга тушириладиган ташкилотлар бўйича эса уларнинг мазкур молия йилидаги фаолият кўрсатиш муддатига тузилади ва амал қилади.

Бундан ташқари, режалаштириладиган йилда вазирликлар, идоралар, ҳокимият бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлашган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар бўйича ташкилотларнинг марказлашган (мақсадли) тадбирлари учун харажатлар сметаси тузилади. Масалан, бу вазирликлар ва идоралар даражасида биринчи синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари, кам таъминланган оилалар болаларини қишки кийим билан таъминлаш, семинарлар, олимпиадалар, конкурслар ва бошқа умумреспублика тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар бўлиши мумкин. Ушбу тадбирлар бўйича ҳисоб-китоблар марказлашган тадбирлар бўйича сметага илова қилинади.

Агар кейинги молия йили учун давлат бюджети йил бошлангунга қадар қабул қилинмаган бўлса, харажатлар (давлат бюджети қабул қилингунгача) ташкилотлар томонидан вақтинчалик харажатлар сметаси асосида амалга оширилади. Вақтинчалик харажатлар сметаси ташкилотларнинг харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи ҳужжат бўлиб, унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликдаги ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ҳар ойда аввалги молия йилининг охиригича қорғидаги бюджетдан ажратилган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдордаги бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади. Ташкилотларнинг харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси ҳамда штатлар жадвали қонда тарикасида минг сўмда ҳисобланади. Сметалар бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Бунда ҳудуднинг (туман, шаҳар) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳисобга олинади ва маблағларни иқтисод қилиш режимида қатъий риоя этилади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Таълим муассасаларини молиялаштиришда маблағлардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи ва таълим сифатини оширувчи усулларни айтиб ўтинг.
2. Аксарият таълим тизимларида муассасаларга ресурсларни тақдим этишнинг қайси усуллари қўлланилади? Уларнинг афзаллик ва камчиликлари нималардан иборат?
3. Таълим муассасаларини жон бошига молиялаштириш нима? Унинг афзаллиги нимада?
4. Ўзбекистон Республикасида жон бошига молиялаштиришни жорий этишнинг босқичлари ва асосий натижаларини изоҳлаб беринг.
5. Таълим муассасаларини харажатлар сметаси асосида молиялаштиришнинг мазмуни ва хусусиятларини тушунтириб беринг.
6. Харажатлар сметасининг мазмуни ва аҳамиятини тушунтиринг.
7. Бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштиришда сметаларнинг қайси турлари қўлланилади ва уларга хос хусусиятлар нималардан иборат?
8. Қайси ҳолатларда вақтинчалик харажатлар сметасидан фойдаланилади?
9. Бюджет ташкилотларида харажатларни режалаштиришни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлари қайсилар?
10. Амалиёт таҳлили асосида бюджет соҳасида смета асосида режалаштириш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш йўлларини аниқланг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий:

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 14.12.2000 й. 158-II сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.05.2009 й. 139-сон қарори.

Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. – Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Қўшимча:

Финансирование школьного образования в Российской Федерации: опыт и проблемы. Всемирный банк/НФПК. – М.: Алекс, 2005.

Доклад о человеческом развитии. Узбекистан – 2005. Децентрализация и человеческое развитие. ПРООН, ЦЭИ, 2005.

ТЭР инвестиционного проекта «Развитие школьного образования», разработанный в соответствии с постановлением КМ РУз от 15.11.2005 г. №251.

Программный обзор государственных расходов. Варианты подушевого финансирования в сфере общего образования в Узбекистане. Август 2006 г. Департамент сокращения уровня бедности и управления экономикой. Регион Европы и Центральной Азии. Документ Всемирного банка.

Практическое пособие по финансированию и управлению для руководителей общеобразовательных школ. – Ташкент: МНО/USAID, 2007.

Меърий-ҳуқуқий материаллар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларда кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, бюджетлар ижроси жа-раёнида киритиладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш, бюджетда на-зарда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тар-тиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг 26.03.2001 й. 29-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда 12.04.2001 й. 1025-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиришлар билан).

Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазириликларининг «2005 йили Тошкент вилояти Оққўрғон туманида умумтаълим муассасаларини жон бошига молиялаштириш усулини такомиллаш-тириш бўйича тажриба ўтказиш тўғрисида»ги 18/1-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг 20.08.2010 йил. 65-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетда турувчи ташкилот-ларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Ни-зом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири-ликда 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

2-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ қуйидаги харажат гуруҳлари бўйича тузилади:

I гуруҳ – Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар.

II гуруҳ – Иш берувчиларнинг ажратмалари.

IV гуруҳ – Бошқа харажатлар.

Барча бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга (кейинги ўринларда 2157-сон Низом) мувофиқ тузилади ва IV гуруҳ харажатларининг тўлиқ ёйилмаси ва ҳисоб-китобларини ўз ичига олади.

Харажатлар сметаси бир нечта қисмлардан ташкил топади. Биринчи қисмда муассасанинг асосий реквизитлари келтирилади: ташкилотнинг номи, манзили, ундан юқори турувчи ташкилот, мазкур ташкилот молиялаштириладиган бюджет таснифи бўлими, боб ва параграфи. Сметанинг иккинчи қисмида бюджет ташкилоти жорий харажатлари учун мўлжалланган, ташкилот томонидан ҳисобланган ва сметада ҳисобга олинган бюджет маблағларининг йиллик миқлори ҳамда йил чораклари бўйича (ойлар бўйича бўлинган) тақсимланиши акс эттирилади. Сметанинг учинчи қисми «Бошқа харажатлар» бўйича IV гуруҳ харажатлари ёйилмаси ҳамда кодлар бўйича айрим турдаги харажатларнинг ҳисоб-китоби акс эттирилган иловалардан ташкил топади. Айрим турдаги харажатлар (коммунал, телефон ва телекоммуникация хизматлари харажатлари, товар-моддий захира-лар, ёнилғи ва ёқилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш харажатлари, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналарни сақлаш ва жорий таъмирлаш, озик-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олиш ва ҳ.к.) Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар бўйича амалга оширилади. Уларда товар-моддий бойликларнинг молия йили бошидаги ҳақиқий қиймати ҳамда муассаса томонидан ҳисобланган ва режалаштириладиган йилда сотиб олиниши лозим бўлган товар-моддий

бойликларнинг сметадаги миқдори ва қиймати кўрсатилади. Илова-лар харажатлар сметасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, сметанинг прогноз кўрсаткичларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига бўйсунувчи ташкилотларга тегишли халқ депутатлари кенгаши сессиясининг бюджетни тузиш тартиби ва муддати тўғрисидаги қароридан ҳамда молия органининг ушбу масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб келгуси йил учун сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида кўрсатмалар беради. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда тегишли ходимлари кенгашини чакирадилар ва харажатлар сметасини тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Уларга ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва харажатлар сметасини тузиш масалалари бўйича қонунчилик талабларини тушунтирадилар, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ҳисоб-китобларининг қонунчиликка мувофиқ келиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя этиш ҳақида кўрсатмалар берадилар, шунингдек, харажатлар сметасини тузиш ҳамда бланкаларни тўлдириш техникаси масалалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Айни дамда, ўзларига қарашли ташкилотларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (синфлар, ўқувчилар, болалар, шифохоналарда ўрин-кунлар, бола-кунлар сони ва бошқалар) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиладилар.

Смета харажатларини ҳисоблашда қуйидаги талаблар қўйилади:

- смета харажатларини ҳисоблашнинг қонунчиликка мувофиқлиги;
- маблағларни сарфлашда молия интизоми ва иқтисод тартибларига катъий риоя этиш;
- сметалар бўйича ҳисобланган харажатларнинг бюджет

маблағларига бўлган эҳтиёжга мувофиқлиги (иктисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда).

Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси уч нусхада тузилиб, ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқига эга шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқига эга шахс), шунингдек, молия-иктисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ молия-иктисод масалалари бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилгач:

- биринчи нусхаси ташкилотда қолади;
- иккинчи нусхаси тегишли молия органига берилади;
- учинчи нусхаси юқори ташкилотга тақдим қилинади (зарур ҳолларда).

Тегишли молия органлари харажатлар сметасини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкилотларнинг харажатлар сметасини тузиш ва ижро этишнинг исталган босқичида уларнинг қўшимча ҳисоб-китобларини талаб қилишга ҳақли.

2.1. Бюджет ташкилоти харажатлар сметасини тузишда қўлланиладиган асосий ҳужжатлар

Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузишда фойдаланиладиган асосий ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

Харажатларни ҳисоблаб чиқишда амал қилиш зарур бўладиган қонунчилик ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар. Уларга қуйидагилар кирди: Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишлари.

Таълим муассасалари харажатлар сметасини режалаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8.09.1995 й. тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 20.09.1995 йил. 177-сон билан рўйхатдан ўтган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизминини такомиллаштириш тўғрисида»ги 26.02.2007 й. ПФ-3857-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18 май 2009 й. 139-сон қарори (унга мувофиқ, халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш, молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда мактабгача таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида босқичма-босқич маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларига уларда ҳисобчи лавозимини киритган ҳолда юридик шахс мақоми бериш, мактабгача таълим муассасаларининг мудирларига ва ҳисобчиларига ҳудудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларининг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини тузиш бўйича мажбуриятларни юклаш ишлари амалга оширилган).

2010 йил учун мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини белгилаш тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия ва

Халқ таълими вазирликларининг 28.04.2010 й. 34/16-сон қарори билан тасдиқланган).

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.06.2010 й. 117-сон қарори билан тасдиқланган).

Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 20.08.2010 й. 67/329-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 26.08.2010 й. 2136-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 20.08.2010 й. 65-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

2011 йил учун бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 22.03.2011 й. 25/08-сон қўшма қарори) ва бошқалар.

Норма ва нормативлар тегшли бюджет ташкилотлари турлари учун ўрнатилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади. Уларга қуйидагилар киради:

- штатларни шакллантириш ва турли тоифадаги ходимларнинг штат бирликларини аниқлаш учун қўлланиладиган намунавий штатлар ҳамда штат нормативлари, улар асосида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари аниқланади;

- олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибини ҳисоблаш меъёрлари (улар бир нафар ўқитувчига тўғри келувчи талабалар сонидан келиб чиқиб юқори ташкилот томонидан ўрнатилади);

- товарлар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган нархлари ва тарифлари (улар асосида муассасани жорий саклаш учун товарлар ва хизматлар сотиб олиш бўйича шартномалар тузилади ва ҳисоб-китоблар амалга оширилади);

- бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари, иш ҳақи ставкалари ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган қўшимча ва устамалар (уларга мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг умумий миқдори ҳисобланади);

- ҳар бир (типдаги ва турдаги) ташкилот учун алоҳида тасдиқланган бир нафар талаба, ўқувчи, тарбияланувчини моддий таъминлаш ва овқатлантиришнинг натурал ва пулли нормалари;

- ўқув режа¹, унга мувофиқ фанлар ва ўқув дарслари кесимида ўқув соатлари сони белгиланади ва унга боғлиқ ҳолда таълим муассасалари учун зарур педагогик ставкалар, профессор-ўқитувчилар ставкалари миқдори, бошқа меъёр ва нормативлар ҳисобланади (умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси мазкур қўлланманинг 1-илоvasида келтирилган).

Юқорида санаб ўтилганлар асосида таълим муассасаси томонидан смета бўйича ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи фонди суммасини асослаш учун қўлланиладиган штат жадвали ва тарификация рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 15.05.2012 й. 130-сон қарори билан умумий ўрта таълим давлат таълим стандартига синф (аудитория) машғулотларининг ўртача 5 фоизга қисқариши билан боғлиқ ҳолда ўзгартиришлар киритилган бўлиб, у 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб кучга кирган.

каби ҳужжатлар тузилади.

Штатлар жадвали доимий ходимлар лавозимлари номининг рўйхати бўлиб, унда шу номдаги лавозимлар сони ва лавозим маошлари миқдори келтирилади. Штатлар жадвали ташкилот раҳбари ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланади. Штатлар жадвали бюджет ташкилотларининг таркибий бўлинмаларини тегингли малака ва тоифадаги ходимлар лавозимлари билан тўлдириш учун хизмат қилади.

Штатлар жадвали режалаштирилаётган йилнинг 1 январь ҳолатига ҳар бир ташкилот бўйича алоҳида ҳолда, уларнинг тузилмавий бўлинмалари кесимида мазкур ташкилот учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ равишда тасдиқланган шаклда тузилади.

Штатлар жадвалига киритиладиган лавозимлар номлари ва маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва ёрдамчи (хизмат кўрсатувчи ва техник) ходимларнинг сони, уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлари (базавий ставкалари) қуйидагиларга мувофиқ келиши шарт:

белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалида ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядларда (базавий ставкаларда) назарда тутилган лавозимларга;

- ходимларнинг, шу жумладан, бошқарув ходимларининг ўрнатилган энг юқори миқдорларига;

- ташкилотлар турлари бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатларга;

- давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимларининг номенклатураси билан мувофиқ ҳолда давлат бошқарув органлари ходимлар тоифаларининг меъёрий нисбатларига.¹

Иш ҳақининг ҳисоб-китоби тарификация рўйхатига асосан амалга ошириладиган лавозимлар штатлар жадвалига ставкалар сони, лавозимларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича (ўқитувчилар, тарбиячилар), тўловларнинг турларига кўра (ўқув ва педагогик, дафтар текширганлик учун, синф раҳбарлиги учун, махсус унвон учун ва бошқалар) ойлик иш ҳақи фонди суммасини кўрсатган ҳолда киритилади ва тари-

¹ Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари сонининг меъёрий нисбатларини аниқлаш услуги (Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини нўтимой муҳофаза қилиш вазирликларининг 22.09.2003 й. 58/116-сон қарорига 2-илова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 9.12.2003 й. 1288-сон билан рўйхатга олинган).

фикация рўйхати штатлар жадвалига илова қилинади.

Штатлар жадвалида жами бўйича алоҳида сатрда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва йил бўйича ҳисоб-китоблар натижасида устамалар, қўшимчалар тўлашга ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағлар кўрсатилади. Масалан:

– меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан 15 фоиз миқдорда шаклландиган Бюджет ташкилотлари ва муассасаларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси (тиббиёт муассасалари ва барча типдаги умумтаълим мактаблари бундан мустасно);

– узоқ йиллик меҳнати учун бир марталик рағбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

– меҳнат таътилидаги шахсларнинг ўрнига ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

– умумтаълим муассасалари, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг директор жамғармаси ва бошқалар.

Тарификация рўйхати – таълим муассасалари педагог ходимлари иш ҳақи учун харажатларни режаляштиришда қўлланиладиган ва муассаса томонидан тузиладиган ҳужжат. Тарификация рўйхати муассаса раҳбари томонидан штатлар жадвали билан биргаликда тасдиқланиб, сметага илова қилинади ва педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тарификация рўйхати педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисоблаб чиқиш ва тарификациялаш тартиби тўғрисидаги услубий йўриқнома асосида тузилади. Мазкур йўриқнома тармоқ вазирликлари томонидан ишлаб чиқилади.

Тарификация рўйхатида ҳар бир педагог ходимнинг ойлик лавозим маоши миқдори акс этади. Педагог ходимлар ойлик лавозим маошининг миқдори эса ҳар бир ходимнинг лавозими ва малака тоифаси учун белгиландиган базавий тариф ставкалар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўрнатиладиган устамалар, қўшимчалар, айрим тоифадаги педагог ва раҳбар ходимлар иш ҳақига тўланадиган компенсациялар асосида шаклланади.

2.2. Бюджет ташкилотининг жорий ва капитал харажатлари

Давлат бюджетининг барча харажатлари сингари таълимга ажратилаётган харажатларни ҳам иқтисодий мазмуни ҳамда белгиланиши бўйича жорий ва капитал харажатларга ажратиб мумкин.

Жорий харажатлар таълимга ажратилаётган харажатларнинг бир қисми бўлиб, муассасани жорий сақлаш ва унинг жорий фаолият юртишини таъминлаш учун йўналтирилади. Жорий харажатлар таркибига муассасанинг таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ турли-туман жорий эҳтиёжларини таъминлаб берувчи иш ҳақи, иш ҳақига ажратмалар, коммунал, телефон ва телекоммуникация хизматларини тўлаш, ёнилғи, материаллар, юмшок анжомлар ва кийим-кечак, ўқув анжомлари, мебеллар, дори-дармонлар, озик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ва бошқа харажатлар киради. Смета асосида молиялаштириш шароитида бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари уларнинг сметаларига киритилиб, улар бўйича тўловлар бюджет ташкилотларининг тўлов топшириқномалари ва харажатлар сметасининг тегишли гуруҳлари (моддалари) киритилган маблағлар чегарасида газначиликнинг тегишли бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Капитал харажатлар таълимга ажратилаётган харажатларнинг бир қисми бўлиб, капитал таъмирлаш, капитал реконструкция ва янги қурилиш ҳамда лаборатория анжомлари, ўқув мебеллари, компьютер техникаси ва бошқаларни сотиб олишга йўналтирилади. Таълим соҳасида қуйидагилар капитал харажатларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

- давлат бюджети;
- мақсадли жамғармалар;
- хорижий қарзлар жалб этилган инвестиция лойиҳалари.

Давлат бюджетидан давлат инвестиция дастурларининг манзилли рўйхатида мувофиқ қурилиш ва бошқа қайта тиклаш ишлари учун сарфланадиган капитал харажатлар молиялаштирилади.

Маблағлари таълим соҳасидаги капитал харажатларни қоплашга йўналтириладиган мақсадли жамғармаларга қуйидагилар киради: Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, Болалар спортини ривожланти-

риш жамғармаси, Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси¹ ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.11.2011 й. ПҚ-1645-сон қарори билан Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилинди.

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат¹:

– жамғармага тушаётган маблағларни кейинчалик улардан таълим муассасалари: умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)да мақсадли фойдаланиш учун жамлаш;

– таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шу жумладан, зарурат бўлганда ўқув биноларини ўқув устахоналари ва лабораториялари билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини, бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини молиялаштириш;

– замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси, ахборот-коммуникация технологияларининг ўқитишга кўмаклашувчи бошқа элементлари, шунингдек, ўқув мебели ва анжомлари билан тизимли жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш;

– замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббиёт аппаратлари, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда доимий асосда тизимли қайта жиҳозлашни молиялаштириш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20.05.2011 й. ПҚ-1533-сон қарори билан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20.05.2011 й. ПҚ-1533-сон қарори билан «иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинадиган олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини уларни замонавий ўқув дарсликлари ва илмий-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш асосида тубдан яхшилаш мақсадида...» Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан ташкил топади:

давлат бюджети маблағлари;

замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун жалб этилаётган халқаро молиявий ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари;

хорижий донорларнинг грантлари, васийлар ва хайрия қилувчилар маблағлари;

жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Жамғарма 2011 – 2016 йилларда мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ва олий таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизациялаш дастурларини мувафакқиятли амалга оширишга кўмаклашиш учун хизмат қилади.

Хорижий қарзлар жалб этилган инвестиция лойиҳалари доимий бўлмаса-да, катъий мақсадли характерга эга. Ушбу лойиҳалар доирасида у ёки бу лойиҳага жалб этилган таълим муассасасини жиҳозлаш ва қуриш ишлари маблағ билан таъминланади.

Бугунги кунда таълим тизимига йўналтирилаётган капитал харажатларни молиялаштириш амалиётида қуйидаги ҳолатлар шаклланди:

а) умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда деярли барча капитал харажатлар бюджетдан

ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда (2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида умумтаълим мактабларини янгитдан қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда улар учун лаборатория жиҳозлари, компьютерлар ва ўқув мебелларини сотиб олиш Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган);

б) мактабгача таълим муассасаларида:

– капитал таъмирлаш ва асбоб-ускуналар сотиб олиш жорий харажатлар сметаси бўйича тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан;

– янги қурилиш ва таъмирлаш давлат инвестиция дастурларининг манзилли рўйхатига мувофиқ амалга оширилмоқда;

в) олий таълим муассасаларида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва биноларни жиҳозлаш олий таълим муассасалари маблағлари ва Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилмоқда.

2.3. Смета моддалари бўйича харажатларнинг асосий турларини ҳисоблаш тартиби

Сметанинг асосий гуруҳлари ва моддаларини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга амал қилиш керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилган қарор ва фармойишлари;

- белгиланган тартибда тасдиқланган бюджет ташкилотлари харажатлар нормативлари (масалан, ёқилғи харажатлари нормативлари, электр энергия, газ ва сув истеъмоли учун лимитлар, бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари, куни узайтирилган гуруҳларда болаларни овқатлантиришнинг натурал ва пулли меъёрлари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчиларини сақлаш харажатлари ва бошқалар);

- товарлар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган нархлари ва тарифлари.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасалар харажатлар сметасининг асосий турларини ҳисоблаш муайян даражада стандартлаштирилган бўлиб, 2157-сон Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Жумладан:

- харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлар ва иш ҳақи ставкалари ҳамда уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

- педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўқув режасига мувофиқ дафтар текшириш, синф раҳбарлиги ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификациялардан келиб чиқиш лозим;

- олий ўқув юртидан кейинги таълимда таълим олувчиларнинг стипендия харажатлари белгиланган стипендиялар миқдори ва стипендия таъминоти тартибидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;

- меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда, қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг барча ходимлари ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

- хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади;

- телефонвабошқателекоммуникацияхизматларихаражатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда лимитдан ошиқ фойдаланилган шаҳарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, Интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда ўзларининг фаолият хусусиятларидан ва ушбу хизматларга талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

- даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида овқатланишга кетадиган харажатлар ташкилотларнинг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртача йиллик сонидан ва натурал меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади;

- ижтимоий-маданий ташкилотларнинг айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойабзал, чойшаб, ётоқ анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар моддий таъминот меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

- инспекция ва кўриқлаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади;

- ташкилотларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа давлат мулклари ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

- хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифалардан, шунингдек, қонунчиликда

белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юқорида кўрсатилган харажатлар, шунингдек, давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда бошқа кўрсаткичлар ва услублар қўлланиши мумкин. Уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли молия органлари томонидан текширилади.

2.4. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш механизми

Харажатлар сметасини тасдиқлаш. Алоҳида бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси 2157-рақамли Низомга мувофиқ кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг ёки тегишли вилоятлар, шаҳарлар, туманлар халқ депутатлари кенгашлари сессияларининг бюджет ҳақидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта (2157-сон Низомнинг 3-бўлим, 34-банди) муддат ичида (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлинган ҳолда амалга оширилади ҳамда сметаларни тасдиқлаган ташкилот раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари) имзоси билан тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда, шунингдек, ушбу ташкилотнинг муҳри сметанинг барча нусхаларига босилади. Айни дамда, харажатлар сметасининг умумий суммаси сметанинг юқори ўнг бурчагида (штатдаги ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси умумий суммасини ажратиб) кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари (бюджет ташкилоти молиялаштирилаётган бюджет даражаси бўйича) томонидан алоҳида харажатлар сметаларининг тасдиқланган бюджетга, шунингдек, бюджетни тузиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши текшириб кўрилади.

Эътирозлар бўлмаган тақдирда, молия органи харажатлар сметасининг биринчи бетида «Келишилган» деган белги қўяди ва муҳр билан тасдиқлаган ҳолда бир нусхасини тегишли бюджет ташкилотига қайтаради.

Агарда харажатлар сметаси бўйича эътирозлар бўлса, молия органи айрим бюджет ташкилотлари раҳбарларидан ўз сметаларига тегишли тузатишлар киритишни ёзма равишда талаб қиладилар.

Алоҳида харажатлар сметасининг бир нусхаси бюджет ташкилотида қатъий ҳисоб ҳужжатлари тариқасида сақланади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш. Ташкилотларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметалари ва штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш учун юқори ташкилот томонидан тегишли молия органига тақдим этилади.

Ташкилотларнинг штатлар жадвали штатларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилган раҳбар томонидан тасдиқланиб, ўрнатилган шакл бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Намунавий штатлар жадвали белгиланган ташкилотларнинг штатлар жадвали намунавий штатлар жадвалига мувофиқ ҳамда харажатлар сметасида кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

Ташкилотлар ходимларининг лавозим бўйича маошлари ва тариф ставкалари қонунчиликка мувофиқ белгиланади ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметасида кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида қабул қилинади. Ташкилотлар ходимларининг лавозим бўйича маошлари ва тариф ставкаларида олдинги рўйхатдан ўтказилганларига нисбатан ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш ҳақидаги фармонларига мувофиқ, шунингдек, белгиланган тартибда ходимларнинг навбатдаги аттестациясини ўтказиш вақтида бюджет ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида киритилиши мумкин. Мазкур ҳолларда штатлар жадвали рўйхатдан ўтказилмайди. Бошқа барча вазиятларда штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритилганда тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Иш ҳақи миқдори тарификация бўйича белгиланадиган, яъни, аттестация натижалари бўйича бериладиган тегишли малака тоифаси мавжудлиги, иш вақтининг ҳақиқий ҳажми ва бошқаларга кўра белгиланадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси штатлар жадвалида кўрсатилади ва у раҳбар, бош ҳисобчи (ҳисобчи) томонидан имзоланадиган тарификация рўйхатидаги меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига мувофиқ бўлиши лозим.

Харажатлар сметаси унда тасдиқланган барча харажат гуруҳлари бўйича харажатлар ёйилмасига ва уларнинг ҳисоб-китобларига тўлик мос келишини текширган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

Шундай қилиб, бюджет ташкилоти харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш учун молия органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- харажат гуруҳлари бўйича харажатлар сметаси (давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таснифига мувофиқ харажатларнинг тўлик ёйилмасини ўз ичига олувчи илова билан биргаликда);

- сметага киритилган харажатларнинг барча моддалари бўйича ҳисоб-китоблар;

- штатлар жадвали;

- тарификация рўйхати.

Ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш белгиланган шаклдаги рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш орқали расмийлаштирилади.

Рўйхатдан ўтказиш карточкаси юридик шахс мақомига эга ташкилотларга берилади. Юридик шахс бўлмаган, ташкилотларнинг қуйи бўлимлари ҳисобланган ташкилотлар эса битта рўйхатдан ўтказиш карточкаси бўйича улар таркибида бўлган ташкилот билан биргаликда рўйхатдан ўтказилади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги маълумотлар бюджет ташкилотлари сметалари ва штатлар жадвалини рўйхатга олиш журналига киритилади. Компьютер техникаси мавжуд бўлган ҳолларда журнални юритиш автоматлаштирилиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказилган ҳужжатлар (рўйхатга олиш карточкаси, сметалар ва штатлар жадвали) қуйидаги тартибда имзоланади:

- сметалари ва штатлар жадвали Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказиладиган ташкилотлар бўйича – молия вазири ўринбосари, молиялаштиришнинг тармоқ бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари томонидан, молия органларида – молия органлари бошлиқлари (мудирлари) ёки уларнинг ўринбосарлари ва молия органлари бюджет бўлимлари бошлиқлари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

бюджетда турувчи халқ таълими муассасалари ва ташкилотлари бўйича – молия органи бошлиғи (мудир) ўринбосарлари, халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи ва молия органи бюджет бўлимининг тегишли мутахассиси томонидан.

Сметалар ва штатлар жадвали рўйхатга олинганлик тўғрисидаги штамп қўйилган ҳолда ҳудудий молия органларида вазирликларга қарашли ташкилотлар бўйича ҳар бир вазирлик ва идоралар учун алоҳида папкаларда сақланади.

Ташкилот раҳбарлари томонидан сметалар ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш бўйича берилган ариза ушбу ҳужжатларни рўйхатга олиш жойи бўйича ўн кун муддат ичида молия органи раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказувчи ҳудудий молия органлари қарорига қўшилмаслик тўғрисидаги ариза – юқори турувчи молия органи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосарининг қарорига қўшилмаслик тўғрисидаги ариза – Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан кўриб чиқилади.

2.5. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш қондалари

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг 34- моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва жойлардаги тегишли вакиллик органлари, ҳокимлар бюджетни ижро этиш жараёнида тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджет ажратмаларининг умумий миқдорини сақлаб қолган ҳолда бюджет даромадлари ва харажатларининг йиллик ва кварталлик миқдорларига зарур (бюджет муассасалари харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб этувчи) ўзгартиришларни киритишлари мумкин.

Тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизига қадар ўзгартиришлар киритиш тегишли бюджетларда кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-

ши ва тегишли ҳокимлар томонидан киритилади. Бунда ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутати.¹

Бюджет маблағлари олувчилар учун тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10 фоизидан ортиғи даражасидаги ўзгартиришлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли ҳокимлар томонидан тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан киритилади. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бюджет маблағлари олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар I, II ва IV гуруҳ харажатларининг айрим моддалари бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) дастлабки ҳажмининг ўн беш фоизига қадар кўпайтирилиши мумкин. Ушбу ўзгартиришлар тегишли молия органлари томонидан алоҳида сметага эга ҳар бир бюджет маблағлари олувчисининг ёзма сўровномаси асосида киритилади. Бунда бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори мазкур бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда бошқа моддалар бўйича бюджет ажратмалари маблағлари камайтирилиши миқдорига тенг миқдорда кўпайтирилади.

Жорий йилда бюджетдан режали ажратиладиган маблағларга киритиладиган ўзгартиришлар (бир чорак ичида – алоҳида идораларга карашли бюджет ташкилотлари ўртасида, бир параграф ичида – бир номдаги харажатлар моддалари бўйича) тегишли хужжатлар (билдиришномалар, билдиришнома-маълумотномалар, ўзгартиришлар рўйхати ва 1025-сон йўриқнома иловасида келтирилган бошқа шакллар) асосида молия органлари томонидан ҳисобга олинади. Кўрсатиб ўтилган ўзгартиришлар Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, ҳокимиятлар бошқармалари (бўлимлари)

¹ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмлари чораклар бўйича тақсимоли тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 26 март 29-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 02.04.2001 й. 1025-сон билан рўйхатдан ўтказилган, ўзгартиришлар билан).

бухгалтерияси ва тегишли (марказий бухгалтерия билан бирга) бюджет ташкилотларининг бухгалтериялари томонидан ҳисобга олинади.

Бюджет маблағлари олувчининг сўрови бўйича бир чоракда режалаштирилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорининг бошқа чоракдаги ўхшаш харажатлари миқдорининг камайтирилиши ҳисобига кўпайтирилиши молия органлари томонидан харажатлар миқдори кўпайтирилган чорак харажатларини қоплаш манбалари мавжудлигида амалга оширилади. Ушбу манбалар мавжуд бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилади ва миқдори кўпайтирилган чорак харажатларини қоплаш манбалари аниқлангандан кейин киритилади.

Бюджет маблағлари олувчининг IV гуруҳ алоҳида типлари, объектлари ва қуйи объектлари харажатлари бўйича тасдиқланган (чораклик) бюджетдан режали ажратиладиган маблағлар миқдорига қўшимча киритилган харажатлар (киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) бўйича тўловлар харажатлар сметасини бажариш жараёнида (сметада тасдиқланган бюджетдан режали ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар сифатида) молия органи томонидан ҳисобга олинмайди. Юқорида келтирилган ҳолат сметаларни бажаришда IV гуруҳ алоҳида типлари, объектлари ва қуйи объектлари харажатлари бўйича бюджетдан режали ажратиладиган маблағлар миқдори (чораклик) бўйича йўл қўйилган тафовутлар молия органлари томонидан харажатлар сметасини бажариш бўйича ҳисоботларни таҳлил этиш вақтидагина эътиборга олинади.

Назорат учув саволлар ва топшириқлар

1. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузишда қўлланиладиган асосий ҳужжатларни санаб ўтинг ва мазмунини очиб беринг.

2. Таълим муассасалари харажатларини режалаштиришда қандай норма ва нормативлар қўлланилади?

3. Штатлар жадвалининг мазмуни ва аҳамияти нимада?

4. Қандай мақсадларда асосий ходимлар тарификация рўйхати тузилади ва фойдаланилади? Уни тузиш ва тасдиқлаш тартиби қандай?

5. Сметанинг асосий харажат гуруҳлари ва моддаларини айтиб беринг. Улар қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган?

6. Харажатлар сметаси қандай асосий қисмлардан ташкил топган?

7. Харажатларнинг асосий турларини ҳисоблашнинг умумий тартиби қандай?

8. пБюджет муассасалари харажатлар сметаси ва штат жадвални тасдиқлаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида гапириб беринг.

9. Бюджет муассасалари харажатлар сметасига ўзгартиришлар ва гузатишлар киритиш тартиби қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий:

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 14.12.2000 й. 158-II сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги 26.08.2004 й. 664-II сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактабларининг намунавий штатларини тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида»ги 29.03.2007 й. ПҚ-609-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 01.03.2011 й. 52-сон қарори.

Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. – Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Қўшимча:

Практическое пособие по финансированию и управлению для руководителей общеобразовательных школ. – Ташкент: МНО/USAID, 2007.

Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. Инсон таракқиёти тўғрисида маъруза // UNDP/Uzbekistan – Тошкент, 2007/2008.

Меъёрий-ҳуқуқий материаллар:

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8.09.1995 й. тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 20.09.1995 й. 177-сон билан рўйхатдан ўтган).

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чорақлар бўйича тақсимоли тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 26.03.2001 й. 29-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 12.04.2001 й. 1025-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиришлар билан, кейинчалик 1025-сон йўриқнома).

Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 20.08.2010 й. 65-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

2.6. Бюджет ташкилотлари харажатлари тўловини амалга ошириш тартиби

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) Тартибига (номланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.07.2007 й. 148-сон қарори таҳририда) ¹ мувофиқ, бюджет ташкилотлари харажатлари қуйидаги харажат гуруҳлари бўйича маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар.

II. Иш ҳақиға қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар (давлат инвестиция дастурида назарда ту-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори билан тасдиқланган.

тилган аниқ рўйхатларга мувофиқ).

IV. Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлиги Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек, юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Харажатларни молиялаштириш (тўлаш) тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чорақлар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Биринчи навбатда бюджет ташкилотлари I ва II гуруҳ харажатларини молиялаштирилади (тўланади). Бунда II гуруҳ бўйича тегишли маблағларни ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга оширишга рухсат этилмайди.

Ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек, ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларида I ва II гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда, ортиқча сумма миқдорида III ва IV гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Давлат инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратилади. Ҳазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига давлат бюджетидан назарда тутилган харажатлар Ҳазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлиги Ҳазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни молиялаштириш

(тўлаш) бюджетта маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари харажатлари тўлови қуйидагича амалга оширилади:

– республика бюджетидан – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан – Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси, асосий воситаларни ва бошқа товар-моддий бойликларни сотишдан тушган сумма (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинганлари бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

Бюджет маблағлари бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда, бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида сарфланади. Бунда харажатларнинг I ва II гуруҳлари бўйича биринчи навбатда харажатларни молиялаштириш (тўлаш) назарда тутилади.

Харажатларнинг III гуруҳи бўйича харажатлар бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида тўланади.

IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги тартибга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- озиқ-овқат;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

IV гуруҳ ҳисобига Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органлари билан келишган ҳолда мавсумий ёки шошилиньч тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактаб анжомлари, кам таъминланган оилалар бола-

лари учун қишки кийимлар харид қилиш, эпидемияга қарши, юкумли касалликларга қарши ва бошқа тадбирлар)ни молиялаштириш учун маблағларни тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин.

IV гуруҳ ҳисобига автомобиллар ва бошқа автотранспорт воситаларини (махсус автотранспорт бундан мустасно), уяли телефонлар ва зебзийнат буюмлари (импорт офис мебелли, аудио-видеотехника (ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойдаланиладиганлардан ташқари), офислар учун гиламлар ва бошқалар) харид қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда йўл қўйилади, кўрсатиб ўтилган моддий активларни сотиб олишга маблағлар бюджетининг иқтисодий таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Харажатларнинг у ёки бу гуруҳида пайдо бўлган кредиторлик қарзлари жорий молия йилига белгиланган лимитлар доирасида уларнинг пайдо бўлиши навбатига кўра ҳар қайси гуруҳ бўйича тўланади.

Ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди. Ушбу маблағлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва ўрнатилган тартибда сарфланади.

Тежаб қолинган бюджет маблағларини ўтказиш бюджет ташкилотлари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган бюджет маблағлари доирасида ҳисобот чорагидан кейинги ой мобайнида амалга оширилади. Келгуси чорақда бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш ҳажми ҳисобот чорагида тежаб қолинган бюджет маблағлари суммасига камайитирилмайдди.

2.7. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ишлатиш тартиби

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари қўшимча даромадлар жалб қилишлари мумкин. Ушбу маблағлар ҳисобидан Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси қуйидаги

маблағлар ҳисобидан шаклланади (2.1-чизма):

– бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида тежаб қолинган маблағлар (ҳисобот чорақнинг охириги иш кунда) (капитал кўйилмалар бўйича харажатлар тўлови учун кўзда тутилган маблағлардан ташқари);


– бюджет ташкилотлари фаолияти тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган даромадлар;

– бошқа ташкилотларга вақтинча фойдаланилмаётган бинолар ва бошқа давлат мулкларини ижарага беришдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоиз маблағ тегшли бюджетлар даромадлари ҳисобига ўтказилади;

– бюджет ташкилотларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

2.1-чизма

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари




Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари куйидаги йўналишлар бўйича сарфланади (2.2-чизма):

- аввало, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга;
- бюджет ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларига;
- ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирларига.

2.2-чизма

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўналишлари



Бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзи мавжуд бўлса, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари тежаб қолинган бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзларни тўлашга (ишлар, хизматлар товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади.

Кредиторлик қарзи бюджет ташкилотининг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига иловада назарда тутилган тегишли харажатлар тўланмаганлиги ва (ёки) харажатларнинг ҳар қайси гуруҳи бўйича белгиланган лимитларнинг ошиб кетганлиги муносабати билан пайдо бўлган бўлса, тўлиқ ҳажмда бюджетдан маблағ билан таъминланган тақдирда, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни тўлдирилгандан сўнг), аввало, харажатларнинг тўланмаган қисми ва белгиланган лимитларнинг ортиб кетган миқдори доирасида кредиторлик қарзларини узишга йўналтирилади.

Бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарзи мавжуд бўлмаса ёхуд ушбу қарзлар мазкур тартибда белгиланган доирада ва шартларда тўланган тақдирда, товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг қолган маблағлари (ҳомийлик ёрдами, беғараз ёрдам миқдори бундан мустасно):

– тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи (соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида камида 50 фоизи) моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

– кўпи билан 25 фоизи (соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида камида 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда) бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамидан олинган маблағларнинг барча суммаси, агар ҳомий билан махсус ўзгача ҳол келишилмаган бўлса, моддий-техника базани мустаҳкамлашга сарфланади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчи бошқа муассасалар харажатларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни айтинг.

2. Бюджет муассасалари харажатларини молиялаштириш харажатларнинг қайси гуруҳлари бўйича амалга оширилади?

3. Ҳазначилик ижроси шароитида бюджет маблағларини сарфлаш тартибини тавсифлаб бering.

4. Бюджет муассасалари харажатлари қандай тартиб ва кетма-кетликда молиялаштирилади (тўланади)?

5. Республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларни амалга ошириш тартиби қандай?

6. Бюджет ташкилотларига бюджет маблағларини ажратиш қандай ва қайси тартибда амалга оширилади?

7. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг вазифалари нималардан ibорат?

8. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси қайси манбалар ҳисобидан шаклланади?

9. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари қайси мақсад учун ва қандай тартибда сарфланади?

10. Фикрингизча, бюджет соҳасининг замонавий ривожланиш босқичида бюджет ташкилотлари молиявий аҳволини мустақамлашнинг қандай йўллари мавжуд?

Тавсия этиладиган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 14.12.2000 й. 158-II сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги 26.08.2004 й. 664-II сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. – Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8.09.1995 й. тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 20.09.1995 й. 177-сон билан рўйхатдан ўтган).

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимоли тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 26.03.2001 й. 29-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 12.04.2001 й. 1025-сон билан рўйхатга олинган, ўзгартиришлар билан кейинчалик 1025-сон йўриқнома).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Таълим муассасалари томонидан тузилган ижара тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида»ги 2.03.2008 й. 50-сон буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 20.08.2010 й. 65-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

3-БОБ. ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

3.1. Мактабгача таълимнинг умумий тавсифи

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланади. Бу таълим болада ўқишга ҳавас уйғотиб, уни тизимли ўқишга тайёрлаб, соғлом, баркамол шахс бўлиб шаклланиши-ни таъминлайди. Мактабгача таълим 6 – 7 ёшгача давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилада амалга оширилади.

Мактабгача таълимнинг мақсади болаларни мактабда таълим олишга тайёрлаш, соғлом, ҳар томонлама етук, эркин шахсни тарбиялаш, болаларнинг қобилиятларини очиш, уларда ўқишга, мунтазам таълим олишга ҳавас уйғотишдан иборат.

Мактабгача таълим, шакли ва усулларида қатъи назар, қуйидаги вазифаларни бажаради:

- болалар ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш;
- бола шахсининг асосларини шакллантириш, унинг билим олишга қизиқишларини ривожлантириш;
- боланинг интеллектуал, шахс сифатида ва жисмоний жиҳатдан ривожланишини таъминлаш;
- боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишидаги оғишларга зарур тузатишлар киритиш;
- болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш;
- болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.

Давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ота-оналар ва жамиятга жисмонан соғлом, мактабда таълим олишга тайёрланган болаларни тарбиялашга кўмаклашиш учун хизмат қилади. Мактабгача таълим тизимининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда жамоат ва хайрия ташкилотлари, маҳаллалар, халқаро жамғармалар фаол иштирок этадилар.

Мактабгача таълим муассасалари республика ҳудудларининг демографик, иқтисодий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган

холда ташкил этилади. Ўзбекистонда мактабгача таълим давлат тилида ҳамда тегишли ҳудудларда зич яшайдиган бошқа миллатлар: коракалпок, рус, тожик, қирғиз, қозок тилларида олиб борилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 5 мингга яқин давлат мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 530 мингдан ортиқ 1,5 ёшдан 7 ёшгача болалар таълим олади. Ушбу муассасаларнинг аксарият қисми қишлоқ жойларига тўғри келади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.06.1999 й. 313-сон қарори билан тижорат асосида фаолият юритувчи ва хизматларнинг юқори сифатини таъминловчи нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш йўллари белгилаб берилди.

Мактабгача таълим муассасаси (МТМ) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги Низомга¹ ҳамда ўз уставига амал қилади.

МТМ муассис томонидан ташкил этилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Юқорида қайд этиб ўтилган низомга мувофиқ, қуйидагилар давлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлиши мумкин:

- давлат бошқаруви органлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- давлат корхоналари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари.

Мактабгача таълим муассасалари фаолият хусусиятларига кўра қуйидаги типларга бўлинади:

- умумий типдаги мактабгача таълим муассасаси;
- ихтисослаштирилган (жисмоний ва руҳий ривожланишида турли нуқсонлари мавжуд болалар учун);
- санаторий типдаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.10.2007 йилдаги 225-сонли «Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига I-илова.

кечирган, сурункали асоратларга эга болалар учун).

МТМ ўз уставига, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи кўрсатилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штампга эга бўлади.

Мактабгача таълим муассасаси уставда қайд этилган ўз мақсадларини ва вазифаларини бажариш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан тузилган шартномалар асосида оиланинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда асосий таълим дастурларидан ташқари қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатишга ҳақлидир. Пулли таълим хизматлари муассис томонидан молиялаштириладиган асосий таълим фаолияти ўрнига ва унинг доирасида кўрсатилиши мумкин эмас.

Мактабгача таълим муассасасида гуруҳлар сони муассасанинг қувватидан ва гуруҳларнинг режавий тўлиқлигидан келиб чиқиб муассис томонидан қуйидагича белгиланади:

- 2 ёшдан 3 ёшгача – камида 15 нафар бола, бироқ 20 нафардан ортиқ эмас;

- 3 ёшдан 6 – 7 ёшгача – камида 20 нафар бола, бироқ 25 нафардан ортиқ эмас.

Жисмоний ривожланиши ва соғлиғида нуқсонли бор болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади. Уларга болаларни қабул қилиш жойлардаги таълим ва соғлиқни сақлаш органларини бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан ташкил этиладиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар кулосаси асосида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган ва санаторий типигаги мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларнинг тўлиқлиги болаларнинг тоифаси ва ёшига (икки ёшдан бошлаб ва уч ёшдан катта ёшдагилар) қараб белгиланади ва тегишли равишда қуйидагича белгиланган:

- пнутқи оғир нуқсонли болалар учун – 10 – 12 бола;
- нутқи фонетик-фонематик нуқсонли фақат 3 ёшдан катта болалар учун – 12 – 15 бола;
- қар болалар учун – 8 бола;
- яхши эшитмайдиган болалар учун – 10 – 12 бола;
- кўзи ожиз болалар учун – 6 бола;

- яхши кўрмайдиган болалар, амблиопияли, гилай болалар учун – 6 – 10 бола;
- таянч-ҳаракатланиш аъзоси бузилган болалар учун – 6 – 10 бола;
- интеллекти бузилган (акли заиф) 3 ёшгача болалар учун – 6 бола;
- 3 ёшдан катта чуқур акли заиф болалар учун – 10 бола;
- сил интоксикацияси мавжуд бўлган болалар учун – 15 – 20 бола;
- тез-тез касалланидиган болалар учун – 15 – 20 бола;
- мураккаб нуксонли (икки ва ундан ортик нуксонли) болалар учун – 8 – 10 бола;
- ривожланишида бошқа нуксонлари (эндокрин касалликлар) мавжуд болалар учун – 15 – 20 бола.

Муассислари маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари бўлган давлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Куйидагилар мактабгача таълим муассасаси мол-мулкани ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;
- бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ҳамда мақсадли бадаллари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Мактабгача таълим муассасаси ўз молия-хўжалик фаолиятини бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади.

3.2. Давлат мактабгача таълим муассасалари молиясининг ўзига хос хусусиятлари. Жон бошига молиялаштириш

Мактабгача болалар муассасалари молиясининг хусусиятлари. Давлат мактабгача таълим муассасалари қатор ташкилий, иқтисодий ва молиявий характердаги хусусиятларга эга бўлиб, улар мактабгача таълим муассасаси молиясининг хусусиятларини белгилаб беради:

биринчидан, барча мактабгача таълим муассасалари, болалар контингентидан қатъи назар, юридик шахс мақомига эга бўлиб, мустақил молиявий-хўжалик фаолиятини олиб боровчи субъектлар сифатида ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда ўз молиявий режаларини ишлаб чиқадилар ва уларни қонунчиликда ўрнатилган тар-

тибда тасдиқлайдилар;

иккинчидан, мактабга таълим муассасалари томонидан таълим-тарбия хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун зарур маблағларни тегишли бюджетдан ажратишга асос бўлиб хизмат қиладиган молиявий ҳужжат харажатлар сметаси ҳисобланади. Харажатларни смета асосида режалаштириш режа йили учун молиявий ресурслар миқдори, асосий манбалари ва фойдаланиш йўналишларини олдиндан аниқлаш ҳамда уларни муассаса хўжалик фаолиятини режалаштиришнинг бошқа жиҳатлари билан боғлаш имконини беради;

учинчидан, деярли барча мактабгача болалар муассасалари бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибига мувофиқ туман ва шаҳар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

тўртинчидан, мактабгача таълим муассасалари учун (бюджет соҳаси муассасалари каби) бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини бинолар ва мол-мулк ижараси, ҳомийлик ва хайрия асосидаги тушумлар, бошқа турдаги пулли хизматлар кўрсатишдан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш кўзда тутилади;

бешинчидан, мактабгача таълим муассасаларини молиявий таъминлашда ота-оналар (ёки уяарнинг ўрнини босувчи шахслар) ҳам қатнашади. Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун тўловлар тўлаш тартиби ва миқдори амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўрнатилади. Тўловлар белгиланган тартибда банк муассасаларида очилган ҳисоб рақамларга кириш қилинади.

Жон бошига молиялаштириш. Ўқув қўлланманинг олдинги бобларида таъкидланганидек, таълим соҳасини молиялаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор ҳукумат дастурлари доирасида «пул ўқувчининг ортидан боради» тамойили бўйича жон бошига молиялаштириш асосида бюджет маблағларини тақсимлашнинг муқобил, ошқора механизминини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Эслатиб ўтамиз, жон бошига молиялаштириш таълим муассасалари харажатларини молиялаштириш тизими бўлиб, у бир нафар ўқувчи (тарбияланувчи, бола) учун ўрнатилган харажатлар меъёри, ўқувчилар (тарбияланувчилар, болалар) сонини ва муассасалар хусусиятларини акс эттирувчи махсус коэффициентларга асосланади. Жон бошига молиялаштиришда алоҳида муассаса бюджети жон бошига ҳисобланган нормативни

ўқувчилар сони ва мазкур муассаса хусусиятларини ақс эттирувчи тузатиш коэффициентларига кўпайтириш орқали аниқланади.

Мақтабгача таълим муассасаларининг жон бошига режалаштириш тизимига ўтишгача бўлган даврда ушбу усулнинг умумий ўрта таълим тизимида тажрибадан ўтиши ўзининг ижобий натижаларини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарори бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мақтабгача тарбия болалар муассасалари бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги 19-бандини бажариш мақсадида 2010 йил учун мақтабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилди¹ ва у билан мақтабгача таълим муассасалари бюджетини ҳисоблашнинг янги тартиби ўрнатилди. Ушбу ҳужжатда бир нафар тарбияланувчини тарбиялаш харажатларининг худудлар (вилоятлар), мақтабгача таълим муассасаси турлари (4 – 5, 9 – 10,5 соатли) кесимидаги базавий нормативлари, шунингдек, боғча ва ясли гуруҳларидаги болаларни овкатлантиришнинг молиявий меъёрлари келтирилган.

Бу меъёрлар асосида Низомда берилган формула бўйича мақтабгача таълим муассасасининг умумий бюджети ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар кейинги йил (2011 ва 2012 йиллар) учун харажатларнинг янги базавий нормативлари ишлаб чиқилди ҳамда Молия ва Халқ таълими вазирликларининг қўшма қарорлари билан тасдиқланди.

«2012 йил учун давлат мақтабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га² мувофиқ, ҳар бир ДМТМга ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий ҳажми куйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$BC = \left(\frac{N_1}{K_1} \times БНЗ_1 + \left(\frac{N_2}{K_2} \times БНЗ_2 + N_1 \times \Pi_c + N_2 \times \Pi_n + \right. \right. \\ \left. \left. (N_1 + N_2) \times БНЗ_3 \right) \right) \quad (3.1)$$

бу ерда:

BC – мақтабгача таълим муассасаси бюджети;

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 28.04.2010 й. 34/16-сон қарори билан тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 27.01.2012 й. 8/4-сон қарори билан тасдиқланган.

БНЗ₁ – бир нафар боғча тарбияланувчисини тарбиялаш харажатларининг базавий нормативи;

БНЗ₂ – бир нафар ясли тарбияланувчисини тарбиялаш харажатларининг базавий нормативи;

БНЗ₃ – МТДМнинг бошқа харажатлари (IV гуруҳ) бўйича бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативи;

N₁ – боғча гуруҳларида тарбияланувчилар сони;

N₂ – ясли гуруҳларида тарбияланувчилар сони;

K₁ – боғча гуруҳлари бўйича коэффициент;

K₁ = N₁ / (N₁ × 20);

N₁ – боғча гуруҳлари сони;

K₂ – ясли гуруҳлари бўйича коэффициент;

K₂ = N₂ / (N₂ × 15);

N₂ – ясли гуруҳлари сони;

П_с – бюджет бўйича бир нафар боғча ёшидаги тарбияланувчи овқати учун ажратилган маблағ миқдори;

П_я – бюджет бўйича бир нафар ясли ёшидаги тарбияланувчи овқати учун ажратилган маблағ миқдори.

Мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг (миқдори ҳар бюджет йили учун бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи ҳажмининг оширилиши ҳамда муассасалар томонидан истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар нархи, тарифларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда қайта кўриб чиқиладиган ва ўрнатиладиган) базавий нормативларига куйидаги харажатлар киритилган:

- тарбиячилар, маъмурий-хўжалик ва ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, ходимларни моддий рағбатлантириш фонди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов (2012 йил учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 25 фоизи);

- ДМТМни сақлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш, озик-овақат маҳсулотларини сотиб олиш, чикимга оид материаллар ва ҳ.к.).

Шунингдек, харажатларнинг базавий нормативларига айрим турдаги харажатлар миқдори (тегишли йил учун бюджет кўрсаткичларида назарда тутилган) бўйича индексация суммалари ҳам киритилган.

ДМТМда бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий

нормативларига ҳар бир ДМТМ эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиладиган, ҳудудий молия ва халқ таълими органлари томонидан тасдиқладиган, манзилли рўйхатларга мувофиқ ажратиладиган қуйидаги харажатлар киритилмайди:

- кўмир сотиб олиш ва етказиб бериш;
- барча турдаги коммунал хизматлар истеъмолини ўлчайдиган ҳисоблагичлар сотиб олиш ва ўрнатиш;
- асосий воситалар сотиб олиш;
- капитал таъмирлаш.

Бундан ташқари, ДМТМ сметаларида туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджети харажатларининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган параметрлари доирасида харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан ҳисобланган маблағлар ҳажмига кўшимча равишда қуйидаги харажатлар турлари учун маблағлар ажратиш кўзда тутилади¹:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирликларининг 5.04.2001 й. 2-, 33-сон (13.04.2001 й. 1026-сон билан рўйхатдан ўтган) қарорига мувофиқ Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва Зафаробод шаҳарчаси ДМТМ ходимларининг хизматлари учун ойлик тўловлар²;

- қонунчиликда алоҳида иқлим шароитлари учун ҳудудий коэффициентлар белгиланган жойларда жойлашган ДМТМда иш ҳақига тўланадиган устамалар.

Юқорида қайд этилганидек, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини жон бошига молиялаштириш амалиётида илк бор 2010 йил учун харажатларнинг базавий нормативлари ишлаб чиқилди ва тегишли низом билан тасдиқланди. 2012 йил учун ҳам харажатларнинг базавий нормативлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. 2-иловада 2012 йил учун харажатларнинг базавий нормативларини акс эттирувчи жадвал келтирилган. Жадвал маълумотлари асосида мактабгача таълим муассасаси бюджетини ҳисоблашни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

1 ¹ 2012 йил учун давлат мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 27.01.2012 й. 8/4-сон қарори билан тасдиқланган).

2 Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирликларининг 5.04.2001 й. 2/33-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 13.04.2001 й. 1026-сон билан рўйхатга олинган.

МИСОЛ. 2012 йил учун умумий типдаги мактабгача таълим муассасаси бюджетини ҳисоблаш зарур. МТМда 3 та боғча ва 2 та ясли гуруҳлари мавжуд бўлиб, ҳафтада 6 кун фаолият юритади ва болаларнинг муассасада бўлиш вақти 9 – 10,5 соатни ташкил этади. МТМда тарбияланувчилар сони 100 нафар боладан иборат, шундан 35 нафарини ясли гуруҳлари тарбияланувчилари ташкил этади. Таълим муассасаси Бухоро вилоятида жойлашган.

1. Аввало, Бухоро вилояти муассасаларининг тегишли бюджет йили учун белгиланган БНЗ₁, БНЗ₂ ва БНЗ₃лар миқдорини аниқлаб олиш зарур. Ушбу кўрсаткичлар 2012 йил учун мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом илова-сида келтирилган (2-иловага қаранг), унга мувофиқ, БНЗ₁ ва БНЗ₂лар миқдори барча муассасалар учун бир хил ўрнатилган, БНЗ₃ миқдори эса ҳудудлар бўйича фаркланади. Шундай қилиб Низом бўйича:

$$\text{БНЗ}_1 = 1\,030\,756 \text{ сўм}, \text{БНЗ}_2 = 1\,452\,782 \text{ сўм ва } \text{БНЗ}_3 = 82\,543 \text{ сўм}$$

2. Мисол шартига кўра боғча ва ясли гуруҳлари бўйича гуруҳларнинг тўлиқлиги меъёрдан юқори эканлигини (бир гуруҳнинг тўлиқлик меъёри 20 нафар тарбияланувчига тенглиги шароитида 3 та боғча гуруҳларида тарбияланувчилар сони 65 нафар болага тенг) аниқлаш қийин эмас. Шунинг учун юқорида келтирилган формула бўйича ($K_1 = N_1 / (N_1 \times 20)$) ва ($K_2 = N_2 / (N_2 \times 15)$) K_1 ва K_2 коэффициентларини ҳисоблаб оламиз:

$$K_1 = 65 / (3 \times 20) = 1,08; K_2 = 35 / (2 \times 15) = 1,17.$$

3. Мактабгача таълим муассасаси бюджетини ҳисоблашда формуласига боғча ва ясли гуруҳлари бўйича фарқ қилувчи овқатланиш харажатлари алоҳида киритилган. Овқатланиш харажатлари болалар сони ва бир нафар боланинг овқатланиш меъёридан (Π_c ва Π_y кўрсаткичлари) келиб чиқиб ҳисобланади. Мисолни ечиш учун ушбу меъёрлар миқдорини 2012 йил учун мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий норма-

тивларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом иловасидан олиш лозим (2-иловага қаранг). Унда Бухоро вилояти учун харажатлар миқдори қуйидагича ўрнатилган:

$$P_c = 128\,259,0 \text{ сўм ва } P_u = 117\,014,0 \text{ сўм.}$$

4. Барча бошланғич маълумотлар ва амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларини қўллаган ҳолда 3.1-формула бўйича мактабгача таълим муассасасининг умумий бюджети миқдорини ҳисоблаш мумкин:

$$BC = (65 / 1,08) \times 1\,030\,756 + (35 / 1,17) \times 1\,452\,782 + 65 \times 128\,259 + 35 \times 117\,014 + (65 + 35) \times 82\,543 = 126\,181,7 \text{ минг сўм.}$$

Шундай қилиб, Бухоро вилоятида жойлашган, тарбияланувчилар сони 100 нафар боладан иборат бўлган, болаларнинг муассасада бўлиш вақти 9 – 10,5 соатни, ҳафталик иш куни 6 кунни ташкил этувчи мактабгача таълим муассасаси умумий бюджетининг миқдори 126 181,7 минг сўмга тенг. Ушбу сумма муассасанинг режалаштири-лаётган йил учун харажатлар сметасига киритилади (бизнинг мисоли-мизда 2012 йил).

Таъкидлаш лозимки, шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳарчаларда жойлашган, гуруҳларнинг ўртача тўлиқлиги белгиланган меъёрлардан (боғча гуруҳлари учун 20 нафар, ясли гуруҳлари учун 15 нафар тарбияланувчи) кам бўлган мактабгача таълим муассасаларида K_1 ва K_2 коэффицентлар қўлланилмайди. Бундай ҳолларда юқорида келтирилган 3.1-формула қуйидагича содалашади:

$$BC = N_1 \times BH3_1 + N_2 \times BH3_2 + N_1 \times P_c + N_2 \times P_u + (N_1 + N_2) \times BH3_3 \quad (6.2)$$

Кам комплектли болалар таълим муассасалари бюджетини харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисоблашда формула бўйича ҳисобланган бюджет миқдори муассасани нормал саклаш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун 80 нафардан оз бола тарбияланаётган кам комплектли мактабгача таълим муассасалари

учун ҳар бир боғча ва ясли ёшидаги тарбияланувчини тарбиялаш харажатларининг базавий нормативларига қўшимча маблағлар ажратиш кўзда тутилади. Ушбу маблағлар миқдори боғча ва ясли ёшидаги тарбияланувчилар сонига мос равишда кўпайтирилади ва 6.2-формула бўйича ҳисобланган мактабгача таълим муассасаси бюджетига қўшилади. Мисол учун, 2011 йили кам комплектли мактабгача таълим муассасаларида ҳар бир боғча ёшидаги тарбияланувчи учун 145 599 сўм миқдорида ва ҳар бир ясли ёшидаги тарбияланувчи учун 224 244 сўм миқдорида қўшимча маблағ ажратиш кўзда тутилган. 2012 йили ушбу мақсадларга мос равишда 249 035 ва 347 412 сўм¹ миқдорида қўшимча маблағ муассаса сметасига киритилган.

Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасаларини жон бошига (харажатларнинг базавий нормативлари асосида) молиялаштириш, болаларнинг яшаш жойи, бюджетнинг имкониятлари ва бошқа шарт-шароитлардан қатъи назар, стандарт ҳажм ва сифатдаги таълим хизматларидан фойдаланиш кафолатини яратади. Шу билан бирга, ресурсларни жон бошига тақсимлаш самарадорлигини таъминлаш учун зарур хизматлар ҳажми ва ресурслар қиймати таҳлилига асосланиш лозим. Акс ҳолда, сарфланаётган ресурслар миқдори билан таълим хизматлари сифатига қўйилаётган талаблар ўртасида боғлиқлик йўқолади.

Харажатларнинг базавий нормативлари усулини қўллашда муайян муассасага ажратиладиган маблағлар миқдори мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари сонидан бошқа омилларга ҳам боғлиқ, шунга қарамай, уларнинг умумий миқдори объективлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ажратилади.

¹ 2012 йил учун мактабгача таълим давлат муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Ҳалқ таълими вазирликларининг 27.01.2012 й. 8/4-сон қарори билан тасдиқланган).

3.3. Давлат мактабгача таълим муассасалари штатлар сонини аниқлаш ва ходимларнинг иш ҳақи харажатларини режалаштириш

Мактабгача таълим муассасаси фаолияти учун зарур бюджет маблағлари миқдори олдинги параграфда тавсифлаб ўтилган усул бўйича аниқланади. Ушбу маблағлар муассасанинг харажатлар сметасига киритилади ва режалаштириш жараёнида сметанинг харажат гуруҳлари бўйича тақсимланади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвали мактабгача таълим муассасаси раҳбари ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан қатъий белгиланган тартибда ва харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган маблағлар чегарасида тузилади. Смета харажатларини режалаштириш куйидаги харажат гуруҳлари бўйича амалга оширилади:

I гуруҳ – Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар.

II гуруҳ – Иш берувчининг ажратмалари.

IV гуруҳ – Бошқа харажатлар.

Харажатларни режалаштиришда маблағларни тақсимлашнинг куйидаги қатъий кетма-кетлиги белгиланган:

- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов;
- озик-овқат харажатлари;
- коммунал тўловлар;
- бошқа жорий харажатлар.

Иш ҳақи мактабгача таълим муассасаси харажатлари ичида асосий ва энг йирик моддаси ҳисобланади. Иш ҳақини ҳисоблаш учун мактабгача таълим муассасаси ходимларининг штатлар сонини аниқлаш зарур. Ходимлар штатлари сони намунавий штатлар асосида шакллантирилади. Бугунги кунда Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликларининг 3.08.2010 й. 33/1, 150/1-сон қарори билан тасдиқланган ва 2010 йил 1 октябрдан кучга кирган (3-иловага қаранг) давлат мактабгача таълим муассасалари Намунавий штатлари амал қилиб келмоқда.

Намунавий штатлар асосида эса маъмурий-бошқарув, ёрдамчи ва тарбиячи ходимларнинг штат бирликлари сони аниқланади.

Маъмурий-бошқарув ва ёрдамчи ходимлар штат бирликлари сони мактабгача таълим муассасасидаги гуруҳлар сонига боғлиқ ҳолда бел-

гиланади (3-иловага қаранг). Мисол учун, 2 тадан 7 тагача гуруҳлар мавжуд муассасада тарбиячи-услубчи лавозими кўзда тутилмаган. 8 – 9 та гуруҳли муассасаларда 0,5 ставка, 10 – 12 та гуруҳларга эга муассасаларда эса 1 ставка тарбиячи-услубчи лавозими белгиланган; 2 – 5 та гуруҳли муассасаларда 0,5 – 1,0 ставка бухгалтер лавозими, 6 тадан 12 тагача гуруҳлари бўлган муассасаларда эса 1,0 ставка бош бухгалтер лавозими кўзда тутилади. Шу тартибда бошқа ходимлар: мудир, психолог, ҳамшира, таъмирлаш бўйича ишчи, кир ювиш бўйича машинист, ошпаз, хўжалик бекаси, фаррош ва бошқалар штат бирликлари сони аниқланади.

Тарбиячи ходимлар таркибига қуйидагилар киради: тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси ва санитарка-энага (фақат ясли гуруҳларида). *Тарбиячи ходимлар штат бирлиги сони қуйидагиларга боғлиқ:*

- муассаса типи (умумий, ихтисослаштирилган, санаторий типидagi);
- мактабгача таълим муассасаси тури (9, 10,5, 12, 24 соатлик);
- гуруҳлар сони (боғча ва ясли гуруҳлари бўйича алоҳида).

3.1-жадвал

Умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларида битта гуруҳ учун ҳисобланган штат бирликлари¹

Гуруҳлар	Штат бирликлари сони							
	Ҳафтада 6 иш куни мавжудлиги ва болаларнинг муассасада бўлиш вақти				Ҳафтада 5 иш куни мавжудлиги ва болаларнинг муассасада бўлиш вақти			
	9 соат	10,5 соат	12 соат	24 соат	9 соат	10,5 соат	12 соат	24 соат
Мактабгача гуруҳларда								
Тарбиячи	1,5	1,67	2,0	2,2	1,25	1,55	2,0	2,0
Тарбиячи ёрдамчиси	1,0	1,25	1,5	1,5	1,0	1,15	1,25	1,5
Ясли гуруҳларида								
Тарбиячи	1,5	1,67	2,0	3,6	1,25	1,55	2,0	3,0
Санитарка-энага	1,33	1,45	1,75	2,75	1,1	1,3	1,5	2,5

¹ Давлат мактабгача таълим муассасалари намунавий штатлари (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 3.08.2010 й. 33/1, 150/1-сон қарори билан тасдиқланган).

Намунавий штатларга иловаларда (эслатмаларда) муассасаларнинг алоҳида шароитлари (мактабгача таълим муассасаси филиалининг, алоҳида иситиш тизимининг, ёпиқ сузиш ҳавзаси, транспорт, мевали боғ мавжудлигининг, жисмоний ривожланишида нуқсонни бор болалар учун ихтисослаштирилган, кеча-кундуз ишлаш тартибига эга ва бошқалар) келтирилади ва уларга мувофиқ ишчи-хизматчиларнинг қўшимча штат лавозимлари жорий этилади. Шунинг учун ходимларнинг штатлари сонини аниқлашда амалдаги намунавий штатларни (белгиланган тартибда тасдиқланган ва раҳбариятга тавсия этилган) синчиклаб ўрганиш тавсия этилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, харажатларнинг базавий нормативлари асосида бюджет харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш тартибини қўллаётган мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари муассасанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун зарур бўладиган лавозимларни (намунавий штатларга мувофиқ аниқланадиган) штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида мустақил равишда белгилашлари мумкин¹.

Ходимларнинг штат бирликлари сонини аниқлаш штатлар жадвалини тузиш учун шароит яратиб беради. Штатлар жавдалида педагог ходимлар (тарбиячилар) лавозимлари рўйхати ва сони, уларнинг базавий тариф сеткаси бўйича лавозим маошлари, бошқа доимий ишчилар лавозимлари сони, ҳар бир лавозимга мос равишда ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар ва разряд коэффициентлари, ойлик лавозим маошлари миқдори, устамалар ва қўшимчалар, ходимлар тоифаси (маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи) бўйича йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мактабгача таълим муассасаси педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун харажатларни режалаштиришда тарификация рўйхатини (сметага илова қилинади) ишлаб чиқиш зарур. Унда педагог ходимлар рўйхати, уларнинг маълумоти (диплом раками, ўқув юртининг номи, тутатган йили), ҳар бир педагог ходимнинг (ҳар бир лавозим ва ходимнинг малака тоифаси учун белгиланадиган, базавий тариф ставка асосида шакллантириладиган) ойлик лавозим маоши ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган устамалар ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборотлар келтирилади.

¹ 2010 йил учун мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг III бўлими 9-банди (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Ҳақ таълими вазирликларининг 28.04.2010 й. 34/16-сон қарори билан тасдиқланган).

Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари базавий тариф ставкаларининг аниқ ҳажмлари халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткалари асосида белгиланади (дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарори билан тасдиқланган). Ҳукуматнинг бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, нафақалар ва стипендиялар миқдорини опшириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари ҳажми мунтазам равишда айта кўриб чиқилади.

3.2-жадвалда 2012 йил 1 декабрдан амал қиляётган мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари базавий тариф ставкаларининг янги миқдорлари келтирилган.

3.2-жадвал

Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари¹ (сўм)

Лағозим номи	Тариф ставкалари миқдорлари*				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
Халқ таълими барча типдаги муассасаларининг тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист), психологи ва мактабдан ташқари муассасалар инструктор-методисти	387 520	360 214	333 995	308 831	285 171
Болалар мактабгача муассасалари ўқитувчиси (логопед, дефектолог, тил бўйича фанлар)†	415 709	387 520	360 214	333 995	308 831

¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 26.11.2012 й. 339-КБ/714-КБ-сон қарорига 1-иловадан мактабгача таълим муассасаларига тегишли қисми бўйича келтирилган.

Халқ таълими барча муассасаларидаги методист, тўғарақлар, студиялар, секциялар раҳбарлари, барча ихтисосликлар инструкторлари, аккомпониатор, мусиқа раҳбари	341 011**	313 710	287 497	262 482	238 693
--	-----------	---------	---------	---------	---------

* *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 26.11.2012 й. 339-КБ/714-КБ-сон қарорлари билан тасдиқланган.*

* *Мазкур малака тоифаси мактабгача болалар муассасалари ва мактаб-боғчалар «мусиқа раҳбари» лавозими учун амал қилади.*

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларининг базавий тариф ставкалари тарбияланувчилар контингенти сонига боғлиқ ҳолда аниқланадиган муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади. Мисол учун, 9 тагача гуруҳлар мавжуд муассасалар халқ таълими муассасаларининг II гуруҳига, 9 ва ундан ортиқ гуруҳларга эга муассасалар эса I гуруҳига киради. Масалан, 2012 йил 1 декабрдан мактабгача давлат таълим муассасалари раҳбар ходимлари учун уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг қуйидаги базавий тариф ставкалари амал қилмоқда (3.3-жадвал):

3.3-жадвал

Болалар мактабгача таълим муассасалари мудирлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалар миқдорлари¹

Муассаса гуруҳлари	Контингент сони	Базавий тариф ставкалари миқдори (сўми)
I гуруҳ	9 гуруҳ ва ундан ортиқ	415 817
II гуруҳ	9 та гуруҳгача	387 520

¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 26.11.2012 й. 339-КБ/714-КБ-сон қарорига 2-иловадан мактабгача таълим муассасаларига тегишли маълумотлар бўйича келтирилган.

Ёрдамчи ва бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси намунавий штатларга мувофиқ тузиладиган штатлар жадвали асосида ҳисобланади. Ушбу ходимларнинг лавозим разрядлари Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарда ишлаётган мутахассислар ва хизматчилар учун ишлаб чиқилган махсус қарорлари асосида белгиланади.

Педагог ходимларнинг тарификация рўйхати ва намунавий штатлари асосида тузилган штатлар жадвали қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади (3.4-жадвалда мисол тариқасида умумий типдаги, ҳафтасига 6 кун ишлайдиган 9 – 10,5 соатлик, тарбияланувчилар контингенти 100 нафар, 5 та гуруҳ (шундан 3 таси боғча, 2 таси ясли гуруҳлари)дан иборат мактабгача таълим муассасасининг штатлар жадвали келтирилган):

3.4-жадвал

Мактабгача таълим муассасаси штатлар жадвали

т/р	Таркибий бўлинмалар ва лавозимлар номи	Штат бирликлари сони	ЯТС бўйича разряд	Тариф коэффициенти	Маоши (сўм)	Қўшимчалар ва устамалар (сўм)	Ойлик иш ҳақи фонди (сўм)
1	Мудир	1			387 520		387 520
2	Катта ҳамшира	1	4	4,191	333 562		333 562
3	Психолог	0,5			333 995		166 998
4	Хўжалик мудир	1,0	3	2,998	238 611		238 611
5	Бухгалтер	1,0	4	3,297	262 408		262 408
6	Ошпаз	2,0	3	2,998	238 611		477 222
7	Чойшабларни ювиш ва таъмирлаш бўйича машинист	1,25	3	2,998	238 611		298 264
8	Хўжалик бекаси	0,5	2	2,725	216 883		108 442
9	Жисмоний тарбия бўйича инструктор	0,5			238 693		119 347
10	Қоровул	3,0	0	1,000	197 065		591 195
11	Слесарь-электр монтёр	0,5	3	2,998	238 611		119 306

12	Бир ойлик маъмурий-бошқарув, хўжалик ва ёрдамчи ходимлар меҳнат ҳақи бўйича ЖАМИ						3 102 875
13	Ўшанинг ўзи касаллик варақалари бўйича иқтисодни ҳисобга олган ҳолда (12 сатр – 12 сатр × 2%/100)						3 040 817
14	Ўшанинг ўзи бир йилда (13 сатр × 12 ой)						36 489 804
15	Тарификация бўйича ходимларнинг ойлик меҳнат ҳақи						4 338 046
16	Ўшанинг ўзи бир йилда (15 сатр × 12 ой)						52 056 552
17	Таътилга чиққан ходим ўрнига ишловчи шахсларнинг ойлик иш ҳақи фонди						839 464,7
18	Ўшанинг ўзи бир йилда (17 сатр × 12 ой)						7 673 576
19	Моддий рағбатлантириш жамғармаси ((14 сатр + 16 сатр + 18 сатр) × 15 / 100)						14 432 989
20	Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси бўйича ЖАМИ (14 сатр + 16 сатр + 18 сатр + 19 сатр)						110 652 921

21	Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа (20 сатр × 1% / 100)						110 652,9
22	ЖАМИ (минг сўм) (20 сатр + 21 сатр)						111 759,5

ДМТМ сметаларида таътилга чиққан ходимлар: муассаса мудир, омборчи, ҳамшира (катта ҳамшира), тарбиячилар, тарбиячиларнинг ёрдамчилари (шу жумладан, тунги вақтда), санитарка-энага, ошхона ишчилари, чойшаблар ювиш ва таъмирлаш бўйича машинистлар ўрнига ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш учун ажратмалар ҳам кўзда тутилади.¹ Ушбу тўловлар суммаси ходимларнинг таътилда бўлиш кунлари ва улар ўрнига ишловчи ходимнинг ўртача кунлик иш ҳақи кўрсаткичлари асосида режалаштирилади.

Мактабгача таълим муассасасида таътилга чиққан ходимлар ўрнига ишловчи шахсларнинг иш ҳақи фондиди ҳисоблаш тартибини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз (3.5-жадвал):

3.5-жадвал

Мактабгача таълим муассасасида таътилга чиққан ходимлар ўрнига ишловчи шахсларнинг иш ҳақи фондиди ҳисоблаш

т/р	Лавозим номи	Бир ходим учун	Барча ходимлар учун	Таътилга чиққан ходим ўрнига ишловчи шахсларнинг иш ҳақи (сўм)		
				Бир ходимнинг ўртача кунлик иш ҳақи	Барча ходимларнинг ўртача кунлик иш ҳақи (4 устун / 3 устун)	жами 6 устун × 3 устун
1	2	3	4	5	6	7
1	Олий тоифали тарбиячи	48	96	15 256,7	30 513,4	1 464 643,2
2	1-тоифали тарбиячи	48	96	14 181,7	28 363,4	1 361 443,2

¹ Мактабгача давлат таълим муассасалари намунавий штатлари 27-баддийнинг «в» банди (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 3.08.2010 й. 33/1, 150/1-сон қарори билан тасдиқланган.

3	Олий маълумотли тарбиячи	48	144	12 158,7	36 476,1	1 750 852,8
4	Ўрта махсус маълумотли тарбиячи	48	48	11 227,2	11 227,2	538 905,6
5	Тарбиячи ёрдамчиси	24	168	10 329,0	72 303,0	1 735 272,0
6	Ошпаз	18	36	9 394,1	18 788,2	338 187,6
7	Чойшаблар ювиш ва таъмирлаш бўйича машинист	18	18	9 394,1	9 394,1	169 093,8
8	Ҳамшира	24	24	13 132,4	13 132,4	315 177,6
9	ЖАМИ (минг сўм)					7 673,6

Бунда ходимнинг ўртача кунлик иш ҳақи миқдори (3.5-жадвалнинг 5-устуни) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Зср = ЗП / Др \quad (3.3)$$

бу ерда:

Зср – таътилга чиққан ходимнинг ўрнига ишловчи шахснинг ўртача кунлик иш ҳақи;

ЗП – таътилга чиққан ходимнинг ўрнига ишловчи шахснинг ойлик маоши;

Др – бир ойдаги иш кунларининг ўртача сони.

Бундан ташқари, Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ, I гуруҳ харажатлари таркибида иш ҳақи фонднинг 15% миқдоридида муассаса ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари режалаштирилади¹ ва унга қуйидагилар киритилади:

1) маъмурий-хўжалик, ёрдамчи ва тарбиячи ходимлар иш ҳақи;

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 20.12.2007 й. 109-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.01.2008 й. 177-4-сон билан рўйхатга олинган.

- 2) конунчилик билан ўрнатилган қўшимча ва устамалар;
- 3) таътилга чиқаётган ходимлар ўрнига ишловчи шахсларнинг иш ақлари.

Муассасанинг харажатлар сметасида II гуруҳ – иш берувчининг ажратмалари кўзда тутилади ва ушбу гуруҳ бўйича қуйидаги харажатлар режалаштирилади:

- ягона ижтимоий тўлов суммаси – сметада 41 21 100 коди бўйича акс эттирилади ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан фоизларда ҳисобланади. Ҳар бюджет йили учун ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмалар фоизи давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарори билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.12.2012 й. ПҚ-1887-сон қарорига мувофиқ, 2013 йилда ягона ижтимоий тўлов миқдорини ҳисоблаш меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 25% миқдориди амалга оширилади;
- сметада 41 21 200 коди бўйича акс эттириладиган бошқа бадаллар ва ажратмалар – ушбу код бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси бўйича ажратмалар учун мўлжалланган маблағлар режалаштирилади. Ўзбекистон Республикаси «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 17- ва 27-моддаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 24.06.2009 й. 177-сон қарорини бажариш мақсадида иш берувчи 2009 йил 17 октябрдан бошлаб ўзининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида белгиланган тартибга ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари бўйича суғурта мукофотини тўлаши зарур.

Мажбурий суғурта бўйича харажатлар учун маблағларга бўлган эҳтиёж мажбурий суғурта шартномаси тузилган ойгача ўтган 12 ой учун иш берувчининг барча ходимлари йиллик иш ҳақи миқдорини

таҳлил қилиш асосида аниқланади (давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг 41 10 100 моддаси бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар).

Суғурта мукофотини тўлаш манбаи бўлиб, 41 21 200 – иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофоти моддасида режалаштирилган смета харажатлари маблағлари хизмат қилади.

Юқорида келтирилган манбалардан олинган маблағлар мажбурий суғурта бўйича харажатларни тўлиқ қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади (Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси).

Сметани тузишда мажбурий суғурта¹ бўйича маблағлар харажатлар сметасида давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи II гуруҳ харажатлари 41 21 200 моддаси бўйича назарда тутилади ва режалаштирилади.

3.4. Давлат мактабгача таълим муассасаларини жорий сақлаш учун бошқа харажатларни ҳисоблаш

Мазкур параграф мазмунини очиб беришда шуни таъкидлаш лозимки, «миллий бюджет таснифини давлат молияси таснифининг халқаро стандартлари билан уйғунлаштириш мақсадида»² давлат бюджети газначилик ижроси тизимининг жорий этилиши билан бюджет таснифини янада такомиллаштириш зарурати юзага келади. Бюджет таснифи давлат бюджетитаркибига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини гуруҳлаш вазифасини бажаради.³

Бюджет таснифи давлат бюджети ва давлат мақсадли

¹ Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қондалари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2009 й. 177-сон қарорига 1-илова).

² Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган).

³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг (Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» 20.08.2010 й. 65-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган).

жамғармалари бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотлар томонидан қўлланилади ҳамда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, шунингдек, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади. 2011 йил январдан кучга кирган янги бюджет таснифи ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом¹ бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси моддаларини янада аниқлаштирди ва 2010 йилгача (яъни янги бюджет таснифи қабул қилингунга қадар) қўлланилган харажат кодларининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Бюджет харажатларининг янги иқтисодий таснифига мувофиқ смета харажатларининг IV гуруҳи – Бошқа харажатлар гуруҳи қуйидаги турдаги харажатларни ўз ичига олади:

42 10 000 – хизмат сафарлари харажатлари;

42 20 000 – коммунал хизматлар;

42 30 000 – бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, компьютер жиҳозлари ва ҳоказоларни сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш;

42 40 000 – ижара бўйича харажатлар;

42 50 000 – моддий айланма маблағлар захиралари харажатлари;

42 90 000 – товар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар;

43 00 000 – асосий воситалар бўйича харажатлар;

47 00 000 – ижтимоий нафақалар;

48 00 000 – бошқа харажатлар.

Ўз навбатида, юқорида санаб ўтилган харажатлар моддалари таркибида кичик моддалар ҳам мавжуд бўлиб, уларда харажат турларининг батафсил ёйилмаси келтирилади. Бюджет таснифида келтирилган мингдан ортиқ турдаги харажатларни бирлаштирувчи моддаларнинг ҳаммаси ҳам давлат мактабгача таълим муассасалари харажатларини режалаштиришда қўлланилмайди. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаларида қўлланиладиган айрим харажат моддалари ва кичик моддаларини режалаштириш ҳамда ҳисоблаш хусусиятларини батафсил кўриб чиқамиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган.

42 10 000 – хизмат сафарлари харажатлари. Ушбу код бўйича, одатда, хизмат сафарларида йўл ҳақи тўлови, яшаш жойи ижараси ва суткалик тўловлар, ўқув курсларига ва ўқув муассасаларига хизмат сафарлари бўйича тўловларга ажратмалар кўзда тутилади. Шунини таъкидлаш лозимки, мактабгача таълим муассасасининг асосий фаолияти ходимларнинг кўчиб юришини, доимий равишдаги хизмат сафарларини талаб этмайди. Шунинг учун алоҳида олинган мактабгача таълим муассасаси даражасида ушбу код бўйича харажатларни ҳисоблаш учун келгуси йилда режалаштирилаётган хизмат сафарлари сонини аниқлаш зарур. Шунингдек, ходимнинг хизмат сафарига бўлиш вақти, хизмат сафарига бўлиш жойининг узоқлиги (вилоят маркази, республика пойтахти ёки бошқа жой), амалдаги йўл ҳақи нархи ва тарифлари ҳамда мазкур муддатда бюджет соҳаси муассасалари учун мўлжалланган яшаш жойини ижарага олиш ва суткалик тўловлар нормалари ҳам эътиборга олинади.

42 20 000 – коммунал хизматлар. Ушбу код бўйича харажатлар сметанинг IV гуруҳ харажатлари умумий ҳажмида катта улушга эга бўлиб, қуйидаги турларга ажратилади:

42 21 000 – электр энергия;

42 22 000 – табиий газ;

42 23 000 – иссиқ сув ва иссиқлик энергияси;

42 24 000 – совуқ сув ва оқова;

42 25000 – чиқиндиларни тозалаш ва олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ хизматлар ҳамда энергетик ва бошқа ресурсларни (бензин ва бошқа ёқилғи-мойлаш материалларидан ташқари) сотиб олиш бўйича харажатлар.

Харажатлар сметасини тасдиқлашда унга олдинги параграфларда қайд этилган ҳужжатлардан ташқари IV гуруҳ – Бошқа харажатларнинг айрим моддалари бўйича ҳисоб-китоблар илова қилинади. Масалан, қуйидаги (3.6-жадвал) жадвалда коммунал хизматлар учун харажатларни ҳисоблаш тартиби келтирилган:

Коммунал хизматлар учун харажатларни ҳисоблаш

	<i>Кўрсаткичлар номи</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>Миқдори</i>	<i>Бир бирлик нархи (сўм)</i>	<i>Суммаси (минг сўм)</i>
42 21 000	Электр энергия учун тўлов	минг кВтч	44,6	76,8	3425,3
42 22 000	Табийий газ учун тўлов	минг м ³			
42 23 000	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов	минг Гкал	1,1	26 785,2	29 463,7
42 24 000	Совуқ сув ва оқова учун тўлов	минг м ³	184,1	130,2	23 969,8
42 25 000	Чиқиндиларни тозалаш ва олиб чиқиб кетиш хизмати учун ҳамда энергетик ва бошқа ресурсларни (бензин ва бошқа ёқилғи-мойлаш материалларидан ташқари) сотиб олиш бўйича харажатлар	тонна	0,1	11 198	1119,8
42 20 000	Коммунал хизматлар учун харажатлар, жами	х	х	х	57 978,6

Ушбу код бўйича харажатларни режалаштириш ва ҳисоблаш ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан:

- харажатлар амалдаги нархлар ва тарифларни инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади;
- харажатлар натурал шаклда ажратилган лимитлар асосида аниқланади;
- уларни режалаштириш ва ҳисоблашда ҳисоблагичлар кўрсаткичи бўйича ўтган йилдаги ҳақиқий харажатлар инобатга олинади;
- бир бирлик учун ўрнатилган харажатлар меъёрларига амал қилинади;
- энергия ёқилғиси ва бошқа ресурсларни иктисод қилиш режимига риоя этилади.

42 30 000 – биналар, иншоотлар, транспорт воситалари,

компьютер жиҳозлари ва ҳоказоларни сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш. Ушбу код бинолар, иморатлар ва турли хил иншоотлар, оргтехника, ўқув ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган жиҳозлар, автомобиллар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини сақлаб туриш ҳамда жорий таъмирлаш харажатларини акс эттиради. Бинолар, иморатлар ва турли хил иншоотларни жорий таъмирлаш харажатлари муассаса комиссияси томонидан имзоланган нуқсонлик далолатномаси асосида аниқланади. Ушбу харажатларга материаллар, буюмлар, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган таъмирлаш ишлари учун тўловлар каби харажатлар киради.

42 40 000 – ижара бўйича харажатлар таркибига ер, бино, иншоот, транспорт воситалари, компьютер жиҳозларини ижарага олганлик учун тўлов харажатлари киради. Ушбу код бўйича харажатлар уларга бўлган реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб режалаштирилади.

42 50 000 – моддий айланма маблағлар захираларига харажатлар. Ушбу код бўйича товар-моддий захиралар: кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-ғилофлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қоғозлар, дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган буюмлар, ёкилги ва ёкилги-мойлаш материаллари, кўмир, бошқа моддий воситалар сотиб олиш харажатлари режалаштирилади. Харажатларни режалаштиришда мазкур код таркибига кирувчи айрим харажатлар бўйича алоҳида ҳисоб-китобларни амалга ошириш талаб этилади. Масалан, бензин ва ёкилги-мойлаш материаллари (42 52 500) учун харажатларни аниқлашда юқори турувчи ташкилотлар томонидан ажратиладиган натурал кўринишдаги лимитга амал қилиш зарур, шунингдек, ажратилган лимит бўйича нефть маҳсулотлари базаси билан шартнома тузиш лозим. Чойшаб-ғилофлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари, асосан, бир йилда бир нафар тарбияланувчига ҳисобланган меъёрлар бўйича режалаштирилади. Муассаса харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган маблағлар доирасида дори-дармонлар ва боғловчи материалларни сотиб олишни режалаштириши мумкин. Ушбу харажатлар бир нафар тарбияланувчини зарур (бирламчи шовилинч ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган) тиббий дори-дармонлар билан таъминлаш меъёрлари асосида ҳисобланади.

Товарлар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатларга (42 90 000) ўқитиш харажатлари, телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари, объектларни қўриқлаш хизматлари (42 93 000), товар ва хизматларни сотиб олиш учун бошқа харажатлар (42 99 000) киради. Ўқитиш харажатларида (42 91 000) ўқув ва ўқув-услубий харажатлар, ўқув дастурларини нашр этиш ва сотиб олиш, мутахассисларни ўзга ўқув муассасаларида тайёрлаш учун тўловлар, экскурсия ва бошқа харажатлар кўзда тутилади. Ушбу харажатлар ўтган давр ҳақиқий харажатлари асосида битта гуруҳ учун пулли меъёрдан келиб чиқиб режалаштирилади. Телефон, телекоммуникация (42 92 100) ва ахборот хизматлари (42 92 200) тўлови учун харажатларга телефон ўрнатиш, абонент тўловлари, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ҳамда Интернет хизматларини тўлаш бўйича харажатлар киради. Ушбу код бўйича харажатларни режалаштиришда ўтган ҳисобот даврида амалга оширилган ҳақиқий харажатлар (маблағларни иқтисод қилиш режимида роя қилган ҳолда) ҳисобга олинади. Смета иловаларида мазкур ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклда амалга оширилади (3.7-жадвал):

3.7-жадвал

42 92 100 – телефон, телеграф ва почта хизматлари коди бўйича харажатларни ҳисоблаш

Телефон, телеграф хизматлари учун харажатлар	2011 йил сметаси бўйича ҳисобга олинган	2012 йил	
		муассаса томонидан ҳисобланган	смета бўйича ҳисобга олинган
Телефон тоҷкалари сони	2	2	2
Абонент тўлови (2 тел. × 00,0 сўм × 12 ой)	42,0	43,0	43,0
Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар	93,0	107,0	107,0
ЖАМИ	135,0	150,0	150,0

Шунингдек, ушбу код бўйича бинолар ва иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш, дезинфекция ва бошқа (канцелярия ва хўжалик буюмлари сотиб олиш, газета ва журналларга обунга бўлиш ва бошқалар)

харажатлар бир тарбияланувчига бир йил учун ҳисобланган меъёрлар асосида режалаштирилади.

Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари календарь режасида мўлжалланган, халқ таълими ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган чора-тадбирларни (байрамлар, битирувчиларнинг байрам эрталиклари, конкурслар, спорт мусобақалари ва бошқалар) ўтказиш билан боғлиқ харажатлар «Товар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар» (42 99 000) коди бўйича режалаштирилади.

43 00 000 – асосий воситалар бўйича харажатлар коди юзасидан харажатлар мактабгача таълим муассасалари даражасида уларга бўлган реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб режалаштирилади.

Шундай қилиб, ҳозирги шароитда харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган бюджет маблағларини режалаштиришга нисбатан муайян талаблар қўйилмоқда. Ресурсларнинг чеklangанлиги шароитида мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш ва таълим хизматлари сифатини ошириш учун бюджет маблағларини оқилона ва оптимал тақсимлашни таъминлай олишда чуқур билим ва малака талаб этилади.

3.5. Давлат мактабгача таълим муассасаларида болаларни овқатлантириш харажатларини ҳисоблаш

Мактабгача таълим муассасалари харажатлар сметасининг асосий моддаларидан бири 42 52 300 – озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари ҳисобланади. Унда болаларни овқатлантириш харажатлари кўзда тутилади. Овқатлантириш харажатларини режалаштириш болаларнинг озиқ-овқат меъёри, тарбияланувчиларнинг ўртача йиллик сони, мактабгача таълим муассасасининг иш режими (4 – 5, 9 – 10,5 соатлик), болаларнинг муассасада бўлиш кунлари ва бир нафар болани кунлик овқатлантириш қийматидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Болаларни овқатлантириш харажатларининг умумий миқдори куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{п} = K_{д} \times D \times N_{п} \quad (3.4)$$

бу ерда:

Рп – муассасанинг болаларни овқатлантириш учун харажатлари;
Кд – болаларнинг муассасада бўлиш кунлари сони;
Д – болаларнинг ўртача йиллик сони;
Нп – бир нафар болани кунлик овқатлантириш қиймати.

Болаларнинг мактабгача таълим муассасида бўлиш кунлари сони (Кд) муассаса турига (4 – 5, 9 – 10,5, 12 – 24 соатли) боғлиқ бўлиб, қатор йиллар давомида шаклланган амалиёт кўрсаткичлари ва уларнинг динамикаси асосида белгиланади.

Болаларнинг ўртача йиллик сони куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$D_{cp} = (D_1 \times 8 + D_2 \times 4) / 12 \quad (3.5)$$

бу ерда:

Д₁ ва **Д₂** – режалаштирилаётган йилнинг 1 январь ва 1 сентябрь ҳолатига рўйхатдаги болалар сони. Бунда режалаштирилаётган йил бошига болалар сони рўйхат таркиби бўйича сметани тузиш давридаги ҳақиқий сонидан келиб чиқиб аниқланади, яъни муассасага қабул қилинган барча болалар ҳисобга олинади. 1 сентябрь ҳолатига эса тай-ёрлов гуруҳларидан чиқиб кетган болалар сони ва режалаштирилган ўзгаришларни ҳисобга олувчи, кутилаётган тўлдиришларни инobatга олган ҳолдаги сонидан келиб чиқиб аниқланади;

8 – йил бошига ўтувчи контингентга эга муассасанинг фаолият юритиш ойлари сони;

4 – режалаштирилаётган йилнинг 1 сентябрь ҳолатига янги контингентга эга муассасанинг фаолият юритиш ойлари сони;

12 – йилдаги ойлار сони.

Бир нафар болани овқатлантириш қиймати болаларни овқатлантиришнинг натурал меъёрлари болаларнинг муассасада бўлиш давомийлиги (9 – 10,5, 12, 24 соат) ҳамда гуруҳлар турига (боғча ёки ясли) боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларни овқатлантириш меъёрлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ушбу меъёрлар истеъмол қилинаётган овқат таркиби боланинг соғлом ривожланишини таъминлаб берувчи зарур кало-

рияга эга бўлиши.

Юқорида таъкидланганидек, мактабгача таълим муассасалари иш фаолиятининг турличалиги ушбу муассасалар бўйича болаларни овқатлантириш харажатлари меъёрларининг табақалашувита олиб келади. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим муассасаларининг қуйидаги турлари учун овқатлантириш меъёрлари белгиланган (4-иловага қаранг):

- 4 – 5 соатлик МТМ учун;
- 9 – 10,5 соатлик МТМ учун;
- 12 – 24 соатлик МТМ учун;
- санаторий типдаги МТМ учун.

Шунингдек, ушбу меъёрлар болалар ёшига (3 ёшгача ва 4 – 7 ёшгача бўлган болалар учун алоҳида) қараб табақалаштирилган (4-иловага қаранг).

Мактабгача таълим муассасаларининг сметасида озик-овқат харажатлари 3.8-жадвалга мувофиқ расмийлаштирилади. Унда мисол сифатида умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларида (9 – 10,5 соатлик) болаларни овқатлантириш меъёрлари келтирилган. Озик-овқат маҳсулотлари нархи ҳудудий газначилик органлари билан келишилади. Уларнинг таркибида бюджетдан маблағ олувчилар томонидан нархлар ва тарифларнинг тўғри қўлланилиши бўйича масъул бўлган Юридик мажбуриятлар ва нархлар мониторинги бўлими фаолият юритади.

3.8-жадвал

Умумий типдаги (9 – 10,5 соатли) мактабгача таълим муассасаларида болаларни овқатлантиришнинг натурал ва пулли меъёрлари

№	Маҳсулотлар номи	Бир бирлик маҳсулот нархи	3 ёшгача бўлган болалар учун		4 – 7 ёшли болалар учун	
			Бир кунда 1 нафар бола учун меъёр (г)	Бир кунда 1 нафар болани овқатлантириш қиймати (сўм)	Бир кунда 1 нафар бола учун меъёр (г)	Бир кунда 1 нафар болани овқатлантириш қиймати (сўм)
1	1-навли бугдой уни нони (кг)	750	80	60	120	90

2	1-нав бугдой уни (кг)	663	16	10,6	20	13,3
3	Крахмал уни (кг)	3500	3	10,5	3	10,5
4	Ермалар, макарон маҳсулотлари (кг)	1800	20	38	30	57
5	Шу жумладан, мош (кг)	2300	1	2,4	2	4,8
6	Шакар (кг)	3500	35	122,5	45	157,5
7	Кондитер маҳсулотлари (кг)	3700	4	15,2	10	38
8	Сарёғ (кг)	11000	12	132	20	220
9	Усимлик ёғи (кг)	2 580	5	12,8	7	17,9
10	Сут (л)	1550	500	775	420	651
11	Сметана (л)	6900	5	34,5	5	34,5
12	Творог (кг)	5000	40	200	40	200
13	Пишлоқ (кг)	11600	3	34,8	5	58,0
14	Гушт (кг)	16000	60	960	100	1 600
15	Колбаса маҳсулотлари (кг)	12000	5	60,0	5	60,0
16	Балиқ (кг)	7800	20	156	30	234
17	Тухум (дона)	325	0,25	81,25	0,5	162,5
18	Картошка (кг)	1300	120	156	150	195
19	Сабзавотлар, шу жумладан, томат пастаси	1000	180	180	205	205
20	Мевалар, резавор мевалар, шарбатлар (кг)	2100	90	189	100	210
21	Қуруқ мевалар, шу жумладан, наъматак дамламаси	2400	10	24	10	24
22	Чой (кг)	5500	0,2	1,1	0,3	1,7
23	Какво (100 г)	2200	1	22	1	22
24	Йодланган туз (кг)	500	2	1,0	5	2,5
25	Ачитқилар (100 г)	* 1400	1	14	1	14
	ЖАМИ			3292,65		4283,2

МИСОЛ. Умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларида (9 – 10,5 соатли) болаларни овқатлантириш харажатларини ҳисоблаймиз. Тарбияланувчиларнинг ўртача йиллик сони 100 нафар, шундан 65 нафари боғча гуруҳлари ва 35 нафари ясли гуруҳлари тарбияланувчилари ҳисобланади. Бир нафар болани кунлик овқатлантириш меъёри гуруҳларда мос равишда 4283,2 сўм ва 3292,7 сўм миқдорида белгиланган (3.8-живдал).

1. Масилани ечиш учун бола-кунлари (ДД) сонини аниқлаш зарур. Бунинг учун болаларнинг ўртача йиллик сони бир нафар боланинг боғачага қатнов кунларига кўпайтирилади. Бир нафар боланинг қатнов кунлари сони қатор йиллар учун амалиётда шаклланган кўрсаткичлар ва уларнинг динамикаси асосида аниқланади. Бизнинг мисолимизда ушбу кўрсаткич боғча гуруҳларида 220 кун, ясли гуруҳларида эса 190 кунга тенг. Бола-кунлари сони боғча ва ясли гуруҳлари бўйича алоҳида ҳисобланади:

боғча гуруҳлари бўйича $ДДс = 65 \times 220 = 14\,300$ бола-кунлар;
 ясли гуруҳлари бўйича $ДДя = 35 \times 190 = 6650$ бола-кунлар.

2. Озиқ-овқат харажатларини ҳисоблаш учун бир болани кунлик озиқ-овқат киймати (Нп) боғча гуруҳлари (ДДс) ва ясли гуруҳлари (ДДя) бўйича алоҳида ҳисобланган бола-кунларнинг умумий сонига кўпайтирилади:

$$P_n = ДД \times Нп$$

$$P_{п/с} = 14\,300 \times 4283,2 = 61\,249,8 \text{ минг сўм};$$

$$P_{п/я} = 6650 \times 3292,7 = 21\,896,5 \text{ минг сўм};$$

$$P_n (P_{п/с} + P_{п/я}) = 61\,249,8 + 21\,896,5 = 83\,146,3 \text{ минг сўм}.$$

Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасаси бўйича болаларни овқатлантириш харажатларининг умумий миқдори 83 146,3 минг сўмни ташкил этади.

Мактабгача таълим муассасаларида озиқ-овқат харажатларининг бир қисми ота-оналар тўлови ҳисобидан қопланади. Шунинг учун бу харажатларни ҳисоблашда 3.4-формула асосида ҳисобланган хара-

жатларнинг умумий суммасидан ушбу тўловлар суммаси айирилади. Ота-оналар тўловлари миқдори тарбияланувчилар сонини ота-оналар тўловининг ойлик миқдори ва муассасанинг фаолият юритиш ойлари сонига кўпайтириш орқали аниқланади.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдори ҳукумат қарорлари асосида ўрнатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 25.12.2012 й. ПҚ-1887-сон қарорига мувофиқ давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловининг 2013 йил учун янги миқдорлари (5-иловага қаранг) белгиланган. Ушбу тўловларнинг миқдори муқаддам қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон қарорига мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан фоизларда белгиланган бўлса, янги тўловлар миқдори қатъий суммаларда белгиланган ва қуйидагиларга боғлиқ ҳолда табақалаштирилган:

- таълим муассасасининг жойлашган жойи;
- болаларнинг муассасада бўлиш давомийлигига кўра муассаса тури (4 – 5, 9 – 10,5, 12, 24 соатлик);
- иш режими (ҳафтада 5 иш куни / 6 иш куни);
- мактабгача таълим муассасасига бир оиладан неча нафар бола қатнаши (1 нафар / 1 нафардан ортик).

Ота-оналар тўловидан келиб тушадиган маблағлар миқдори мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари сонини таҳлил этиш асосида аниқланиши лозим, яъни муассасага бир болали оилалардан қатнайдиغان ҳамда бир оиладан икки ва ундан ортик бола қатнайдиغان болалар сони таҳлил қилиниши керак. Шунингдек, таҳлилда болалар таъминоти учун тўловлар бўйича муайян имтиёزلардан фойдалангани оилалар сонини ҳам аниқлаш зарур.

Бундан ташқари, озик-овқат харажатларини ҳисоблашда мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари умумий сонининг 15% миқдоридagi кам таъминланган оилалар тарбияланувчилари болалар таъминоти учун ота-оналар тўловидан тўлиқ озод этилишини ҳисобга олиш лозим.

МИСОЛ. Бухоро вилоятида жойлашган умумий типдаги (хафтада 5 иш кунига эга, болаларнинг муассасада кунлик бўлиш вақти 9 – 10,5 соат) мактабгача таълим муассасаси мисолида ота-оналар тўловининг йиллик миқдорини ҳисоблаймиз. Тарбияланувчилар сони 100 нафар, шундан 40 нафари «бир оиладан бир нафар бола» тоифасига киради.

1. Мактабгача таълим муассасасига бир оиладан бир нафар бола катнайдиган болалар бўйича ота-оналар тўлови миқдорини аниқлаймиз. Уларнинг сони 60 нафарни ташкил этади, ота-оналар тўлови эса 79 590 сўм миқдорида белгиланган (5-иловага қаранг):

$$60 \times 79\,590 \times 12 = 57\,304\,800 \text{ сўм.}$$

2. «Бир оиладан бир нафардан ортиқ бола» тоифасига кирувчи ота-оналар тўлови миқдорини аниқлаймиз. Уларга нисбатан тўлов миқдори мактабгача таълим муассасасига қатнайдиган ҳар бир бола учун 56 509 сўм этиб белгиланган (5-иловага қаранг):

$$40 \times 56\,509 \times 12 = 27\,124\,320 \text{ сўм.}$$

3. Ота-оналар тўлови бўйича тушумларнинг умумий миқдори:

$$57\,304\,800 + 27\,124\,320 = 84\,429\,120 \text{ сўм.}$$

4. Ота-оналар тўлови бўйича тушумлар миқдорини ҳисоблашда юқорида ҳисобланган умумий суммани бир нафар боланинг режавий мактабгача таълим муассасасига қатнов кунлари учун асос қилиб олиш мумкинлигини эътиборга олиш зарур. Ушбу кунлар сони 260 га тенг (365 кун / 7 кун × мактабгача таълим муассасасининг ҳафтадаги 5 иш кунни). Аммо аввал келтирилган мисолимизда бир нафар боланинг мактабгача таълим муассасасига қатнов кунлари 220 кунни (амалиётда шаклланган кўрсаткичлар ва уларнинг қатор йиллардаги динамикасини ўрганиш асосида аниқланади) ташкил этган. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ота-оналар тўлови бўйича тушумлар миқдорини амалиётда шаклланган болаларнинг ҳақиқий қатнов кунларини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаш зарур:

$$84\ 429\ 120 \times 220 / 260 = 71\ 440\ 023 \text{ сўм.}$$

5. Ота-оналар тўлови бўйича тушумлар миқдори кам таъминланган оилаларнинг ота-оналар тўловидан озод қилинганлиги (болаларнинг ўртача йиллик сонига нисбатан 15% гача) муносабати билан 15% га камайтиради:

$$71\ 440,0 - (71\ 440,0 \times 15 / 100) = 60\ 724,0 \text{ минг сўм.}$$

6. Ота-оналар тўлови бўйича ҳисобланган тушумлар миқдори болаларни овқатлантириш харажатларининг умумий миқдоридан айирилади. Олдинги мисолимиз натижаларига кўра, ушбу сумма 83 146,3 минг сўмни ташкил этган. Демак, сметага киритилиши лозим бўлган озиқ-овқат харажатлари миқдори қуйидагича:

$$84\ 429,1 - 60\ 724,0 = 23\ 422,3 \text{ минг сўм.}$$

Мактабгача таълим муассасаларида ходимлар учун озиқ-овқат харажатлари кўзда тутилмайди, аммо тегишли ҳокимиятларнинг қарорларига мувофиқ улар учун мазкур муассасаларнинг ошхоналари базасида озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархи бўйича тўлов асосида овқатланиш ташкил этилиши мумкин.

Биз юқорида мактабгача таълим муассасалари штатлар жадвалини тузиш, харажатлар сметасининг асосий моддаларини режалаштириш ва ҳисоблаш тартибини кўриб чиқдик. Муассаса томонидан тузилган смета ва штатлар жадвали қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади (2.3-2.4-параграфларига қаранг). Ушбу ҳужжатлар муассасанинг йил давомида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида фаолият юритиши билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

3.6. Давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ҳақ тўлаш тартиби

«Болалар мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатларда болалар таъминоти учун ҳақ тўлаш тартиби»га мувофиқ¹ мактабгача таълим муассасаларида ва интернатларда тарбияланувчилар

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Молия вазирликларининг 21.01.2008 й. 2/4-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.02.2008 й. 1768-сон билан рўйхатга олинган.

таъминоти учун тўланган тўловлар бюджетдан ажратилган маблағлар билан бир қаторда мақсадли равишда болалар (тарбияланувчилар)нинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун йўналтирилади. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар конун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорларда ундирилади.

Агар оилада икки ва ундан ортиқ бола турли мактабгача таълим муассасаларига қатнаса, ушбу тоифа оилалар учун белгиланган тўлов миқдорларини қўллаш учун ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) бир муассасадан бошқасига болаларнинг бошқа мактабгача таълим муассасаларига қатнаши тўғрисида тегишли равишда расмийлаштирилган маълумотнома тақдим этиши лозим.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари ва умумий типдаги мактабгача таълим муассасалари қошидаги гуруҳларда тарбияланаётган қулоғи қар, жумладан, заиф эшитадиган, кўзи ожиз ва кўриш қобилияти паст, нутқнинг оғир бузилишлари (алалия, дизартрия, ринология, афазия, дудуклик, нутқнинг I ва II даражали умумий ривожланмаганлиги), таянч-ҳаракат аппаратининг бузилиши (церебраль фалажлик, полиомиелит асоратлари, артрогиппоз, хондродистрофия, миопатия), ақли заифлик, руҳий ривожланишининг сустлиги (ақлий қобилиятнинг бузилиши), сил касаллигининг илк кўриниши (бемор билан алоқада бўлиш ва тубвираж), шунингдек, сил касаллиги ва гепатит касаллигидан кейинги тиклаш даврини бошидан кечираётган болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови ундирилмайди.

Болалар таъминоти учун тўлов ота-оналарнинг ўрнини босувчилар билан мактабгача таълим муассасаси маъмурияти ўртасида тузилган шартнома асосида олинади.

Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар таъминоти учун тўловлар банк муассасасига тўловлар тўланадиган жорий ойнинг 10-кунига қадар ҳар ойда тўланади. Бунда тўловни тасдиқловчи ҳужжат (квитанциялар) нусхаси мактабгача таълим муассасасига тақдим этилади. Тўловлар нақд бўлмаган шаклда тўланган ҳолларда тўлов (тўлов тўланганлик тўғрисидаги банк белгиси қўйилган) қоғозининг нусхаси мактабгача таълим муассасасига топширилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялаш учун

тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобида турадиган мактабгача таълим муассасалари бўйича белгиланган тартибда ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади ва алоҳида шахсий ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар таъминоти учун тўловлар ҳар ойнинг 10-санасидан кейин икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, ота-оналар билан шартнома тўхтатилиши ёхуд болалар мактабгача таълим муассасасидан чиқарилиши мумкин.

Ота-оналар тўловчи бўйича қарздорлик пайдо бўлган санадан 90 календарь кун мобайнида мактабгача таълим муассасасидаги бола таъминоти учун мавжуд қарздорлик қопланганда, болани ушбу муассасага тиклаш мажбурий тартибда амалга оширилади. Кўрсатилган муддат бузилган тақдирда, мактабгача таълим муассасасига болани тиклаш янги қабул қилинган болалар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасида бола таъминоти учун тўловлар қийматини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби. Мактабгача таълим муассасасидаги бола таъминоти учун тўловларнинг бир кунлик қийматини аниқлаш учун, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) бир ойлик тўловларининг миқдори мактабгача таълим муассасасининг ойлик иш жадвали бўйича иш кунлари сонига бўлинади.

Бола касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлган) туфайли, шунингдек, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг меҳнат таътили даврида боланинг мактабгача таълим муассасасига кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган давр учун тўланган тўловлар кейинги тўловларда ҳисобга олинади (фақат мактабгача таълим муассасасининг иш кунлари сони ҳисобга олинади).

Боланинг касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлгани) туфайли боланинг келмаганлиги тегишли даволаш муассасаси ёки участка врачлари томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланиши шарт. Бола уйда қолган бошқа барча ҳолатларда мактабгача таълим муассасасида болалар таъминоти учун тўловлар умумий асосларда ундирилади.

Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг аризасига кўра тўловлар тўлиқ бўлмаган ой учун, яъни боланинг ушбу муас-

сасага катнашини тўхтатадиган ва рўйхатдан чиқариладиган кунгача бўлган давр учун ундирилиши мумкин.

Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мактабгача таълим муассасасига боланинг катнаши тўхтатилиши тўғрисида камида бир ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Агар бу ҳақда мактабгача таълим муассасаси огоҳлантирилмаган бўлса, тўланган пулни қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Бунда боланинг мактабгача таълим муассасаларида тўлов тўланган даврдан ортиқ муддатга қолиши ушбу ой учун тўловнинг қолган қисми тўланмагунча мумкин эмас.

Кам таъминланган оилалар болалари таъминоти учун тўловлардан озод қилиш тартиби. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар таъминоти учун тўловлардан кам таъминланган оилаларнинг болалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу муассасаларда (интернатларда)ги уларнинг умумий сонидан 15 фоизи доирасида озод қилинади. Бунда ота-оналари (биттаси ёки иккаласи) I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган кам таъминланган оилаларнинг болалари биринчи навбатда тўловлардан озод қилинади.

Болалар (тарбияланувчилар)ни тўловлардан озод қилиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома асос бўлади. Ушбу ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаси ва интернатга тегишли тартибда кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Тўловлардан озод қилинадиган кам таъминланган оилалар болаларининг (тарбияланувчилар) рўйхати молиявий йил бошлангунга қадар (режадаги болалар, тарбияланувчилар умумий сонига нисбатан 15 фоиз доирасида) васийлик кенгаши мажлиси баёнига асосан мактабгача таълим муассасаси ёки интернат раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Рўйхатга кирмаган кам таъминланган оилаларнинг болалари қаторидан, рўйхат мактабгача таълим муассасасидан бутунлай чиқиб кетиши муносабати билан ўзгартирилган ҳолларда, юқорида кўрсатилган рўйхат тўлдириб бориладиган захира шакллантирилади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Мактабгача таълим тизимига умумий тавсиф беринг.
2. Мактабгача таълимнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Барча мактабгача таълим муассасалари фаолият хусусиятларига кўра қандай турларга ажратилади?
4. Мактабгача таълим муассасалари молиявий ресурсларининг манбаларига умумий тавсиф беринг.
5. ДМТМнинг қайси ташкилий, иқтисодий ва молиявий хусусиятлари уларни молиялаштириш хусусиятларини белгилаб беради?
6. Бюджет маблағларини тақсимлашнинг «пул ўқувчининг ортидан боради» тамойили асосида жон бошига молиялаштириш механизмини жорий этишнинг моҳияти ва зарурлиги нимада?
7. Ҳар бир мактабгача таълим муассасаси учун ажратиладиган бюджет ажратмаларининг умумий миқдорини ҳисоблаш қандай формула бўйича амалга оширилади? Ушбу формула қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?
8. Мактабгача таълим муассасаларида бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларига қайси харажатлар қўшилган, қайсилари қўшилмаган, бунинг сабаби нимада?
9. Худудингизда жойлашган мактабгача таълим муассасаси бюджетини унинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва тегишли йилнинг норматив ҳужжатлари асосида ҳисобланг.
10. Мактабгача таълим муассасаларида жон бошига норматив молиялаштириш усулининг асосий афзалликлари ва камчиликларини тавсифланг.
11. Мактабгача таълим муассасаларида ходимларнинг штат birlikлари сони қайси норматив ҳужжатлар асосида аниқланади?
12. Тарбиячи ходимларнинг штат birlikлари сонини аниқлаш қандай кўрсаткичларга боғлиқ?
13. Штатлар жадвалининг мазмуни ва аҳамиятини тавсифлаб беринг.
14. Мактабгача таълим муассасаси педагогик, маъмурий-бошқарув ва ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни режалаштиришнинг умумий тартибини тавсифланг.

15. Мактабгача таълим муассасаларида педагог ходимларнинг базавий тариф ставкалари ҳажми қандай аниқланади ва улар қайси кўрсаткичларга боғлиқ?

16. Мактабгача таълим муассасаларида раҳбар ходимларнинг базавий тариф ставкалари қайси кўрсаткичлардан келиб чиқиб белгиланади?

17. Таътилга чиқаётган ходимларнинг ўрнига ишловчи шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари қандай ҳисобланади?

18. Мактабгача таълим муассасаси ходимининг ўртача кунлик иш ҳақи қандай ҳисобланади?

19. Смета харажатларининг II гуруҳи – иш берувчининг ажратмалари бўйича қандай харажатлар кўзда тутилади?

20. Смета харажатларининг IV гуруҳи – бошқа харажатлар бўйича қайси харажатлар режалаштирилади?

21. Смета харажатларининг IV гуруҳи - «Бошқа харажатлар» бўйича харажатларни режалаштириш ва ҳисоблаш хусусиятларини гапириб беринг.

22. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни овқатлантириш харажатларини режалаштириш тартибини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

23. Мактабгача болалар таълим муассасаларида болалар таъминоти учун тўловлар тўлаш тартибини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

24. Кам таъминланган оилалар болалари таъминоти учун тўловлардан озод қилиш тартибини айтинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий:

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 29.08.1997 й. №464-I сон Қонуни.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 й. 463-I сон Қонуни билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 14.12.2000 й. 158-II сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги 26.08.2004 й. 664-II сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури

тўғрисида»ги 21.05.2004 й. ПФ-3431-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 25.11.2005 й. ПҚ-227-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 3.11.2011 й. ПФ-4377-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.06.1999 й. 313-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.05.2009 й. 139-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.06.2010 й. 117-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 01.03.2011 й. 52-сон қарори.

Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. – Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Қўшимча:

Программный обзор государственных расходов. Варианты подушевого финансирования в сфере общего образования в Узбекистане. Август 2006 г. Департамент сокращения уровня бедности и управления экономикой. Регион Европы и Центральной Азии. Документ Всемирного банка.

Меъёрий-ҳуқуқий материаллар:

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8.09.1995 й. тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 20.09.1995 й. 177-сон билан рўйхатдан ўтган).

Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 25.10.2007 й. 225-сон қарорига 1-илова).

Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатларда болалар таъминоти учун тўлов киритиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 21.01.2008 й. 2/4-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.02.2008 й. 1768-сон билан рўйхатга олинган).

2010 йил учун мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 28.04.2010 й. 34/16-сон қарори билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

Давлат мактабгача таълим муассасалари намунавий штатлари (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 3.08.2010 й. 33/1, 150/1-сон қарори билан тасдиқланган).

4-БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

4.1. Умумий ўрта таълим тавсифи

Ўзбекистонда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига¹ мувофиқ, мажбурий тўққиз йиллик умумий ўрта таълим амал қилади. У бошланғич (1 – 4-синфлар) ва ўрта (5 – 9-синфлар) таълимга бўлинади. Умумий ўрта таълим ўқувчиларда фан асослари бўйича мунтазам билим олишни таъминлайди, уларда билим эгаллашга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш, асосий ўқув, илмий ва умуммаданий билимлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат кўникмалари, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш ҳамда касб танлаш кўникмаларини шакллантиради.

Умумий ўрта таълимнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларда билим, кўникма ва умумий маданиятни шакллантириш;
- ўқувчиларни жамият ҳаётига мослаштириш, уларда мустақил фикрлашни ривожлантириш;
- баркамол шахсни ўз ватанининг фуқаросини шакллантириш;
- ёшларда мустақиллик ва демократия тамойилларига содиқлик хиссини тарбиялаш.

Бошланғич таълим мажбурий, умумий ва бепул ҳисобланади. Бу мактаб ёшига етган барча болаларнинг умумий ёки ихтисослаштирилган (ногирон ва ривожланишда орқада қолган болалар учун) бошланғич мактабларга боришлари зарурлигини билдиради. Мамлакатимизда болаларнинг бошланғич таълим билан қамраб олинганлик даражаси шу ёшдаги болалар сонига нисбатан 100 фоизни ташкил этади.

Бошланғич таълимни тугатган бола ўқишни, ёзишни ва санашни билиши керак. Ўқувчига назарий фикрлаш элементлари сингдирилади, унда ўқув жараёнини назорат қилиш кўникмалари шакллантирилади. Ўқувчига нутқ маданияти, шахсий гигиена асослари, соғлом турмуш тарзи ва жамиятда ўзини туттиш бўйича билимлар берилади. Бошланғич мактабда ўқув предметларининг мазмуни ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 й. 463-1 сон Қонуни билан тасдиқланган.

сифати мактаб турлари ва таълим шароитлари бўйича мослашувчан ҳисобланади. Барча биринчи синф ўқувчилари зарур янги дарсликлар ва ўқув қуроллари тўплами билан¹, кам таъминланган оилаларнинг 1 – 9-синф ўқувчилари эса ҳар йили ўқув қуроллари ҳамда кишки кийим-бош тўплами билан бепул таъминланади.²

Умумий ўрта таълим бошланғич таълимнинг мантикий давоми ҳисобланса-да, мазмуни ва ўқитиш услуби жиҳатидан бутунлай бошқача сифатга эга. Ўрта таълим ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг қобилияти, қизиқишлари ва ижтимоий жиҳатдан ўзини ўзи англашгани таъминлаб беради. Ўрта таълим мактабида ўқувчи фан асослари бўйича тизимли билим олади. Таълим жараёнида ўқувчида кенг дунёқараш ва ижодий фикрлаш қобилияти шаклланади. Ўқувчини халқнинг бой маънавий ва маданий мероси билан таништириш орқали унга атрофимизни ўраб турган оламга нисбатан ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш кўникмалари сингдирилади. Ўрта таълим мактаби ўқувчиларга мактаб фаиларини мустақил ўрганиш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Ўрта таълим мазмунининг таркибига мажбурий ва қўшимча компонентлар киради.

Мажбурий компонент давлат таълим стандартлари билан ўрнатилади ва ўқувчилар тайёргарлигининг етарли минимал зарурий даражасини белгилаб беради. Унга эришиш умумий ўрта таълим муассасалари томонидан кафолатланади. Ушбу компонент давлат ва жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, шахс манфаатлари ва эҳтиёжлари асосида белгиланади.

Қўшимча компонент ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қобилиятлари, мактабларнинг моддий-техника ва кадрлар билан таъминланганлиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда жорий этилади. Қўшимча ўқув юкламалари ҳажми Халқ таълими вазирлиги томонидан ўрнатилган нормативларга мувофиқ белгиланади.

Мактабларда ўқув-тарбиявий ишлар таянч ўқув режа ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўқув фанлари рўйхати, умумтаълим ўқув дастурлари, ўқиш даврининг давомийлиги умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарт-

¹ Биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари тўплами билан бепул таъминлаш тартиби (ЎзР ВМнинг 20.08.1997 й. 409-сон қарорига 1-илова).

² Кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларини кишки кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби (ЎзР ВМнинг 20.08.1997 й. 409-сон қарорига 2-илова).

лари ва таянч ўқув режасига мувофиқ белгиланади (1-иловага қаранг).

Умумий ўрта таълим кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади ва битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади. Битирувчиларга давлат намунасидаги шаҳодатнома, алоҳида муваффақиятга эришган битирувчиларга эса имтиёзли шаҳодатнома топширилади.

Ўзбекистонда мактаб таълимининг ҳаммабоплиги нафақат унинг бепуллиги, балки ўз она тилида таълим олиш имкониятлари ҳамда ўқувчилар учун мактаблар сонининг етарлилиги ва қулайлик туғдириш мақсадида оқилona жойлаштирилганлиги орқали ҳам таъминланади.

Жумладан, 2012 йилда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумий контингенти 2011/2012 ўқув йилининг бошида 4682,5 минг кишини ташкил этди.

Республикаимизда давлат тили бўлмаган бошқа тилларда таълим берилаётган мактаблар ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Бу мактабларда ўқув жараёни ва ўқув-тарбиявий ишлар мамлакат ҳудудида зич яшайдиган бошқа миллатлар тилида олиб борилади (4.1-жадвал). Республиканинг мингдан ортиқ мактабларида таълим бериш қорақалпоқ, рус, тожик, қирғиз ва бошқа тилларда (уларнинг айримларида бир нечта тилларда, масалан, ўзбек/рус, қорақалпоқ/рус) олиб борилади. Турли миллатларга мансуб болаларда она тилида ўқиш имконияти таълим олиш учун қулай шароитлар яратиб беради.

4.1-жадвал

Давлат тили бўлмаган бошқа тилларда таълим олиб бориладиган умумтаълим мактаблари сони (2011/2012 ўқув йилининг боши)

№	Таълим тили	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони	Жами ўқувчиларга нисбатан % ҳисобида
1	Қорақалпоқ	380	91 091	1,9
2	Рус	799	335 842	7,1
3	Қозоқ	472	61 873	1,3
4	Тожик	268	76 702	1,6
5	Қирғиз	61	9178	0,19
6	Туркман	46	8363	0,17

Барча ёшдаги болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг мавжудлиги таълимнинг ҳаммабплигини янада оширади. Бундай муассасаларда жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолаётган болалар ва ўсмирлар таълим оладилар. Жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган ва узоқ муддат даволанишга муҳтож болаларнинг таълим олиши ҳамда соғлигини тиклаши ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда амалга оширилади. Ҳозирда Ўзбекистонда 90 га яқин шундай ихтисослаштирилган таълим муассасалари мавжуд.

4.2. Умумтаълим мактаблари молияси хусусиятлари

Умумтаълим муассасалари (таълимнинг умумий тизими каби) давлат ва нодавлат манбаларидан иборат бўлган молиялаштиришнинг кўп тармоқли тизимига эга.

Молиялаштиришнинг давлат манбаларига қўйидагилар киради:

- давлат бюджети;
- бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар;
- жалб этилган хорижий кредитлар ва грантлар.

Умумтаълим мактабларини молиядаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади. Молиялаштиришнинг бюджет манбалари мавжудлиги мактабларнинг бюджет қонунчилигига бўйсунушига олиб келади. Бу эса мактабларда молия менежментини юритишда қатор ўзига хос хусусиятларни шакллантиради:

- мактаблар хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида зарур мол-мулк ва маблағларга эга бўладилар, яъни муассасага тегишли мол-мулк эгаси давлат ҳисобланади ва муассасанинг ушбу мулкдан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш имкониятлари чекланган;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мактаблар бошқа бюджет муассасалари каби пулли хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобидан қўшимча молиялаштириш манбаларига (вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналар ва давлат мулкни бошқа ташкилотларга ижарага бериш¹; ҳомийлар ёрдами, ҳайрия ёрдам ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар) эга;

- мактаблар ўзининг бюджет ва бюджетдан ташқари фаолиятини

¹ Халқ таълими вазирининг «Таълим муассасалари томонидан тузилган ижара шартномаларини ҳатловдан ўтказиш ҳақида»ги 2.03.2008 й. 50-сон буйруғи билан (муассасалар мол-мулкни ижарага олиш билан боғлиқ фаолият турларини тартибга солувчи) мактаб бинолари, иншоотлари, майдони ва бошқа мол-мулкни ижарага бериш бўйича айрим чекловлар киритилган.

даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширадilar. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишда ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд;

- умумтаълим мактаблари барча турдаги солиқлар ва йиғимлардан ҳамда бюджетдан ташқари манбалардан олинган даромадлар бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан озод қилинади.¹

Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантириш билан боғлиқ кенг қамровли ислохотлар ушбу соҳа эҳтиёжларини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 7 июндаги 263-сон² қарорига мувофиқ Молия вазирлиги қошида 2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга оширишни таъминлашга йўналтирилган Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ташкил этилди. Мазкур қарор Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси даромадлари манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаб берди.

Мактаб таълими жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари:

- мактаб таълимини ривожлантириш учун мажбурий ажратмалар тўловидан тушадиган маблағлар;
- давлат бюджетида алоҳида сатрда назарда тутилган бюджет маблағлари;
- маҳаллий бюджетларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича прогноздан ортқича тушумларни жалб этишдан олинган маблағлари;
- халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва jisмоний шахсларнинг хомийлик ёрдами;
- жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Мактаб таълим жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўналишлари:

- мактаб таълимини ривожлантириш дастурида назарда тутилган бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш;
- мактабларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш;
- мактаб парталари ва мебеллар сотиб олиш;
- мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарорининг 7-банди.

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.02.2011 й. 42-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислохотларимиз қандай қатта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди... бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади».¹ Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида жамғарма маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан 2004 – 2009 йилларда 8501 та мактабда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Республика бўйича 351 та янги мактаб қурилди, 2470 таси капитал реконструкция қилинди, 3608 та мактаб капитал таъмирланди ва 2072 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган янги қурилган, капитал таъмирланган ва реконструкция қилинган умумтаълим мактаблари тўғрисида маълумот²

Кўрсаткичлар	Мактаблар сони						
	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	Жами
Инвестиция дастурига киритилган мактаблар, шу жумладан:	636	1101	1330	1615	1861	1958	8501
янги қурилиш	31	56	63	65	70	66	351
капитал реконструкция	9	284	388	496	583	710	2470
капитал таъмирлаш	427	439	530	679	778	755	3608
жорий таъмирлаш	169	322	349	375	430	427	2072

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.


² Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010/2011 ўқув йили учун маълумотлари.

2010 йилга келиб республикамизда аҳамияти жиҳатдан жуда йирик дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурлари амалда якунига етказилди. Ушбу дастурларни амалга оширишда Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланилди. Бирок таълим муассасалари моддий-техник базасини тизимли янгилаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси, ўқув мебеллари, инвентарлар билан жиҳозлаш мақсадида бутунлай янги тузилма – Молия вазирлиги қошида махсус жамғарма – Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди. Кейинроқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1645-сон қарори билан Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси сифатида қайта ташкил қилинди.

Охириги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида республикамизда давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда такомиллаштирилмоқда. Уларга мувофиқ дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг янги авлоди нашр этилмоқда. Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан олинаётган молиявий маблағларни консолидациялаш йўли билан нашр қилиш, етказиб бериш ва сотишни барқарор ва узлуксиз таъминлаш, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланишни самарали бошқариш ва назоратини амалга ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, умумтаълим мактаблари педагоглар жамоаси ва ота-оналар қўмиталари ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 01.06.2006 й. ПҚ-363-сон қарори билан Республика мақсадли китоб жамғармаси ташкил этилди.

Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағларининг асосий манбалари ва фойдаланиш йўналишлари 4.1-чизмада келтирилган.

Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари



Шундан қилиб, давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланиш таълим муассасаларимоддий-техникабазасинимустаҳкамлашвакенгайтириш билан боғлиқ молиявий масалаларни марказлашган ҳолда ҳал этиш имконини яратди. Бу эса, ўз навбатида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифаларни мувафакқиятли бажарилишига хизмат қилади.

4.3. Харажатларни базавий нормативлар асосида режалаштириш

Мамлакат ҳукумати томонидан таълим соҳасини бошқариш ва молиялаштириш тизимини модернизациялашга қаратилган ислохотлар мазкур соҳада ресурсларни бошқариш ва тақсимлашда (тартибга солишнинг қатъий меъёрлари, мактаб ресурсларини бошқаришда автономиянинг мавжуд эмаслиги, харажатларни қувватлар, натурал ва молиявий харажатлар асосида режалаштириш ва молиялаштириш каби) қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Ушбу ислохотлар таълим соҳасини бошқариш ва молиялаштиришда туб ўзгаришлар зарурлигини белгилаб берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорининг қабул қилиниши Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумтаълим мактаблари бюджетини харажатларнинг базавий нормативлари асосида режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этишга туртки бўлди.

Мазкур қарорнинг 17-бандига мувофиқ 2008 йил март ойида Молия ва Халқ таълими вазирликлари томонидан «2008 йил учун Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини тасдиқлаш» тўғрисидаги қарор имзоланди ва унда қуйидаги нормативлар тасдиқланди: *

- умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари;

- умумтаълим мактаблари бюджетини харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисоблаш бўйича услубий кўрсатма.

Бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини ишлаб чиқиш учун катта ҳажмдаги таҳлилий ишлар амалга оширилди ва бюджет харажатлари қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этилди:

- умумтаълим мактаблари ҳудудлар кесимида;
- таълим босқичлари кесимида (1 – 4-, 5 – 9- ва 10 – 11-синфлар);
- таълим хизматлари турлари (уйда таълим олиш куни, узайтирилган гуруҳлар, мактаблар қошидаги интернатлар) кесимида.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва тегишли бюджетлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда 2008 йил учун Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари тасдиқланди. Ушбу нормативлар вилоятлар, синф гуруҳлари (умумий таълим босқичлари), уйда таълим оладиганлар ва мактаблар қошидаги интернатлар бўйича фарқ қилади (6-иловага қаранг).

2009 – 2011 йилларда республика ҳудудларидаги барча умумтаълим мактабларининг бюджетлари ҳар молия йилида тасдиқланадиган харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисоблаб чиқилди.

Хусусан, Молия ва Халқ таълими вазирликлари 2011 йил учун умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини (7-иловага қаранг) тасдиқлади. Ушбу нормативлар республиканинг барча умумтаълим мактабларида 2011 йил учун мактаб бюджетини аниқлаш ва харажатлар сметасини тузишда асос бўлиб хизмат қилди.

2012 молия йили учун ҳам «2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини аниқлаш ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ (8-иловага қаранг) бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари ишлаб чиқилди.¹

Умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларига қуйидагилар киритилган:

- педагог, маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар, ходимларни моддий

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 27.01.2012 й. 9/5-сон қарори билан тасдиқланган.

рағбатлантириш директор жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов (меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан 25 фоизи миқдориди);

- асосий иш фаолиятдан ажралган ҳолда малака ошириш курсларига юборилган ходимлар ўрнига ишловчи педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар;

- умумтаълим муассасаларини сақлаб туриш билан боғлиқ бошқа харажатлар (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш, материаллар сотиб олиш харажатлари ва бошқалар).

Бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларига молия ва халқ таълимининг ҳудудий органлари томонидан тасдиқланадиган, манзилли рўйхатга мувофиқ ажратиладиган, ҳар бир умумтаълим мактаби эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ажратиладиган куйидаги харажатлар киритилмайди:

- кўмир сотиб олиш ва етказиб бериш;
- «Ziyo-Net» таълим тармоғига уланиш ва ундан фойдаланганлик учун ҳар ойлик абонент тўловлари;

- умумтаълим мактабларини телефонлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда кўллаб-қувватлашнинг 2002 – 2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 25.01.2002 й. 33-сон қарорига мувофиқ даврий нашрларга обуна бўлиш;

- ўқув-лаборатория синфлари учун материаллар сотиб олиш;
- барча турдаги коммунал хизматлар истеъмоли ҳисоблагичларини сотиб олиш ва ўрнатиш;

- асосий воситалар сотиб олиш;
- капитал таъмирлаш.

Бундан ташқари, мавжуд қонунчиликка мувофиқ ва мактаб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактаблари сметаларида туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджети харажатларининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида харажатларнинг базавий нормативларини кўллаш йўли билан ҳисобланган маблағларга қўшимча куйидаги харажатлар турлари учун маблағлар ажратиш кўзда тутилади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сон қарорига мувофиқ айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида устамалар тўлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирликларининг 2001 йил 5 апрелдаги 2, 33-сон¹ қарорига мувофиқ Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва Зафаробод шаҳарчаси умумтаълим мактаблари ходимларининг хизматлари учун ойлик тўловлар;

- қонунчиликда алоҳида иқлим шароитлари учун ҳудудий коэффициентлар белгиланган ҳудудларда жойлашган умумтаълим мактабларида иш ҳақиға устамалар тўлаш;

- умумтаълим мактаблари қошидаги ахборот-ресурс марказларини сақлаб туриш харажатларини қоплаш;

- умумтаълим мактаблари бинолари мослаштирилган ўқув блокларида жойлашган «Баркамол авлод» болалар марказларининг коммунал (электр энергиядан ташқари) харажатлар.

Кам комплектли мактаблар ва 160 нафардан кам ўқувчига эга мактаблар филиаллари учун бюджет ажратмаларининг умумий миқдори ушбу мактабларнинг эҳтиёжлари ва ўтган йил харажатлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, яъни бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари уларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўтган йиллардан фарқли равишда, 2012 йил учун мактаб бюджетини аниқлаш формуласига умумтаълим мактабларида маъмурий-бошқарув, хўжалик ва ўқув-ёрдамчи ходимларни сақлаш харажатларининг базавий нормативлари ҳам киритилган (4.3-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.04.2001 й. 1026-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

**2012 йил учун умумтаълим мактаблари маъмурий-бошқарув,
хўжалик ва ўқув-ёрдამчи ходимларни сақлаш харажатларининг
БАЗАВИЙ НОРМАТИВЛАРИ¹
(сўм)**

№	Синфлар сони	БНЗ,
1	7 – 10	55 562 100
2	11 – 13	77 197 284
3	14 – 16	80 810 238
4	17 – 22	95 848 102
5	23 – 29	117 347 862
6	30 – 39	132 051 283
7	40 ва ундан юқори	150 940 531

Бир нафар ўқувчини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш нормативини ҳисоблашда тузатиш коэффициентлари ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу коэффициентлар таълим хизматлари кўрсатишнинг алоҳида шароитларини ҳисобга олади ва уларни қўллаш харажатларининг базавий нормативлари суммасини оширади (ёки камайтиради). Масалан, 2008 – 2011 йиллар учун тасдиқланган тегишли норматив ҳужжатларда вилоятлар бўйича, ҳар бир вилоятда эса мактаб масштаби (уларда ўқиётган ўқувчилар сонига боғлиқ ҳолда) ва мактабни иситиш тизимининг тури бўйича фарқ қилувчи тузатиш коэффициентлари (9-иловага қаранг) қўлланилган:

- мактаб масштаби коэффициенти;

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Молия вазирлигининг 27.01.2012 й. 9/5-сон қарори билан тасдиқланган.

• марказлашган, газли ёки бошқа иситиш тизимига эга мактаблар учун коэффицент.

«2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини аниқлаш ва уларга тузатиш коэффицентларини қўллаш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, фақат мактабни иситиш тизимининг турини ҳисобга олувчи тузатиш коэффицентлари (вилоятлар бўйича, ҳар бир вилоятда эса мактабни иситиш тизимининг тури (марказлашган, газ ёки бошқа) бўйича фарқ қилувчи) қўлланилади (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини ошириш коэффицентлари¹

№	Худудлар	Иситиш тури бўйича (К _и)		
		Газда	Марказлашган тартибда	Кўмир ёки бошқа ёқилғида
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1,440	2,509	1,000
2	Андижон вилояти	1,189	1,141	
3	Бухоро вилояти	1,148	2,309	
4	Жиззах вилояти	1,262	2,073	
5	Қашқадарё вилояти	1,078	1,368	
6	Навоий вилояти	1,286	2,078	
7	Наманган вилояти	1,145	1,358	
8	Самарқанд вилояти	1,146	2,348	
9	Сурхондарё вилояти	1,104	1,299	
10	Сирдарё вилояти	1,311	1,839	
11	Тошкент вилояти	1,36	1,791	
12	Фарғона вилояти	1,224	1,862	
13	Хоразм вилояти	1,249	2,964	
14	Тошкент шаҳри	1,208	1,929	

¹ 2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини аниқлаш ва уларга тузатиш коэффицентларини қўллаш тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 27.01.2012 й. 9/5-сон қарори билан тасдиқланган).

Шундай қилиб, 2012 йилда ҳар бир умумтаълим мактаби учун ажратиладиган бюджет ажратмаларининг умумий суммасини ҳисоблаш бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари (8-илова ва 4.3-жадвалга қаранг) ва унга тузатиш коэффицентларини (4.4-жадвал) қўллаш йўли билан қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$\begin{aligned} \text{БШ} = & (\text{БНЗ}_1 \times N_1 + \text{БНЗ}_2 \times N_2 + \text{БНЗ}_3 \times N^3) \times K_{\text{мш}} + \\ & + \text{БНЗ}_4 + \text{БНЗ}_5 \times N \times K_{\text{г}} + \text{БНЗ}_6 \times N_4 + \text{БНЗ}_7 \times N_5 + \\ & + \text{БНЗ}_8 \times N_6 \end{aligned} \quad (4.1)$$

бу ерда:

БШ – мактаб бюджети;

БНЗ₁, БНЗ₂, БНЗ₃ – таълим босқичлари бўйича базавий норматив;

N₁, N₂, N₃ – таълим босқичлари бўйича ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

N – ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

K_{мш} – мактаб масштаби коэффиценти;

K_г – газда иситиладиган ёки марказлашган иситиш тизимига эга мактаблар учун коэффицент;

БНЗ₄ – маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва хўжалик ходимларини сақлаб туриш харажатларининг базавий нормативи;

БНЗ₅ – IV гуруҳ харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

БНЗ₆ – кам таъминланган оилалар болалари учун куни узайтирилган гуруҳларда бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативи;

N₄ – куни узайтирилган гуруҳларга қатнайдиган кам таъминланган оилалардан ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

БНЗ₇ – уйда таълим олиш харажатларининг базавий нормативи;

N₅ – уйда таълим олаётганларнинг ўртача йиллик сони;

БНЗ₈ – мактаб қошидаги интернатда яшайдиган бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативи;

N₆ – мактаб қошидаги интернатда яшайдиган ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони.

Мактаб масштаби коэффиценти (**K_{мш}**) қуйидаги формула бўйича

ҳисобланади:

$$K_{\text{нн}} = K \times C_{\text{н}} / C_{\text{нн}} \quad (4.2)$$

бу ерда:

$K_{\text{нн}}$ – мактаб масштаби коэффиенти;

$C_{\text{н}}$ – синфларнинг норматив тўлиқлиги (35);

$C_{\text{нн}}$ – синфларнинг ўртача тўлиқлиги;

K – синфларнинг ўртача тўлиқлиги қишлоқ жойларда 20 нафар ўқувчидан, бошқа ҳудудларда 25 нафар ўқувчидан кам бўлган ҳолларда қўлланиладиган 0,90 га тенг ҳисоб коэффиенти.

Куни узайтирилган гуруҳларни очиш тўғрисидаги масала куни узайтирилган гуруҳларга қатнаётганлар сони камида 30 ўқувчини ташкил этган ҳолларда кўриб чиқилади. Бунда кам таъминланган оилалардан ўқувчилар сони куни узайтирилган гуруҳларга қатнайдиغان ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги лозим.

Кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларнинг куни узайтирилган гуруҳларда сақлаш харажатларини ҳисоблаш харажатларнинг базавий нормативини кам таъминланган оилалар болалари сонига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Ногирон болаларни уйда ўқитадиган ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш (ягона ижтимоий тўловларни ҳисобга олган ҳолда) ва ойлик йўл ҳақи қийматини қоплаш билан боғлиқ мактаб харажатлари шундай ўқувчилар мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг сонини уйда таълим олиш харажатларининг базавий нормативига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Мактаб қошидаги интернатда яшайдиган бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативи умумтаълим мактаби қошида узок жойлардан келиб ўқийдиган ўқувчиларнинг яшаши учун интернат мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади.

Бунда мактаб қошидаги интернатда яшаётган бир ўқувчини сақлаш харажатлари мактаб-интернатларда ўқувчилар таъминоти учун қопунчиликка мувофиқ ўрнатилган тўловлар миқдори ва ушбу тўловлардан озод қилинган кам таъминланган оилалардан ўқувчилар сони интернатда яшаётган ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан 15 фоиздан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Умумтаълим мактабининг айрим харажатлари бўйича дебитор

қарздорлиги мавжуд бўлганда, харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган бюджет харажатлари миқдори мазкур қарздорлик суммасига камайтирилади, аммо туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджетининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича харажатлар кўрсаткичлари чегарасидан ошиб кетмаслиги лозим.

Муассасанинг кредитор қарздорлиги, харажатларнинг базавий нормативлари асосида аниқланган бюджет маблағлари етишмаган тақдирда, мазкур муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

Умумтаълим мактаби формулада ҳисобга олинмаган бошка ёқилғи турлари ёрдамида иситилган ҳолларда, муассасага ёқилғини (ўтин, мазут, печ ёқилғиси) сотиб олиш харажатларини муассасанинг базавий нормативлар асосида ҳисобланган харажатлари умумий ҳажмига қўшимча равишда туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджетининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлари доирасида режалаштиришга рухсат берилади.

МИСОЛ. 2012 йил учун Бухоро вилоятида жойлашган газ билан иситиладиган иссиқлик тизимига эга умумтаълим муассасаси бюджетини қуйидаги маълумотлар асосида ҳисобланг:

№	Кўрсаткичлар	2012 йил 1 январь ҳолатига	2012 йил 1 сентябрь ҳолатига
1	Синфлар сони, шу жумладан:	28	28
	1 – 4-синфлар-комплектлар	15	14
	5 – 9-синфлар	13	14
2	Ўқувчилар сони, шу жумладан:	1030	1034
	1 – 4-синфлар-комплектларда	526	490
	5 – 9-синфларда	504	544
3	Куни узайтирилган гуруҳлар сони	5	4
	Улардаги ўқувчилар сони	175	145
4	Уйда ўқийдиганлар сони	2	4

1. Аввало, синф ўқувчилари (мактабда синфларнинг ўртача тўлиқлигини аниқлаш учун) (N_1 , N_2), уйда таълим олаётганлар (N_3) ҳамда куни узайтирилган гуруҳларга қатнайдиغان кам таъминланган

оилалардан ўқувчиларнинг (N_4) ўртача йиллик сонини ҳисоблаб олиш зарур (контингентга нисбатан 15 фоиз). Ўқувчилар ва синфлар сонининг ўртача йиллик кўрсаткичлари 4.4-параграфдаги 4.3-формула ёрдамида аниқланади. Ҳисоб-китоб натижаларини жадвалда келтириш мумкин:

№	Кўрсаткичлар	Белги	Сони
1	Синфларнинг ўртача йиллик сони		28
2	Ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони, шу жумладан:	N	1031
	1 – 4-синф-комплектларда	N_1	514
	5 – 9-синфларда	N_2	517
3	Қуни узайтирилган гуруҳ ўқувчиларининг ўртача йиллик сони		165
	Шундан кам таъминланган оилалардан ўқувчилар сони (3 сатр * 15 / 100)	N_4	25
4	Уйда таълим олаётганларнинг ўртача йиллик сони	N_5	3

2. Мактаб масштаби коэффицентини аниқлаш учун мактаб бўйича синфларнинг ўртача тўлиқлигини ҳисоблаймиз:

$$C_{\text{м}} = 1031 / 28 = 36,8$$

3. 4.2-формула асосида мактаб масштаби коэффицентини ҳисоблаймиз. Синфларнинг ўртача тўлиқлиги 36,8 га тенг. Ушбу кўрсаткич белгиланган меъёрга нисбатан юқори (кишлоқ жойларда 20 нафар ўқувчи; бошқа ҳудудларда 25 нафар ўқувчи) бўлганлиги боис, ҳисоб коэффицентини (K) қўлланилмайди:

$$K_{\text{м}} = C_{\text{н}} / C_{\text{м}} = 35 / 36,8 = 0,95$$

4. Мактаб бюджетини ҳисоблашда 2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини аниқлаш ва уларга тузатиш коэффицентларини қўллаш тўғрисидаги Низом иловаларида келтирилган кўрсаткичлардан фойдаланамиз:

БНЗ₁ – 356 575 сўм; БНЗ₂ – 451 351 сўм; БНЗ₃ – 117 347 862 сўм;

БНЗ₄ – 13 784 сўм; $K_{\text{н}}$ – 1,148; БНЗ₅ – 200 699 сўм;

БНЗ₇ – 3 264 845 сўм.

5. Мактабда 10 – 11-синфлар ва мактаб қошида интернатнинг мавжуд эмаслигини эътиборга олиб 4.1-формулани содалаштириб, базавий нормативлар, тузатиш коэффициентлари ва юқорида амалга оширилган ҳисоб-китоблар асосида 2012 йил учун мактаб бюджетини ҳисоблаш мумкин:

$$\text{БШ} = (\text{БНЗ}_1 \times N_1 + \text{БНЗ}_2 \times N_2) \times K_{\text{ум}} + \text{БНЗ}_4 + \text{БНЗ}_5 \times N \times K_{\text{т}} + \\ + \text{БНЗ}_6 \times N_4 + \text{БНЗ}_7 \times N_5$$

Ушбу формула асосида мактаб бюджетининг умумий суммасини ҳисоблаймиз:

$$\text{БШ} = (356\,575 \times 514 + 451\,351 \times 517) \times 0,95 + 117\,347\,862 + 13\,784 \times \\ \times 1031 \times 1,148 + 200\,699 \times 25 + 3\,264\,845 \times 3 = 544\,326,2 \text{ минг сўм.}$$

Шундай қилиб, 2012 йил учун Бухоро вилоятида жойлашган, газ билан иситиш тизимига эга, 1031 нафар ўқувчи таълим олаётган умумтаълим мактаби бюджетининг умумий суммаси 544 326,2 минг сўмга тенг экан. Ушбу сумма мактаб харажатлар сметасига киритилди ва ўрнатилган тартибда сметанинг харажат гуруҳлари бўйича тақсимланади.

Харажатларнинг базавий нормативлари асосида бюджет харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш тартибига ўтган умумтаълим мактаблари раҳбарлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мактабнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва намунавий штатларга мувофиқ аниқланадиган лавозимлар сони чегарасида мустақил равишда зарур лавозимларни жорий қилиш;

- харажатларнинг базавий нормативлари чегарасида мактабнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда харажатларни режалаштириш.

Харажатлар сметаси, штатлар жадвали ва педагог ходимларнинг тарификация рўйхатини тузиш умумтаълим мактабининг раҳбари ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан ўрнатилган қатъий тартибга мувофиқ ва харажатларнинг базавий нормативлари асо-

сида ҳисобланган маблағлар доирасида амалга оширилади. Бунда маблағларни тақсимлашнинг қуйидаги қатъий кетма-кетлиги ўрнатилган:

- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов;
- коммунал харажатлар
- бошқа жорий харажатлар ва ҳ.к.

Умумтаълим мактаблари харажатларини бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан ҳисоблаш натижасида аниқланган бюджет ажратмалари ортиб қолган ҳолларда мактаб раҳбариятига муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чоратадбирларни сметага киритишга рухсат берилади.

4.4. Харажатларни режалаштириш учун асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш

Асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш. Мактаб бюджетини молиялаштириш режасини (харажатлар сметаси) тузиш ишлаб чиқариш (тармоқ) кўрсаткичларини (ўқувчилар ва синфлар сони, педагогик ставкалар сони, мактаб бинолари ҳажми ва майдони) аниқлашдан бошланади.

Мактабларда ўқувчилар ва синфлар сони синф гуруҳлари (1 – 4, 5 – 9) бўйича аниқланади. Ушбу маълумотлар сметада режалаштириладиган йилнинг 1 январь ва 1 сентябрь ҳолатига келтирилади. Бундан ташқари, бюджет йилининг ўқув йили билан мос келмаслиги сабабли ўқувчилар ва синфларнинг ўртача йиллик кўрсаткичлари аниқланади.

Ўқувчиларнинг 1 январдаги сони ҳисобот санасининг охириги ҳақиқий ҳолати бўйича қабул қилинади. Режалаштириладиган йилнинг 1 сентябрь ҳолати учун ўқувчилар сони кутиладиган қабул прогнозлари ва ўқувчилар битирув режасига мувофиқ аниқланади. Режалаштириладиган йилда қабул қилинадиган болалар сони маҳсус ҳисоб-китоб маълумотлари асосида аниқланади. Бундай ҳисоб-китобни олиб бориш мактаблар ва халқ таълимининг туман (шаҳар) бўлимларига юклатилган. Улар ҳар йили ўз ҳудудлари (хизмат кўрсатадиган участкалари) доирасида 5 – 6 ёшли болаларни, шу-

нингдек, мактаб ёшидаги, ammo қайсидир сабабларга кўра мактабга катнамаётган ва режалаштириладиган йилда ўқишга жалб қилиниши лозим бўлган болаларни рўйхатга оладилар.

Кейинги синфларда ўқийдиган ўқувчилар сони олдинги синфлар битирувчилари сони даражасида режалаштирилади. Масалан, 5-синф ўқувчилари 4-синф битирувчилари даражасида, 6-синф ўқувчилари сони эса 5-синф битирувчилари даражасида режалаштирилади. 10-синф ўқувчилари (10 – 11-синфлар мавжуд мактабларда) сонини аниқлашда 9-синф ўқувчиларининг бир қисми узлуксиз таълим тизимининг бошқа типдаги таълим муассасаларида давом эттиришлари ҳисобга олинади.

Ўқувчилар ва синфларнинг ўртача йиллик сони қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{cp} = (K_1 \times 8 + K_2 \times 4) / 12 \quad (4.3)$$

бу ерда:

K_{cp} – ўқувчилар (синфлар)нинг ўртача йиллик сони;

K_1 – режалаштириладиган йилнинг 1 январь ҳолатига ўқувчилар (синфлар) сони;

K_2 – режалаштириладиган йилнинг 1 сентябрь ҳолатига ўқувчилар (синфлар) сони;

8 – мактабнинг режалаштириладиган йилнинг 1 январь ҳолатидаги ўқувчилар контингенти билан фаолият кўрсатиш ойлари сони;

4 – мактабнинг режалаштириладиган йилнинг 1 сентябрь ҳолатидаги ўқувчилар контингенти билан фаолият кўрсатиш ойлари сони;

12 – ойлари сони.

Масалан, агар йил бошида мактабда 1030 нафар ўқувчи ўқиган бўлиб, 1 сентябрда уларнинг сони 1034 нафарни ташкил этиши кутилладиган бўлса, уларнинг ўртача йиллик сони қуйидагича аниқланади:

$$K_{cp} = (1030 \times 8 + 1034 \times 4) / 12 = 1031$$

Синфларнинг ўртача йиллик сони ҳам худди шу тартибда аниқланади. Синфлар сони синф гуруҳлари бўйича ва синфларнинг ўрнатилган тўлиқлик меъеридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг «Умумтаъ-

лим мактабларининг ўқув биноларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 19.07.1999 й. 352-сон қарорига мувофиқ барча турдаги умумтаълим мактаблари синфларида ўқувчилар сонининг қуйидаги нормативлари (тўлиқлик меъёри) белгиланган:

1 – 9-синфларда – 35 ўқувчи;

10 – 11-синфларда – 30 ўқувчи.

Тўлиқлик меъёри синфларда ўқувчиларнинг максимал сонини белгилаб беради. Баъзи ҳолларда (аҳоли сони кам ва олис ҳудудларда жойлашган мактаблар ҳамда бир нечта тилларда таълим бериладиган мактабларда кам комплектли синфларнинг мавжудлиги) тўлиқлиги паст синфлар амал қилиши мумкин. Бундай синфларда машғулотлар олиб бориш тартиби халқ таълими бошқарув органларининг алоҳида кўрсатмалари (уларни синф-комплектларга бирлаштириш имконияти) билан белгиланади. Харажатларни режалаштиришда бир синф-комплект битта синф сифатида ҳисобга олинади. Шунинг учун мактаб сметаларида синфлар сонидан ташқари синф-комплектлар сони ҳам кўрсатилиши зарур.

Ўқувчилар ва синфлар сони тўғрисидаги маълумотлар сметада қуйидаги шакл бўйича келтирилади (4.5-жадвал):

4.5-жадвал

Ўқувчилар ва синфлар сони¹

№	Кўрсаткичлар	2012 й. 1 январь ҳолатига	2012 й. 1 сентябрь ҳолатига
1	Синфлар сони, шу жумладан:	28	28
	1 – 4-синф-комплектлар	15	14
	5 – 9-синфлар	13	14
	10 – 11-синфлар	–	–
2	Ўқувчилар сони, шу жумладан:	1030	1034
	1 – 4-синф-комплектларда	526	490
	5 – 9-синфларда	504	544
	10 – 11-синфларда	–	–
3	Кўни узайтирилган гуруҳлар сони	5	4
	Улардаги ўқувчилар сони	175	145

Умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш жараёнида фойдаланиладиган муҳим тармоқ кўрсаткичларидан бири пе-

¹ Жадвал кўрсаткичлари шартли бўлиб, шаҳарда жойлашган умумтаълим мактаби кўрсаткичларига яқинлаштирилган.

дагогик ставкалар сони бўлиб, бу кўрсаткич ўқув соатлари сони ва ўқитувчининг ҳафталик ўқув юкмаси асосида ҳисобланади.

Ўқув соатлари сони давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланади. Давлат таълим стандартлари асосида эса умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси¹ ишлаб чиқилади ва унда ҳафталик мажбурий ўқув соатларининг максимал миқдори ўрнатилади (1-иловага қаранг). Ҳақ тўланадиган ўқув соатлари миқдорини аниқлашда айрим фанлар бўйича (масалан, рус ва хорижий тиллар, меҳнат таълими, жисмоний тарбия) машғулотларнинг икки гуруҳга бўлинган синфларда (синфларда ўқувчилар сони 20 нафар ва ундан ортиқ бўлганда) олиб борилишини эътиборга олиш лозим.

Шундай қилиб, тегишли синф гуруҳлари бўйича ўқув соатларининг ҳафталик умумий миқдори синфлар сонини битта синфга тўғри келадиган ўқув соатлари миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарорига мувофиқ, ўқитувчининг умумий юкмаси ўқув ва педагогик юкма-ларидан ташкил топади.

Ўқитувчининг ҳафталик ўқув юкмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2002 йил 1 сентябрдан ўқитувчилар ва ўқув юр-тлари ўқитувчилари, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини оши-риш тўғрисида»ги Фармони² билан ўрнатилган бўлиб, бошланғич ва юқори синфлар бўйича фарқ қилади: ўқитувчиларнинг ҳафталик ўқув юкмаси бошланғич синфларда – ҳафтасига 18 соатни, юқори син-фларда – 20 соатни ташкил этади. Шу сабабли педагогик ставкалар сони синф гуруҳлари бўйича алоҳида аниқланади.

Педагогик юкма ўрнатилган ўқув юкмага пропорционал тарз-да бошланғич синфларда 1,0, юқори синфларда 0,8 коэффицентлари-ни қўллаш йўли билан аниқланади.³

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 15.05.2012 й. 130-сон қарори билан тасдиқланган, 2012/2013 ўқув йилида кучга кирган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.08.2002 й. ПФ-3112-сон Фармони.

³ Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларини тарификациялаш ва иш ҳақини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатма (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиқлар 5.01.2006 й. 03, 01/23-сон қарори билан тасдиқланган).

Ўқув соатлари сони ва ўқитувчининг ўқув юклама меъёрлари асосида тегишли синф гуруҳлари учун педагогик ставкалар сони ҳисоблаш мумкин. Педагогик ставкалар ҳар бир синф гуруҳлари учун белгиланган ҳафталик ўқув соатларининг умумий миқдорини ўқитувчининг ўрнатилган ҳафталик ўқув юкламаси меъёрига бўлиш ва олинган натижани ушбу синф гуруҳлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади:

$$P_c = \frac{C_y}{H} \times K \quad (4.4)$$

бу ерда:

P_c – синф гуруҳлари бўйича педагогик ставкалар сони;

C_y – ушбу синф гуруҳлари учун белгиланган ҳафталик ўқув соатларининг умумий миқдори;

H – ўқитувчининг ўрнатилган ҳафталик ўқув юкламаси меъёри;

K – ушбу синф гуруҳлари сони.

Бизнинг мисолимизда педагогик ставкаларни ҳисоблаш тартиби 4.6-жадвалда келтирилган.

4.6-жадвал

Умумтаълим мактаби бўйича педагогик ставкалар сонини ҳисоблаш

Синфлар	Синфлар сони		2012 й. 1 январь ҳолатига				2012 й. 1 сентябрь ҳолатига			
	1.01.2012 й.	1.09.2012 й.	Ҳафталик ўқув соатлари сони		Педагогик ставкалар сони		Ҳафталик ўқув соатлари сони		Педагогик ставкалар сони	
			1 синф учун	Барча синфлар учун	1 синф учун	Барча синфлар учун	1 синф учун	Барча синфлар учун	1 синф учун	Барча синфлар учун
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	3	3	20	60	1,111	3,333	20	60	1,111	3,333
2	4	3	22	88	1,222	4,888	22	66	1,222	3,666
3	4	4	24	96	1,333	5,332	24	96	1,333	5,332
4	4	4	24	96	1,333	5,332	24	96	1,333	5,332

1 – 4-синфлар бўйича ҳажи	15	14		340	1,250	18,885		318	1,250	17,663
5	3	3	30	90	1,500	4,500	30	90	1,500	4,500
6	3	3	30	90	1,500	4,500	30	90	1,500	4,500
7	3	3	31	93	1,550	4,650	31	93	1,550	4,650
8	2	3	32	64	1,600	3,200	32	96	1,600	4,800
9	2	2	32	64	1,600	3,200	32	64	1,600	3,200
5 – 9-синфлар бўйича ҳажи	13	14		401	1,550	20,050		433	1,550	21,650

4.6-жадвал бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар режалаштирилаётган йилнинг 1 январь ва 1 сентябрь ҳолатлари учун (4.6-жадвал 7- ва 11-устунларининг якуний кўрсаткичлари) синф гуруҳлари бўйича зарур педагогик ставкалар сонини аниқлаш имконини берди. Педагогик ставкалар сон кўрсаткичидан ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини режалаштиришда фойдаланилади.

Баъзи турдаги харажатларни ҳисоблаш ва мактаб штатлар жадвалини аниқлашда мактаб бинолари ва хоналари майдони ва ҳажми кўрсаткичидан фойдаланилади. Сметаларда муассаса биносининг ташки ўлчамлари (ташки ўлчам бўйича метркубдаги ҳажми, майдони) ўртача йиллик кўрсаткичларда қайд этилади. Агар режалаштирилаётган йил давомида янги биноларни ишга тушириш ёки эскиларини бузиш кўзда тутилмаган бўлса, режалаштирилаётган йил бошидаги маълумотлар ўртача йиллик кўрсаткичлар учун қабул қилинади. Агар режалаштирилаётган йил учун биноларнинг кубатураси ва майдони оширилиши ёки камайтирилиши кутилаётган бўлса, уларнинг ташки ўлчам кўрсаткичлари ушбу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўртача йиллик кўрсаткичларда аниқланади.

4.5. Мактаб ходимлари штатлар сонини аниқлаш

Юқоридаги параграфда педагогик ставкалар сонини ҳисоблаш услуги (ўқув режасидаги соатларни бажариш учун зарур ставкалар сонини аниқлаш) кўриб чиқилган эди. Маъмурий-хўжалик ва ўқув-

ёрдамчи ходимларнинг ўртача штатлар сони намунавий штатлар асосида аниқланади. Ҳозирда амал қилаётган умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасалар намунавий штатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2010 йил 24 декабрь ПҚ-1449-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Халқ таълими вазири томонидан тасдиқланган.¹

Хусусан, мазкур буйруқ билан 2012 йил 1 сентябрдан қуйидаги намунавий штатлар амалиётга жорий этилган:

- умумтаълим мактаблари ва айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаблар;
- санатория типдаги умумтаълим мактаб-интернатлар ва айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;
- етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатлар;
- жисмоний ёки ақлий ривожланган нуксонли болалар ва ўсмирлар учун давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;
- умумтаълим мактаблари қошидаги интернатлар (узок жойлардан келиб ўқийдиган ўқувчиларнинг яшашлари учун ётоқхоналар);
- «Меҳрибонлик» болалар уйлари.

4.7-жадвалда умумтаълим ва айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг намунавий штатлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мактабларда маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг штат бирликлари сони синфлар (синф-комплектлар) сонига боғлиқ ҳолда белгиланади.

¹ Халқ таълими вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасалар намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 26.04.2012 й. 141-сон буйруғи.

Умумтаълим ва айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг намунавий штатлари¹

Лавозимлар номи	Синф-комплектлар сонига боғлиқ ҳолда белгиланадиган штат birlikлари сони						
	6 гача	7 – 10	11 – 13	14 – 16	17 – 22	23 – 29	30 ва ундан ортиқ
Директор	1	1	1	1	1	1	1
маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	–	0,5	1	1	1	1,5	1,5
ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари	–	0,5	1	1	1	1,5	1,5
Мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	–	–	–	–	1	1	1
Психолог	–	0,5	0,5	0,5	1	1	1
Хўжалик мудир	0,5	0,5	1	1	–	–	–
Котиба-иш юритувчи	–	1	1	1	1	1	1
Катта ётакчи	–	0,5	1	1	1	1	1
Кутубхона мудир	–	–	–	1	1	1	1
Кутубхоначи	–	0,5	0,5	–	–	–	0,5

Бошланғич мактабларда директор лавозими 8 ва ундан ортиқ тўлиқ комплектли синфлар ва 240 нафардан кам бўлмаган ўқувчилар мавжуд ҳолларда белгиланади.

30 ва ундан ортиқ синфлар мавжуд умумтаълим муассасаларида кўшимча равишда ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор

¹ Халқ таълими вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасалар намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 26.04.2012 й. 141-сон буйруғига 1-илова.

ўринбосари лавозимлари куйидаги ҳолларда жорий этилади:

- 40 – 50 та синфлар мавжуд бўлса – 0,5 штат бирлиги;
- 50 ва ундан ортиқ синфлар мавжуд бўлса – 1 штат бирлиги.

Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактабларда ва камида 50% шу турдаги синфлар мавжуд ҳолларда кўшимча равишда ихтисослик фанлари бўйича директор ўринбосари лавозими жорий этилади.

Бухгалтер лавозими куйидаги ҳолларда жорий этилади:

- 400 нафаргача ўқувчи мавжуд бўлса 0,5 штат бирлиги;
- 401 нафардан 880 нафаргача ўқувчи мавжуд бўлса 1 штат бирлиги;
- 880 нафардан ортиқ ўқувчи мавжуд бўлса 1,5 штат бирлиги.

Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари лавозими ўрта умумтаълим муассасаларида 10 – 11-синфлар мавжуд ҳолларда белгиланади.

Лаборант лавозими жиҳозланган физика ёки кимё кабинетлари мавжуд бўлган мактабларда куйидагилардан келиб чиқиб белгиланади: 9 – 18 синф-комплектлар учун – 0,5 бирлик, 19 – 28 синф-комплектлар учун – 1 бирлик, 29 – 39 синф-комплектлар учун – 1,5 бирлик, 40 ва ундан ортиқ синф-комплектлар учун – 2 бирлик лаборант лавозими.

Ўт ёқувчи, бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш ва комплекс таъмирлаш бўйича ишчи лавозимлари уй-жой коммунал хўжалиги тизимига ўтказилмаган умумтаълим муассасаларида бу лавозимлар куйидагича ўрнатилади:

- марказий иситиш тизими мавжуд бўлса – ҳар бир қозонхона учун сменада 1 та ўт ёқувчи лавозими, қаттиқ турдаги ёкилғиларда (торф, тошкўмир) ишлайдиган, қозонларнинг қизиш юзаси 75 кв.м.дан юқори бўлган қозонхоналарда – ҳар бир қозонхона учун сменада 2 та ўт ёқувчи лавозими;

- газда иситилладиган иситиш тизими мавжуд бўлса – сменада 1 та ўт ёқувчи лавозими, хавфсизлик автоматикасига эга бўлмаган қозонхоналарда – сменада 2 та ўт ёқувчи лавозими;

- марказлашган иссиқлик таъминоти мавжуд бўлса – иссиқлик пункти ёки элеваторига эга умумтаълим мактабларида бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш ва комплекс таъмирлаш бўйича 1 та ишчи лавозими, бойлерлар, насослар мавжуд ҳолларда бир сменада 1 та шундай ишчи лавозими;

• печкада иситиш тизими мавжуд бўлса – ҳар 5 та печка учун 0,5 бирлик печка ёқувчи лавозими, аммо ўқув муассасаси учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган печка ёқувчи лавозими.

Ўт ёқувчи, печка ёқувчи, бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш бўйича ишчи лавозимлари иситиш мавсуми учун белгиланади. Бир йил учун кўрсатилган лавозимларнинг умумий сонидан 1 та лавозим, печкада иситиш тизими мавжуд ҳолларда эса – 0,5 бирликда печка ёқувчи лавозими ўрнатилади.

Гардеробчи лавозими мавсум учун жиҳозланган гардероб мавжуд ҳолларда ўрнатилади. Ўқувчилар билан иккинчи сменада машгулотлар олиб бориладиган умумтаълим муассасаларида ёки куни узайтирилган гуруҳлар мавжуд мактабларда ҳар бир гардероб учун 0,5 бирлик лавозимдан келиб чиққан ҳолда қўшимча гардеробчи (мавсум учун) лавозими жорий этилади. Ўқув муассасаси бўйича гардеробчиларнинг умумий сони 3 бирликдан ошмаслиги лозим.

Тарбиячи лавозими куни узайтирилган гуруҳ учун 1 бирлик лавозимдан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Мазкур лавозимни сақлаб туриш учун бюджет маблағлари бундай гуруҳларга борадиган имтиёзли ва тўлов тўлайдиган ўқувчилар улушига пропорционал тарзда ажратилади.

Хизмат бинолари фарроши лавозими йиғиштириладиган ҳар 350 кв. метр майдонга 0,5 бирликдан келиб чиққан ҳолда, аммо ўқув муассасаси учун камида 0,5 бирлик ҳажмида ўрнатилади.

Ўқувчилар билан иккинчи сменада машгулотлар олиб бориладиган умумтаълим муассасаларида ёки куни узайтирилган гуруҳлари мавжуд мактабларда қўшимча равишда хизмат бинолари фарроши лавозимлари жорий этилади: икки сменада ишлайдиган ўқув муассасаларида ўқувчилар фойдаланадиган, тозаланадиган ҳар 350 кв. метр майдон учун – 0,25 бирлик, куни узайтирилган гуруҳлар мавжуд мактабларда ҳар 350 кв. метр тозаланадиган майдон учун – 0,5 бирлик ҳажмда.

Тозаланадиган майдон ҳажмини ҳисоблашда 10 – 11-синфларнинг синф хоналари (кабинетлар) ҳамда ушбу синф ўқувчилари тозалайдиган бошқа майдонлар ҳисобга олинмайди.

Ҳовли супурувчи лавозими умумтаълим муассасасининг тозаланадиган ҳар 2500 кв. метр майдони учун 1 бирликдан келиб чиққан

холда ўрнатилади. Майдони 1,5 гектардан кам бўлмаган мевали боғ ёки манзарали ўсимликлар экилган ер участкасига эга ўқув муассасаларида боғбон лавозими жорий этилади.

Қоровул лавозими ҳар бир алоҳида турувчи бино учун 2,5 – 3 бирликдан келиб чиқиб, дам олиш, байрам кунлари ишлаш ва таътил вақтида алмаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

Биоларни комплекс таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишчи лавозими куйидаги тартибда ўрнатилади:

– электромонтёр лавозими – ҳар 500 та ёритиш нуктаси учун 1 бирлик, аммо ўқув муассасаси учун камида 0,5 бирлик ҳажмида;

– слесар-сантехник лавозими – сув билан таъминлаш, иситиш ва канализация тизими билан жиҳозланган 2000 кв. метр фойдали майдон учун 1 бирлик, аммо ўқув муассасаси учун 0,5 бирлик лавозимдан кам бўлмаган ҳажмда;

– дурадгор лавозими – ўқувчилар сони 500 нафардан ортик ўқув муассасаларида 1 бирлик миқдориди.

Компьютер техникаси билан жиҳозланган икки ўқув кабинети (синфи) мавжуд бўлса – 1 бирлик инженер-дастурчи лавозими жорий этилади. Компьютер техникаси билан жиҳозланган битта ўқув кабинети (синфи) мавжуд бўлса 0,5 бирлик инженер-дастурчи лавозими, аммо муассаса учун 2 бирликдан кўп бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Тўғарак раҳбари лавозими: 5 тадан 10 тагача синфлар мавжуд мактабларда – 0,5 ставка, 10 тадан 20 тагача синфлар бўлса – 1 ставка, 20 тадан ортик синфлар мавжуд бўлса – 1,5 ставка ҳажмида жорий этилади.

Ўқув муассасалари директорлари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ишчиларнинг иш ҳажми ва иш турини иш куни давомидаги юкламани ҳисобга олган ҳолда белгилайдилар.

Куни узайтирилган умумтаълим ўқув муассасасида зарур ҳолларда хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг қўшимча штатлари мактабни сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида жорий этилади (4.8-жадвал):

Куни узайтирилган умумтаълим муассасасида хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг қўшимча штатлари

<i>т/р</i>	<i>Лавозимлар номи</i>	<i>Штат бирлиги сони</i>
1	Тиббиёт ҳамшираси	1
2	Омборчи	1
3	Ошпаз	1
4	Ёрдамчи ишчи	1

Омборчи, ошпаз, ёрдамчи ишчи лавозимлари овқат тайёрлаш бевосита ўқув муассасасининг ошхонасида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолларда жорий этилади. Куни узайтирилган гуруҳларга эга бўлган синфлар сони 9 тадан ортик ўқув муассасаларида 2 та ошпаз лавозими жорий этилади.

Кўзи ожиз ўқитувчилар машгулот олиб борадиган умумтаълим муассасаларида 2 нафар кўзи ожиз ўқитувчига 1 бирлик лавозим ҳисобида таржимон-котиб лавозими белгиланади. Агар ўқув муассасасида 1 нафар кўзи ожиз ўқитувчи ишласа, 1 бирлик таржимон-котиб лавозими белгиланади.

Умумтаълим муассасаларида юк транспорти, автобус, микроавтобус ёки автомобиллар мавжуд бўлса, ҳайдовчи (юк транспорти, автобус, микроавтобус ёки автомобиллар) лавозими белгиланади.

Штатлар жадвали намунавий штатлар асосида тузилади. Штатлар жадвалида педагог ходимлар лавозимлари сони, бошқа доимий ишчилар лавозимлари, ҳар бир лавозимга мос келувчи ягона тариф сеткаси (ЯТС) бўйича разрядлар ва разряд коэффициентлари, ойлик лавозим маошлари миқдори, устамалар ва қўшимча тўловлар, ходимлар тоифаси (маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи) бўйича йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Штатлар жадвалида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади (4.9-жадвалда мисол тариқасида 2013 молия йили учун энг кам иш ҳақи миқдори 79 590 сўмга, ўқувчилари сони 1031 нафар бўлган умумий типдаги давлат умумтаълим мактабининг штатлар жадвали келтирилган):

**Умумий типдаги давлат умумтаълим
мактаби штатлар жадвали**

<i>m/p</i>	<i>Бўлимлар ва лавозимлар номи</i>	<i>Штат бирликлари сони</i>	<i>ЯТС бўйича Разряд</i>	<i>Тариф коэффициенти</i>	<i>Лавозим маоши (сўм)</i>	<i>Қўшимчалар ва устамалар</i>	<i>Ойлик меҳнат ҳақ тўлаш жамағармаси (сўм)</i>
1	Директор	1			821 575		821 575
2	Директорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари	1,5			774 787		1 162 180,5
3	Директорнинг маънавий- маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1,5			774 787		1 162 180,5
5	Катта ётақчи (олий маълумотли)	1			262 482		262 482
6	Олий маълумотли психолог	1			308 831		308 831
7	Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1	7	4,284	340 964		340 964
8	Бош ҳисобчи 1-тоифали	1,5	6	3,941	313 614		470 496
9	Кутубхона мудири	1	6	3,941	313 614		313 614
10	Кутубхоначи	0,5	4	3,297	262 408		131 204
11	Лаборант	1,5	3	2,998	238 611		238 611
12	2-тоифали инженер- дастурчи	2	5	3,612	287 479		574 958
13	Сантехник, дурадгор, электрик	3	3	2,998	238 611		715 833
14	Фаррошлар	7	1	2,476	197 065		1 379 454
15	Қоровул	3	1	2,476	197 065		591 195
16	Ҳовли супурувчи	1	3	2,998	238 611		238 611
17	Маъмурий-бошқарув, хўжалик, ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг жами ойлик иш ҳақи (минг сўм) (1 сатрдан 16 сатргача жами)	27	x	x			4693,9

18	Ўшанинг ўзи касаллик варақаси учун иқтисодни ҳисобга олган ҳолда (минг сўм) (17 сатр х 98%/100)	x	x	x	x	4599,9
19	Ўшанинг ўзи бир йилда (18 сатр х 12) (минг сўм)	34,0	x	x	x	55 198,8
20	Тарификация бўйича педагог ходимларнинг ойлик иш ҳақи	x	x	x	x	22 060 860
21	Ўшанинг ўзи бир йилда (минг сўм) (20 сатр х 12)	x	x	x	x	264 730,3
22	Ойлик соатбай меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси	x	x	x	x	1 028 991
23	Ўшанинг ўзи бир йилда (минг сўм) (22 сатр х 12)	x	x	x	x	12 347,9
24	Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси бўйича ЖАМИ (минг сўм) (19 сатр + 21 сатр + 23 сатр)	x	x	x	x	332 277,0
25	Директор жамғармаси (минг сўм) (24 сатр х 13%)	x	x	x	x	43 196,0
26	Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақа (минг сўм) (24 сатр х 1%/100)	x	x	x	x	3322,7
	Ҳаммаси (24 сатр + 25 сатр + 26 сатр)	x	x	x	x	378 795,7

Юқорида қайд этиб ўтилганларга мувофиқ таъкидлаб ўтиш лозимки, штатлар жадвалини тузишда баъзи лавозимлар (масалан, чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари, лаборант, тўгарак раҳбари ва б.) сони синфлар сонидан келиб чиқиб белгиланса, бошқалари (масалан, ўт ёқувчи, печка ёқувчи, ҳовли супурувчи, қоровул, фаррош) биноларнинг техник кўрсаткичлари, иситиш тизими ва тозаланадиган майдон ҳажми, учинчилари (масалан, инженер-дастурчи) мактабда жиҳозланган компьютер хоналари (синфлари)га кўра белгиланади.

Режалаштирилаётган йил бошига ходимлар сони (ҳақиқатда мавжуд ва тўлдирилиш имконияти билан) ўрнатилган штатлар доирасида, йил охирига эса – синфлар ўқувчилар сонининг ўзгариши ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда аниқланади.

4.6. Иш ҳақи харажатларини режалаштириш

Иш ҳақининг харажатларини режалаштириш. Бюджет соҳасининг барча муассасаларида харажатлар сметасини режалаштириш қуйидаги гуруҳлар бўйича амалга оширилади:

I гуруҳ – иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;

II гуруҳ – иш берувчининг ажратмалари;

IV гуруҳ – бошқа харажатлар.

Умумтаълим мактабларида I гуруҳ – иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (41 10 000) бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

41 11 100 – асосий иш ҳақи;

41 11 200 – устамалар ва иш ҳақига қўшимчалар;

41 11 210 – умумтаълим муассасаларида ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш директор жамғармаси маблағлари.

41 11 100 – асосий иш ҳақи ва 41 11 200 – устамалар ва иш ҳақига қўшимчалар кодлари бўйича қуйидагиларга харажатлар режалаштирилади:

- педагог ходимларга иш ҳақи;
- раҳбар ходимлар, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимларга иш ҳақи;
- конунчиликда кўзда тутилган тартибда таълим ходимлари иш ҳақига қўшимчалар ва устамалар.

Педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш. Ҳозирги вақтда республика умумтаълим мактабларида педагог ва бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш қуйидаги мсъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 25 ноябрь ПҚ-227-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллашти-

риш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги» 21.12.2005 й. қарори билан тасдиқланган Умумтаълим муассасаларида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш директор жамғармаси тўғрисидаги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 26.12.2005 й. 315/4984-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбар ходимлари юклагасини аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

– Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 5.01.2006 й. 03, 01/23-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисоблаш ва тарификация тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатма;

– Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 30.12.2005 й. 41, 5067, 84-01-1375-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 3.01.2006 й. 1534-сон билан рўйхатга олинган).

Бюджет амалиётида халқ таълими ходимлари, хусусан, умумтаълим мактаблари ходимларининг иш ҳақи тарификация асосида амалга оширилади. Тарификация натижаси бўйича тарификация рўйхати тузилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- ўқитувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- малака тоифаси;
- маълумоти ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ҳақида маълумот;
- дарс берадиган фанлари тўғрисида маълумот;
- синфлари (бошланғич, катта) ва дарс берадиган фанлари тўғрисида маълумот;
- лавозими бўйича ойлик оклади (базавий тариф ставкаси);
- ўқув ва педагогик соатлари сони;
- қўшимча ва устамалар.

Ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати Умумтаълим муассасалари ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисоблаш ва тарификация тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмалар асосида тузилади. Мазкур

ҳужжатга мувофиқ, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини тарификациялашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилган:

- ўқитувчилар тарификацияси ҳар йили 1 сентябрь ҳолатига синф-комплектлар, гуруҳлар тўлдирилгандан ва ўқув юкламалари тақсимлангандан кейин амалга оширилади;

- тарификация бўйича тадбирлар дастлаб умумтаълим муассасасининг ўзида унинг раҳбари буйруғи билан тузиладиган тарификация комиссияси томонидан амалга оширилади. Ушбу тадбирда умумтаълим муассасаси директори, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосарлари, мазкур муассаса касаба уюшмаси раиси қатнашади;

- тарификация комиссияси ҳар бир ўқитувчи бўйича ўқув режаси асосида мактаб ўқитувчиларининг сони, уларнинг дарс берадиган фанлар бўйича ихтисослашуви ҳамда педагогик тажрибаси ва малака тоифасига боғлиқ ҳолда ўқув ва педагогик юкламани тақсимлайди.

Ўқитувчининг умумий юкласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарорига (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 275-сон қарори) асосан аниқланади. Ушбу юклама ўқув ва педагогик юкламалардан иборат бўлиб, йилига 1548 соатни ташкил этади (Ўқитувчининг юкласини аниқлаш тартиби умумтаълим муассасалари ўқитувчиларини тарификациялаш ва ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмаларда батафсил баён этилган).

Педагогик юклама ўрнатилган ўқув юкласига пропорционал равишда бошланғич синфларда 1,0 ва юқори синфларда 0,8 коэффициентини қўллаш йўли билан (бошланғич синфларда 18 соат, юқори синфларда 20 соат¹) аниқланади. Намунавий режа бўйича ўқитувчининг умумий ойлик юкласи 154,8 соатни ташкил этади. Бир ойдаги ҳафталарнинг сони 4,3 ҳафта ҳисобида белгиланган. Бошланғич синф ўқитувчисининг 1,0 ставка учун ҳафталик умумий юкласи 36 соатни ($154,8 / 4,3 = 36$), шундан ўқув юкласи 18 соатни, педагогик юкласи эса 18 ($18 \times 1,0 = 18$) соатни ташкил этади. 1,0 ставкада ишлаётган юқори синф ўқитувчисининг ҳафталик умумий юкласи 36 соатни, шундан ўқув

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2002 йил 1 сентябрдан ўқитувчилар ва ўқув муассасалари ўқитувчилари, илмий ходимлар иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги 7.08.2002 й. ПФ-3112-сон Фармониининг 2-банди.

юкламаси 20 соат ва педагогик юкламаси 16 ($20 \times 0,8 = 16$) соатга тенг.¹

Тарификация рўйхатлари, ўқитувчиларнинг маълумоти ва уларга малака тоифасини бериш тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари, амалдаги конунчиликда кўзда тутилган устамалар ва кўшимча тўловларнинг белгиланганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхалари билан бирга мактабнинг бўйсинувига кўра юқори турувчи ташкилотга тақдим этилади.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва услубий таъминлаш туман (шаҳар) бўлими тарификация комиссияси умумтаълим муассасалари тақдим этган ҳужжатларнинг (ўқитувчиларнинг маълумоти ва малака тоифасини тасдиқловчи) тўлиқлиги ва тарификация рўйхатининг тўғри тузилганлигини текширади.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тарификация рўйхати куйидаги тартибда тасдиқланади:

а) туман ёки шаҳар бюджетида турувчи муассасалар бўйича – мос равишда халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва услубий таъминлаш туман ёки шаҳар бўлимлари мудирлари томонидан;

б) вилоят ёки республика бюджетида турувчи муассасалар бўйича – мос равишда халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва услубий таъминлаш вилоят бошқармаси бошлиғи ёки республика халқ таълими вазири томонидан.

Тарификация рўйхатида, юқорида таъкидланганидек, ҳар бир ўқитувчининг ойлик лавозим маошининг ҳажми акс эттирилади. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларининг ойлик лавозим маошлари базавий тариф ставкалари асосида шаклланади. Базавий тариф ставкалар ҳар бир ходимнинг лавозими, малака тоифасига кўра, конунчиликда белгиланган ҳолда устамалар ва кўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Умумтаълим мактабларида педагог ходимлар базавий тариф ставкалари ходимнинг эгаллаб турган лавозими ва малака тоифаларига боғлиқ равишда табақалаштирилган.

Педагог ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказиш ва малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон Рес-

¹ Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларини тарификациялаш ва иш ҳақини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатма (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 5.01.2006 й. 03, 01/23-сон қарори билан тасдиқланган).

публикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 30.12.2005 й. 106, 43, 01-356-сон қарорлари билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 18.01.2006 й. 1540-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ, халқ таълими ходимларига қуйидаги малака тоифалари берилади:

- *ўрта махсус, касбий (педагогик ёки бажараётган лавозими вазибаларига мувофиқ бўлган) маълумотга эга бўлган, тоифасиз ходим;*
- *академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотли ёки бакалавр даражасига эга мутахассис;*
- *бакалавр, магистр даражасига эга ёки олий маълумотли иккинчи малака тоифали мутахассис;*
- *бакалавр, магистр даражасига эга ёки олий маълумотли биринчи малака тоифали мутахассис;*
- *бакалавр, магистр даражасига эга ёки олий маълумотли олий малака тоифали мутахассис.*

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари аниқ миқдорлари ҳукуматнинг махсус қарорлари билан ўрнатилади.

Дастлаб халқ таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 275-сон қарори билан тасдиқланган. Аммо, ҳукуматнинг бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ мактаб педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари ҳажми вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 9.11.2012 й. ПФ-4482-сон Фармони бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 26.11.2012 й. 339-КБ / 71-КБ-сон қўшма қарори билан 2012 йил 1 декабрдан халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларининг янги миқдорлари белгиланган (*10-иловага қаранг*).

Тариф ставкасига қонунчиликда ўрнатиш тартибда қуйидаги

доимий қўшимча тўловлар белгиланган:

- синф раҳбарлиги учун;
- дафтарлар ва ёзма ишларни текширганлик учун.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 275-сонли қарорига мувофиқ, юқорида қайд этилган қўшимча тўловлар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида – синф раҳбарлиги учун, 50 фоизи миқдорида – дафтарлар ва ёзма ишларни текширганлик (бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда она тили ва адабиёт, рус ва хорижий тиллар, математика ўқитувчилари) учун белгиланган эди.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 25.12.2012 й. ПҚ-1887-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 275-сон қарорига тегишли ўзгартиришлар киритилган. Ушбу ўзгартиришларга кўра, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига қўшимча тўловлар энг кам иш ҳақиға нисбатан қуйидаги миқдорларда белгиланди:

а) синф раҳбарлиги учун синф ўқувчилари сонига боғлиқ ҳолда энг кам иш ҳақиға нисбатан:

- 15 нафаргача – 50 фоиз;
- 16 нафардан 20 нафаргача – 60 фоиз;
- 21 нафардан 25 нафаргача – 70 фоиз;
- 26 нафардан 30 нафаргача – 80 фоиз;
- 31 нафардан юқори бўлса – 100 фоиз.

б) дафтар ва ёзма ишларни текширганлик учун – 50 фоиз, кам комплектли мактабларда синфларда ўқувчилар сони (синф-комплектларда) 15 нафаргача бўлган ҳолларда – 25 фоиз.

Бу тўловлар ушбу турдаги тўловларни молиялаштириш учун махсус ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ходимдан қўшимча педагогик кўникмалар талаб этувчи алоҳида мураккаб шароитлардаги меҳнати учун устама-лар ва қўшимча тўловлар белгиланади. Уларнинг рўйхати Халқ таълими вазирлиги томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда аниқланади.

Бундан ташқари, педагог ходимларнинг ойлик иш ҳақиға

Ўқитувчиларнинг базавий ставкаларига қонунчиликда белгиланган қуйидаги устамалар ҳам киритилади:


- ўқувчилар билан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб бо-ришнинг юксак даражаси учун – тегишли малака тоифасидаги ўқитувчининг базавий тариф ставкасига нисбатан 15 фоизгача бўлган миқдорда;
- касбий маҳорати ва таълим жараёнига қўшган аниқ ҳисса, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун – тегишли малака тоифасидаги ўқитувчининг базавий тариф ставкасига нисбатан 25 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик устамалар.

Кўрсатиб ўтилган устамалар умумтаълим муассасаларининг ўрناق кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади. Директор жамғармаси маблағлари ўқувчилар билан тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар олиб бо-ришнинг юксак даражаси учун, касб маҳорати ва таълим жараёни-га қўшган аниқ ҳисса, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкасига устамалар тўлашни таъ-минлаш ҳамда мазкур муассаса ходимларига бир марталик мукофот-лар бериш ва моддий ёрдам кўрсатишга йўналтиришга сарфланади.

Шундай қилиб, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи қуйидаги компонентлардан ташкил топади (4.2-чизма):

4.2-чизма.

Ўқитувчининг ойлик иш ҳақи таркиби



Педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини режалаштириш. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини режалаштиришда иш ҳақи жамғармаси педагог ходимлар ва бошқа ходимлар (маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи) учун алоҳида ҳисобланади.

Педагог ходимлар (ўқитувчилар) меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси тарификация бўйича ўқитувчининг ўртача ойлик ставкаси ва педагогик ставкалар сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Юкорида барча синф гуруҳлари (1 – 4, 5 – 9) учун зарур ставкалар сонини ҳисоблаш услуби кўриб ўтилди. Тарификация рўйхати ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасининг бир ойлик умумий суммасини аниқлаш имконини беради. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, режалаштирилаётган молия йилининг 1 январь ва 1 сентябрь ҳолатига синф гуруҳлари сонини билган ҳолда, қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш кийин эмас: ўқитувчининг ўртача ойлик ставкаси, жорий ва янги ўқув йилидаги ойлар (режалаштирилаётган молия йилига мос келувчи ойлар) учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси. Ўқитувчининг ўртача ойлик ставкасини аниқлаш учун ҳар бир синф гуруҳлари бўйича ўқитувчиларнинг (тарификация рўйхати асосида аниқланган) бир ойлик иш ҳақи фонди суммаси ушбу синф гуруҳларига мос келувчи педагогик ставкалар сонига бўлинади. Ўқитувчининг ўртача ойлик ставкасини режалаштирилаётган молия йилининг 1 январь ҳолатидаги педагогик ставкалар сонига ва жорий ўқув йили ойлари сонига (режалаштирилаётган даврга мос келувчи) кўпайтириш орқали ушбу ойлар учун ўқитувчилар иш ҳақи фонди ҳисобланади. Ўқитувчининг ўртача ойлик ставкасини режалаштирилаётган молия йилининг 1 сентябрь ҳолатидаги педагогик ставкалар сони ва янги ўқув йилидаги ойлар сонига (режалаштирилаётган даврга мос келувчи) кўпайтириш орқали янги ўқув йили ойлари учун ўқитувчиларнинг иш ҳақи фонди ҳажминини аниқлаб оламиз.

Умумтаълим мактаблари бўйича режалаштирилаётган молия йили жорий йилнинг 8 ойи (январдан августгача) ва янги ўқув йилининг 4 ойини қамраб олади.

8 ой ва 4 ой учун ҳисоблаб топилган иш ҳақи фондининг йиғиндисини режалаштирилаётган молия йили учун ўқитувчиларнинг асосий иш ҳақи бўйича меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасининг умумий суммасини ташкил қилади.

Мактаб сметасида, шунингдек, ўқувчиларнинг дафтар ва ёзма ишларни текширганлик учун қўшимча тўловлар бўйича харажатлар ҳисоб-китоби амалга оширилади. Юқорида қайд этилганидек, ушбу тўловлар миқдори энг кам иш ҳақининг 50% миқдоридида белгиланган. 1 – 4-синф ўқитувчиларига дафтарларни текширганлик учун қўшимча тўловлар, юкласи ҳажмидан қатъи назар, фақат бир синфда дарс берувчи бир нафар ўқитувчига тўланади. Умумтаълим мактаблари 5 – 9-синфлари ўқитувчиларига қўшимча тўловлар фақат она тили ва адабиёт, математика, рус тили ва адабиёти, чет тили ўқитувчилари учун белгиланади. Синф ўқувчиларининг сони 15 кишидан кам бўлган ҳолларда дафтарларни текширганлик учун қўшимча тўловлар энг кам иш ҳақининг 25 фоизи ҳажмида амалга оширилади.

1 – 4 ва 5 – 9-синфларда дарс берувчи ўқитувчиларга тўланадиган барча қўшимча тўловлар ҳажми ўқитувчиларнинг дафтар ва ёзма ишларни текширганлик бўйича умумий ойлик иш ҳақи фондини ташкил этади ва тарификация рўйхати асосида аниқланади. Мазкур фонд миқдорини тегишли синфлар сонига бўлиш орқали бир ойда бир нафар синфга тўғри келадиган дафтар текширганлик учун ўртача харажатлар миқдори аниқланади:

$$СРпт = Фпт / К \quad (4.5)$$

бу ерда:

СРпт – 1 синфда дафтар текширганлик учун харажатларнинг ўртача миқдори;

Фпт – тегишли синф гуруҳларида тарификация бўйича дафтарларни текшириш учун ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

К – тегишли синф гуруҳлари сони.

1-синфда дафтар текширганлик учун харажатларнинг ўртача миқдорини (СРпт) синфлар сони (К) ва мазкур ўқувчилар контингенти ўқийдиган ойлар сонига (М) кўпайтириш орқали дафтар текширганлик учун харажатларнинг умумий суммасини аниқлаш мумкин:

$$ФЗПпт = СРпт \times К \times М \quad (4.6)$$

Ўтган ўқув йилининг 8 ойи ва янги ўқув йилининг 4 ойида даф-

тар текширганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармалари йиғиндиси ҳар бир синф гуруҳлари ва мактаб бўйича (режалаштирилаётган молия йили учун) ўқитувчиларнинг дафтар текширганлик учун умумий иш ҳақи фондини ташкил қилади.

Мактабнинг педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблаш тартиби 4.10-жадвалда умумлаштирилган ҳолда келтирилган (мисолда меҳнат ҳақини ҳисоблаш учун 4.6-жадвал маълумотларидан фойдаланилган).

4.10-жадвал

Педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблаш*

№	Ўқитувчилар иш ҳақи фондини ҳисоблаш	1 – 4-синфлар		5 – 9-синфлар		Жами	
		педагогик соғатлар	педагогик соғатлар	ўқув соғатлари	педагогик соғатлар	ўқув соғатлари	педагогик соғатлар
1	201_ й. 1 январь ҳолатига синф-комплектлар сони	45		13		28	
2	1 та синф-комплектга тарификация бўйича тўғри келадиган педагогик ставкалар сони	1,25	1,25	1,55	1,55	x	x
3	Тарификация бўйича ўқитувчининг ўртача ойлик ставкаси	206 498	206 498	205 077	164 061	x	x
4	201_ й. 1 январь ҳолатига барча синфлар учун педагогик ставкалар сони (1 сатр × 2 сатр)	18,75	18,75	20,15	20,15	38,9	38,9
5	Январь – август даврида 1 ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (минг сўм) (3 сатр × 4 сатр)	3871,8	3871,8	4132,3	3305,8	8004,1	7177,6
6	8 ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (минг сўм) (5 сатр × 8 сатр)	30 974,4	30 974,4	33 058,4	26 446,4	64 032,8	57 420,8
7	201_ йил 1 сентябрь ҳолатига синф-комплектлар сони	14		14		28	

8	1 синф-комплектта тўғри келадиган педагогик ставкалар сони	1,25	1,25	1,55	1,55	x	x
9	201_ й. 1 сентябрь ҳолатига барча синфларга тўғри келадиган педагогик ставкалар сони (7 сатр = 8 сатр)	17,5	17,5	21,7	21,7	39,2	39,2
10	Сентябрь – декабрь даврида 1 ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (минг сўм) (9 сатр = 3 сатр)	3613,7	3613,7	4450,2	3560,1	8063,9	7173,8
11	4 ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (минг сўм) (10 сатр = 4 сатр)	14 454,8	14 454,8	17 800,8	14 240,1	32 255,6	28 694,9
12	Ўқитувчиларнинг йиллик иш ҳақи жами (минг сўм) (6 сатр + 11 сатр)	45 429,2	45 429,2	50 859,2	40 686,5	96 288,4	86 115,7
13	Тарификация бўйича 1 синф учун дафтар текширганлик учун ўртача харажат	31 460		25 483		x	
14	201_ йил 1 январь ҳолатига дафтар текширганлик учун бир ойлик харажат (1 сатр = 13 сатр)	471 900		331 279		803 179	
15	Ўшанинг ўзи (минг сўм) 8 ой учун (14 сатр = 8 сатр)	3 775,2		2 650,2		6 425,4	
16	201_ йил 1 сентябрь ҳолатига дафтар текширганлик учун бир ойлик харажатлар (7 сатр = 13 сатр)	440 440		356 762		797 202	
17	Ўшанинг ўзи (минг сўм) 4 ой учун (16 сатр = 4 сатр)	1761,8		1427,0		3188,8	
18	Дафтар текширганлик учун бир йиллик харажатлар жами (минг сўм) (15 сатр + 17 сатр)	5537,0		4077,2		9614,2	
19	Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг бошқа турлари (минг сўм)	11 023,6		10 042,0		21 065,6	
20	Ўқитувчиларнинг йиллик меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси ЖАМИ (минг сўм) (12 сатр + 18 сатр + 19 сатр)	107 419,0		105 664,9		213 083,9	

**Жадвал шартли кўрсаткичлар асосида тузилган.*

Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш. Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг иш ҳақи халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари асосида белгиланади.¹

Базавий тариф ставка ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда белгиланган муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади (4.11-жадвал).

4.11-жадвал

Ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда белгиланган муассасалар гуруҳлари²

Халқ таълими муассасаси тури	Контингент сони (киши)			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
Умумтаълим муассасалари*	1601 ва ундан юқори	881 – 1600	401 – 880	400 гача
«Меҳрибонлик» уйлари	201 ва ундан юқори	200 гача		
Болалар мусиқа ва санъат мактаблари	401 ва ундан юқори	400 гача		
Мактабдан ташқари муассасалар	1601 ва ундан юқори	881 – 1600	880 гача	
Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	Тегишли гуруҳ муассасалари таркибига киритиш Ўзбекистон Республикаси мадания ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади			

* Умумтаълим муассасаларига умумтаълим мактаблари ҳамда барча турдаги ва номдаги мактаб-интернатлар киради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 9.11.2012 й. ПФ-4482-сон Фармонини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 26.11.2012 й. 339-кб/71-кб сон қарори билан 2012 йил 1 декабрдан халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларининг янги миқдорлари белгиланган (11-илова).

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.12.2005 й. 275-сон қарорига 2-илова.

Жадвал умумтаълим муассасалари бўйича қисман келтирилган.

Асосий ходимлар ва бошқа мактаблардан жалб этилган, мутахассисларнинг ўриндошлик асосидаги иш ҳақи миқдори, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг ишлаган вақтини ҳисобга олиш тартиби, ўқитувчилар иш ҳақини ҳисоблаш, меҳнатга ҳақ тўлашни ҳисоблаш тартибини назорат қилиш ва жавобгарлик чора-тадбирлари каби бошқа масалалар Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларини тарификациялаш ва иш ҳақини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмада ёритиб берилган.¹

Бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш. Ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимларининг иш ҳақи миқдори штатлар жалвали ва лавозим маошлари схемаси асосида аниқланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари иш ҳақи тарификация асосида аниқланадиган ходимлар бўйича ҳамда лавозим маошлари минимал ва максимал чегараларда белгиланган ходимлар бўйича алоҳида ҳисобланади. Бунда кейинги тоифа ишчиларининг лавозим маошлари мактаб штатлар жадвали лавозим маошлари схемасидаги ўртача маош бўйича ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси чегараларида белгилашни лозим.

41 11 210 – «Умумтаълим муассасаларида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш директор жамғармаси маблағлари» коди бўйича харажатларни режалаштириш. Айрим турдаги устамалар педагог ходимлар ва мактабнинг бошқа ходимларига Умумтаълим муассасаларида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш директор жамғармасидан тўланади. Директор жамғармаси маблағлари 41 11 100 – асосий иш ҳақи коди бўйича харажатлар моддасига киритилади ва мактаб сметасида 41 11 210 коди билан алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилади. Ушбу код бўйича харажатлар миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15% дан ортиқ бўлмаган ҳажмда режалаштирилади. Директор жамғармасининг фойзалардаги улуши Молия вазирлиги томонидан ўрнатилади, бюджет таснифининг тегишли параграфи бўйича бюджет харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда давлат бюджети параметрларида тасдиқланади ва республиканинг барча умумтаълим муассасалари учун ягона ҳисобланади.

Устамалар ва бошқа турдаги рағбатлантиришларни белгилаш тартиби, устамалар ва мукофотлар миқдори, рағбатлантириш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ гавлими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 5.01.2006 й. 03, 01/23-сон ҳарори билан тасдиқланган.

мукофотлаш учун ходимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари, белгиланган устамаларнинг амал қилиш муддатлари, директор жамғармаси бўйича тўловларни солиққа тортиш ва жамғарма фаолиятининг бошқа тартиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 275-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги Низомда батафсил баён этилган.

4.7. Директор жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 25.11.2005 й. ПҚ-227-сон қарорига мувофиқ ўқув-тарбиявий жараёнларнинг сифати ва самарадорлигини оширишни рағбатлантириш, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг маоши билан уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси ўртасидаги ўзаро бевосита боғлиқликни таъминлаш, касбий малака ва профессионализмни ўстиришни рағбатлантириш мақсадида умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси ташкил этилди.

Директор жамғармаси маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

- умумтаълим муассасаларининг фақат ўрнак кўрсатган ўқитувчиларини (улар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизини) уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришга;

- умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлашга ва моддий ёрдам кўрсатишга (фавқулодда ҳолларда);

- фақат тежалган маблағлар мавжуд бўлгандагина ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга.

Республика бюджети ва маҳаллий бюджетда белгиланган тартибда пазарда тутиладиган бюджет маблағлари директор жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади.

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан

фоизлардаги миқдори, давлат бюджети қабул қилингандан кейин, ташкилотларга харажатларининг белгиланган ҳажмини улар эътиборига етказиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма хати билан барча умумтаълим муассасаларига ҳамда молия органларига етказилади.

Бюджетдан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари таъминотиغا харажатларнинг йиллик сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда тегишли халқ таълими бошқарув органи молия органига белгиланган тартибда ҳар бир мактаб бўйича ушбу харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган миқдордан келиб чиқиб директор жамғармаси маблағларини ажратиб кўрсатган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари йиллик ҳажмини тақдим этади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар ҳамда бошқа турдаги рағбатлантиришларни молиялаштириш белгиланган тартибда молия органлари томонидан иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда амалга оширилади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига тайинланган устамалар, моддий ёрдам ва мукофотлар суммаси умумтаълим муассасасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ҳамда улардан давлат ижтимоий суғуртасига маблағ ўтказилади. Жисмоний шахсларнинг директор жамғармаси ҳисобига олинган даромадларига солиқ солиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига директор жамғармаси маблағларидан устамаларнинг миқдорлари умумтаълим мактаблари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низомга¹ мувофиқ, куйидаги асосий мезонлар асосида белгиланади:

- тарбиявий ва синфдан ташқари ишларнинг самарадорлиги ва сифати;
- касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган шахсий ҳисса, таълимнинг юқори самарадорлиги ва сифати;
- синфга раҳбарлик қилиш самарадорлиги;
- умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшилган ҳисса;

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 30.12.2005 й. 41, 5067, 84-01-1375-сон қарорлари билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 18.01.2006 й. 1534-сон билан рўйхатга олинган.

- билимни мунтазам такомиллаштириб бориш, касб маҳоратини ва малакасини ўстириш;
- умумтаълим муассасасининг ижтимоий ҳаётида қатнашиш;
- ўқувчилар билими, маҳорати ва кўникмаларининг умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқлиги даражаси;
- ўқувчилар билимидаги нуқсонларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларининг самарадорлиги ҳамда педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги;
- ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ўстиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;
- баҳолашнинг тест синови ва рейтинг методлари натижаларига қараб аниқланадиган билимларнинг дастурга мувофиқ барқарор ўзлаштирилишини ҳамда ўқитишнинг яхши сифатини таъминловчи педагогик ишларнинг юқори самарадорлиги, шунингдек, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан яқка тартибда ишлашни ташкил этиш;
- ўқитувчи томонидан илғор методлар ва педагогик технологиялар муваффақиятли қўлланилиши, ўқув-тарбиявий ишларнинг замонавий шакллари жорий этиш ва ҳоказо.

Умумтаълим муассасаларининг раҳбар ходимларига ва ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ўқитувчиларга мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди.

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкаларига директор жамғармаси ҳисобига ҳар ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилида олдинги ўқув йили иш якунлари бўйича белгиланади ва ҳар бир ўқув ярим йиллиги якунлари бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини бир марталик мукофотлаш уларнинг умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки умумтаълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулудда ҳолларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳоказо).

4.8. Бошқа турдаги умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш хусусиятлари

Турли йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган халқ таълими муассасалари фаолиятига хос жиҳатлар уларнинг харажатларини режалаштириш хусусиятларини белгилаб беради. Баъзан турли типдаги муассасаларнинг харажатлар сметасидаги ўхшаш кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Халқ таълими муассасалари харажатлар сметасидаги қатор кўрсаткичлар (масалан, IV гуруҳ харажатларини ҳисоблаш) барча муассасалар учун ягона услуб бўйича ҳисоб-китоб қилинса-да, умумтаълим ҳамда ўқувёрдамчи муассасалар томонидан кўрсатилаётган таълим ва тарбия хизматлари хусусиятларидаги муайян тафовутлар туфайли харажатлар таркиби ва тузилиши фарқ қилади.

Бошқа турдаги умумтаълим муассасаларига қуйидаги муассасалар киради:

- умумтаълим мактаб-интернатлар;
- айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар;
- етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун умумтаълим мактаб-интернатлар;
- жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуксони бор болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар.

Бошқа турдаги умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасаларнинг харажатларини режалаштиришда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- штатлар жадвалида педагог ходимлардан ташқари болаларнинг интернатларда яшашлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб берувчи тарбиячи ва бошқа ёрдамчи ходимлар лавозимларининг мавжудлиги билан боғлиқ фарқлар;
- иш ҳақиға харажатларни режалаштиришда ходимларнинг базавий тариф ставкаларига таълим бериш ва тарбиялашдаги алоҳида шарт-шароитлар учун белгиланадиган устамалар;
- муассаса сметаларида мактаблар учун одатдаги харажатлардан ташқари овқатланиш, юмшоқ жиҳозлар, дори-дармонлар сотиб олиш харажатлари.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида қайд этиб ўтилган хусусиятлардан ташқари мазкур тоифадаги муассасалар учун 4.2-параграфда тавсифланган муассаса бюджетини харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисоблаш услуги жорий этилмайди.

Умумтаълим мактаб-интернатлари. Мамлакатнинг айрим қишлоқ- ҳудудларида яшайдиган ўқувчилар яшаш жойларидан анча узоқда жойлашган мактабларга катнайдилар. Бундай ўқувчиларни нормал ўқиш шароитлари билан таъминлаш ва уларнинг соғлигини сақлаш мақсадида умумтаълим мактаблари қошида ўқув йили мобайнида фаолият юритадиган интернатлар ташкил этилади.

Интернатлар мактабга яқин жойлашган ва тегишли инвентарлар билан жиҳозланган биноларда жойлашган бўлиши керак. Ҳозирги вақтда умумтаълим мактаблари қошида жойлашган интернатлар учун куйидаги Намунавий штатлар белгиланган (4.13-жадвал):

4.13-жадвал

**Умумтаълим мактаблари қошидаги мактаб-интернатларнинг
(олис жойлардан келган болалар яшаши
учун ётоқхонаси мавжуд)
НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ¹**

№	Лавозимлар номи	Тарбияланувчилар сонига боғлиқ штат бирликлари сони					
		30 гача	31 – 75	76 – 100	101 – 120	121 – 160	161 ва ундан юқори
1	Директор	–	–	–	–	1	1
2	Ошпаз	1	1	1	2	2	2
3	Ошхонада ёрдамчи ишчи	–	–	–	–	1	1
4	Хўжалик бекаси (омборчи)	–	–	–	1	1	1

¹ Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасалар намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 26.04.2012 й. 141-сон буйруғига 5-илова.

5	Чойшаб-гипофлар ва махсус кийимларни ювиш буйича машинист	0,5	0,5	0,5	1	1	2
6	Тунги вақтда тарбиячининг ёрдамчиси	2	2	2	2	2	2

Қишлоқ умумтаълим мактаблари қошидаги интернатларда тарбиячилар сони 30 – 40 кишилик гуруҳ учун 1,2 бирлик лавозим, аммо интернат учун камида 1,5 бирлик лавозим ҳисобида белгиланади.

Интернатда икки ва ундан ортиқ ётоқхона бинолари мавжуд ҳолларда тунги вақтда тарбиячининг ёрдамчиси лавозими маъмур бинoning ҳар бирида яшайдиган тарбияланувчилар сонига боғлиқ ҳолда бошқа ходимлар бирликлари сони эва интернат тарбияланувчиларининг умумий сонига боғлиқ ҳолда белгиланади. Интернатда 100 нафардан ортиқ тарбияланувчи яшаса, тарбиячиларнинг тунги вақтдаги ёрдамчилари лавозимлари ётоқхона биносининг ҳар бир қавати учун 2 бирлик лавозим ҳисобида белгиланади.

Тарбияланувчилари сони 50 нафардан ортиқ, тўлиқ давлат таъминотида турадиган ёки бепул овқатлантиришдан фойдаланадиган интернатларда интернат директори лавозими жорий этилади.

Фаррош лавозими ҳар 700 кв. метр йиғиштириладиган майдон учун 1 бирлик, аммо интернат учун камида 0,5 бирлик лавозим ҳисобида белгиланади.

Бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимлари, шу жумладан, қоровул лавозими қошида интернатлари бўлган мактабларнинг шта-тида кўнда тугилади.

Умумий типдаги умумтаълим мактабларидан фарqli равишда, мактаб-интернатларнинг харажатлар сметасида тарбияланувчиларни овқатлантириш учун маблағлар (42 52 300) ва ётоқ анжомлари, кўрнатўшаклар сотиб олиш (42 52 200) харажатлари режалаштирилади.

Озиқ-овқат харажатлари (P₁₁) амалдаги овқатланиш меъёрларини (Пн) тарбияланувчиларнинг ўртача йиллик сони (Вср) ва бир нафар тарбияланувчининг бир йилда интернатда бўлиш кунлари ўртача сонига (Дср) кўнайтириш орқали амалланади:

$$P_n = H_n \times B_{cp} \times D_{cp} \quad (4.7)$$

Тарбияланувчиларни овқатлантириш харажатларини ҳисоблашда жойлашган ўрни ва болаларнинг интернатда бўлиш вақтидан қатъи назар, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган барча типдаги мактаб-интернатларда болалар таъминоти учун отоналар тўлови жорий этилганини ҳисобга олиш зарур. Мазкур тўлов миқдори оиладан мактаб-интернатга қатнаётган бир нафар ёки ҳар бир бола учун энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдориди белгиланган.¹

Бундан ташқари, тарбияланувчиларни овқатлантириш харажатларини режалаштиришда кам таъминланган оилалар мактаб-интернатларда болалар таъминоти учун тўловлардан (тарбияланувчиларнинг умумий сонига нисбатан 15%) озод қилинганини назарда тутиш лозим.

Ётоқ анжомлари, кўрпа-тўшаклар сотиб олиш учун харажатлар муассасанинг ҳақиқий эҳтиёжларидан келиб чиқиб кўрпа-тўшаклар ва юмшоқ жиҳозларнинг амалдаги моддий меъёрларига мувофиқ режалаштирилади. Ҳисоб-китоблар учун режалаштирилаётган йилда сотиб олинishi лозим бўлган буюмларнинг батафсил рўйхати тузилади, уларнинг ҳар бири бўйича керакли миқдор белгиланади. Талаб этилаётган жиҳозлар сонини уларнинг қийматига кўпайтириш орқали ётоқ анжомлари, кўрпа-тўшаклар ва бошқа юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш харажатларининг умумий қийматини ҳисоблаш мумкин.

Мактаб-интернатлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини режалаштириш услуги умумтаълим мактабларидаги шу турдаги харажатларни режалаштириш услубига тўлиқ мос келади. Аммо ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблашда кўшимча белгиланган тўловлар миқдорини ҳисобга олиш зарур. Таълим муассасаларида кўшимча тўловлар белгиланган ходимлар лавозимларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.1994 й. 490-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган.

Масалан, умумтаълим мактаби директорининг лавозим маошига мактаб ҳузуридаги интернатга мудирлик қилганлиги учун тарбияланувчилар сонига қараб:

- 20 нафаргача бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдориди;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон қарори.

- 21 дан 40 нафаргача бўлса – 15 фоизи миқдорида;
- 41 дан 75 нафаргача бўлса – 20 фоизи миқдорида;
- 76 дан 120 нафаргача бўлса – 25 фоизи миқдорида ҳар ойлик кўшимча ҳақ белгиланади.

Мактаблар қошидаги интернатларда (уларда хўжалик мудирлари лавозими назарда тутилмаган ҳолларда) хўжалик ишлари бўлими бўйича директор ёрдамчиларига ёки хўжалик мудирларига ва (шундан бу лавозимлар мавжуд бўлмаганда) умумтаълим мактабларининг бошқа ходимларига хўжаликни юритганликлари учун интернатдаги тарбияланувчилар сони:

40 дан 120 нафаргача бўлса – энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;

120 нафардан кўп бўлганда – энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида кўшимча берилади.

Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаблар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 7.08.2008 й. 173-сон қарорига мувофиқ, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг айрим фанлар чуқур ўргатиладиган қуйидаги турлари белгиланган:

- айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаблар;
- айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;
- футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар.

Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш:

- давлат бюджети маблағлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда болалар ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқиганлиги учун белгиланган тўловдан тушадиган тушумлар;
- ҳомийлик (беғараз) маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари харажатларини режалаштириш услуги

умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш услубидан деярли фарқ қилмайди. Аммо бунда қатор хусусиятларни эътиборга олиш зарур. Мисол учун, айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарорига мувофиқ базавий тариф ставкаларига қуйидаги миқдорларда устама-лар қўлланилган ҳолда амалга оширилади:

– 20 фоиз – айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида ўқитувчиларга чуқур ўргатиладиган фанлар бўйича ҳақиқатда ўтказилган дарслари учун, шунингдек, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда педагог ходимларга, шу жумладан, тарбиячилар ёрдамчиларига;

– 20 фоиз – айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган директорлар, уларнинг ўринбосарлари ва психологларга;

– 40 фоиз – айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган директорлар, уларнинг ўринбосарларига.

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг штатлар жадвали умумтаълим муассасаларининг намунавий штатлар жадвалига мувофиқ аниқланади.

Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқувчилар белгиланган тартибда овқат билан таъминланади.

Етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун умумтаълим мактаб-интернатлар. Бундай типдаги мактаб-интернатларда болалар нафақат таълим оладилар, балки доимий равишда истикомат қиладилар. Шу сабабли, мактаб-интернатлар болаларга мактабда таълим бериш билан бирга, уларни мактабдан ташқари тарбиялаш вазифаларини ҳам бажаради. Улар турли сабаблар билан ота-она қаровисиз қолган ёки оилада тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган болаларнинг таълим олишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилади. Бундай мактаб-интернатлар зарур ўқув ва моддий-техник база ва малакали педагог ходимлар билан таъминланади.

Етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун умумтаълим мактаб-интернатларнинг штатлар жадвали Ҳамунавий штатларга (11-иловага қаранг) мувофиқ тузилади. Намунавий штатларга штатларни шакллантириш учун зарур кўрсаткичларнинг тўлиқ изоҳи ҳам илова қилинади.

Етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун умумтаълим мактаб-интернатлар харажатлар сметасида қуйидаги лавозимлар учу ниш ҳақи ажратмалари кўзда тутилади:

– тўғарак раҳбари – мактаб-интернат учун 1,5 бирлик лавозим ҳажмида;

– мусика раҳбари – ҳар бир мактабгача гуруҳ учун қўшымча 0,25 бирлик лавозим ҳажмида;

– жисмоний тарбия бўйича инструктор – (сузиш ҳавзаси мавжуд бўлса) ҳар бир гуруҳ учун 0,25 бирлик лавозим ҳажмида;

– меҳнат таъғилига кетган ходимлар ўрнига ишловчи шахслар: тарбиячилар, тиббиёт ҳамшираси, табриачи ёрдамчилари, ошхона ишчилари, чойшаб ювиш бўйича машинистлар.

Мактаб-интернатлардаги каби етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун умумтаълим мактаб-интернатларда ҳам маъмурий-хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси таркибида бевосита ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ раҳбар ходимлар, психологлар, ишлаб чиқариш амалиёти усталари, меҳнат бўйича инструкторлар ва тарбиячиларнинг ёрдамчилари учун белгиланган қўшымча тўловлар назарда тутилади. Ушбу тўловлар иш ҳақи ставкалари ва лавозим маошларининг 50% ҳажмида белгиланади.

Тарбияланувчиларни овқатлантириш, ётоқ анжомлари, кўрпачи-тўшаклар, дори-дармонлар сотиб олиш учун харажатларни ҳисоблаш ҳам умумтаълим мактаб-интернатларида қўлланиладиган услуб бўйича амалга оширилади. Бунда мазкур типдаги муассасани жорий сақлаш харажатлари (тарбияланувчиларни овқатлантириш харажатлари билан бирга) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан копланди.

Жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонли бор болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар.

Ушбу категорияга қуйидаги ўқув-тарбия муассасалари киради:

жисмоний ривожланишида нуқсонли бор болалар ва ўсмирлар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;

ақлий ривожланишида нуқсонли бор болалар учун ихтисослашти-

рилган мактаб-интернатлар;

узок муддат даволанишга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар.

Жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирлар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига қуйидагилар киради: кулоғи қар (қар ва қар-соқов, заиф эшитадиган), кўзи ожиз (кўзи ожиз соқов), кўриш қобилияти паст, кўзи гилай ва амблиопияли, нуткнинг оғир бузилишлари; таянч-ҳаракат апаратининг бузилиши, жумладан, церебраль фалажлик, полиомиелит асоратлари ва бошқа камчилиги бор ўқувчилар, тарбияланувчилар учун ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, мактабгача таълим муассасалари, касб-хунар техник ўқув муассасалари (синфлар, гуруҳлар), логопедик пунктлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ногирон болалар учун ихтисослаштирилган муассасалари тизими.

Ақлий ривожланишида нуқсони бор болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга қуйидагилар киради: ақли заиф, кўзи ожиз ақли заиф, руҳий ривожланиши суст, ақлий қобилияти бузилган болалар учун мактабгача муассасалар (синфлар, гуруҳлар), болалар уйлари, мактаблар, мактаб-интернатлар; Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ихтисослаштирилган муассасалар тизими.

Узоқ муддат даволанишга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига қуйидагилар киради: руҳий-неврологик касалликлар (психоневротиклар) билан касалланган, руҳий ривожланишининг сустлиги, марказий нерв тизимининг бузилиши; сил касаллигининг илк ва сўниб бораётган кўринишлари; юрак-қон томир тизимининг касалланиши, гепатит касаллигидан кейинги тикланиш даври; сколиоз касаллиги билан касалланган ўқувчилар (тарбияланувчилар) учун ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, мактабгача таълим муассасалари (синфлар, гуруҳлар), соғлиқни сақлаш муассасалари, ихтисослаштирилган болалар уйлари, болалар касалхоналари (бўлимлари), санаторийлар ва бошқалар.

Мазкур мактаб-интернатларнинг штатлари жисмоний ва ақлий ривожланишда орқадан қолаётган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим мактаб-интернатларининг намунавий штатлари (12-иловага қаранг) асосида шакллантирилади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Умумий ўрта таълимнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

2. Ўзбекистон Республикасида барча ёшдаги болалар учун мактаб таълимининг оммабоплиги қайси омиллар орқали таъминланади?

3. Умумий таълим муассасалари молиясига хос хусусиятларни тавсифланг.

4. Умумий таълим тизимини молиялаштиришнинг асосий манбаларини тавсифлаб беринг.

5. Муассаса бюджетини режалаштириш ва харажатларни молиялаштиришнинг (харажатларнинг базавий нормативларига асосланган) янги тартиби мазмунини очиб беринг.

6. Охириги йилларда умутаълим мактабларида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини жорий этиш тартиби белгиланган норматив ҳужжатлар қайсилар?

7. Нима учун бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларини молиялаштириш нормативини ҳисоблашда тузатиш коэффициентлари қўлланилади?

8. Бюджет ажратмаларининг умумий суммасини ҳисоблаш формуласини тавсифлаб беринг. Формула қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?

9. Мактаб харажатлар сметасини тузишда қўлланиладиган асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини айтинг. Уларни ҳисоблаш тартибини мисолларда тушунтириб беринг.

10. Педагогик ставкалар нима учун ва қайси кўрсаткичлар асосида ҳисобланади?

11. Мактабнинг маъмурий-хўжалик ва ўқув-ёрдамчи ходимлари штатлар сони қайси меъёрий ҳужжатлар асосида аниқланади?

12. Штат жадвалини тузиш тартибини бирон-бир мактаб мисолида тушунтириб беринг.

13. Қандай муассасалар бошқа турдаги умумтаълим муассасаларига киради?

14. Бошқа турдаги умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасалар харажатларини режалаштириш хусусиятлари нималардан иборат?

15. Мактаб-интернат харажатлар сметасини режалаштириш хусу-

сиятларини гапириб беринг.

16. Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаблар харажатларини режалаштириш хусусиятларини тавсифланг.

17. Етим ва ота-она қаровисиз болалар учун умумтаълим мактаб-интернатлари харажатларини режалаштириш хусусиятларини гапириб беринг.

18. Жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонли болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар харажатларини режалаштириш хусусиятларини тавсифланг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий:

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 29.08.1997 й. 464-І сон Қонуни.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 й. 463-І сон Қонуни билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 14.12.2000 й. 158-ІІ сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги 26.08.2004 й. 664-ІІ сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 21.05.2004 й. ПФ-3431-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 25.11.2005 й. ПҚ-227-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1.06.2006 й. ПҚ-363-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 26.02.2007 й. ПФ-3857-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мак-

табларининг намунавий штатларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 29.03.2007 й. ПҚ-609-сон қарори.

Указ Президента РУз «О повышении размеров заработной платы, пенсий, стипендий и социальных пособий» от 3.11.2011 г. №УП-4377.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 07.06.2004 й. 263-сон қарори (мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.02.2011 й. 42-сон қарorigа мувофиқ ўз кучини йўқотган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.05.2009 й. 139-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 01.03.2011 й. 52-сон қарори.

Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. – Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Қўшимча:

Финансирование школьного образования в Российской Федерации: опыт и проблемы. Всемирный банк/НФПК. – М.: Алекс, 2005.

Доклад о человеческом развитии. Узбекистан – 2005. Децентрализация и человеческое развитие. ПРООН, ЦЭИ, 2005.

ТЭР инвестиционного проекта «Развитие школьного образования», разработанный в соответствии с постановлением КМ РУз от 15.11.2005 г. № 251.

Программный обзор государственных расходов. Варианты подушевого финансирования в сфере общего образования в Узбекистане. Август 2006 г. Департамент сокращения уровня бедности и управления экономикой. Регион Европы и Центральной Азии. Документ Все-

мирного банка.

Практическое пособие по финансированию и управлению для руководителей общеобразовательных школ. – Ташкент: МНО/USAID, 2007.

Проект «Стратегия повышения благосостояния населения Республики Узбекистан». <http://www.undp.uz>

Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза // UNDP Uzbekistan – Тошкент, 2007/2008.

Меъёрий-ҳуқуқий материаллар:

Биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари тўплами билан бепул таъминлаш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.1997 й. 409-сон қарорига 1-илова).

Кам таъминланган оилалардан бошланғич синф ўқувчиларини қишқи кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.1997 й. 409-сон қарорига 2-илова).

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмлари чорақлар бўйича тақсимоли тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 26.03.2001 й. 29-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 12.04.2001 й. 1025-сон билан рўйхатга олинган, ўзгаришлар билан).

Умумтаълим муассасаларида ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш директор жамғармаси тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 21.12.2005 й. 275-сон қарорига 4-илова).

Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбар ходимлари юкмасини аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиқларининг 26.12.2005 й. 315/4984-

сон қарори билан тасдиқланган).

Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга ма-лака тоифалари бериш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартириш ки-ритиш ҳақида услубий кўрсатма (*Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Рес-публикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 30.12.2005 й. 106, 43, 01-356-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 18.01.2006 й. 1540-сон билан рўйхатга олинган*).

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларини тарификациялаш ва иш ҳақини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатма (*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 5.01.2006 й. 03, 01/23 қарори билан тасдиқланган*).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 29.09.2007 й. 258-сон буйруғи.

Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатларда бо-лалар таъминоти учун тўлов киритиш тартиби тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Халқ таълими вазирликлари-нининг 21.01.2008 й. 2/4-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.02.2008 й. 1768-сон билан рўйхатга олинган*).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг «Умумтаъ-лим муассасалари томонидан тузилган ижара шартномаларини хат-ловдан ўтказиш ҳақида»ги 2.03.2008 й. 50-сон буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликлари-нининг «2008 йил учун Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри умумтаълим муассасаларида бир нафар ўқувчига харажатларнинг ба-завий нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 14.03.2008 й. 24/8-сон кўшма қарорига 1-илова.

Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажат-ларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Олий*

ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 20.08.2010 й. 67/329-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 26.08.2012 й. 2136-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 11.10.2010 й. 2146-сон билан рўйхатга олинган*).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетда турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва шtatлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган*).

2011 йил учун умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини аниқлаш ва унга тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 14.04.2011 г. 24/8-сон қарори билан тасдиқланган*)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг «Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларни тасдиқлаш ҳақида»ги 28.11.2011 й. 282/ 74-сон қарори.

**Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч
ЎҚУВ РЕЖАСИ¹**

№	Ўқув фанлари	Синфлар									Ҳафталик умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254
1	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3	Хорижий тил					3	3	3	3	3	15
4	Тарих					2	2	3	3	3	13
5	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	2
6	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8	Информатика								1	2	3
9	Физика						2	2	2	2	8
10	Кимё							2	2	2	6
11	Биология					1	2	2	2	2	9
12	Табиатшунослик ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
13	Одобнома	1	1	1	1						4
	Ватан туйғуси					1	1				2
	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари							1	1	1	3
14	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
15	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
16	Чизмачилик								1	1	2
17	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12
18	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5				0,5	0,5	1	0,5	2	5
	Умумий соатлар	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10	16		

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2012 й. 130-сон қарорига иловадан.

Йил учун харажатларнинг базавий нормативлари микдорлари¹

№ Хувидаглар номи	БНЗ 3	6 кунлик иш ҳафтаги ва боғларнинг муассаса- да 9 – 10.5 вақт бўлиши				5 кунлик иш ҳафтаги ва боғларнинг муассасада 9 – 10.5 вақт бўлиши				
		Пс		Па		Пс		Па		
		Тошкент ш., вилоятлар, марказ- лари, вилоятта бўйсунувчи шаҳарлар	Бошқа жойлар	Тошкент ш., вилоятлар, марказ- лари, вилоятта бўйсунувчи шаҳарлар	Бошқа жойлар	Тошкент ш., вилоятлар, марказлари, вилоятта бўйсунувчи шаҳарлар	Бошқа жойлар	Тошкент ш., вилоятлар, марказлари, вилоятта бўйсунувчи шаҳарлар	Бошқа жойлар	
1	Қорағалпоқiston Республикаси	90 026	123 524.0	244 672.0	–	114 189.0	109 279.0	210 236.0	–	100 630.0
2	Андижон вилояти	57 463	125 280.0	246 408.0	–	114 536.0	110 737.0	211 694.0	–	100 921.0
3	Бухоро вилояти	82 543	128 259.0	249 407.0	–	117 014.0	113 256.0	214 213.0	2047.0	103 003.0
4	Жиззах вилояти	80 436	119 957.0	241 105.0	–	111 127.0	106 283.0	207 239.0	–	98 058.0
5	Қашқадарё вилояти	53 092	106 952.0	228 100.0	–	95 013.0	95 359.0	196 315.0	–	84 522.0
6	Навоий вилояти	138 547	127 470.0	248 617.0	–	117 014.0	112 593.0	213 550.0	2047.0	103 003.0
7	Наманган вилояти	66 307	137 768.0	258 916.0	9 037.0	130 184.0	121 244.0	222 200.0	13 110.0	114 066.0
8	Самарқанд вилояти	57 754	126 917.0	248 065.0	–	116 509.0	112 129.0	213 086.0	1622.0	102 579.0
9	Сурхондарё вилояти	57 654	123 587.0	244 735.0	–	113 573.0	109 332.0	210 289.0	–	100 113.0
10	Сурхондарё вилояти	74 610	135 937.0	257 085.0	6 543.0	127 691.0	119 706.0	220 662.0	11 015.0	111 972.0
11	Тошкент вилояти	89 194	144 436.0	265 594.0	14 458.0	135 606.0	128 945.0	227 802.0	17 894.0	118 820.0
12	Фароҳна вилояти	76 783	112 587.0	233 734.0	–	100 821.0	100 092.0	201 049.0	–	89 401.0
13	Хоразм вилояти	78 072	113 770.0	234 918.0	–	103 236.0	101 086.0	202 043.0	–	91 429.0
14	Тошкент шаҳри	185 263	188 643.0	–	53 914.0	–	163 979.0	–	–	50 807.0

БНЗ 1 республиканинг барча мактабга-ча таълими муассасалари учун боғларнинг муассасада бўлиш вақти 9 – 10.5 вақтги, ҳафталик иш кунни 6 кунни
таълил эътиборда 1 030 758 сўм, ҳафталик иш кунни 5 кунни таълил эътиборда 986 201 сўм.

БНЗ 2 республиканинг барча мактабга-ча таълими муассасалари учун боғларнинг муассасада бўлиш вақти 9 – 10.5 вақтги, ҳафталик иш кунни 6 кунни
таълил эътиборда 1 452 782 сўм, ҳафталик иш кунни 5 кунни таълил эътиборда 1 382 857 сўм.

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 27.01.2012 й. №4-сон қарорига асосан.

Давлат мактабгача таълим муассасалари намунавий штатлари¹

Лавозим номи	Гуруҳлар сонига боғлиқ штат бирликлари											
	Гуруҳлар сони											
	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Мудир	1	1	1	1	1	1	11	1	1	1	1	
Тарбиячи-методист Тарбиячи-методист (ДМТМ қошида филиал мавжудлигида)							0,5	0,5	1	1	1	
Катта ҳамшира	0,5	1	1	1	1	1	1,5	1,5	1,5	1,5	1,5	
Психолог				0,5	0,5	0,5	0,5	1	1	1	1	
Хўжалик ишлари бўйича мудир ўринбосари	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	
Хўжалик ишлари мудир	-	0,5	1	1	1	1	1	1	1	1	1	
Бош ҳисобчи	-	-	-	-	1	1	1	1	1	1	1	
Ҳисобчи	0,5	0,5	1	1	-	-	-	-	-	-	-	
Катта ошпаз	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1	
Ошпаз Ошпаз (ДМТМ қошида филиал мавжудлигида ҳар бир филиал учун)	1	1,5	2	2	2	2	2	2	2	2	2	
Ошпаз (ДМТМда филиаллар мавжуд бўлганда ҳар бир филиал учун)	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	
Ўрдамчи ишчи						0,5	1	1	1	1	2	
Комплекс хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ишчи						0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	
Омборчи	0,5	1	1,25	1,25	1,5	1,5	2	2	2,5	2,5	2,5	
Чойшабларни ювиш ва таъмирлаш бўйича машинист (кўлда ювиладиган ёки тўлиқ циклга эга бўлмаган кир ювиш машинаси бор жойда)	0,5	0,5	0,75	0,75	1	1	1,5	1,5	2	2	2	
Чойшабларни ювиш ва таъмирлаш бўйича машинист (тўлиқ циклга эга бўлган замонавий автомат кир ювиш машинаси бор ДМТМда)	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	
Хизмат биналари фарроши									1	1	1	

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 3.08.2010 й. 33/1, 150/1-сон қарорига илова.

ДМТМда болаларни йиллик оваклатириш нормаси

№	Озуқ-сөөкчилер номи	3 ёшгача булган болалар учун				4 – 7 йили болалар учун				Санитариялиги
		4 – 5 соғит	9 – 10,5 соғит	12 – 24 соғит	Санитария	4 – 5 соғит	9 – 10,5 соғит	12 соғит	24 соғит	
1	1-навгли бугдой уни нони	70	80	90	100	80	120	170	170	170
2	1-нав бугдой уни	–	16	16	20	–	20	25	25	25
3	Кракмаг уни	–	3	3	3	–	3	3	3	3
4	Ермалар, макарон махсулотлари	20	20	30	35	30	30	45	45	45
	жумладан, мош	–	1	1	1	–	2	2	2	2
5	Шакар	20	35	50	50	30	45	55	60	60
6	Кондитер махсулотлари	4	4	7	10	10	10	10	10	15
7	Сариёр	10	12	17	30	15	20	23	25	35
8	Усимлик ёти	–	5	6	6	–	7	10	15	15
9	СУТ	350	500	600	600	400	420	500	600	600
10	Сметана	5	5	5	20	5	5	10	15	25
11	Творог	40	40	50	50	40	40	50	50	50
12	Пишлоқ	3	3	3	20	5	5	10	15	25
13	Гушт, парранда гушти	–	60	85	120	–	100	100	100	160

14	Колбаса маҳсулотлари	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	10
15	Баглиқ	-	20	25	25	-	30	45	50	40				
16	Тухум (дона)	0,25	0,25	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
17	Картошка	60	120	150	150	80	150	220	250	250				
18	Сабзавотлар, жумладан, томат пастаси	-	180	200	300	-	205	255	285	300				
19	Месалар, шарбатлар	90	90	130	250	100	100	150	200	350				
20	Қуруқ мевалар, жумладан, наъматак дамламаси 5 г	-	10	10	15	-	10	10	15	15				15
21	Чой	0	0,2	0,2	0,3	0	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3
22	Какао	1	1	1	1	2	1	2	2	1				1
23	Йодланган туз	1	2	2	5	2	5	5	8	8				8
24	Ачитки	-	1	1	1	-	1	1	1	1				1
	ЖАМИ													

2013 йил учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молия-лаштириладиган болалар мактабгача муассасаларида болаларни сақлаш учун ота-оналар тўлови миқдорлари¹

№	Таълим муассасасининг жойлашган жойи ва болаларнинг муассасада кун давомида бўлиш вақти	Таълим муассасасига борадиган бир оиладан бир бола учун	Таълим муассасасига бир оиладан биттадан ортиқ бола қатнаса, ҳар бир бола учун
	Ҳафтасига 5 иш кунлик болалар мактабгача муассасасида		
1.	Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари, вилоят бусунувидаги шаҳарлар		
	болаларнинг боғчада бўлиш давомийлиги:		
1.1	4-5 соат	34 224	24 673
1.2	9-10,5 соат	79 590	56 509
1.3	12 соат	93 120	66 856
1.4	24 соат	103 467	74 019
2.	Туман марказлари ва бошқа ҳудудлар		
	болаларнинг боғчада бўлиш давомийлиги:		
2.1	4-5 соат	24 673	22 285
2.2	9-10,5 соат	55 713	50 938
2.3	12 соат	65 264	59 693
2.4	24 соат	73 223	66 060
	Ҳафтасига 6 иш кунлик болалар мактабгача муассасасида		
1.	Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари, вилоят бусунувидаги шаҳарлар		
	болаларнинг боғчада бўлиш давомийлиги:		
1.1	4-5 соат	42 183	29 448
1.2	9-10,5 соат	96304	67 652
1.3	12 соат	112 222	80 386
1.4	24 соат	126 548	89 937
2.	Туман марказлари ва бошқа ҳудудлар		
	болаларнинг боғчада бўлиш давомийлиги:		
2.1	4-5 соат	29 448	26 265
2.2	9-10,5 соат	67 652	61 284
2.3	12 соат	79 590	71 631
2.4	24 соат	88 345	80 388

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013 йилги Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-1887-сон Қарори. 25.12.2012 й. 33-ялова.

2008 йил учун Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари¹

№		Шартли белги	Миқдори (сўм)			
			Бухоро вилояти	Фарғона вилояти	Тошкент шаҳри	
1	Умумтаълим синфлари бўйича	1-поғона (1 – 4-синфлар)	БНЗ ₁	172040	163187	163 992
		2-поғона (5 – 9-синфлар)	БНЗ ₂	206 484	195 973	196 467
		3-поғона (10 – 11-синфлар)	БНЗ ₃	218 906	207 761	208 015
2	Куни узайтирилган гуруҳлари бўйича	БНЗ ₄	62 302			
3	Уйда таълим олаётганлар бўйича	БНЗ ₅	1 117 782	1 117 782	1 239 734	
4	Мактаблар қошидаги интернатлар бўйича	БНЗ ₆	431 433			

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг «2008 йил учун Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида умумтаълим мактабларида бир ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 14.03.2008 й. 24/8-сон қарорига 1-илова.

2011 йил учун умумтаълим мактабларда бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари

№	Ҳудудлар	Умумтаълим синфлари бўйича			Узайтирилган кун гуруҳлари бўйича	Ўйда таълим олаётганлар бўйича	Мактаблар қошидаги интернатлар бўйича
		1-поғона (1 – 4 синфлар)	2-поғона (5 – 9 синфлар)	3-поғона (10 – 11 синфлар)			
		БНЗ ₁	БНЗ ₂	БНЗ ₃			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	493 383	590 939	638 531	164 305	2 605 223	792 115
2	Андижон вилояти	428 856	515 795	557 912	167 032	2 652 131	770 160
3	Бухоро вилояти	448 144	535 432	578 293	164 011	2 597 032	951 425
4	Жиззах вилояти	451 187	540 413	584 048	164 285	2 603 490	–
5	Қашқадарё вилояти	443 598	532 372	575 723	164 246	2 603 757	683 309
6	Навоий вилояти	454 054	542 024	585 042	163 372	2 589 245	990 014
7	Наманган вилояти	415 538	499 825	541 723	163 241	2 587 075	818 304
8	Самарқанд вилояти	417 654	503 113	545 708	164 036	2 598 055	839 277
9	Сурхондарё вилояти	484 476	584 392	634 054	164 136	2 601 116	772 089
10	Сирдарё вилояти	438 512	527 759	572 095	163 459	2 590 886	–
11	Тошкент вилояти	419 158	504 030	546 295	163 485	2 589 966	–
12	Фарғона вилояти	426 829	514 235	557 566	164 695	2 611 383	662 328
13	Хоразм вилояти	438 698	529 347	574 190	166 389	2 639 093	–
14	Тошкент шаҳри	410 356	492 822	–	164 678	2 862 093	–

2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг баъзавий нормативлари

(сўм)

№	Худудлар	Умултумли синфлари бўйича			IV гуруҳ харажатлари бўйича	Узайтирилган кун дурсатлари бўйича	Уйда таълим олувчилар бўйича	Мамаб қошдави интернат бўйича
		1-поғона (1-синфлар)	2-поғона (5-9-синфлар)	3-поғона (10-11-синфлар)				
1	Қорақалпоқистон Республикаси	БНЗ,	БНЗ,	БНЗ,	БНЗ,	БНЗ,	БНЗ,	БНЗ,
2	Андижон вилояти				15 177			1 200 775
3	Бухоро вилояти				12 578			1 018 430
4	Жиззах вилояти				13 784			-
5	Қашқадарё вилояти				12 921			-
6	Навоий вилояти				12 554			976 188
7	Наманган вилояти				17 787			2 045 356
8	Самарқанд вилояти	356 575	451 351	497 880	14 265	200 698	3 284 845	1 010 318
9	Сурхондарё вилояти				11 531			1 385 135
10	Сирдарё вилояти				11 276			1 008 486
11	Тошкент вилояти				15 169			-
12	Фарғона вилояти				14 793			-
13	Хоразм вилояти				13 783			924 533
14	Тошкент шаҳри				12 670			-
					19 570		3 579 445	-

2011 йил учун умумтаълим мактабларда бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини ошириш коэффициентлари

№	Худудлар	Мактаб майдони бўйича ($K_{\text{м}}$), ўқувчилар сони					Иситиш тури бўйича ($K_{\text{т}}$)		
		161 – 250 *	251 – 400	401 – 600	601 – 800	880 дан ортиқ	Газда	Марказлашган тартибда	Қўмир ёки бошқа ёқилғида
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1,438	1,207	1,113	1,029	1,000	1,008	1,031	1,000
2	Андижон вилояти	1,527	1,28	1,176	1,071		1,004	1,005	
3	Бухоро вилояти	1,331	1,202	1,119	1,045		1,004	1,035	
4	Жиззах вилояти	1,661	1,447	1,222	1,097		1,006	1,014	
5	Қашқадарё вилояти	1,615	1,425	1,221	1,109		1,002	1,008	
6	Навобий вилояти	1,563	1,380	1,226	1,119		1,008	1,037	
7	Наманган вилояти	1,551	1,294	1,186	1,094		1,003	1,008	
8	Самарқанд вилояти	1,620	1,399	1,218	1,119		1,003	1,021	
9	Сурхондарё вилояти	1,512	1,387	1,197	1,094		1,003	1,006	
10	Сирдарё вилояти	1,543	1,375	1,213	1,102		1,005	1,010	
11	Тошкент вилояти	1,587	1,415	1,275	1,146		1,011	1,020	
12	Фарғона вилояти	1,419	1,265	1,142	1,086		1,006	1,020	
13	Хоразм вилояти	1,352	1,242	1,127	1,058		1,006	1,026	
14	Тошкент шаҳри	–	1,231	1,163	1,081		1,018	1,030	

* Камида 160 нафар ўқувчига эга филиал учун қўлланилади.

Халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалар миқдорлари¹

Лавозим номи	Тариф ставкалар миқдори (сўм)				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шахобчаси мудири	635 525	599 064	560 986	523 856	489 682
2. Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	585 082	530 598	496 957	467 178	434 276
3. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳлари ходимлари	397 770	369 298	341 011	313 710	x
4. Мактабдан ташқари муассасанинг ўқитувчи-треньери, олий спорт маҳорати болалар ва ўсмирлар мактаблари, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактабларининг, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг инструктор-методисти	475 622	444 293	415 817	387 520	360 214
5. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси	533 152	498 981	465 024	432 257	400 795

¹ Ўзбекистон Республикасис Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлрининг 26.11.2012 й. 339-КБ/71-КБ-сон қарорига 1-илова.

5.1. Болалар мусиқа ва санъат мактаби концертмейстери	465 025	432 257	400 795	370 597	342 205
6. Халқ таълими барча типдаги муассасаларининг тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист), психологи ва мактабдан ташқари муассасалар инструктор-методисти	387 520	360 214	333 995	308 831	285 171
7. Болалар мактабгача муассасалари ўқитувчиси (логопед, дефектолог, тил буйича фанлар)	415 817	387 520	360 214	333 995	308 831
8. Халқ таълими барча муассасаларидаги методист (3-бандда кўрсатилгандан ташқари), педагог-ташкilotчи, тўғараклар, студиялар, секциялар раҳбарлари, барча ихтисосликлар инструкторлари, катта вожадий, аккомпониатор, мусиқа раҳбари, экскурсовод, маданият ишлари буйича ташкilotчи	341 011*	313 710	287 497	262 482	238 693

Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалар миқдорлари¹

Лавозимлар	Тариф ставкалари миқдорлари (сўм)			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
1. Раҳбар ходимлар:				
1.1. Умултаълим мактаби директори	869 080	821 575	774 787	725 621
1.3. «Меҳрибонлик уйи», мусиқа мактаби, санъат мактаби директори	444 293	415 817	x	x
1.4. Мактабдан ташқари муассаса директори	387 520	360 214	333 995	x
1.5. Мактабгача таълим муассасаси мудир	415 817	387 520	x	x
1.6. Олий спорт усталари мактаби, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари мактаби директори	507 774	x	x	x
1.7. Болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори	475 622	444 293	415 817	x
1.8. Мусиқа, санъат мактаби директори	533 152	498 981	x	x
2. Раҳбарларнинг ўринбосарлари:				
2.1. Мактаб директорининг ўқув ишлари, маънавият-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари	821 575	774 787	725 621	677 708
2.2. Умултаълим мактабларида чақириқдоча хизмат раҳбари	553 422	518 304	484 072	452 740
2.4. «Меҳрибонлик» уйи директорининг маънавият-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари	415 817	387 520	x	x
2.5. Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўқув ишлари ўринбосари	360 214	333 995	308 831	x
2.6. Олий спорт усталари мактаби, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари мактаби директорининг ўринбосари	475 622	x	x	x
2.7. Болалар-ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўринбосари	444 293	415 817	387 520	x
2.8. Мусиқа, санъат мактаби директорининг ўқув-маънавият ишлари бўйича ўринбосари	498 981	465 024	x	x

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 26.11.2012 й. 339-КБ/71-КБ-сон қарорига 2-илова.

**Етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг
НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ¹**

№	Лавозим номи	Тарбияланувчилар гуруҳлари сонига боғлиқ штаб birlikлари сони		Тарбияланувчилар гуруҳлари сонига боғлиқ мактабгача бўлишлар учун қўшимча штаблар	
		8 – 10 та гуруҳ	11 – 15 та гуруҳ	1 та гуруҳ	2 – 4 та гуруҳ
1	Директор	1	1		
2	Директорнинг маънавий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари	1	1		
3	Катта вожатий	1	1		
4	Кутубхона мудир	1	1		
5	Директорнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1	1		
6	Психолог	1	1		
7	Музыка раҳбари	1	1		
8	Лаборант (жиҳозланган хоналар мавжудлигида)	1	1		
9	Врач-педиатр	1	1		0,5
10	Тиббиёт ҳамшираси	4	4		
11	Котиба-иш қоритувчи	1	1	-	-
12	Бош ошпаз	1	1		
13	Ошпаз	3	4	0,5	1
14	Ёрдэмчи ишчи	2	3	0,5	1
15	Омборчи	1	1		
16	Хўжалик бекаси	1	1		
17	Пойабзалларни тўғирловчи ишчи (пойабзал устаси)	1	1		
18	Кийим-кечеклар ва чойшабларни тўғирловчи тикувчи	1	1		
19	Махсус кийим-кечекларни (чойшаблар) ювиш бўйича машинист	2	3	0,5	1
20	Сартарош	0,5	0,5		

¹ Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасалар намунавий штабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 26.04.2012 й. 141-сон буйруғига 3-илова.

**Жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолаётган болалар
учун ихтисослаштирилган давлат таълим мактаб-интернатлари-
нинг
НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ¹**

№	Лағозим номи	Тарбияланувчилар гуруҳлари сонига боғлиқ штатлар сони							
		4 – 5	6 – 8	9 – 10	11 – 12	13 – 14	15 – 16	17 – 18	19 ва ундан юқори
1	Директор	1	1	1	1	1	1	1	1
2	Директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари	–	–	1	1	1	1	1	1
3	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	–	–	1	1	1	1	1	1
4	Директорнинг ўқув-маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1	1	–	–	–	–	–	–
5	Директорнинг маъмурий- хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1	1	1	1	1	1	1	1
6	Врач	0,5	1	1	1	1	1	1	2
7	Тиббиёт ҳамшираси	1	1	1	1	2	2	2	2,5
8	Психоневролог	0,5	0,5	1	1	1	1	1	1
9	Котиба-иш юритувчи	–	–	1	1	1	1	1	1

1 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва ўқув-ёрдамчи муассасалар намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 26.04.2012 й. 141-сон буйруғига 4-илова.

10	Тўғарак раҳбари	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
11	Катта вожатий	1	1	1	1	1	1	1	1
12	Кутубхона мудири	–	–	1	1	1	1	1	1
13	Кутубхонани		0,5						
14	Омборни	1	1	1	1	1	1	1	1
15	Хўжалик бекаси	1	1	1	1	1	1	1	1
16	Бош ошпаз	–	–	1	1	1	1	1	1
17	Ошпаз	2	2	2	2	2	2	2	2
18	Ёрдамчи ишчи	1	1	1	1	1	2	2	2
19	Тикувчи	–	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
20	Махсус кийим-кечакларни (чойшаблар) ювиш бўйича машинист	1	2	2	2	2	3	3	4
21	Психолог	0,5	0,5	0,5	1	1	1	1	1
22	Пойабзалларни таъмирловчи ишчи (пойабзал устаси)	–	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
23	Сартарош	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва
Халқ таълими вазирлигининг
27.01.2012 й. 8/4-сон
қарори билан тасдиқланган

**2012 йил учун давлат мактабгача таълим муассасаларида
бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий норматив-
ларини белгилаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом 2012 йил учун бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан умумий типдаги давлат мактабгача таълим муассасалари (кейинчалик ДМТМ) бюджет харажатларини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қондалар

Харажатларнинг базавий нормативлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фаолиятдаги ДМТМ учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблаш мақсадида қўлланилади.

Бир нафар ДМТМ тарбияланувчисига харажатларнинг базавий нормативларига қуйидаги харажатлар киритилади:

- тарбиячилар, маъмурий-хўжалик ва ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақтўлаш харажатлари, ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловлар;

- ДМТМни сақлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш, озиқ-овақат маҳсулотларини сотиб олиш, чиқимга оид материаллар ва ҳ.к.).

ДМТМда бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларига ҳар бир ДМТМ эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда

белгиланадиган, молия ва халқ таълимининг ҳудудий органлари томонидан тасдиқланадиган, манзилли рўйхатга мувофиқ ажратиладиган қуйидаги харажатлар киритилмайди:

- кўмир сотиб олиш ва етказиб бериш;
- барча турдаги коммунал хизматлар истеъмолини ўлчайдиган ҳисоблагичлар сотиб олиш ва ўрнатиш;
- асосий воситалар сотиб олиш;
- капитал таъмирлаш.

Бундан ташқари, мавжуд қонунчиликка мувофиқ ДМТМ сметаларидатуман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджет харажатларининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан ҳисобланган маблағларга қўшимча қуйидаги харажатлар турлари учун маблағлар ажратиш кўзда тутилади:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 5.04.2001 й. №2, 33-сон (13.04.2001 й. 1026-сон билан рўйхатдан ўтган) қарорига мувофиқ Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типигадаги Зафаробод аҳоли пункти ДМТМ ходимларининг хизматлари учун ойлик тўловлар;
- қонунчиликда алоҳида иқлим шароитлари учун ҳудудий коэффициентлар белгиланган жойларда жойлашган ДМТМда иш ҳақиға устамалар тўлаш.

II. Бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан ДМТМ бюджетини ҳисоблаш тартиби

1. 2012 йил учун ҳар бир ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий ҳажми мазкур Низомга иловага мувофиқ бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$\begin{aligned} \text{БС} &= (N_1 / K_1) \times \text{БНЗ}_1 + (N_2 / K_2) \times \text{БНЗ}_2 + \\ &+ N_1 \times \Pi_c + N_2 \times \Pi_я + (N_1 + N_2) \times \text{БНЗ}_3 \end{aligned}$$

бу ерда:

БС – ДМТМ бюджети;

БНЗ₁ – бир нафар боғча тарбияланувчисига харажатларнинг базавий нормативи;

БНЗ₂ – бир нафар ясли тарбияланувчисига харажатларнинг базавий нормативи;

БНЗ₃ – ДМТМнинг бошқа харажатлари (IV гуруҳ) бўйича бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативи;

N₁ – боғча гуруҳларида тарбияланувчилар сони;

N₂ – ясли гуруҳларида тарбияланувчилар сони;

K₁ – боғча гуруҳлари бўйича коэффициент;

$$K_1 = N_1 / (N_1 \times 20);$$

N₁ – боғча гуруҳлари сони;

K₂ – ясли гуруҳлари бўйича коэффициент;

$$K_2 = N_2 / (N_2 \times 15);$$

N₂ – ясли гуруҳлари сони;

П_с – бюджет бўйича бир нафар боғча тарбияланувчиси овқати учун ажратилган маблағ миқдори;

П_я – бюджет бўйича бир нафар ясли тарбияланувчиси овқати учун ажратилган маблағ миқдори.

Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳарчаларда жойлашган, гуруҳларнинг ўртача тўлиқлиги ўрнатилган нормативлардан (боғча гуруҳлари учун 20 та, ясли гуруҳлари учун 15 та тарбияланувчи) кам бўлган ДМТМда **K₁** ва **K₂** коэффициентлар қўлланилмайди.

Бундан ташқари, 2012 йил учун ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий ҳажмини ҳисоблашда тарбияланувчилари сони 80 тадан оз бўлган кам комплектли ДМТМ учун харажатларнинг базавий нормативларига кўшимча ҳар бир боғча ёшидаги тарбияланувчига 249 035 сўм ва ясли ёшидаги тарбияланувчига 347 412 сўмга тенг маблағ ажратилиши кўзда тутилади.

2012 йил 1 январь ҳолатига ДМТМнинг айрим харажатлари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд бўлганда харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган бюджет харажатлари миқдори мазкур қарздорлик суммасига камайтирилади.

ДМТМнинг кредитор қарздорлиги, харажатларнинг базавий нормативлари асосида аниқланган бюджет маблағлари етишмаган

тақдирда, ДМТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

ДМТМ газ, кўмир ва марказлашган иссиқлик тизимидан ташқари бошқа ёқилги турлари ёрдамида иситилган ҳолларда ёқилгини (ўтин, мазут, печ ёқилғиси) сотиб олиш харажатлари харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган, туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджетининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлари доирасида муассаса харажатлари умумий ҳажмига қўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

III. Яқуний қондалар

Молия органлари томонидан истисно тариқасида 2012 йил учун харажатлар сметасини тузиш ва харажатлар миқдорини аниқлашда айрим муассасаларнинг нормативларни қўллаш йўли билан ҳисобланган бюджетига ДМТМнинг амалдаги харажатлари миқдоридан сезиларли фарқ қилишига йўл қўймаслик мақсадида мослашиш даврида (42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджети харажатлари чегарасида) ажратиладиган маблағларнинг 15 фоизи миқдоригача тузатиш киритишга рухсат берилади.

Бунда мазкур ДМТМни сақлаш харажатлари сметасига уларнинг бюджетига тузатиш киритиш зарурлигини асословчи тегишли ҳисоб-китоблар илова қилинади.

Бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативлари асосида ДМТМ харажатлари миқдорини ҳисоблаш натижасида бюджетдан ажратиладиган маблағлар иқтисод қилинган ҳолларда тежаб қолинган маблағлар вилоят бюджетларида яқка харажатлар сметаси индексациясида 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими 92 кичик бўлими 999 параграфи бўйича марказлаштирилади.

Харажатларнинг базавий нормативлари асосида бюджет харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш тартибига ўтган ДМТМ раҳбарлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- муассасанинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур, сони намунавий шғатга мувофиқ аниқланадиган лавозимларни

муस्ताқил равишда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси чегарасида белгилашлари;

- харажатларни муассаса эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда харажатларнинг базавий нормативлари чегарасида режалаштиришлари.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш ДМТМ раҳбари ва бош бухгалтеря (бухгалтери) томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда (2010 йил 29 октябрда 2157-сон билан рўйхатдан ўтган) ўрнатилган тартибга мувофиқ ва харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган маблағлар доирасида амалга оширилади. Бунда маблағлар ҳажми қуйидаги кетма-кетликда қатъий тартибда тақсимланади:

- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов;
- озик-овқатга харажатлар;
- коммунал харажатлар;
- бошқа жорий харажатлар ва б.

ДМТМ харажатларини бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан ҳисоблаш натижасида бюджет ажратмалари қолдиғи юзага келган ҳолларда мактаб раҳбариятига сметага муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни киритишга рухсат берилади.

2012 йил учун ДМТМ харажатлари сметаси (молия органларида рўйхатга олинган) бўйича маблағлар миқдорининг бир нафар тарбияланувчини тарбиялаш харажатларининг базавий нормативлари асосида (мазкур Низомга мувофиқ) ҳисобланган харажатлар миқдоридан ошиб кетган ҳолларда, мазкур муассаса бўйича тасдиқланган харажатлар сметасига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда зарур тузатишлар киритилади.

ДМТМ нинг 2012 йил учун харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан ҳисобланган, тасдиқланган харажатлар сметасига қуйидаги ҳолларда ўзгартиришлар киритилади:

- қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга мувофиқ

иш ҳақи, коммунал хизматларга тарифлар ва бошқалар миқдорининг ўзгаришида;

- ҳисобот маълумотлари бўйича ДМТМ тарбияланувчилари сонининг харажатлар сметаси бўйича режалаштирилган кўрсаткичларидан сезиларли фарқ қилган (5 фоиздан ортиқ) ҳолларда;

- ДМТМ харажатлар сметаси бўйича тежаб қолинган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўловлари учун қўшимча маблағлар ажратишда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари харажатларнинг базавий нормативлари ва ДМТМ бюджети харажатларини ҳисоблашда миқдорий кўрсаткичларни қўллашнинг тўғрилиги ҳамда айрим муассасалар бюджетига киритилган тузатишларнинг асослилиги устидан назоратни амалга оширишни таъминлайди.

*Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва
Халқ таълими вазирлигининг
27.01.2012 й. 9/5-сон қарорига 1-илова*

**2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир
нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини
белгилаш ва уларга тузатиш коэффициентларини
қўллаш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарорининг 19-бандига мувофиқ бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан умумтаълим мактаблари бюджет харажатларини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қондалар

Харажатларнинг базавий нормативлари ва уларни ошириш коэффициентлари маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилдиган, фаолиятдаги умумтаълим мактаблари бўйича бюджет маблағлари миқдорини ҳисоблаш учун қўлланилади.

Умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларига қуйидагилар киритилган:

– педагог, маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар, ходимларни моддий рағбатлантириш директор жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов;

– асосий иш жойидан ажралган ҳолда малака ошириш курсларига ишловчи педагог юборилган педагоглар ўрнига ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлари;

– умумтаълим муассасаларини сақлаб туриш билан боғлиқ бошқа харажатлар (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш, материаллар сотиб олиш харажатлари ва б.).

Бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларига молия ва халқ таълимининг ҳудудий органлари томонидан тасдиқланадиган, манзилли рўйхатга мувофиқ ажратиладиган, ҳар бир умумтаълим мактаби эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ажратиладиган қуйидаги харажатлар киритилмайди:

- кўмир сотиб олиш ва етказиб бериш;
- «Ziyo-Net» таълим тармоғига уланиш ва ундан фойдаланганлик учун ҳар ойлик абонент тўловлар;

- умумтаълим мактабларини телефонлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002 – 2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 25.01.2002 й. 33-сон қарорига мувофиқ даврий нашрларга обуна бўлиш;

- ўқув-лаборатория синфлари учун материаллар сотиб олиш;
- барча турдаги коммунал хизматлар истеъмоли ҳисоблагичларини сотиб олиш ва ўрнатиш;

- асосий воситалар сотиб олиш;

- капитал таъмирлаш.

Бундан ташқари, мавжуд қонунчиликка мувофиқ ва мактаб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактаблари сметаларида туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджети қаражатларининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан ҳисобланган маблағларга қўшимча қуйидаги харажатлар турлари учун маблағлар ажратиш кўзда тутилади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7.08.2008 й. 173-сон қарорига мувофиқ, айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида устамалар

тўлаш учун;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва Молия вазирликларининг 5.04.2001 й. 2, 33-сон (13.04.2001 й. 1026-сон билан рўйхатдан ўтган) қарорига мувофиқ, Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва Зафаробод шаҳарчаси умумтаълим мактаблари ходимларининг хизматлари учун ойлик тўловлар учун;

- қонунчиликда алоҳида иқлим шароитлари учун ҳудудий коэффициентлар белгиланган ерларда жойлашган умумтаълим мактабларида иш ҳақига устамалар тўлаш учун;

- умумтаълим мактаблари қошидаги ахборот-ресурс марказларини сақлаб туриш харажатларини қоплаш учун;

- умумтаълим мактаблари биноларининг мослаштирилган ўқув блокларида жойлашган «Баркамол авлод» болалар марказлари коммунал (электр энергиядан ташқари) харажатлари учун.

Кам комплектли мактаблар ва 160 ўқувчидан кам ўқувчига эга мактаблар филиаллари учун бюджет ажратмаларининг умумий миқдори ушбу мактабларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва ўтган йил харажатлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини қўллагандан аниқланади.

II. Бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан мактаб бюджетини ҳисоблаш тартиби

Ҳар бир умумтаълим мактаби учун ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий миқдорини ҳисоблаш бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан 1 ва 2-иловалар ҳамда уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш тўғрисидаги ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$БШ = (БНЗ_1 \times N_1 + БНЗ_2 \times N_2 + БНЗ_3 \times N_3) \times K_{\text{ум}} + \\ БНЗ_4 + БНЗ_5 \times N \times K_{\text{ум}} + БНЗ_6 \times N_4 + БНЗ_7 \times N_5 + БНЗ_8 \times N_6$$

бу ерда:

БШ – мактаб бюджети;

БНЗ₁, БНЗ₂, БНЗ₃ – таълим погоналари бўйича базавий норматив;

Н₁, Н₂, Н₃ – таълим погоналари бўйича ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

Н – ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

К_м – мактаб масштаби коэффиценти;

К_г – газда иситиладиган ёки марказлашган иситиш тизимига эга мактаблар учун коэффицент;

БНЗ₄ – маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва хўжалик ходимларини сақлаб туриш харажатларининг базавий нормативи;

БНЗ₅ – IV гуруҳ харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

БНЗ₆ – кам таъминланган оилалар болалари учун куни узайтирилган гуруҳларда бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативи;

Н₄ – узайтирилган кунли гуруҳларга қатнайдиغان кам таъминланган оилалар ўқувчиларининг ўртача йиллик сони;

БНЗ₇ – уйда таълим олиш харажатларининг базавий нормативи;

Н₅ – уйда таълим олаётганларнинг ўртача йиллик сони;

БНЗ₈ – мактаб қошидаги интернатда яшаётган бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативи;

Н₆ – мактаб қошидаги интернатда яшаётган ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони.

Мактаб масштаби коэффиценти (**К_м**) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{\text{м}} = K \times C_{\text{г}} / C_{\text{н}}$$

бу ерда:

К_м – мактаб майдони коэффиценти;

С_г – синфларнинг норматив тўлиқлиги (35);

С_н – мактабда синфларнинг ўртача тўлиқлиги;

К – синфларнинг ўртача тўлиқлиги қишлоқ жойларда 20 ўқувчидан, бошқа ҳудудларда 25 ўқувчидан кам бўлган ҳолларда қўлланиладиган 0,90 га тенг ҳисоб коэффиценти.

Куни узайтирилган гуруҳларни сақлаш куни узайтирилган гуруҳларга қатнаётганлар сони, гуруҳларнинг тўлиқлиги камида 30

Ўқувчини ташкил этган ҳолларда амалга оширилади (бунда ота-она тўловларидан озод қилинган, кам таъминланган оилалар ўқувчилари сони кунли узайтирилган гуруҳларга қатнашаётган ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги лозим).

Кам таъминланган оилалар ўқувчилари кунли узайтирилган гуруҳларни сақлаш харажатларини ҳисоблаш харажатларнинг базавий нормативини кам таъминланган оилалар ўқувчилари сонига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Ногирон болаларни уйда ўқитаётган мактаб ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш (ягона ижтимоий тўловларни ҳисобга олган ҳолда) ва ойлик йўл ҳақи қийматини қоплаш билан боғлиқ харажатлари шундай ўқувчилар мавжудлигида уларнинг сонини уйда таълим олиш харажатларининг базавий нормативига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Мактаб қошидаги интернатда яшаётган бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативи умумтаълим мактаби қошида узоқ жойлардан келиб ўқиётган ўқувчиларнинг яшашлари учун интернатнинг мавжудлигида қўлланилади.

Бунда мактаб қошидаги интернатда яшаётган бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативи мактаб-интернатларда ўқувчиларни сақлаш учун тўловлар миқдори қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган ва кўрсатилган тўловлардан озод қилинган, кам таъминланган оилалар ўқувчилари сони мактаб қошидаги интернатда яшаётган ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан 15 фоиздан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Умумтаълим мактабининг айрим харажатлари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд бўлганда харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган бюджет харажатлари миқдори мазкур қарздорлик суммасига камайтирилади.

Муассасанинг кредитор қарздорлиги, харажатларнинг базавий нормативлари асосида аниқланган бюджет маблағлари етишмаган тақдирда мазкур муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

Умумтаълим мактаби газ, кўмир ва марказлашган иссиқлик тизимидан ташқари формулада ҳисобга олинмайдиган бошқа ёқилғи турлари ёрдамида иситилган ҳолларда муассасага ёқилғини (ўтин, мазут,

печ ёқилғиси) сотиб олиш харажатларини харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджетининг 42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлари доирасида муассаса харажатлари умумий ҳажмига кўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қоплашни режалаштиришга рухсат берилади.

III. Яқуний қондалар

Молия органлари томонидан истисно тариқасида 2012 йил учун харажатлар сметасини тузиш ва харажатлар миқдорини аниқлашда айрим муассасаларнинг нормативларни қўллаш йўли билан ҳисобланган бюджетига умумтаълим мактабларининг амалдаги харажатлари миқдоридан сезиларли фарқ қилишига йўл қўймаслик мақсадида (42 200 – «Умумий ўрта таълим» бўлими бўйича тасдиқланган туман (шаҳар, вилоят) маҳаллий бюджети харажатлари чегарасида) ажратиладиган маблағларнинг 8 фоизи миқдоригача тузатиш киритишга рухсат берилади.

Бунда мазкур умумтаълим мактабларини сақлаш учун харажатлар сметасига уларнинг бюджетига тузатиш киритиш зарурлигини асословчи тегишли ҳисоб-китоблар илова қилинади.

Умумтаълим мактаблари харажатларини бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан ҳисоблаш натижасида бюджет ажратмалари қолдиғи юзага келган ҳолларда иқтисод қилинган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоят маҳаллий бюджетларида ва Тошкент шаҳар бюджетларида яқка харажатлар сметаси индексациясида 4092 – «Умумий ўрта таълим» бўлимининг 92 кичик бўлими 999 параграфи бўйича марказлаштирилади.

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ҳақиқий сони ўқувчиларнинг янги ўқув йили (1 сентябрь) учун режалаштирилган сонидан сезиларли фарқ (5 фонддан ортиқ) қилганда, умумтаълим мактаби бюджетини ўқувчиларнинг ҳақиқий сонини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланади.

Янги ўқув йили учун тасдиқланган тарификация рўйхати ва синфларни комплекшлаш натижалари бўйича иқтисод қилинган

маблағларни сарфлаш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келишуви бўйича амалга оширилади.

Харажатларнинг базавий нормативлари асосида бюджет харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш тартибига ўтган умумтаълим мактаблари раҳбарлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мактабнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур, сони намунавий штатга мувофиқ аниқланадиган лавозимларни мустақил равишда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси чегарасида белгилаш;

- харажатларни мактаб эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда харажатларнинг базавий нормативлари чегарасида режалаштириш.

Харажатлар сметаси, штатлар жадвали ва педагог ходимларнинг тарификация рўйхатини тузиш умумтаълим мактабининг раҳбари ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда (2010 йил 29 октябрь 2157-сон билан рўйхатдан ўтган) ўрнатилган тартибга мувофиқ ва харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган маблағлар доирасида амалга оширилади. Бунда маблағларни тақсимлаш қуйидаги қатъий кетма-кетликда ўрнатилади:

- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов;
- коммунал харажатлар;
- бошқа жорий харажатлар ва б.

Умумтаълим мактаблари харажатларини бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан ҳисоблаш натижасида бюджет ажратмалари қолдиғи юзага келган ҳолларда мактаб раҳбариятига сметага муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни киритишга руҳсат берилади.

Умумтаълим мактабининг тасдиқланган, харажатларнинг базавий нормативлари ва унга тузатишлар коэффициентини қўллаш йўли билан ҳисобланган харажатлар сметасига қуйидаги ҳолларда ўзгартиришлар киритилади:

- қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга мувофиқ иш ҳақи, коммунал хизматларга тарифлар ва бошқалар миқдорининг ўзгаришида;

- умумтаълим мактаби ўқувчилари сонининг янги ўқув йили (1 сентябрь) учун режалаштирилган кўрсаткичларидан сезиларли фарк қилган (5 фойздан ортиқ) ҳолларда;

- умумтаълим мактаби харажатлар сметаси бўйича тежаб қолинган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўловлари учун қўшимча маблағлар ажратишда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари харажатларнинг базавий нормативлари асосида умумтаълим мактаблари бюджети харажатларини ҳисоблашда миқдорий кўрсаткичларни қўллашнинг тўғрилиги ҳамда айрим муассасалар бюджетига киритилган тузатишларнинг асослилиги устидан назоратни амалга оширишни таъминлайди.

*Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Халқ таълими
вазирлигининг 27.01.2012 й.
9/5-сон қарорига 2-илова*

**2012 йил учун умумтаълим мактаблари маъмурий-бошқарув,
хўжалик ва ўқув-ёрдэмчи ходимларни сақлаб туриш харажатла-
рининг**

БАЗАВИЙ НОРМАТИВЛАРИ

(сўм)

№	Синфлар сони	БНЗ ,
1	7 – 10	55 562 100
2	11 – 13	77 197 284
3	14 – 16	80 810 238
4	17 – 22	95 848 102
5	23 – 29	117 347 862
6	30 – 39	132 051 283
7	40 та ва ундан юқори	150 940 531

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Халқ таълими
вазирлигининг 27.01.2012 й.
9/5-сон қарорига 3-илова

**2012 йил учун умумтаълим мактабларида бир нафар ўқувчига
харажатларнинг базавий нормативларини ошириш
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

№	Худудлар	Иситиш тури бўйича (К _{...})		
		Газда	Марказлашган тартибда	Кўмир ёки бошқа ёқилғида
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1,440	2,509	1,000
2	Андижон вилояти	1,189	1,141	
3	Бухоро вилояти	1,148	2,309	
4	Жиззах вилояти	1,262	2,073	
5	Қашқадарё вилояти	1,078	1,368	
6	Навоий вилояти	1,286	2,078	
7	Наманган вилояти	1,145	1,358	
8	Самарқанд вилояти	1,146	2,348	
9	Сурхондарё вилояти	1,104	1,299	
10	Сирдарё вилояти	1,311	1,839	
11	Тошкент вилояти	1,36	1,791	
12	Фарғона вилояти	1,224	1,862	
13	Хоразм вилояти	1,249	2,964	
14	Тошкент шаҳри	1,208	1,929	

5-БОБ. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ВА ШТАТЛАР ЖАДВАЛИНИ ТУЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1998 йилдан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури¹ доирасида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунарни таълим муассасаларини қайта ташкил этиш амалга оширилмоқда. Хусусан, техникумлар, касбий-техник ва махсус касбий-техник ўқув юртлири академик лицейлар ва касб-хунарни коллежларига айлантирилди. Академик лицейлар ва касб-хунарни коллежларида ўрта махсус, касб-хунарни таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ олиб борилади.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарни йўналтирилган билим олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунарни коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарни мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунарни ўқув юртидир.

*Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги
29.08.1997 й. №464-1 Қонуни*

Академик лицейлар ва касб-хунарни коллежлари эгалланган касб-хунарни бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунарни таълимини беради.

Касб-хунарни коллежларида икки ёклама (дуал) таълим тизими қўлланилади, яъни ўқув жараёни, академик лицейлардан фарқли равишда, коллеж ва корхонада амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунарни таълими мажбурий, аммо унинг йўналишини танлаш ихтиёрий ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 й. 463-1 сон Қонуни билан тасдиқланган.

5.1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини жон бошига молиялаштириш

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (ЎМКТ) муассасаларига академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари киради. ЎМКТ муассасаларини молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- бюджетдан ажратмалар;
- вазирликлар, идоралар, корпорациялар, ассоциациялар ва балансида ўқув юрти бўлган корхоналарнинг маблағлари;
- таълим хизматларини сотиш, илмий-педагогик, ишлаб чиқариш ва таълим муассасасининг уставдаги вазифаларига мос келувчи бошқа турдаги фаолиятдан олинган даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари ва мақсадли бадаллари;
- конунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2010 йилгача академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари смета-лар ва штатлар жавдалини (Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет ташкилотларини молиялаштириш нормативлари асосида) Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибига¹ мувофиқ мустақил тарзда ишлаб чиқишган ва тасдиқлашган.

2010 йилдан бошлаб эса академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига янги йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда харажатларни бюджет маблағлари ҳисобидан режалаштириш ва молиялаштириш тартиби² (жон бошига молиялаштириш) белгиланди.

Шу билан боғлиқ ҳолда 2010 йил 1 январдан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг марказлашган бухгалтерияси ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ҳудудий бошқармаларини бекор қилиш ҳамда уларнинг базасида³:

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарорига илова (ўзгартиришлар билан).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарорига илова (ўзгартиришлар билан).

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарорининг 19-банди; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «2010 йил учун маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилаётган касб-ҳунар коллежларида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари ва тузатиш коэффициентларини қўллашни белгилаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 28.04.2010 й. 33/29-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «2010 йил учун маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилаётган академик лицейларда бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари ва тузатиш коэффициентларини қўллашни белгилаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 28.04.2010 й. 32/28-сон қарори. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-

– Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тузилмасида ЎМКТ муассасаларини молиялаштириш шўъбалари;

– ЎМКТнинг худудий бошқармалари тузилмасида молия-бухгалтерия хизматларини ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Шу ўринда айрим ЎМКТ муассасалари учун формула асосида бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорини ҳисоблаш татбиқ этилмаслигини таъкидлаб ўтиш зарур¹. Уларга қуйидаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари киради:

– Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси касб-хунар-коллежлари;

– Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети қошидаги академик лицей;

– Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳарбий академик лицейи;

– олимпия захиралари коллежи;

– маданият, санъат ва спорт таълими йўналишлари бўйича ихтисослашган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари.

Юқорида қайд этиб ўтилган ЎМКТ муассасалари учун ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий миқдори давлат бюджетидан молиялаштириш иктисодий таснифига биноан харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича ҳақиқий эҳтиёж ва ўтган йиллар харажатларини таҳлил этиш асосида ҳисобланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар.

II. Иш ҳақиға қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар.

IV. Бошқа харажатлар.

Бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб харажатларни бюджет маблағлари ҳисобидан режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартибига ўтган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун харажатларни молиялаштириш (бюджет) миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади²:

сон қарорнинг 20-банди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарорининг 20-банди.

² 2012 йилда бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/ҚҚ-сон қўшма

$$\text{БУ} = \text{БНЗ}_1 \times \text{N} \times \text{K}_{\text{н}} \times \text{K}_{\text{н}} + \text{БНЗ}_2 + (\text{БНД}_1 \times \text{N}_{\text{с}} + \text{БНД}_2 \times \text{N}_{\text{н}}) + \\ + \text{БНМ} \times \text{N}_{\text{н}} \times \text{K}_{\text{н}} + (\text{БНМХ} + \text{БНИ} + \text{БНО})$$

бу ерда:

БУ – ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бюджети;

БНЗ₁ – бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативи;

N – ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

K_н – иситиш тури бўйича бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларига тузатиш киритиш коэффициенти;

K_н – ўқув гуруҳларининг тўлдирилганлик коэффициенти. Бу коэффициент ўқув гуруҳларида ҳақиқий ўртача йиллик тўлиқлик даражаси 30 нафар ўқувчидан ошадиган ЎМКТ муассасаларидагина қўлланилади;

БНЗ₂ – бир нафар ЎМКТ муассасаси учун маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (муассаса учун жорий йилнинг 1 январь ҳолатига ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади);

БНД₁ – ЎМКТ муассасасининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган стим ва ота-она қаровисиз қолган бир нафар ўқувчисининг моддий таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

БНД₂ – ЎМКТ муассасаси тўлиқ давлат таъминотида бўлган стим ва ота-она қаровисиз қолган бир нафар битирувчи ўқувчисини битирув ва ишга жойлашиш учун бериладиган бир йўла нафақа билан таъминлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

N_с – ЎМКТ муассасаси тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчиларининг ўртача йиллик сони;

N_н – ЎМКТ муассасаси жорий йили тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган битирувчи ўқувчилари сони;

БНМ – касб-хунар коллежи бир нафар ўқувчиси учун ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари базавий нормативи;

N_н – жорий йилнинг 1 январь ҳолати бўйича ишлаб чиқариш таълими усталари таълим бераётган ўқув-ишлаб чиқариш гуруҳларида ўқиётган ўқувчилар сони;

K_н – мураккаб жиҳозлар ва хавфли ёки мураккаб ишларни бажариш билан боғлиқ касблар ўргатиладиган ишлаб чиқариш таълими

усталари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича касб-ҳунар коллежи бир нафар ўқувчисига харажатларнинг базавий нормативларига (БНМ) тузатиш коэффициенти;

БНМХ – бир нафар касб-ҳунар коллежи учун ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси механиги меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи;

БНИ – бир нафар ЎМКТ муассасаси учун гуруҳлар бўйича ахборот-ресурс марказлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи;

БНО – бир нафар ЎМКТ муассасаси учун ётоқхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари базавий нормативи (ЎМКТ муассасаси ётоқхоналарида ҳақиқатда яшаётган ҳар 100 нафар ўқувчи учун).

ЎМКТ муассасалари бюджетини ҳисоблашда қўлланиладиган харажатларнинг базавий нормативларини кўриб чиқишга ўтамиз.

ЎМКТ муассасаси бир нафар ўқувчисига харажатларнинг базавий нормативларига педагог ходимлар, ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар, ЎМКТ муассасасининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган бир нафар ўқувчиси таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативлари, шунингдек, ЎМКТ муассасасини сақлаш (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш, материаллар сотиб олиш ва б.), пулли нафақалар, ўқувчиларни овқатлантириш, кийим-бош, пойабзал ва шахсий гигиена буюмлари, битирув ва ишга жойлашиш учун бериладиган бир йўла нафақа билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар киради.

Директор жамғармаси маблағлари ва ягона ижтимоий тўловлар ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган миқдорда харажатларнинг базавий нормативларига (2012 йилда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 25% миқдорида)¹ қўшилади.

Тегишли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими органлари, ЎМКТ муассасаларига эга вазириликлар (идоралар) молия органлари билан ўзаро келишувга мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат ва манзилли рўйхатлар асосида ҳар бир ЎМКТ муассасаси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ажратиладиган куйидаги харажатлар бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларига киритилмайди:

– кўмир ва бошқа турдаги энергия манбаларини (табiiй газ ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2001 й. ПҚ-1675-сон қарорига 24-илова.

иссиқлик энергиясидан ташқари) сотиб олиш ва етказиб бериш;

– барча турдаги коммунал хизматлар истеъмолини ўлчайдиган ҳисоблагичлар сотиб олиш ва ўрнатиш;

– ташкилот ва касб-ҳунар коллежлари ўқув устахоналарида амалий машғулотлар ўтказиш ва ташкил этиш учун зарур хомашё ва материаллар сотиб олиш;

– асосий активларни сотиб олиш;

– капитал таъмирлаш.

1. Академик лицейлар учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативи (БНЗ) Ўзбекистон ҳудудлари учун ягона ҳисобланади, касб-ҳунар коллежлари учун эса мазкур норматив ҳудудлар бўйича табақалаштирилади (5.1-жадвал).

2012 йил учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативи (БНЗ)¹

№	Худудлар	Харажатларнинг базавий нормативи (БНЗ, ¹)	
		Касб-хунар коллежи	Академик лицей
1	Қорақалпоғистон Республикаси	605 582	702 528
2	Андижон вилояти	597 304	
3	Бухоро вилояти	594 969	
4	Жиззах вилояти	583 868	
5	Қашқадарё вилояти	587 922	
6	Навоий вилояти	609 981	
7	Наманган вилояти	590 023	
8	Самарқанд вилояти	582 930	
9	Сурхондарё вилояти	585 281	
10	Сирдарё вилояти	588 505	
11	Тошкент вилояти	593 128	
12	Фарғона вилояти	578 536	
13	Хоразм вилояти	589 574	
14	Тошкент шаҳри	592 130	

2. ЎМКТ муассасалари ўқувчиларининг ўртача йиллик сони (N) молия йили мобайнида ўқувчиларнинг курслар бўйича (кабул, битирув, ўқувчилар сафидан чиқариш, курсдан-курсга кўчириш ва х.к.) ҳаракатини режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

ЎМКТ муассасалари ўқувчиларининг ўртача йиллик сони куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = Y_n + Y_n/3 - Y_n/2 - Y_0 \times 0,6$$

бу ерда:

¹ 2012 йилда бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/КҚ-сон қўшма қарорига 2-илова.

N – ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;
 Y_n – ўқувчиларнинг календарь йили бошидаги сони (режалаштири-
 рилаётган йилнинг 1 январь ҳолатига);

Y_n – кутилаётган қабул сони;

Y_n – кутилаётган битирувчилар сони;

Y_n – ўқувчилар сафидан чиқарилиши кутилаётганлар сони.

3. Иситиш тури бўйича бир нафар ўқувчига харажатларнинг база-
 вий нормативларига тузатиш коэффиценти ($K_{\text{н}}$) 2012 йилда академик
 лицейлар бўйича Ўзбекистон ҳудудлари учун ягона, касб-ҳунар кол-
 лежлари учун эса ҳудудлар бўйича табақалаштирилган (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

**2012 йил учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида
 бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларига
 тузатиш коэффицентлари¹**

№/р	Ҳудудлар	иситиш тури бўйича ўМКТ муассасалари ($K_{\text{н}}$)			
		Гаёда иситиладиган		Марказий иситиш тизимига эва	
		касб-ҳунар коллежи	академик лицей	касб-ҳунар коллежи	академик лицей
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1,023	1,077	1,042	1,096
2	Андижон вилояти	1,004		1,009	
3	Бухоро вилояти	1,006		1,026	
4	Жиззах вилояти	1,013		1,019	
5	Қашқадарё вилояти	1,005		1,005	
6	Навоий вилояти	1,006		1,040	
7	Наманган вилояти	1,007		1,012	
8	Самарқанд вилояти	1,004		1,014	
9	Сурхондарё вилояти	1,002		1,015	
10	Сирдарё вилояти	1,009		1,007	
11	Тошкент вилояти	1,010		1,018	
12	Фарғона вилояти	1,004		1,005	
13	Хоразм вилояти	1,008		1,026	
14	Тошкент шаҳри	1,016		1,025	

¹ 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/ҚК-сон қўшма қарорига 4-илова.

4. Ўқув гуруҳларининг тўлиқлик коэффициенти ($K_{\text{т}}$) ҳақиқий ўртача йиллик тўлиқлик даражаси ўқув гуруҳларида 30 нафар ўқувчидан ошадиган ЎМКТ муассасаларидагина қўлланилади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{\text{т}} = 30 / \Phi\text{Н},$$

бу ерда:

ΦН – ўқув гуруҳларининг ҳақиқий ўртача йиллик тўлдирилганлиги.

5. Бир нафар ЎМКТ муассасаси учун маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативи (**БНЗ₁**) жорий йилнинг 1 январь ҳолати учун ўқувчилар сонидан келиб чиқиб белгиланади (5.3-жадвал).

5.3-жадвал

2012 йилда бир нафар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси учун харажатларнинг базавий нормативлари¹

Ўқувчилар сонига боғлиқ маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативи (БНЗ₁)			
Касб-хунар коллежи		Академик лицей	
Ўқувчилар сони (нормативлар)	миқдори (миля сўм)	Ўқувчилар сони (нормативлар)	миқдори (миля сўм)
150 нафардан 300 нафаргача	105 143	200 нафаргача	75 645
301 нафардан 450 нафаргача	121 450	201 нафардан 300 нафаргача	98 332
451 нафардан 600 нафаргача	140 676	301 нафардан 450 нафаргача	112 849
601 нафардан 750 нафаргача	151 926	451 нафардан 600 нафаргача	135 476
751 нафардан 900 нафаргача	172 066	601 нафардан 800 нафаргача	151 129
901 нафардан 1050 нафаргача	191 863	801 нафардан ортиқ	160 729
1051 нафардан ортиқ	214 492		

¹ 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келяб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/ҚҚ-сон қўшма қарорига 3-илова).

6. 2012 йил учун тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ЎМКТ муассасаси бир ўқувчисининг моддий таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи (БНД₁) ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ЎМКТ муассасаси бир нафар битирувчи ўқувчисини битирув ва ишга жойлашиш учун бериладиган бир йўла нафақа билан таъминлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативи (БНД₂) ҳар бир кўрсаткич бўйича Ўзбекистоннинг барча минтақаларида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун умумий, бир хил ҳисобланади (5.4-жадвал).

5.4-жадвал

2012 йилда бир нафар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси учун харажатларнинг базавий нормативлари¹

№/р	Минтақалар	ЎМКТ муассасаси тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган бир нафар ўқувчисининг моддий таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи (битирув ва ишга жойлашиш учун бериладиган бир йўла нафақасиз) (БНД ₁)		ЎМКТ муассасаси тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган бир нафар битирувчи ўқувчисини битирув ва ишга жойлашиш учун бериладиган бир йўла нафақа билан таъминлаш харажатларининг базавий нормативи (БНД ₂)	
		касб-хунар коллежи	академик лицей	касб-хунар коллежи	академик лицей
1	Қорақалпоғистон Республикаси				
2	Андижон вилояти				

¹ 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/КҚ-сон қўшма қарорига 2-илова).

3	Бухоро вилояти		
4	Жиззах вилояти		
5	Қашқадарё вилояти		
6	Навоний вилояти		
7	Наманган вилояти		
8	Самарқанд вилояти		
9	Сурхондарё вилояти	4 366 130	6 606 600
10	Сирдарё вилояти		
11	Тошкент вилояти		
12	Фарғона вилояти		
13	Хоразм вилояти		
14	Тошкент шаҳри		

7. ЎМКТ муассасаси тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчиларининг ўртача йиллик сони (N_c) молия йили мобайнида ўқувчиларнинг курслар бўйича (қабул, битирув, ўқувчилар сафидан чиқариш, курсдан-курсга кўчириш ва х.к.) ҳаракатини режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда ЎМКТ муассасалари ўқувчиларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда қўлланиладиган формулани қўллаш орқали ҳисобланади:

$$N_c = Y_{\text{св}} + Y_{\text{св}}/3 - Y_{\text{св}}/2 - Y_{\text{св}} \times 0,6,$$

бу ерда:

N_c – тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

$Y_{\text{св}}$ – тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчиларнинг календарь йили бошидаги сони (режалаштириладиган йилнинг 1 январь ҳолати учун);

$Y_{\text{св}}$ – тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни қабул қилишнинг кутилаётган сони;

$У_{\text{д}}$ – тўлик давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган битирувчи ўқувчиларнинг кутилаётган сони;

$У_{\text{о}}$ – тўлик давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчиларни ўқувчилар сафидан чиқаришнинг кутилаётган сони.

8. Ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (БНМ) ва ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси механиги меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (БНМХ) ЎМКТ муассасасининг амалдаги намунавий штатларига мувофиқ назарда тутиладиган лавозимлар мавжуд касб-хунар коллежларида қўлланилади. Бу ҳолларда мураккаб жиҳозлар ва хавфли ёки мураккаб ишларни бажариш билан боғлиқ касблар ўргатиладиган касб-хунар коллежларида ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативларига ($К_{\text{д}}$) тузатиш коэффициенти қўлланилади.

2012 йили Ўзбекистоннинг барча минтақаларида касб-хунар коллежининг бир нафар ўқувчиси учун ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг умумий базавий нормативи (БНМ) белгиланган (5.5-жадвал).

5.5-жадвал

2012 йил учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бир нафар ўқувчига харажатларининг базавий нормативлари¹

№/р	Ҳудудлар	Ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (БНМ)	
		касб-хунар коллежи	академик лицей
1	Қорақалпоғистон Республикаси		
2	Андижон вилояти		

¹ 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларининг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27 5-ҚҚ-сон қўшма қарорига 2-илова).

3	Бухоро вилояти	218 858	x
4	Жиззах вилояти		
5	Қашқадарё вилояти		
6	Навоний вилояти		
7	Наманган вилояти		
8	Самарқанд вилояти		
9	Сурхондарё вилояти		
10	Сирдарё вилояти		
11	Тошкент вилояти		
12	Фарғона вилояти		
13	Хоразм вилояти		
14	Тошкент шаҳри		

2012 йилда Ўзбекистоннинг барча минтакаларида мураккаб жиҳозлар ва хавфли ёки мураккаб ишларни бажариш билан боғлиқ касблар ўргатиладиган ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича касб-хунар коллежи бир нафар ўқувчисини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларига (БНМ) умумий, бир хил тузатиш коэффициентлари белгиланган ($K_{мп}$) (5.6-жадвал).

5.6-жадвал

2012 йил учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бир нафар ўқувчига харажатларининг базавий нормативларига тузатиш коэффициентлари¹

<i>Норматив</i>	<i>касб-хунар коллежи</i>	<i>академик лицей</i>
Мураккаб жиҳозлар ва хавфли ёки мураккаб ишларни бажариш билан боғлиқ касблар ўргатиладиган ишлаб чиқариш таълими усталари учун ($K_{мп}$)	1,50	x

¹ 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларининг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларининг норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/ҚҚ-сон қўшма қарорига 4-илова).

Бир нафар касб-ҳунар коллежи учун ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси механиги меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативи (БНМХ) (5.7-жадвал).

5.7-жадвал

2012 йил учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларига тузатиш коэффициенти¹

Норматив	Миқдори (мин сўм)	
	касб-ҳунар коллежи	академик лицей
Ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси (ЎИЧУ) механиги меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи	3513	*

9. Ахборот-ресурс марказлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (БНИ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини кутубхона-ахборот билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 20.06.2006 й. ПҚ-381-сон қарорига мувофиқ ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган ЎМКТ муассасаларида қўлланилади. Бунда гуруҳлар бўйича ахборот-ресурс марказларини тақсимлаш ЎМКТ муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказлари бўйича тасдиқланган намунавий штатларга мувофиқ амалга оширилади.

2012 йили бир нафар ЎМКТ муассасаси учун гуруҳлар бўйича ахборот-ресурс марказлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативлари (БНИ) филивали мавжуд ва филиалига эга бўлмаган муассасаларда гуруҳлар бўйича табақалаштирилган (5.8-жадвал).

¹ Ушун жойда.

2012 йил учун бир нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси учун харажатларнинг базавий нормативлари¹

№	Нормативлар	Миқдори (минг сўм)	
		касб-ҳунар коллежи	академик лицей
1	Гуруҳлар бўйича филиалига эга АРМ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (БНИ)	1-гуруҳ	119 001
		2-гуруҳ	100 889
		3-гуруҳ	84 906
2	Гуруҳлар бўйича филиали бўлмаган АРМ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (БНИ)	1-гуруҳ	76 014
		2-гуруҳ	57 348
		3-гуруҳ	40 812

10. Ётоқхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативи (БНО) ЎМКТ муассасасида ётоқхона мавжудлиги ва унда ҳақиқатда 100 нафаргача ўқувчи яшаётган ҳоллардагина қўлланилади. Бунда ётоқхонада ҳақиқатда яшаётган ҳар кейинги 100 нафар ўқувчи учун қўшимча равишда ётоқхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи қўлланилади.

2012 йилда бир нафар ЎМКТ муассасаси учун ётоқхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (ЎМКТ муассасаси ётоқхоналарида ҳақиқатда яшаётган ҳар 100 нафар ўқувчи учун) академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бўйича табақалаштирилган (5.9-жадвал).

¹ 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Нязом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/ҚҚ-сон қўшма қарорига 3-илова).

2012 йил учун бир нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси учун харажатларнинг базавий нормативлари¹

Нормативлар	миқдори (минг сўм)	
	касб-ҳунар коллежи	академик лицей
Ётоқхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг базавий нормативи (ҳақиқатда ётоқхонада яшаётган ҳар 100 нафар ўқувчи учун) (БНО)	41 122	40 275

ЎМКТ муассасаси бюджетини ҳисоблашда қуйидагиларни билиш ва ҳисобга олиш зарур²:

1) қонунчиликда алоҳида иқлим шароитлари учун ҳудудий коэффициентлар белгиланган жойлардаги ЎМКТ муассасалари сметаларида иш ҳақиға устамалар, шунингдек, ўталган йиллар учун ойлик тўловлар харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган маблағлар миқдорига қўшимча равишда белгиланган маблағлар ҳисобидан ўрнатилган тартибда тўланади;

2) ЎМКТ муассасасининг айрим бюджет харажатлари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд бўлганда, харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган бюджет харажатларининг ҳажми мазкур қарздорлик суммасига камайтиради.

ЎМКТ муассасасининг кредитор қарздорлиги харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида аниқланган бюджет сметаси маблағлари доирасида, маблағ етишмаган тақдирда эса мазкур ЎМКТ муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади;

3) ЎМКТ муассасалари газ, кўмир ва марказлашган иссиқлик тизимидан ташқари бошқа ёқилғи турлари ёрдамида иситилган ҳолларда

¹ Ўша жойда.

² 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/ҚҚ-сон қўшма қарори).

ёқилгини (масалап, ўтин, мазут, печ ёқилгиси) сотиб олиш харажатлари (харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган), республика ва маҳаллий бюджетларнинг ўрта махсус, олий таълим ва кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган тасдиқланган харажатлари доирасида муассаса харажатлари умумий ҳажмига қўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади;

4) (2012 йил учун харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган) ЎМКТ муассасалари бўйича бюджет харажатларининг миқдорлари жорий йил учун республика бюджетининг ўрта махсус, олий таълим ва кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган тасдиқланган харажатлари доирасида аниқланади;

5) Молия органлари томонидан харажатлар сметасини тузиш ва харажатлар миқдорини аниқлашда айрим ЎМКТ муассасалари (харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган) бюджетига ЎМКТ муассасаларининг амалдаги харажатлари миқдоридан сезиларли фарк қилишига йўл қўймаслик мақсадида республика бюджетининг ўрта махсус, олий таълим ва кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган тасдиқланган харажатлар доирасида ажратиладиган маблағларнинг 8 фоизи миқдоригача тузатиш киритишга рухсат берилади. Бунда харажатлари сметасига уларнинг бюджетига тузатиш киритиш зарурлигини асословчи тегишли ҳисоб-китоблар илова қилинади;

6) харажатлар сметаси, штатлар жадвали ва педагог ходимлар тарификация рўйхатини тузиш ЎМКТ муассасаси раҳбари ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан ўрнатилган тартибга¹ мувофиқ ҳамда харажатларнинг базавий нормативлари уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган маблағлар доирасида амалга оширилади. Бунда маблағларнинг қуйидаги қатъий тартибда тақсимланиши белгилаб қўйилади:

- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов;
- стипендиялар;

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом¹ (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.Ю.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

– тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ўқувчиларни моддий таъминлаш;

– коммунал хизматлар учун харажатлар;

– қолган жорий харажатлар ва бошқа харажатлар.

ЎМКТ муассасалари (академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари) учун белгиланадиган харажатларнинг базавий нормативлари ҳар йили қайта кўриб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази қарорлари, Навбатдаги йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ тасдиқланади. 2012 йили мазкур нормативлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6.03.2012 й. 27/5/ҚҚ-сон кўшма қарори билан тасдиқланган.

ЎМКТ муассасаси бюджетининг (жон бошига молиялаштириш усули билан ҳисобланган) умумий суммаси харажатларнинг иктисодий таснифида харажатлар гуруҳларини белгиланган тартибда ҳисоблаш асосида харажатлар сметалари гуруҳлари бўйича тақсимланади.¹

Харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар).

II. Иш ҳақига қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ).

IV. Бошқа харажатлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкilotлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (Ўзгартиришлар билан).

$$\begin{aligned} \text{БУ [15 устун]} &= \text{БНЗ1 [1 устун]} \times \text{N [2 устун]} \times \text{Кто [3 устун]} \times \\ &\text{Кнг*} + \text{БНЗ2 [4 устун]} + (\text{БНД1 [5 устун]} \times \text{Nс [7 устун]} + \text{БНД2 [6} \\ &\text{устун]} \times \text{Nсв [8 устун]}) + \text{БНМ [9 устун]} \times \text{Nм [10 устун]} \times \text{Кмп [11} \\ &\text{устун]} + (\text{БНМХ [12 устун]} + \text{БНИ [13 устун]} + \text{БНО [14 устун]}); \\ \text{БУ} &= 494,556 \times 680 \times 1,008 + 151\,926 + (3\,704,281 \times 0 + 5\,222,175 \times 0) \\ &+ 167,005 \times 0 \times 1,5 + (2\,777 + 16\,783 + 0) = 510\,474 \end{aligned}$$

* 5.10-жадвалда коллеж бюджетини ҳисоблашда тўлиқлик коэффициенти (Кит) маъжуд эмас, чунки коллежда ўқув гуруҳларининг ҳақиқатда ўртача тўлиқлик даражаси 30 нафар ўқувчидан ошмайди.

5.2. ЎМКТ муассасаларида штатлар жадвалини шакллантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамгармасини ҳисоблаш

ЎМКТ муассасаларининг меҳнатга ҳақ тўлаш жамгармаси педагог ходимлар, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатига ҳақ тўлаш, маъмурий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамгармаларини ўз ичига олади. ЎМКТ муассасалари харажатларининг биринчи гуруҳи директор жамгармасини ҳам ўз ичига олади.

ЎМКТ муассасаларида ходимлар штати 1999 йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган академик лицейлар (5.11-жадвал) ва касб-ҳунар коллежлари (5.12-жадвал) маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг намунавий штатлари асосида шаклланади.

Шу ўринда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлари намунавий штатларини шакллантириш фаркли жиҳатларга эгаллигини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, академик лицейларда тегишли штат birlikларни ҳисоблаш асоси сифатида синф-комплектлар сони олинса, касб-ҳунар коллежларида ушбу кўрсаткич сифатида ўқувчилар сонидан фойдаланилади.

**Академик лицейлар маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат
кўрсатувчи ходимларнинг намунавий штатлари**

№/р	Лавозимлар номлари	Синф-комплектлар сонига боғлиқ штат бирликлари сони				
		4 – 7	8 – 10	11 – 15	16 – 20	21 ва ундан ортиқ
1	Директор	1	1	1	1	1
2	Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	0,5	1	1	1	1
3	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	0,5	1	1	1	1
4	Директорнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	–	1	1	1	1
5	Рухшунос	–	1	1	1	1
6	Тўғарак раҳбари	0,5	0,5	1	2	3
7	Жисмоний тайёргарлик раҳбари	0,5	0,5	1	1	1
8	Хўжалик мудир	1	–	–	–	–
9	Кутубхона мудир	–	–	1	1	1
10	Кутубхоначи	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
11	Бош бухгалтер	1	1	1	1	1
12	Хазиначи	1	1	1	1	1
13	Кадрлар бўйича инспектор	–	–	–	1	1
14	Котиба-машинист	1	1	1	1	1
15	Материаллар омбори омборчиси	0,5	1	1	1	1
16	Хўжалик бекаси	0,5	0,5	0,5	1	1
17	Комендант	?	1	1	1	1

Изоҳлар:

1. 21 ва ундан ортиқ синф-комплектлар мавжуд академик лицейларда ҳар кейинги 10 та синф учун 0,5 бирлик директорнинг ўқув (ўқув-маънавий-маърифий) ишлари бўйича ўринбосари лавозими белгиланади.

2. Хорижий тиллар чуқур ўрганиладиган академик лицейларда қўшимча директорнинг хорижий тиллар бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади.

3. Таълимнинг ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича бўлим мудири лавозими бўлимларда 150 нафар ва ундан ортиқ ўқувчилар мавжудлигида белгиланади.

4. Чақириқча ҳарбий тайёргарлик раҳбари лавозими синф-комплектлар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланади.

5.12-жадвал

Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари маъмурий, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг намунавий штатлари

т/р	Лавозимлар номлари	Ўқувчилар сонига боғлиқ штат бирликлари						
		150 – 300	301 – 450	451 – 600	601 – 750	751 – 900	901 – 1 050	1 051 нафардан ортиқ
1	Директор	1	1	1	1	1	1	1
2	Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1	1	1	1	1	1	1
3	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	1	1	1	1	1	1	1
4	Директорнинг касб таълими бўйича ўринбосари	1	1	1	1	1	1	1
5	Услубчи	1	1	1	1	1	1	1
6	Рухшунос	0,5	1	1	1	1	1,5	1,5
7	Директорнинг маъмурий-ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1	1	1	1	1	1	1
8	Жисмоний тайёргарлик раҳбари	1	1	1	1	1	1	1
9	Чақириқча ҳарбий тайёргарлик раҳбари	1	1	1	1	1	1	1
10	Кутубхона мудири	1	1	1	1	1	1	1
11	Кутубхоначи	–	0,5	1	2	2	2,5	3

12	Бош бухгалтер	1	1	1	1	1	1	1
13	Бухгалтер	0,5	0,5	1	1	1	2	2
14	Хазиначи	1	1	1	1	1	1	1
15	Ўқув бўлими котиби (диспетчер)	0,5	0,5	1	1	1	1	1
16	Котиба-машинист	1	1	1	1	1	1	1
17	Кадрлар бўйича инспектор	–	0,5	1	1	1	1	1
18	Комеңдант	1	1	1	1	1	1	1
19	Таъминот бўйича агент	Белгиланган норматив бўйича			–	–	–	–
20	Омбор мудир	Белгиланган норматив бўйича			–	–	–	–
21	Омборчи	1			1	1	1	1
22	Гардеробчи (жиҳозланган гардероб мавжудлигида)	1	1	1,5	2	2,5	3	4
23	Паспортист	Белгиланган норматив бўйича			–	–	–	–

2. Бошқарув аппаратида тааллуқли бўлмаган ходимлар штати

т/р	Лавозимлар номлари	Ўқувчилар сонига боғлиқ ҳолда белгиланадиган штат бирликлари	
24	Катта уста	1	Ўқувчилар сони 200 нафардан ортиқ бўлганда жорий этилади – агар ўқув муассасасида ишлаб чиқаришнинг турли йўналишлари (машинасозлик, металлургия, автотранспорт, қурилиш, энергетика ва б.) учун икки ва ундан ортиқ касблар бўйича (ҳар бири бўйича камида 200 нафар ўқувчи мавжудлигида) мутахассислар тайёрланаётган бўлса, ишлаб чиқариш таълими усталари штатлари сонига қўшимча равишда катта уста лавозими жорий этилиши мумкин
25	Ишлаб чиқариш таълими устаси (ўқув гуруҳлари учун)	1	мураккаб жиҳозларга хизмат кўрсатиш, хавфли ёки мураккаб ишларни бажариш билан боғлиқ касблар бўйича ҳар 25 нафар ўқувчи учун; 12 – 15 нафар ўқувчи учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда аниқланадиган рўйхат бўйича жорий этилади

26	Устахона мудир. Ишлаб чиқариш таълими устаси (ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси, участкаси учун)	1	таълим йўналишлари бўйича – устахонада иш турлари бўйича (слесарлик, электромонтаж, токарлик ва б.) ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси мавжудлигида участка учун жорий этилади (полигон, автодром – ишлаб чиқариш таълими усталари штатлар сонида ҳар бир уста учун 1200 соатлик йиллик ўқув юклараси миқдориди)
27	Транспорт воситаларини ҳайдаш бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси	1	автомобиль транспорти корхоналари, автомобиль йўллари ва шаҳар электр транспорти учун ходимлар тайёрлашда ҳар бир уста учун 1500 соатлик йиллик ўқув юклараси миқдориди
28	Лаборант-техник	1	камида 200 нафар ўқувчи таълим оладиган касб-ҳунар коллежларида жиҳозланган ўқув кабинетлари, лабораториялар мавжудлигида жиҳозланган кабинет (лаборатория) учун ўқув режа бўйича бир бирлик лаборант лавозими ўрнатилди
29	Муҳандис-электрик	1	балансда трансформатор станцияси ва бошқа мураккаб жиҳозлар мавжуд бўлса, жорий этилади
30	Техник (бинолар эксплуатацияси бўйича)	1	
31	Механик	1	20 бирликкача фаолиятдаги асбоб-ускуналарга (станоклар, машиналар, автомобиллар, тракторлар, комбайнлар) эга ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари мавжуд бўлса, жорий этилади
32		2	қишлоқ хўжалиги учун ходимлар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежларида 20 бирликдан ортиқ фаолиятдаги асбоб-ускуналарга эга ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари мавжудлигида механик бир вақтнинг ўзида гараж мудирини ҳисобланади
33	Омборчи (асбоб-ускуналар омборида)	1	қурилиш, техник ва қишлоқ хўжалик йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида
34	Слесарь-таъмирловчи	1	фаолиятдаги ҳар 30 бирлик асбоб-ускуналар учун (станоклар, машиналар, автомобиллар, тракторлар, комбайнлар ва б.)
35	Ёқилғи қуйиш станцияси оператори	1	ҳайдовчилар ва механизаторлар тайёрлаш амалга ошириладиган ўқув муассасаларида камида 20 бирлик фаолиятдаги тракторлар, комбайнлар ва автомобиллар мавжуд бўлса, жорий этилади
36	Хизмат бинолари фарроши	1	ҳар 500 квадрат метр йиғиштириладиган майдон учун (ўқув корпусларининг синфхоналари ва ётоқхоналарининг ётиш хоналари ҳисобга олинмайди) касб-ҳунар коллежи учун 1 бирликдан кам бўлмаган ҳолда
37	Юк автомобили ҳайдовчиси	1	юк транспорти мавжуд бўлса, жорий этилади

38	Автобус ҳайдовчиси	1	ўқувчиларни ташиш учун мўлжалланган автобус мавжуд бўлса, жорий этилади
39	Тарбиячи	1	секция типидagi ётоқхоналарда яшайтган ҳар 75 нафар ўқувчи учун ва ҳар кейинги 100 нафар ўқувчи учун 1 бирлик миқдорда
40	Ётоқхона бўйича навбатчи	1 2 3 1	ётоқхонада яшовчи ўқувчилар сони: 1 50 нафаргача; 2 51 нафардан 100 нафаргача; 3 101 нафардан 200 нафаргача бўлганда; 1 ётоқхонада яшовчи ўқувчилар сони 200 нафардан ортиқ бўлганда бир смена учун
41	Юк сақланадиган хона мудир	1	250 нафардан ортиқ ўқувчи яшайтган ётоқхоналарда ва жиҳозланган юк сақлаш хоналари мавжудлигида – бир вақтнинг ўзида ётоқхонада хўжалик мудир вазифасини ҳам бажаради
42	Хўжалик бекаси	1	ётоқхонада яшайтган ўқувчилар сони 150 нафардан ортиқ бўлганда ва ижарага олинган яшаш жойи учун
43	Мухандис-дестурчи	1	2 та компьютер техникаси кабинети мавжудлигида жорий этилади – бу ҳолларда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари бўйича ўқув кабинети мудирлиги ҳамда ишлаётган компьютерлар учун ўқитувчиларга қўшимча тўловлар амалга оширилмайди
44	ЭХМ оператори	1	компьютер сифлари мавжуд бўлса, жорий этилади
45	ЭХМ муҳандиси	1	компьютер сифлари мавжуд бўлса, жорий этилади

**Банк коллежи маъмурий, ўқув-ёрдмчи ва хизмат кўрсатувчи
ходимларининг намунавий штатлари**

<i>т/р</i>	<i>Лаваозимлар номлари</i>	<i>Ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони 680 – 700 киши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар сонига боғлиқ штат бирликлари</i>
1	Директор	1
2	Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1
3	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	1
4	Ушлбчи	1
5	Руҳшунос	1
6	Директорнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1
7	Жисмоний тайёргарлик раҳбари	1
8	Чақириқдча ҳарбий тайёргарлик раҳбари	1
9	Кутубхона мудир	1
10	Кутубхоначи	1
11	Бош бухгалтер	1
12	Бухгалтер	1
13	Хазиначи	1
14	Ўқув ишлари бўйича котиба (диспетчер)	2
15	Кадрлар бўйича инспектор	1
16	Комендант	1
17	Омбор мудир	1
18	Омборчи	1
19	Гардеробчи (жиҳозланган гардероб мавжудлигида)	2

Намунавий штатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 16.10.2000 й. 400-сон қарори талабларига мувофиқ тузилади.

Академик лицейларнинг намунавий ўқув режаси

№	Фанлар	Соатлар миқдори	Умумий ҳажмидаги улуши
1	Умумтаълим фанлари	1940	42,5
2	Чуқур ўрганиладиган фанлар	1400	30
3	Чуқур ўрганиладиган қўшимча фанлар	650	14,2
4	Махсус фанлар	290	5
	Давлат аттестацияси	70	1,6
	Факультатив курслар	270	6
5	Жами	4560	100

Изоҳ.

Академик лицейлар ўқув режалари тайёрлов йўналишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилиб, чуқурлаштирилиб ва қўшимча чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар учун ажратилган соатлар миқдори умумий ажратилган соатлар ҳажмига нисбатан 5 фоизгача ўзгариши мумкин.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси, иш ҳақи миқдори (яъни ходимларнинг аттестация натижаларига кўра берилган тегишли малака тоифаларидаги фарқ, уларнинг ҳақиқатда бажараётган иш вақти ҳажми ва ҳоказоларга боғлиқ) тарификация бўйича аниқланади ва штатлар жадвалида келтирилади (5.1-илова).

Педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблаш учун штат педагог ходимларнинг 1540 соат (шундан 800 соати ўқув юкламаси, 740 соати педагогик юклама)¹ ҳажмидаги йиллик юкламасидан келиб чиқиб аниқланади.

Иш ҳақи учун харажатларни режалаштириш сметага илова қилинадиган тарификация рўйхати асосида амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.08.2002 й. ПФ-3112-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 й. 165-сон қарори.

Йил учун рўйхатта олинди _____ йил
 _____ да
 Рўйхатдан ўтказиш ва тасдиқлаш
 раёми _____
 йилдан _____

- Тасдиқлашдан
 1. Мазъурий-бошқарув, мазъурий-ҳўжалик, ҳуку-
 бодани ва бошқа ходимлар штати миқдори — бирлик
 2. Йиллик меҳнатта ҳақ тўлаш жамғармаси _____ сўм

Штат жадалини тасдиқлаган
 Мазъул шахснинг иқдоси _____ йил.
 «__» _____ йил.

ШТАТЛАР ЖАДАЛИ
 йил учун

Таркибий бўлиmlмаларнинг ноқилиниши ва лавозимлар номи	Штат бирликлари сони	ЯТС бўйича разряди	Тариф коэфф.	Лавозим машии (сўйда)	Устали ва қўшимчалар (сўйда)			Ойлик меҳнатта ҳақ тўлаш жамғармаси (сўйда)	Изоҳ
Мазъурий-бошқарув, мазъурий-ҳўжалик, ҳуку-бодани ва бошқа ходимларнинг бир ойлик меҳнатта ҳақ тўлаш жамғармаси бўйича жами									
Шунинг ўзи бир йилда	x	x	x	x	x	x	x		

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг қаражатлар системаси ва штатлар жадалини ту-
 таш қўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Мазъул вазирлиги,
 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга
 олинган) 2-илова.

Тарификация рўйхатлари иш ҳақи ва лавозим маошлари ставкалари ҳамда педагог ходимларга устамалар ва қўшимча тўловлар белгилашни тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

ЎМТК муассасалари ходимлари иш ҳақи базавий тариф ставкаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низомда белгиланган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади¹.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг лавозим маошлари:

– ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланган базавий тариф ставкалари;

– ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари:

– ходимнинг лавозимига;

– ходимнинг малака тоифасига;

– ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг типига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади (5.15-жадвал).

5.15-жадвал

<i>Ўрта махсус, касб-хунар муассасаси тури</i>	<i>Контингент сони (киши)</i>			
	<i>I гуруҳ</i>	<i>II гуруҳ</i>	<i>III гуруҳ</i>	<i>IV гуруҳ</i>
Академик лицей	851 ва ундан ортиқ	651 – 850	401 – 650	400 гача
Касб-хунар коллежи	1 051 ва ундан ортиқ	751 – 1050	451 – 750	450 гача

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 й. 165-сон қарорига 4-илова.

ЎМКТ муассасалари педагог ходимларининг касбий маҳоратини оширишни рағбатлантириш мақсадида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низомда (29.08.2008 й. 1847-сон билан рўйхатга олинган) белгиланган талаблар, шунингдек, ЎМКТ муассасалари ходимларининг асосий лавозимлари малака тавсифига мувофиқ ходимлар лавозимлари ва малака тоифалари ўрнатилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкасини ўзгартириш:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;
- ходим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида бошқа лавозимга ўтганда;
- ходимнинг лавозими ёки малака тоифаси ўзгарганда (ошганда ёки пасайганда) амалга оширилади.

Базавий тариф ставкасини ўзгартириш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари муносабати билан базавий тариф ставкалари ўзгарган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма буйруғи чиқарилади.

Ходим ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг бир муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий тариф ставкаси ўзгарганда, меҳнат шартномаси ўзгариши тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб. 3-§).

Олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги умумтаълим, умумий касб ва махсус цикллар педагогик лавозимларига қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Олий таълим муассасаси бакалавриати босқичининг охириги курсида ўқиётган шахслар педагогик ишини амалга оширишга қўйилиши

мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

ЎМКТ муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 29.11.2011 й. қарори билан белгиланган (5.16-, 5.17-, 5.18-, 5.19-жадваллар).

Ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси ягона тариф сеткаси (ЯТС) асосида ҳисобланади (5.20-жадвал).

5.16-жадвал

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдорлари¹

№	Лавозимлар номлари	Академик лицейлар ўқитувчиси	Касб-хунар коллежлари ўқитувчиси
1	Бош ўқитувчи	572 584	540 872
2	Етакчи ўқитувчи	540 872	509 640
3	Катта ўқитувчи	509 640	477 219
4	Олий маълумотга эга ўқитувчи	477 219	445 569
5	Ўрта махсус маълумотга эга ўқитувчи	445 569	416 308

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 29.11.2011 й. қарорига 1-илова.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бошқа педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари¹

Т/р	Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1.	Маданият ва санъат академик лицейлари ҳамда касб-хунар коллежлари концертмейстерлари	477 219	445 569	416 308	387 217	359 160
2.	Олимпия захиралари коллежи тренер-ўқитувчиси	426 602	398 397	372 508	346 778	321 957
3.	Касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси	х	401 711	373 737	х	х
4.	Академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежларининг психологи, тарбиячиси, методисти	401 711	373 737	346 761	320 854	296 012
5.	Спорт коллежи тренер-ўқитувчиси, олимпия захиралари коллежи инструктор-методисти	375 986	351 220	328 709	306 340	284 754
6.	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг тўғарак раҳбари	х	336 984	310 023	284 127	259 377
7.	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг концертмейстерлари	328 709	306 340	284 754	264 028	244 135

Изоҳ:

Касб-хунар коллежларида малака тоифасига эга бўлмаган ишлаб чиқариш усталарига базавий тариф ставкалари 346 761 сўм миқдориди белгиланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 29.11.2011 й. қарорига 2-илова.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари¹

№/р	Лавозимлар номлари	Тариф ставкалари миқдори			
		I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
1	Директор	892 177	846 385	801 620	757 221
2	Директорнинг ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари	846 385	801 620	757 221	713 496
3	Чақириқдоча ҳарбий тайёргарлик раҳбари	572 584	540 872	509 640	477 219
4	Жисмоний тайёргарлик раҳбари	477 219	445 569	416 308	387 217
5	Касб-ҳунар коллежининг катта устаси	421 802	393 121	365 010	336 984
6	Касб-ҳунар коллежи ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси мудири	310 023	310 023	310 023	310 023

Изоҳ:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таълимнинг ихтисослик йўналишлари бўйича бўлим мудирлари базавий тариф ставкалари миқдорлари бўлимда таълим олаётган ўқувчилар контингентидан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

150 нафардан 300 нафаргача – 284 127 сўм.

301 нафардан 450 нафаргача – 310 023 сўм.

451 нафардан 600 нафаргача – 336 984 сўм.

601 нафар ва ундан ортиқ – 365 010 сўм.

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва адолийи ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 29.11.2011 й. қарорига 3-илова.

**ЎМКТ муассасалари бош бухгалтерлари меҳнатига ҳақ
тўлашнинг тариф ставкалари миқдорлари¹**

<i>Лавозим номи</i>	<i>Тариф ставкалар миқдори</i>			
	<i>I гуруҳ</i>	<i>II гуруҳ</i>	<i>III гуруҳ</i>	<i>IV гуруҳ</i>
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси бош бухгалтери	413 034	390 436	368 310	346 358

Ўрта махсус, касб-ҳунар муассасалари ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бюджет ташкилотлари учун қўлланиладиган ягона тариф сеткаси (ЯТС) асосида амалга оширилади.

**Бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ
тўлашнинг ягона тариф сеткаси²**

<i>Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари</i>	<i>Тариф коэффициентлари</i>
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733
12	6,115

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 29.11.2011 й. қарорига 4-илова.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.07.2009 й. 206-сон қарорига 1-илова.

13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкасини ўзгартириш:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;
- ходим ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида бошқа лавозимга ўтганда;
- ходимнинг лавозими ёки малака тоифаси ўзгарганда (ошганда ёки пасайганда) амалга оширилади.

ЎМКТ муассасаларида умумий йиллик соатлар фонди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан мазкур таълим муассасасидаги гуруҳлар сонини ҳисобга олган ҳолда ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади.

Ҳар бир ўқитувчи бўйича ўқув ва педагогик юкламани тақсимлаш тарификация комиссияси томонидан умумий соатлар фонди асосида амалга оширилади. Бунда ЎМКТ муассасаларидаги ўқитувчилар сони, уларнинг ўқитаётган фанлари бўйича мутахассислиги ҳамда педагогик тажрибаси ва малака тоифасига эътибор қаратилади.

Ўқитувчилар тарификацияси ҳар йили 1 сентябрь ҳолати бўйича, гуруҳлар тўлдирилган ва ўқув юкламалар тақсимлаб бўлингандан сўнг, амалга оширилади. ЎМКТ муассасаларида тарификация бўйича ишлар таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ташкил этиладиган тарификация комиссияси томонидан ўтказилади. Мазкур ишларни амалга оширишда директорнинг ўқув ишлари ва касбий тайёргарлик бўйича ўринбосарлари, кадрлар бўйича инспектор, бош бухгалтер ва мазкур таълим муассасасининг касаба уюшмаси раиси қатнашади.

Ўқитувчиларнинг умумий юкламаси ўқув ва педагогик юкламалардан шаклланади ва бир йилда 1540 соатни ташкил этади.¹ Педагогик юклама пропорционал белгиланган ўқув юкламасига 0,925 коэффициентини қўллаш йўли билан аниқланади.

Намунавий ўқув режаси бўйича ўқитувчиларнинг ойлик юкламаси 154 соатни, шундан 80 соати ўқув юкламасини, 74 соати эса педагогик юкламани ташкил этади. Бир ойда ҳафталарнинг ҳисоб сони 4,278 га тенг.

Мисал:

1. Математика ўқитувчисининг ойлик ўқув юкламаси 80 соат ҳажмида белгиланган. Педагогик юклама пропорционал белгиланган ўқув юкламасига 0,925 коэффициентини қўллаш йўли билан аниқланади. Демак, ўқитувчининг педагогик юкламаси 74 (80 соат × 0,925) соатни ташкил этади. Шундай қилиб, ўқитувчининг умумий юкламаси 154 соатга тенг (80 соат + 74 соат).

2. Физика ўқитувчисининг ойлик ўқув юкламаси 104 соат ҳажмида белгиланган (1,3 ставка). Тегшилича педагогик юклама ҳажми 96,2 соатни (104 соат × 0,925) ташкил этади. Демак, физика ўқитувчисининг ойлик умумий юкламаси ҳажми 200,2 соатга тенг (104 соат + 96,2 соат).

3. Касб-ҳунар коллежи физика ўқитувчисининг (етақчи ўқитувчи) ойлик ўқув юкламаси 60 соат ҳажмида белгиланган (0,75 ставка). Тегшилича унинг педагогик юкламаси ҳажми 55,5 соатни ташкил этади (60 соат × 0,925). Демак, ўқитувчининг умумий юкламаси 115,5 соатга тенг.

Касб-ҳунар коллежи етакчи ўқитувчисининг ойлик базавий тариф ставкаси 509 640 сўмни ташкил этади. Тегшилича физика ўқитувчисининг ойлик иш ҳақи миқдори 382 230 сўмга тенг (509 640 сўм / 154 соат × 115,5 соат).

ЎМКТ муассасаси педагог ходимлари меҳнатини меъёрлаштириш индивидуал йиллик иш режаларига асосланади. Ўқитувчиларнинг индивидуал йиллик иш режалари ЎМКТ муассасаси маъмурияти томонидан кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокамадан ўтгандан сўнг тасдиқланади ва унда режага киритилган ишларни бажаришга сарфланиши лозим бўлган иш вақти кўрсатилади.

Ўриндошлик асосидаги лавозимларни юритиш ёки ходим асосий иш фаолияти билан бир вақтда вақтинча ишламаётган ходимнинг мажбуриятларини бажаришида унинг умумий ойлик,

¹ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 й. 165-сон қарорига 4-илова).

чораклик ва йиллик юкламалари бажарилган ишлар ҳисобига ортиб боради. Вақтинча ишламаётган ходим мажбуриятларини ўриндошлик асосида бажариш вақтида ўқитувчи ўқув ва педагогик юкламаларини тўлиқ ҳажмда барча компонентлар бўйича бажариши лозим.

Мисал:

Физика ўқитувчиси асосий лавозими бўйича бир ойда 154 соатлик умумий юклага эга, қўшимча равишда вақтинча ишга чиқмаётган ўқитувчининг ўрнига 30 соатлик ўқув юкласини ҳам бажаради.

Физика ўқитувчиси 28 соат ҳажмида педагогик юкламани бажаришига мажбур (30 соат × 0,925). Демак, унинг юкласи ҳажми ойига 58 соатга кўпаяди (30 соат + 28 соат). Тезишлича, ўқитувчининг ойлик иш ҳақи 37,7% га ошади (58 соат / 154 соат × 100%).

Бошқа муассасалардан ўриндошлик (ўқув юкласини бажариш) асосида жалб этилган педагоглар ва мутахассислар (бир йилда 400 соатгача ҳажмда) меҳнатига ҳақ тўлаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўқув машғулотларини ўтказганлиги учун меҳнатга сотабай ҳақ тўлаш шартларида амалга оширилади.

ЎМКТ муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ўриндошлик (ўқув юкласини бажариш) асосида бир йилда 360 соатгача ҳажмда ўқув машғулотларини олиб борганлик учун соатбай ҳақ тўлаш ҳам амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Жисмоний тайёргарлик раҳбарининг лавозим маоши 400 соатгача ҳажмда ўқув машғулотларини олиб боришни ҳисобга олган ҳолда белгиланади (ўқув юкласисиз).

Чақирикқача ҳарбий тайёргарлик раҳбарининг лавозим маоши эса ўқув машғулотларини олиб боришни ҳисобга олган ҳолда 350 соатгача ҳажмда белгиланади (ўқув юкласисиз).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 й. 165-сон қарорига асосан, жисмоний тайёргарлик ва чақирикқача ҳарбий тайёргарлик раҳбарларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўқув машғулотларини ўтказганлиги учун бир йили 360 соатгача ҳажмда қўшимча ўқув юкласи белгиланиши мумкин.

Ўқитувчининг индивидуал иш режасига мувофик ўтилмаган, таълим муассасаси касаба уюшмаси қўмитаси билан келишув бўйича амалдаги қонунчиликка мувофик расмийлаштирилган соатлар учун ҳақ тўланмайди.

Мисол:

Академик лицейнинг ойлик юкласи 154 соатга, базавий тариф ставкаси 477 219 сўмга тенг олиш маълумоти физика ўқитувчиси ташкилий-педагогик фаолият бўйича қатор вазифаларни бажармади (услубий кенгашлар, семинарлар, тренинглар ва мажлисларга қатнашмади). Ўқитувчи томонидан мазкур фаолиятнинг бажарилмаган иш вақти ҳисобга олиш табеъида ойлик юклама ҳажмининг камайишини инобатга олган ҳолда ақс эътирилади ($154 - 10 = 144$). Теглишича ойлик тариф ставкаси 30 988,247 сўмга қисқаради ($477 219 \text{ сўм} / 154 \text{ соат} \times 10 \text{ соат}$), яъни тўлов учун тариф ставка 446 230,753 сўмини ташкил этади.

ЎМКТ муассасалари ўқитувчиларининг иш ҳақи амалдаги қонунчиликка мувофик қуйидаги бухгалтерияга тақдим этиладиган бирламчи ҳужжатлар асосида ҳисоблаб чиқилади:

- тарификация рўйхати;
- ЎМКТ муассасаси ходимларини ишга тайинлаш (бўшатиш, янги лавозимга тайинлаш) тўғрисидаги буйруқдан кўчирма ёки буйруқ нусхаси;
- иш вақтини ҳисобга олиш табеълари;
- вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа бирламчи ҳужжатлар.

ЎМКТ муассасалари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкаларига илгари тарификация рўйхатида тақдим этилган ставкаларга нисбатан ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари, шунингдек, аттестация натижаларига кўра ўқитувчиларнинг малака тоифалари ўзгарган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

ЎМКТ муассасалари ўқитувчиларининг ўқув юкласи ҳажми йилда бир марта ҳар ярим йил учун алоҳида аниқланади.

Ў гуруҳ харажатларини ҳисоблашда тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган битирувчи ўқувчиларга ишга жойлашиш бўйича ажратиладиган бир йўла тўловларни эъти-

борга олиш лозим. Бунга ОТМда тахсилни давом эттиришни режалаштираётганлар кирмайди ва уларга нафақалар ОТМни тугатганларидан кейин тўланади. Мазкур нафақалар миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг 100 бараварига тенг ҳажмда белгиланади.

5.3. Педагог ходимларни рағбатлантирувчи ва компенсацияловчи устамалар ва қўшимча тўловлар

ЎМКТ муассасаларида юқори касбий малакага эга ва ўқув-тарбиявий жараёнга аниқ шахсий ҳиссасини қўшган ходимлар, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш мақсадида директор жамгармасидан¹ тўланадиган ойлик устамалар белгиланади. Мазкур устамалар миқдори тегишли лавозим ёки малака тоифасига эга ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси базавий тариф ставкасининг 40% миқдоридан ўрнатилади.

Юқорида қайд этилган чоралар билан бир қаторда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда уларни моддий жиҳатдан тақдирлаш мақсадида 2008 йил 1 сентябрдан директор жамгармаси шакллантирилмоқда.

Директор жамгармаси маблағлари:

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг фақат юксак касб маҳоратига эга ва ўқув-тарбия жараёни сифати ошишига аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилашга;

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади.

Директор жамгармаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш жамгармасининг 15 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдоридан ташкил этилади (имкониятлари чекланган ва жисмоний ривожланишида ўзинга хос хусусиятларга эга шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда).

Директор жамгармасининг (меҳнатга ҳақ тўлаш жамгармасига

¹ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор жамгармаси тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.07.2008 й. ПҚ-929-сон қарорига 5-илов)

нисбатан фоизлардаги) миқдори молия йили учун давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларида назарда тутилган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга бюджет харажатлари ҳажмидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Директор жамғармасининг миқдори, давлат бюджети қабул қилингандан кейин, ташкилотларга харажатларининг белгиланган ҳажмини улар эътиборига етказиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Молия вазирлигининг кўшма хати билан барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, вазирликлар (идоралар) ва молия органларига етказилади.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари таъминотиغا харажатларнинг сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг тегишли органи молия органига белгиланган тартибда ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бўйича ушбу харажатларга фоиз нисбатида белгиланган миқдордан келиб чиқиб ҳисобланган директор жамғармаси маблағларини ажратиб кўрсатган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари йиллик ҳажмини тақдим этади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси таъминоти харажатлари сметасида назарда тутилади, улар 41 10 000 «Иш ҳақи» моддасига киритилади, 41 11 211 «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари» бюджет классификацияси коди бўйича сметага ҳисоб-китобларда алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар, мукофотлар ҳамда моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш белгиланган тартибда молия органлари томонидан иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда амалга оширилади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига тўланадиган белгиланган устамалар, бир йўла бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам суммаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари-

нинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ҳамда улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ижтимоий суғуртасига маблағ ўтказилади. Жисмоний шахсларнинг директор жамғармаси ҳисобига олинган даромадларига солиқ солиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия таркиби ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарининг буйруғи билан камида етти кишидан иборат этиб тасдиқланади ва унга қуйидагилар киради: директор (комиссия раиси); директорнинг ички мониторингни ташкил этиш бўйича масъул бўлган ўқув ишлари бўйича ўринбосари (комиссиянинг масъул котиби); педагогик жамоанинг педагогик кенгаш томонидан тайинланадиган камида икки нафар вакили; касаба уюшмаси ташкилоти раиси; васийлик кенгаши вакили; ота-оналар кўмитаси вакили.

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар бериш ва моддий ёрдам кўрсатиш очиқ муҳокама қилиш шароитларида ва директор жамғармасида назарда тутилган маблағлар доирасида махсус комиссиянинг мажлисларида қабул қилинади.

Махсус комиссия мажлислари ярим йилда камида бир марта, истисно ҳолларда эса заруратга қараб ўтказилади. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг олдинги ўқув давридаги (семестр, ўқув йили) ишيني баҳолаш якунлари бўйича ҳамда айрим ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари иш сифатидаги аниқланган ўзгаришлар асосида белгиланган устамалар миқдорлари махсус комиссия қарори билан қайта кўриб чиқилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгиланган

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари сони бир вақтнинг ўзида улар умумий сонининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига базавий тариф ставкасининг 40 фоизи миқдордаги ҳар ойлик устамалар:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига – касб маҳорати ва ўқув жараёнига шахсий ҳисса қўшганлиги, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда чуқурлаштирилган ихтисосли табақалаштирилган ўқитишдаги юксак самарадорлик ва сифат учун, ўқувчиларнинг билимларини рейтинг баҳолаш натижалари бўйича аниқланадиган тегишли гуруҳлар ва ўқув фанлари учун давлат стандартлари билан белгиланган билимлар ва кўникмалар ҳажмининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига қараб, тарбиявий жараённинг, аудиториядан ташқари ишларнинг сифати ва уни амалга ошириш самарадорлигига боғлиқ равишда улар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ва аудиториядан ташқари иш ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга шахсан қўшган ҳиссалари учун;

– *касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталарига* – ўқувчиларнинг профессионаллари, малака ва кўникмаларини ривожлантирганликлари, тегишли гуруҳлар учун ўқувчилар томонидан давлат стандартлари билан белгиланган профессионал билим ва кўникмаларнинг тўлиқ ҳажми ўзлаштириш даражасига қараб, улар томонидан амалга ошириладиган аудиториядан ташқари ишлар ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга шахсан қўшган ҳиссалари учун белгиланади.

Директор жамғармаси маблағларидан ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига устамалар миқдори ўқувчиларнинг ўзлаштирилишига, профессионал малака ва кўникмаларни эгаллаш даражасига, уларнинг таълим стандартларига мувофиқлигига, шунингдек, ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши сифатига боғлиқ бўлган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари асосида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

ЎМКТ муассасаларининг раҳбар ходимларига, шунингдек, ўз фао-

лиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга ошираётган ўқитувчиларга ва ишлаб чиқариш усталарига мазкур ойлик устамалар белгиланмайд.

ЎМКТ муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталарининг базавий тариф ставкаларига директор жамғармаси ҳисобига ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилида олдинги ўқув йили иш якунлари бўйича белгиланади ва ҳар бир ўқув семестри якунлари бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

ЎМКТ муассасаларининг айрим ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади. Мукофотлаш ўқув юрти иши якунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилади.

ЎМКТ муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурувжаатига кўра ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси касба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳоказо).

Махсус комиссиянинг ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам бериш тўғрисидаги қарорлари асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарининг тегишли буйруғи чиқарилади.

Ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар учун миқдори амалдаги конунчиликка мувофиқ ходимнинг базавий тариф ставкасига нисбатан фоизда ҳисобланадиган устамалар (туман коэффициенти) белгиланган.

Устамалардан ташқари ЎМКТ муассасалари ўқитувчилари иш ҳақиға бюджетдан ажратиладиган қўшимча тўловлар:

1) ёзма ишларни текшириш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

2) гуруҳ раҳбарлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

3) ўқув ва лаборатория кабинетлари мудирлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

4) цикл раҳбарлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи;

5) илмий даража: фан доктори учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи; фан номзоди учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 45 фоизи миқдорда белгиланади.

Санъат ва мусиқа коллежлари ўқитувчилари бўлимларда таълим олаётган ўқувчилар сонига боғлиқ ҳолда:

– 5 нафардан 100 нафаргача ўқувчилар мавжудлигида – энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи;

– 100 нафар ва ундан ортиқ ўқувчилар мавжудлигида – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида устамалар олишади.

5.4. ЎМКТ муассасаларида ўриндошлик асосида ва соатбай ишловчилар учун соатбай ҳақ тўлашни ҳисоблаш

Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

касалиги ёки бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаётган (кетма-кет икки ой давом этмаган) ходимлар ўрнига ишланган соатлар учун; бошқа муассасалардан жалб этилган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг педагогик ишлари учун;

ЎМКТ муассасаси раҳбарлари томонидан ўриндошлик асосида ўқитилган ўқув соатлари учун.

ЎМКТ муассасалари педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қарорлари (5.01.2011 й. 2176-сон билан рўйхатга олинган, 17.11.2011 й. ўз кучини йўқотган) билан ўрнатилган. 2012 йил 8 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 29.08.2012 й. 2386-сон билан рўйхатга олинган янги қарор амал қилмоқда. 2386-сон қарорнинг иловасида ўқув машгулотларини ўтказганлик учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари келтирилган (5.21-жадвал).

**Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга
соатбай ҳақ тўлаш МИҚДОРЛАРИ¹**

<i>Контингент</i>	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари	профессор, фан доктори	15 203,9
	доцент, фан номзоди	8916,8
	илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	6117,0

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Таълим муассасаларида соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини ўтказиш учун шахсларни жалб қилиш фақат муайян муассаса штатидаги ўқитувчилар таркиби томонидан ўтказилмайдиган ўқув машғулотлари ва фанлари учун кўзда тутилади. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

3. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

4. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

ЎМКТ муассасалари раҳбар ходимларига асосий лавозим билан бир вақтда бир йилда 360 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозимини олиб боришга (ўқув юкмасини бажариш) рухсат берилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг қарори, Адлия вазирлигида 29.08.2012 й. 2386-сон билан рўйхатга олинган.

5.5. ЎМКТ муассасалари харажатлар сметасини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

ЎМКТ муассасалари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан молиялаштириш нормативлари асосида Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низомда назарда тутилган тартибда мустақил тарзда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳлари бўйича 4 гуруҳ харажатларининг тўлиқ ёйилмасини ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда тузилади (5.2-илова).¹ Илова харажатлар сметасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, сметанинг прогноз кўрсаткичларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Бунинг учун тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг (минтақавий ЎМКТ бошқармасини ҳам қўшган ҳолда) раҳбарлари ҳамда тегишли ходимлари кенгашини чақирадилар, харажатлар сметасини тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатадилар, уларга ташкилотларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига ва уларга харажатлар сметасини тузиш масалалари бўйича қонунчилик талабларини тушунтирадилар, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ҳисоб-китобларининг, албатта, қонунчиликка мувофиқ келиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя этиш ҳақида кўрсатмалар берадилар, шунингдек, харажатлар сметасини тузиш ҳамда бланкаларни тўлдириш техникаси масалалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатадилар.

Айни дамда, ўзларига қарашли ташкилотларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (синфлар, ўқувчилар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

бошқалар) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиладилар.

Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал қилиш керак:

– Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатларига, жумладан, 2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тўғрисидаги Низомга;

– давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидаларига¹;

– бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига;

– товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига.

Жумладан:

– харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлари ва иш ҳақи ставкалари, уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай усул билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

– педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 16.09.2009 й. №2007-сон билан рўйхатга олинган.

қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўқув режасига мувофиқ дафтар текшириш, синф раҳбарлиги ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификациялардан келиб чиқилиши лозим;

– меҳнатга ҳақ тўлаш жамгармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда, қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

– иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг барча ходимларининг ўтган йилги иш ҳақи ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

– хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

– телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифлардан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда лимитдан ошиқ фойдаланилган шаҳарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, Интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда ўзларининг фаолият хусусиятларидан ва ушбу хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

– ихтисослаштирилган академик лицейлар ёки ўқув касб-ҳунар муассасаларида овқатланишга кетадиган харажатлар ташкилотларининг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртача йиллик сонидан ва натурал меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади;

– дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонунчиликда белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб белгиланади;

– ижтимоий-маданий ташкилотларнинг айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойабзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар моддий таъминотнинг меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

– инспекция ва қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади; •

– ташкилотларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларида фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа давлат мулклари ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

– хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифалардан, шунингдек, қонунчиликда белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Харажатлар сметаси, педагог ходимларнинг тарификация рўйхати ва штатлар жадвали ЎМКТ муассасаси раҳбари ва бош бухгалтери (бухгалтер) томонидан белгиланган тартибга қатъий риоя этган ҳолда харажатларнинг базавий нормативлари ва унга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган маблағлар доирасида тузилади.

ЎМКТ муассасаларининг харажатлар сметаси уч нусхада тузилиб, ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқига эга шахс), ЎМКТ муассасаси бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқига эга шахс), шунингдек, молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассис) томонидан имзоланади. Белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг:

– биринчи нусхаси ЎМКТ муассасасида қолади;

– иккинчи нусхаси тегишли молия органига тақдим этилади;

– учинчи нусхаси юқори ташкилотга тақдим қилинади (зарур ҳолларда).

ЎМКТ муассасаси юридик шахс мақомига эга ва харажатларни бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ташқари манбалар ҳисобидан ҳам қоплаш имконияти мавжуд. Шунинг учун ушбу муассасаларда молия органларида рўйхатдан ўтказилиши мажбурий бўлмаган қўшимча даромадлар ва улардан фойдаланиш бўйича сметалар тузилади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори *(ўзгартиришлар билан)*).

3. Юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбаларини қуйидаги турдаги қўшимча даромадлар ҳисобидан кенгайтириш мақсадга мувофиқ:

– фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш;

– бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ўзга ташкилотларга ижарага бериш;

– юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобига олинishi мумкин.

5. Юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотларига қуйидагилар ҳисобидан бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармасини шакллантириш ҳуқуқини бериш:

– ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

– бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

– вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ўзга ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи (маблағларнинг қолган 50 фоизи бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилсин);

– юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

6. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари фақат қуйидаги мақсадлар учун сарфланишини белгилаб қўйиш:

– аввало, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга;

– бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

– ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й.

414-сон қароридан

ЎМКТ муассасалари томонидан тақдим этилган харажатлар сметалари тегишли хокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари томонидан, зарур ҳолларда эса тегишли муассасаларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади. Бунда харажатлар сметаларини кўриб чиқувчи ташкилотлар зиммасига қуйидагилар юкланган:

конунчилик талабларига, шунингдек, келгуси йил сметаларини тузиш бўйича кўрсатмаларга қатъий амал қилишни таъминлаш;

иқтисод қилиш тартибига бўйсунган ҳолда харажатлар сметаларида талаб этилмайдиган тадбирлар учун маблағлар ажратишга йўл қўймаслик;

алоҳида тадбирларни ўтказиш муддатлари ва уларни молиялаштириш имконини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни чорак (ой)ларга тақсимлашни таъминлаш;

ҳисоб-китоблар ва далиллар билан тасдиқланмаган суммаларни харажатлар сметаларида қабул қилишга йўл қўймаслик.

Туманлар, шаҳарлар (шаҳарга бўйсунадиган туманлар) тегишли хокимиятларининг бошқармалари ва бўлимлари шу бюджетларда турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаларини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга¹ мувофиқ кўриб чиқадилар ва маблағлар туман, шаҳар бюджети тақсимлангандан сўнг туман ва шаҳар молия бўлими хабар қилган суммалар доирасида харажатларни қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари ЎМКТ муассасаларига уларнинг умумлаштирилган сметалари бўйича чораклар кесимидаги тақсимотини, шунингдек, иш ҳақиға, иш берувчиларнинг ажратмаларига, капитал қўйилмаларга ва бошқа харажатлар суммасига бюджетда белгиланган энг юқори миқдорларини ажратиб кўрсатган ҳолда хабар берадилар.

Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган.

ёки тегишли вилоятлар, шаҳарлар, туманлар халқ депутатлари кенгашларининг бюджет ҳақидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта муддат ичида (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлинган ҳолда амалга оширилади ҳамда сметаларни тасдиқлаган ташкилот раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари) имзоси билан, тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда, шунингдек, ушбу ташкилотнинг муҳри сметанинг барча нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида харажатлар сметаси бўйича умумий суммасини юқори ўнг бурчагида штатдаги ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг умумий суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.

Бюджет муассасалари ва ташкилотларининг штатлар жадвали харажатлар сметасида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ва намунавий штатларга мувофиқ тегишли молия органлари томонидан рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

5.22-жадвал

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар¹

<i>m/p</i>	Тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати	<i>Ким томонидан тузилади ва қайси нормативлар асосида қўлланилади</i>
1	Харажатлар гуруҳлари бўйича (харажатларнинг тўлиқ ёйилмасини ўз ичига оловчи илова билан бирга) харажатлар сметаси	Бюджет ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ (19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган)

¹ Юқорида қайд этилган ҳужжатларнинг гўтри тузилганлиги учун жавобгарлик таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

2	Харажатлар сметасига ҳисоб-китоблар (харажатларнинг барча моддалари бўйича)	Бюджет ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ
3	Штатлар жадвали	Бюджет ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан қабул қилинган намунавий штатларга мувофиқ

ЎМКТ муассасаларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур ташкилотни молиялаштириш амалга ошириладиган тегишли бюджетнинг параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб қирк кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

ЎМКТ муассасаларининг харажатлар сметалари ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш пайтида молия органлари қуйидагиларни текшириши лозим:

а) бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлови учун харажатлар сметаси бўйича тасдиқланган суммаларининг штатлар жадвали бўйича тасдиқланган иш ҳақи суммаларига мувофиқлиги. Бунда харажатлар сметасида тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ходимлар тўлиқ тўлдирилмаганлиги ва ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси бўйича тежаб қолинган маблағлар суммасига штатлар жадвалидагидан кам миқдорда тасдиқланиши мумкинлигини кўзда тутиш лозим;

б) рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган штатлар жадвалининг белгиланган намунавий штатлар жадвали ва штатлар нормативларига мувофиқлиги;

в) штатлар жадвалида белгиланган лавозимлар маошлари ва уларга устамаларнинг тўғри белгиланганлиги;

г) «бошқа харажатлар» гуруҳи бўйича харажатлар суммасининг харажатлар сметасида тасдиқланган суммага мувофиқлиги.

ЎМКТ муассасаларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвали, шунингдек, амалдаги сметалар ва штатлар жадвалига киритилган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейингина амалиётга жорий этилади.

ЎМКТ муассасалари ходимларининг лавозим бўйича маошлари ва тариф ставкаларида олдинги рўйхатдан ўтказилганларига нисбатан ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақини ошириш ҳақидаги қарорларига мувофиқ, шунингдек, белгиланган тартибда ходимларнинг навбатдаги аттестациясини ўтказиш вақтида ЎМКТ муассасалари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида киритилиши мумкин. Мазкур ҳолларда штатлар жадвали рўйхатдан ўтказилмайди. Бошқа барча ҳолларда штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритилиши тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

ЎМКТ муассасаларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 5-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ рўйхатдан ўтказиш қарточкасини бериш йўли билан расмийлаштирилади (5.3-илова).¹

Сметаларни рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ бюджет ташкилотлари (муассасалари) харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш журнаliga киритилади (5.4-илова).²

ЎМКТ муассасалари харажатлар сметаларини ижро этиш тегишли газначилик бўлимлари томонидан амалга оширилади. Бунда харажатлар, аввало, I ва II гуруҳ харажатлари бўйича амалга оширилади (I

1 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган.

гуруҳ харажатлари II гуруҳ харажатларисиз тақиқланади).

Бюджет муассасалари (ташкилотлари) III гуруҳ бўйича харажатларни жорий молия йили учун қабул қилинган республика инвестиция дастурида белгиланган лимитлар доирасида амалга оширишади.

IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

озик-овқат;

дори-дармонлар;

коммунал тўловлар;

бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда IV гуруҳ маблағларини мавсумий ёки шошилиш тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактаб анжомлари, кам таъминланган оилалар болалари учун киши кийимлар харид қилиш, эпидемияга, юқумли касалликларга қарши тадбирлар ва бошқа тадбирлар)ни молиялаштириш учун тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин.

IV гуруҳ маблағлари ҳисобидан автомобиллар ва бошқа автотранспорт воситаларини (махсус автотранспорт бундан мустасно), уяли телефонлар ва зеб-зийнат буюмлари (импорт офис мебели, аудио-видеотехника (ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойдаланиладиганлардан ташқари), офислар учун гиламлар ва бошқалар) харид қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда йўл қўйилади. Кўрсатиб ўтилган моддий активларни сотиб олишга маблағлар давлат бюджети иктисодий таснифномасининг тегишли моддаси бўйича бюджет ташкилоти (муассасаси)нинг харажатлар сметасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарори талабларига мувофиқ).

_____ йил учун рўйхатдан ўтказилгани

да

_____ сон рўйхатдан ўтказиш карточкиси

_____ 20 йилдан _____

ИМЭО

_____ минг сўм миқдорида тасдиқланган
(сумма ёзув ва рақам билан)

жумладан, иш ҳақи _____ минг сўм

(сумма ёзув ва рақам билан)

Бюджет маблагларини бош тақсимловчи

ИМЭО

_____ (ИМЭО) _____ 20 йил

ИЙЛ УЧУН ХАРАЖАТЛАР СИЕТАСИ

Ташкилотлар тўлиқ номи _____

Тўлиқ манзали _____

Идариш аҳвали (умумий) _____

Бюджет даражаси _____

Бўлими _____

Кичик бўлими _____

Боб _____

Ўнчов бирлиги _____

Моддалар номи	Тонфа	Модда ва кичик модда	Элемент	Киритилган ўзгартиришлар билан тасдиқланган	_____ га бажарилди (хурикли харажат)	ташкилот томонидан ҳисобланган	ҳаммаси	таъсирланган											
								I-чорак жами			II-чорак буйича жами			III-чорак буйича жами			IV-чорак буйича жами		
								январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
								жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича	жумладан, ойлар буйича

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сиетаси ва штаблар жадалини тузиш, кўриб чиқиш, таъсирланган ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқлаган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган) 1-илова.

I гуруҳ ҳаракатлар – иш ҳақи ва ўнга тенглаштирилган тўловлар												
I гуруҳ ҳаракатлари бўйича жами												
II гуруҳ ҳаракатлари – иш беришнинг акратмалари												
III гуруҳ ҳаракатлари бўйича жами												
IV гуруҳ ҳаракатлари – бошқа ҳаракатлар												
Бошқа ҳаракатлар												
Жами:												
Ҳаракатлар қолнади:												
бюджет маблаглари												
ҳисобдан												
ота-оналар (МТМ учун)												
маблаглари ҳисобидан												
Бундан ташқари, ҳаракатлар												
ташқилогларнинг даромадларидан (театр томошалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) қолнади												

Ташқилог раҳбари _____
(имсо)

Бош ҳисобчи _____

(имсо)

М.У.

Молия-иқтисод бўлими бошлиғи

_____ (имсо)

Рўйхатга олинган

20 ____ йил « ____ » _____

(молия органининг номи)

1. _____
(молия органи раҳбари имзоси)

2. _____

_____ -сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси

1. Ташкилотнинг тўлиқ номи _____

2. Ташкилотнинг ташкилий-ҳудудий шакли _____

(бюджет, нобюджет)

3. Ташкилот манзили ва телефон рақами _____

4. Бевосита қайси ташкилотга қарашли _____

5. Қайси вазирлик, идора тизимига қиради _____

6. Банк ва ҳисоб varaқ номи _____

7. Ҳазначилик бўлинимасидаги шахсий ҳисоб varaқ рақами _____

8. Ташкилот СТИРи _____

9. Ташкилотни сақлаб туриш харажатлари сметаси _____ сўм

(сумма ёзув ва рақам билан)

миқдорида рўйхатдан
ўтказилди.

Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси _____

(сумма ёзув ва рақам билан)

Ташкилот раҳбари _____

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар jadвалини тузиш, хўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Ҳизомга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган) 5-илова.

(имзо)

Маля-иқтисод бўлими бошлиғи

(имзо)

Бош ҳисобчи

(имзо)

М.У.

**Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва
штатлар жаъвали хисобининг
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Рўйхатдан утказиш санаси	Смета ва штатлар бўйича рўйхатдан утказиш карточкалари рақами	Ташкилот, ноқори ташкилотнинг тулиқ номланishi	Депозит ёки шахсий хисоб ваърақ рақами	Минг сўмда рўйхатдан утказилган			Изоҳ
					смета бўйича жами харажатлар суммаси	жами иш хақи бўйича	иш барувчининг афратмалари	
							бошқа харажатлар	Изоҳ

269

Изоҳ:

*Жорий йилда ташкил қилинган барча янги ташкилотлар журнаlining алоҳида бетида рўйхатдан
утказилади.*

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жаъвалини тузиш, кўриб
чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан утказиш тарихи тўғрисидаги Ўқимга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29.10.2010 й.
92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Азия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган)
6-илова.

5.6. Ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисоблаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарорига мувофиқ, юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотларини молиялаштиришни қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтиришнинг қуйидаги манбалари белгиланган:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини ўзга ташкилотларга ижарага бериш;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

2015 йилнинг 1 январига қадар юқорида кайд этилган манбалардан қўшимча даромад олган бюджет ташкилотлари давлат бюджетига ундириладиган барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинади. Ушбу маблағлар бюджет ташкилотларининг ижтимоий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.¹

Юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотлари бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқига эга. Мазкур жамғарма қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

- ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал кўйилмаларни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлар бундан мустасно);

- бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг маҳаллий бошқармаларининг транзит счетларига тушаётган ижарага беришдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарори.

олинган маблағларнинг 50 фоизи тегишли бюджетларнинг даромадига, маблағларнинг қолган 50 фоизи давлат мулкни балансда ушлаб турувчи билан тегишли марказ ўртасида тақсимланади. Марказларни сақлаш учун ажратмалар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишувга мувофиқ ижара тўловларидан тушадиган маблағлар прогнози ва ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб тасдиқланади. Бунда ажратмалар миқдори ижара ҳақи суммасига нисбатан 10% дан ошмаслиги лозим¹;

- юридикважисмоний шахслар томонидан бюджетташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам).

Бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармаси маблағларини фақат қуйидагиларга сарфлашлари мумкин:

- аввало, мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга;
- бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;
- ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига.

Жамғарма маблағлари (ҳомийлик, беғараз ёрдам маблағларидан ташқари) қуйидагича тақсимланади:

- тушган барча маблағларнинг камида 75% товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрнини тўлдиришга ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;
- тушган барча маблағларнинг кўпи билан 25% бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамидан олинган маблағларнинг барча суммаси (агар ҳомий билан махсус ўзгача ҳол келишилмаган бўлса), муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган (ишлатилмаган) бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8.04.2009 й. 102-сон қарори.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва белгиланган тартибга мувофиқ сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси ЎМКТ тизимида тааллуқли бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган) 3-иловасига мувофиқ шаклда тузадилар ва тасдиқлайдилар (5.5-илова).

Бунда ташкилотлар бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини ва харажатларини режалаштиришни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Ташкилотлар тегишли молия органида рўйхатдан ўтказилиши мажбурий бўлмаган бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳам харажатлар сметасини тузилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш 2157-сон қарорда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметада бюджетдан ташқари маблағлар тушумларининг ҳажми ва ушбу маблағлардан фойдаланиш йўналишлари қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг даромад қисмига бюджетдан ташқари маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ барча шаклланиш манбалари бўйича кутилаётган маблағлар тушуми ва молия йилининг бошига маблағлар қолдиғи киритилади.

Қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ҳисобидан ходимлар сони сақланган ҳолларда, сметага Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ тартибда тузилган штатлар жадвали илова қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказиладиган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета билан бирга штатлар жадвали ҳам рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

_____ йил учун рўйхатдан ўтказилди _____ да
 _____-сон рўйхатдан ўтказиш қарточкаси
 » _____ » _____ 20 _____
 йилдан _____
 _____ (имзо)
 _____ (имзо)

_____ минг сўм миқдорига
 тасдиқланган

(сумма ёзув ва рақам билан)

жумладан, иш ҳақи _____ минг сўм

(сумма ёзув ва рақам билан)

Маблағларини бош тақсимловчи

(имзо)

» _____ » _____ 20 _____ йил

_____ ЙИЛ УЧУН БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА
 ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Ташкилотнинг тўлиқ номи _____

Тўлиқ манзили _____

Индивидуал (умумий)

Бюджет даражаси _____

Бўлим _____

Кичик бўлим _____

Боб _____

Ўлчов бирлиги _____

Даромад-лар номи ёки тушумлар тури	_____ йил учун тушумлар	_____ йил			
		тасдиқланган			
		жами	жумладан, чорақлар бўйича		
I чорақ	II чорақ		III чорақ	IV чорақ	
_____ январь ҳолатига қолдиқ					
Жами даромад-лар					
жумладан:					
.....					
.....					

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, хўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган) 3-ялова.

.....							
Қолдирин хисобга олган долда жами даромад- лар							

Харажатлар моддалари номи	Тоифа	Модда ва ички модда	Элемент	йил учун ҳақиқий хара- жатлар	_____ йил				
					тасдиқланган				
					жумладан, чорақлар буйича				
					жами	I чорақ	II чорақ	III чорақ	IV чорақ
I гуруҳ харажатлари – иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар									
...									
I гуруҳ харажат- лари буйича жами									
II гуруҳ харажатлари – иш бевузиларнинг ақратмалари									
II гуруҳ харажат- лари буйича жами									
IV гуруҳ харажатлари – бошқа харажатлар (иловага мувофиқ)									
Бошқа даромад- лар жами									
Жами:									

Ташкилот раҳбари _____

Молия-иқтисод бўлими бошлиғи _____

(имзо)

(имзо)

Бош ҳисобчи _____

М.Ў.

(имзо)

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида олинадиган таълимга хос хусусиятларни гапириб беринг.
2. ЎМКТ муассасаларини молиялаштириш манбаларини айтинг.
3. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қайси йилдан бошлаб харажатларни бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чикиб бюджет маблағлари ҳисобидан режа-лаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартибига (жон бошига мо-лиялаштириш) ўтишган?
4. Жон бошига молиялаштириш (формула) асосида бюджетдан мо-лиялаштириш миқдорларини ҳисоблаш тартиби татбиқ этилмайдиган ЎМКТ муассасаларига қайси муассасалар киради?
5. Жон бошига молиялаштириш усули татбиқ этилмайдиган ЎМКТ муассасалари учун ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий миқдорини ҳисоблаш тартиби қандай?
6. ЎМКТ муассасаларида бир нафар ўқувчига харажатларнинг ба-завий нормативларига киритиладиган харажатлар турларини сананг.
7. Бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларига директор жамғармаси маблағлари киритиладими?
8. Бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларига ягона ижтимоий тўловлар киритиладими?
9. ЎМКТ муассасаларида ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони қандай аниқланади?
10. Қайси ҳолларда ЎМКТ муассасаларида ўқув гуруҳларининг тўлиқлик коэффициенти (Кнг) ҳисобланади?
11. ЎМКТ муассасаларида ўқувчиларнинг ўртача йиллик сонини ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлар зарур?
12. ЎМКТ муассасалари томонидан бюджет маблағларини тақсимлашнинг қатъий тартибини гапириб беринг.
13. ЎМКТ муассасалари меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тар-кибий қисмларини айтиб беринг.
14. Академик лицейларда қайси кўрсаткич штат бирлигини ҳисоблаш асоси саналади?
15. Касб-хунар коллежларида қайси кўрсаткич штат бирлигини ҳисоблаш асоси ҳисобланади?

16. ЎМКТ муассасаси педагог ходимларининг йиллик ўқув юкмаси ҳажми қанча?
17. ЎМКТ муассасалари педагог ходимлари йиллик педагогик юкмасининг миқдори қанча?
18. Иш ҳақи ва лавозим маошлари ставкалари, шунингдек, педагог ходимларга устамалар ва кўшимча тўловларни белгилаш қайси асосий ҳужжат билан тасдиқланади?
19. ЎМКТ муассасалари ходимларининг лавозим маошлари нималардан ташкил топади?
20. Тарификация нима?
21. ЎМКТ муассасасининг директор жамғармаси қандай шаклланади?
22. Қайси ҳолларда педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш қўлланилади?
23. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг шаклланиш манбаларини айтиб беринг.
24. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари қайси мақсадлар учун сарфланади?
25. Штатдаги ходимлар ва ўриндошлар учун соатбай ҳақ тўлашни ҳисоблашда ЎМКТ муассасалари харажатларини режалаштириш хусусиятларини гапиринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий:

Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. – Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Кўшимча:

Тешабаев Х.Ф., Срожиддинова З.Х. Порядок составления, рассмотрения и утверждения смет расходов общеобразовательных школ: Учебное пособие. – Ташкент: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 72 с.

Норматив ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 29.08.1997 й. 464-І сон Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2002 йил 1 сентябрдан таълим муассасалари муаллимлари ва ўқитувчилари, илмий ходимлар иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги 7.08.2002 й. ПФ-3112-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 5.03.2008 й. ПФ-3972-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 30.07.2008 й. ПҚ-929-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида» 22.12.2009 й. ПҚ-1245 ва 30.12.2011 й. ПҚ-1675-сон қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (*ўзгартиришлар билан*).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунарга таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 16.10.2000 й. 400-сон қарори.

Ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 й. 165-сон қарорига 4-илова*).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 8.04.2009 й. 102-сон қарори.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.07.2009 й. 206-сон қарорига 1-илова*).

Ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида Низом (*Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус*

таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 29.08.2008 й. 1847-сон билан рўйхатга олинган).

Давлат бюджетининг газна ижроси қондалари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 16.09.2009 й. 2007-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «2010 йил учун маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган касб-ҳунар коллежларида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари ва тузатиш коэффициентларини қўллашни белгилаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 28.04.2010 й. 33/29-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «2010 йил учун маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган академик лицейларда бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативлари ва тузатиш коэффициентларини қўллашни белгилаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 28.04.2010 й. 32/28-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимлар базавий тариф ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 29.11.2011 й. 25/ҚҚ, 77/КБ-сон қарори.

2012 йил учун бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари харажатларини норматив режалаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази-

нинг 6.03.2012 й. 27/05/ҚҚ-сон қўшма қарорига 2-илова.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 5.01.2011 й. 2176-сон билан рўйхатга олинган, 17.11.2011 й. ўз кучини йўқотган). 2012 йил 8 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори амал қилади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 29.08.2012 й. 2386-сон билан рўйхатга олинган).

Интернет-ресурслар:

www.senat.gov.uz

www.mf.uz

www.undp.uz

www.lex.uz

1-группа буынча харажатлар-кадми			840 000	840 000	196 000	70 000	70 000	56 000	186 000	70 000	70 000	56 000	224 000	78 500	78 500	67 000	224 000	78 500	78 500	67 000	
II группа харажатларнинг - Иш Бегуе-чиларнинг акретталари																					
Иктымий актрёкларга ааратмалар	41	21	000	218 350	218 350	53 350	18 000	17 350	53 000	18 000	18 000	17 000	56 000	19 000	19 000	18 000	56 000	19 000	19 000	18 000	
Иктымий актрёкларга хайиатта фулнадиган акретмалар/ бадаллар	41	21	000	218 350	218 350	53 350	18 000	17 350	53 000	18 000	18 000	17 000	56 000	19 000	19 000	18 000	56 000	19 000	19 000	18 000	
Рюча иктымий тулов	41	21	100	218 000	218 000	53 000	18 000	17 000	53 000	18 000	18 000	17 000	56 000	19 000	18 000	18 000	56 000	19 000	19 000	18 000	
Иктымий актрёкларга бошра акретмалар/ бадаллар	41	21	200	350	350	350			0				0	350					0		
Шертли хусоблене-диган иктымий актрёкларга акретмалар/ бадаллар	41	22	000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
II группа буынча харажатлар-кадми				218 350	218 350	53 350	18 000	17 350	53 000	18 000	18 000	17 000	56 000	19 000	19 000	18 000	56 000	19 000	19 000	18 000	
IV группа харажатлар - бошра																					
Харажатлар				882 149	882 149	175 872	28 821	25 684	127 755	40 770	57 094	28 881	281 240	227 187	2778	81 287	87 482	35 999	31 161	30 322	

Чириндиларни тозалаш	42	25	000	500	500	150	100	25	25	118	39	39	38	118	39	39	38	118	39	39	39	40
олиб чиқиб кетили билан																						
Боглик																						
жаматлари																						
У-Учи тулов,																						
шунингдек,																						
энергия																						
ва бошқа																						
ресурсларни																						
сотиб олиш																						
бўйича																						
харajatлар																						
(банани ва																						
ЕИМдан																						
Ташевлар)																						
Савтлар турши	42	30	000	2	2	0	0	0	0	1	500	250	250	0	0	0	0	1	500	500	0	
ва жорий				000	000					000									000			
таъминлаш																						
Ер	42	31	000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
Бица	42	32	000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
Турар жой	42	32	100	0	0	0	0			0				0					0	0	0	
бинолар																						
Ногулар жой	42	32	200	0	0	0				0				0					0			
бинолар																						
Ишюст	42	33	000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
Укулий	42	33	100	0	0	0				0				0					0			
фондалар																						
нишдали																						
автомобиль																						
ЙЛлар																						
Бошқа	42	33	900	0	0	0				0				0					0			
Ишюстлар																						
Машиналар,	42	34	000	2	2	0	0	0	0	1	500	250	250	0	0	0	0	1	500	500	0	
ходалар ва				000	000					000									000			
Техникалар																						

Йул чикташ билан	47	22	400	14	14	9	3	2 616	3	2	758	730	730	730	730	1	550	750	500
Тарыхчилаш				400	400	652	468		568	216						800			
Харажатлар	47	22	500	0	0	0				0						0			
Белгү озик-окагт билан тарыхчилаш																			
Харажатлар	47	22	600	0	0	0				0						0			
Егиз карылар у-ун озик-окагт сотиб олиш																			
Харажатлар																			
Белгү релетт бунча	47	22	700	0	0	0				0						0			
Иативалли контингент у-ун дорн-дарым сотиб олиш																			
Харажатлар	47	22	800	0	0	0				0						0			
Мултож норронлар-ни протез-ортопедик бундилар ва реабилитация тахник воситилари билан																			
Тарыхчилаш																			
Харажатлар	47	22	900	8	8	0				8		8 100				0			
Натурал шеклида				100	100					100									
Бошқа турдаги юстицион бунди																			
Нафзалар																			

**Харажатлар сметасига илова: бюджет маблағлари ҳисобидан
 молиялаштирилган IV – бошқа харажатлар гуруҳи харажатларини ҳисоблаш
 42 11 000 – Республика ҳудудида хизмат сафарлари
 харажатлари**

№/р	Курсаткичлар номи	Қисқача ҳисоб	2010 йили бажарилган	2011 йил	
				муассаса томонидан ҳисобланган	сметада ҳисобая олинган
1	Суткалик харажатлар	(энг кам иш хақи миқдори × 10%) × кун × киши сони	13 564	678 225.0	678225.0
2	Транспорт харажатлари	билет нархи (бориш-қайтиш)	34 723	278 130.0	278 130.0
3	Яшаш учун туловлар	(энг кам иш хақи миқдори × 2%) × кун × киши сони	2 713	135 645.0	135 645.0
Жами:			51 000,0	1 092 000,0	1 092 000,0

42 12 000 – Чет давлатларга чикиш билан боғлиқ хизмат сафарлари харажатлари

№	Курсаткичлар номи	Қисқача ҳисоб	2010 йили бажарилган	2011 йил	
				муассаса томонидан ҳисобланган	сметада ҳисобая олинган
1	Суткалик харажатлар				0.0

2	транспорт харажатлари			0,0
3	яшаш учун тўловлар			0,0
Жами:			0,0	0,0

42 32 100 – Тураржой биноларини сақлаш ва жорий таъмирлаш учун харажатлар

<i>Кўрсаткичлар номи</i>	<i>2010 йили ҳақиқатда бажарилган</i>	<i>2011 йил</i>	
		<i>муассаса томонидан ҳисобланган</i>	<i>сметада ҳисобга олинган</i>
лифтларни жорий таъмирлаш (сақлаш ва жорий таъмирлаш)	0,0	0,0	0,0
биноларни дезинфекциялаш	0,0	0,0	0,0
дератизация бўйича харажатлар	0,0	0,0	0,0
жами:	0,0	0,0	0,0

42 32 200 – Нотураржой биноларини сақлаш ва жорий таъмирлаш учун харажатлар

<i>Кўрсаткичлар номи</i>	<i>2010 йили ҳақиқатда бажарилган</i>	<i>2011 йил</i>	
		<i>муассаса томонидан ҳисобланган</i>	<i>сметада ҳисобга олинган</i>
лифтларни жорий таъмирлаш (сақлаш ва жорий таъмирлаш)		0,0	0,0
биноларни дезинфекциялаш		0,0	0,0
дератизация бўйича харажатлар		0,0	0,0
жами:	0,0	0,0	0,0

42 34 930 – Электр энергия ва бошқа коммунал хизматларни ҳисобга олиш асбобларини сақлаш ва жорий таъмирлаш харажатлари

Кўрсаткичлар номи	2010 йили ҳақиқатда бажарилган	2011 йил			
		муассаса томонидан ҳисобланган	сметлада ҳисобла олган	муассаса томонидан ҳисобланган	сметлада ҳисобла олган
Ҳисобга олиш асбобларида техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш харajatлари	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Электр энергия, газ, сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларида техник хизмат кўрсатиш, сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ бошқа харajatлар	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Жами:	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0

42 20 000 – Коммунал хизматлар учун харajatлар

Модда ва ялчлик модда	Элемент	Кўрсаткичларини номлавиши	2010 й.			2011 й.					
			ҳақиқатда бажарилган	муассаса томонидан ҳисобланган	теъдилланган	ҳақиқатда бажарилган	муассаса томонидан ҳисобланган	теъдилланган			
			ўлчов бирлиги	миқдори	суммаси (миң сўм)	миқдори	қиймати (сўм)	суммаси (миң сўм)	миқдори	қиймати (сўм)	суммаси (миң сўм)
			1	2	3	4	5	6	7	8	9
21	0 0 0	Электр энергияси учун тулов	минг кВтс	82 441,0	4 286,4	82 441,0	44,57	2783	82 441,0	44,57	2 783
22	0 0 0	Табийий газ учун тулов	т/куб.м	54 355,0	4 451,5	54 355,0	71,58	3 891,0	54 355,0	71,58	3 891,0
23	0 0 0	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тулов	минг т/калл	0,0	0,0	0,0		0	0,0		0
24	0 0 0	Совуқ сув ва ороув учун тулов	т/куб.м	17 389,0	6 139,6	17 389,0	392,32	6 822,0	173 89,0	392,32	6 822,0

25	0 0 0	Чикиндиларни тозалаш, олиб чикиб кетиш билан боғлиқ хизматлар учун тўлов, шунингдек, энергия ва бошқа ресурсларни сотиб олиш бўйича харажатлар (бензин ва ЕММдан ташқари)	кўб.м	×	200.0	×	340.0	340.0	×	340.0	×	340.0	340.0
Жами:			×	×	15 077.5	×	×	13 836	×	×	×	13 836	

Илоҳ.

Электронергия – 1 кВт.ч 38 сўм, 40 м. ёмоқконатрафи электр аlyтмадор ҳам ҳисобга олинган.

42 92 100 – Телефон, телеграф ва почта хизматлари учун харажатлар

Ўрнатилган учун тўлов	Курсаткичлар номи	2011 йил					
		Муассаса томонидан ҳисобланган			Сметда ҳисобга олинган		
		сонли	минт сўм	сонли	минт сўм	сонли	минт сўм
абонент тўлови (бир ойда 1850 сўм; бир кунлик норма 3 мин. × 30 = 90 × 12 = 1080 мин.); бир кунда ортиқча сўзлашиш – ҳар минути учун – 4 сўм		×	31.2	×	31.2	×	31.2
Халқаро ва шаҳарлараро сўлашувлар учун тўлов		×	148.8	×	148.8	×	148.8
Кижара ва махсус алоқа хизматлари (SWIFT...) учун тўлов							
Жўнатилш бўйича турли хил почта хизматлари тўлови (шу жумладан, посылкалар, хатлар, бандаероллар)							
Телефон, телеграф ва почта хизматлари билан боғлиқ бошқа харажатлар (конвертлар, маркалар ва ҳ.к. сотиб олиш)							
Жами:		×	180.0	×	180.0	×	180.0

6-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ВА ШТАТЛАР ЖАДВАЛИНИ ТУЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Олий таълим Ўзбекистон Республикаси ягона ва узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, олий ўқув юр்தларарида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус касб-хунар таълими негизида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий таълим бакалаврият ва магистратура босқичларидан иборат.

Бакалаврият олий таълим йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир. 2011 йил сентябрда мутахассисликларнинг янги таснифи қабул қилинганидан сўнг, Ўзбекистонда бакалаврлар тайёрлаш 150 та йўналиш бўйича олиб борилмоқда.¹

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. 2011 йил сентябрда мутахассисликларнинг янги таснифи қабул қилинганидан сўнг, Ўзбекистонда магистрлар тайёрлаш 650 та мутахассислик бўйича амалга оширилмоқда.² Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (29.08.1997 й. 464-І сон), «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 й.), Олий таълим тўғрисидаги Низом³ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган турли идораларга тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар олий таълимни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда 59 та олий ўқув юрти, Тошкент шаҳрида жойлашган олий ўқув юр்தларининг 11 та минтақавий филиаллари ва етакчи хорижий олий ўқув юр்தларининг 6 та филиали фаолият юритади. Ҳар бир минтақада минтақавий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун му-

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 – 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Стат. тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 105 б.

² Ўша жойда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 22.02.2003 й. 1222-сон билан рўйхатга олинган.

тахассислар тайёрлашни таъминловчи университетлар ва қатор ихтисослаштирилган институтлар мавжуд.

ОТМлар фаолиятини молиялаштириш белгиланган тартибда республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳамда қўшимча жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.¹

Олий таълим муассасаларини молиялаштириш харажатлари уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятлари, талабалар, аспирантлар, тингловчиларнинг ўртача йиллик сони, уларни моддий таъминлаш нормалари, профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи ставкалари ва бошқа кўрсаткичлар асосида режалаштирилади.

Олий ўқув юртининг асосий молиявий режаси смета ҳисобланади ва унда бюджет маблағларининг умумий миқдори, мақсадли ишлатилиши ва чораклар бўйича тақсимланиши кўрсатилади. Сметада ўқув юрти ва унинг ўқув-моддий базаси тўғрисида умумий маълумот келтирилади. Сметани умумий режалаштиришда харажатлар бир нафар талаба учун ҳисобланган нормалар асосида ҳисобланади. Бунинг учун талабалар сони режалаштирилаётган йил учун қабул, битирув ва кутилаётган талабалар сафидан чиқаришларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори² билан тасдиқланган 2011 – 2016 йилларда мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ва олий таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизациялаш дастурларини амалга ошириш мақсадида Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарманинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- ОТМлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш;
- ОТМларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан жиҳозлаш;
- юқори малакали кадрлар тайёрлаш мутахассисликлари ва йўналишларини оптималлаштириш;
- таълим стандартларини мукамаллаштириш, илғор педагогик

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.05.2011 й. ПҚ-1533-сон қарори.

технологиялар ва таълим шакллари жорий этиш, педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш ҳисобига таълим жараёнини янада такомиллаштириш.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган)¹ мувофиқ амалга оширилади.

6.1. Олий таълим муассасалари харажатларини жон бошига молиялаштириш

2010 йилдан 6.1-жадвалда келтирилган олий ўқув юртлиридан ташқари барча олий таълим муассасалари бир нафар талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш орқали бюджет маблағлари ҳисобига харажатларни норматив режалаштиришни амалга оширишмоқда.

6.1-жадвал

Бир нафар талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига харажатларни норматив режалаштириш тартиби татбиқ этилмайдиган олий таълим муассасалари РЎЙХАТИ²

<i>т/р</i>	Олий таълим муассасалари номи
1	М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.06.2011 й. 172-сон қарори.

² Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 6.08.2010 й. 2136-сон рақам билан рўйхатга олинган).

2	И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали
3	Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси .
4	Миллий рақс ва хореография олий мактаби
5	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари

Харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан ОТМлар учун бюджет маблағлари ҳажмини аниқлаш тегишли йил учун янги бюджет таснифига мувофиқ тасдиқланадиган республика бюджети параметрларининг «Ўрта махсус, олий таълим ва кадрлар малакасини ошириш» харажатлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳар йили келгуси молия йили учун бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган республика олий таълим муассасаларининг гуруҳлари бўйича бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини тасдиқлайдилар.

2012 йили ОТМлар бюджетини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланган «Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида Низом»га¹ мувофиқ қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$БСВ = (БНЗ_1 \times K_1 + БНЗ_2 \times K_2 + БНЗ_3) \times N + (БНД_1 \times (Ндс - Ндсв) + БНД_2 \times Ндсв)$$

бу ерда:

БСВ – ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми;

БНЗ₁ – меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов, стипендия ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш харажатларини ҳамда моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан устамалар ва қонунчилик билан белгиланган бошқа устама ва қўшимчаларни ўз ичига олувчи ОТМнинг бир нафар талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 6.08.2010 й. 2136-сон рақам билан рўйхатга олинган.

БНЗ₂ – IV гуруҳ харажатлари бўйича ОТМнинг бир нафар талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

БНЗ₃ – асосий активларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

K₁ – ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициенти;

K₂ – ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг IV гуруҳ харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициенти;

N – ҳамма таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича давлат гранти асосида таълим олаётган талабаларнинг ўртача йиллик сони (сиртқи таълим талабалари учун 0,1 коэффициенти қўлланилади);

N_{дс} – тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМ талабаларининг йил бошидаги сони;

N_{дсв} – тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг битирувчи талабаларининг жорий молия йилидаги сони.

ОТМ бюджетини ҳисоблаш учун давлат гранти асосида таълим олаётган ҳамма таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича талабаларнинг ўртача йиллик сони – N (сиртқи таълим талабалари учун 0,1 коэффициенти қўлланилади) ҳисоблаб чиқилади.

Талабаларнинг ўртача йиллик сони молия йилида режалаштириладиган талабалар сонининг курслар бўйича ўзгаришини нобатга олган ҳолда аниқланади (қабул, битирув, талабалар сафидан чиқариш) ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$N = Y_n + Y_n/3 - Y_n/2 - Y_n \times 0,6$$

бу ерда:

N – талабаларнинг ўртача йиллик сони;

Y_n – талабаларнинг йил бошидаги сони;

- У₁ – талабаларни қабул қилишнинг кутилаётган сони;
- У₂ – битирувчи талабаларнинг кутилаётган сони;
- У₃ – талабалар сафидан чиқаришнинг кутилаётган сони.

ОТМнинг молия йили учун бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблашда қуйидаги харажатларнинг базавий нормативлари қўлланилади:

1) қонунчилик билан белгиланган барча устама ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар таркиби, бошқарув, маъмурий-хўжалик ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, стипендия тўловлари, иш ҳақига тенглаштирилган тўловлар ҳамда ОТМни сақлаш билан боғлиқ бошқа жорий харажатларни (давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ коммунал хизматлар, фойдаланиш ва ўқитиш харажатлари, жорий таъмирлаш, чиқимга оид материаллар ва кам баҳоли инвентарлар ҳамда бошқа жорий харажатлар) ўз ичига олувчи бир талабани ўқитиш учун жорий харажатларнинг базавий нормативлари (БНЗ₁ ва БНЗ₂) (9.2-жадвал);

2) асосий активларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативлари (БНЗ₃) (6.2-жадвал).

**Олий таълим муассасалари гуруҳлари бўйича бир
нафар талабага харажатларнинг базавий
НОРМАТИВЛАРИ (миңг сўм)¹**

Гуруҳлар	Олий таълим муассасалари номлари	БНЗ, – ОТМнинг бир нафар талабасига жорий харажатлари базавий нормативи	БНЗ, – ОТМнинг бир нафар талабасига IV гуруҳ харажатлари бўйича жорий харажатларининг базавий нормативи	БНЗ, – ОТМ моддий- техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларининг базавий нормативи
	Тошкент давлат педагогика университети	3539	100	65
	Навоий давлат педагогика институти			
	Қўқон давлат педагогика институти			
	Нукус давлат педагогика институти			
	Жиззах давлат педагогика институти			
	Тошкент вилояти давлат педагогика институти			
	Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти			
	Тошкент давлат иқтисодиёт университети			
	Тошкент молия институти			
	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти			
	Самарқанд давлат университети			
	Қорақалпоқ давлат университети			
	Бухоро давлат университети			

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 10.04.2012 й. 36/147-сон қарорига 1-илова.

2-гурӯҳ	Урганч давлат университети	3336	100	65
	Термиз давлат университети			
	Фарғона давлат университети			
	Қарши давлат университети			
	Наманган давлат университети			
	Андижон давлат университети			
	Гулистон давлат университети			
3-гурӯҳ	Бухоро юри технологиялар муҳандислик-техника институти	3360	185	90
	Фарғона политехника институти			
	Қарши муҳандислик иқтисодийёт институти			
	Наманган муҳандислик педагогика институти			
	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти			
	Тошкент автомобиль йўллари институти			
	Тошкент кийё технологиялари институти			
	Навобий давлат тоғ-кон институти			
	Андижон машинасозлик институти			
	Жиззах политехника институти			
	Наманган муҳандислик-технология институти			
	4-гурӯҳ			
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти				
Андижон қишлоқ хўжалик институти				
Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали				

5-гуруҳ	Тошкент архитектура-қурилиш институти	3634	125	90
	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти			
6-гуруҳ	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	3795	100	65
	Тошкент давлат шарқшунослик институти			
	Самарқанд давлат чет тиллар институти			
7-гуруҳ	Тошкент ахборот технологиялари университети	3435	185	90
	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали			
	Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали			
	Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали			
	Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали			
	Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали			
8-гуруҳ	Тошкент тиббиёт академияси	4383	305	90
	Тошкент тиббиёт педиатрия институти			
	Андижон тиббиёт институти			
	Самарқанд тиббиёт институти			

	Бухоро тиббиёт институти			
	Тошкент фармацевтика институти			
	Тошкент тиббиёт педиатрия институти Нукус филиали			
	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали			
	Тошкент тиббиёт академияси Фаргона филиали			
9-групп	Ўзбекистон давлат консерваторияси	12 908	1 186	90
	Ўзбекистон давлат санъат институти	10 952	584	90
	Ўзбекистон давлат санъат институти Нукус филиали	7473	1 742	90
	Тошкент давлат маданият институти	6390	223	90
	Миллий рассомлик ва дизайн институти	8221	310	90
	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти	3423	120	90
	Ўзбекистон миллий университети	5413	183	90
	Тошкент давлат техника университети	3384	185	90
	Тошкент ирригация ва мелиорация институти	4210	250	90
	Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали	4929	352	90
	Тошкент ислом университети	8574	1 263	90
	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	6468	726	90
	Солиқ академияси	7541	1 151	90

Изоҳ:

2012 йилда ОТМ учун бир нафар талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари асосида ҳисобланган бюджет маблағлари миқдори давлат гранти бўйича таълим олаётган талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилиши лозим.

3) тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг бир нафар талабасини овқат, кийим-бош, пойабзал ва шахсий гигиена буюмлари, шунингдек, битирув ва ишга жойлашиш учун бериладиган бир йўла нафақа билан таъминлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативлари (6.3-жадвал).

6.3-жадвал

Тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган олий таълим муассасасининг бир нафар талабаси таъминоти бўйича харажатларнинг базавий НОРМАТИВИ¹

Т/р	Нормативлар	Шартли белгилар	суммаси (минг сўм)
1	Тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг бир нафар талабаси таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи	БНД ₁	1
2	Тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг бир нафар битирувчи талабаси таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи	БНД ₂	8 035

4) ОТМнинг бир нафар талабасига харажатларнинг базавий нормативларига тузатиш коэффициентлари ўқув жараёнининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади (6.4-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 10.04.2012 й. 36/147-сон қарорига 2-илова.

**Олий таълим муассасаси бир нафар талабасига харажатларнинг
базавий нормативларига қўлланиладиган тузатиш
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ¹**

T/p	Олий таълим муассасаси номлари	K ₁ – ОТМнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициенти	K ₂ – ОТМнинг 4-гуруҳ харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициенти
1	Тошкент вилояти давлат педагогика институти	1,157	
2	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	1,060	
3	Самарқанд давлат университети	1,089	
4	Андижон давлат университети	1,139	
5	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	1,083	
6	Тошкент автомобиль йўллари институти	1,030	
7	Наманган муҳандислик-технология институти	1,020	
8	Навобий давлат тоғ-кон институти	1,020	
9	Андижон қишлоқ хўжалик институти	1,050	
10	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали	1,020	
11	Тошкент давлат шарқшунослик институти	1,309	
12	Тошкент ахборот технологиялари университети	1,014	
13	Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали	1,029	

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 10.04.2012 й. 36/147-сон қарорига 3-илова.

14	Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали	1,081	
15	Тошкент тиббиёт академияси	1,304	1,840
16	Анджон тиббиёт институти	1,402	
17	Самарқанд тиббиёт институти	1,370	
18	Тошкент фармацевтика институти	1,252	
19	Тошкент тиббиёт академияси Фаргона филиали	1,162	

Бир нафар талабани жорий ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини аниқлашда ОТМлар талабаларни тайёрлашнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаштирилади.

Давлат университетлари, шунингдек, бошқа олий ўқув юртиларидан фарқ қилувчи ўқув жараёнига эга олий ўқув юртилари алоҳида гуруҳларга ажратилади.

ОТМларда харажатлар сметасини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилган (19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ОТМ мустақил равишда харажатлар сметаси, шунингдек, тасдиқланган намунавий штатлар асосида тузилган штатлар жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Харажатлар сметаси, штатлар жадвали ва профессор-ўқитувчилар таркибининг штат формулярларини тузиш ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда ва харажатларнинг базавий нормативлари ҳамда тузатиш коэффициентлари асосида ҳисобланган маблағлар ҳажми доирасида амалга оширилади.

ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми қуйидаги қатъий тартибда тақсимланади:

- иш ҳақи ва ягона йўлчилик тўлов;
- стипендиялар;
- тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМ талабаларини моддий таъминлаш;

- коммунал хизматлар учун тўловлар;
- қолган жорий харажатлар ва бошқа харажатлар.

Бунда:

- иш ҳақи маблағлари харажатлар сметасига базавий лавозим машошлари, ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар, иш ҳақи ставкалари, уларга қонунчилик билан белгиланган устама ва қўшимчалардан келиб чиқиб, амалдаги намунавий штатлар сони ва нормативларга, профессор-ўқитувчилар таркибининг йиллик индивидуал иш режаларига ва бошқаларга амал қилган ҳолда киритилади;

- ягона ижтимоий тўлов миқдори харажатлар сметасига қонунчиликда ўрнатилган миқдорларда киритилади;

- стипендия харажатлари стипендиялар миқдорлари ва амалдаги стипендия билан таъминлаш тартибига мувофиқ ҳисобланади;

- тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМ талабаларининг моддий таъминоти бўйича харажатлар қонунчиликка мувофиқ ҳисобланади;

- энергия ресурслари, коммунал хизматлар харажатлари ва жорий харажатларни ҳисоблаш натурал кўрсаткичлар, энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг амалдаги нархлари ва тарифларига асосан амалга оширилади.

ОТМнинг айрим бюджет харажатлари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд бўлганда харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган бюджет харажатларининг ҳажми мазкур қарздорлик суммасига камайтиради.

ОТМнинг кредитор қарздорлиги харажатларнинг базавий нормативлари асосида аниқланган бюджет харажатлар сметаси маблағлари доирасида, маблағ етишмаган тақдирда, мазкур ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.¹

Агар жорий йили ОТМ учун I ва II гуруҳлар бўйича (харажатларнинг базавий нормативлари ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисобланган) бюджет маблағлари ҳажми мазкур йил учун тасдиқланган харажатлар сметасидаги тегишли гуруҳлар бўйича режалаштирилган маблағлар ҳажмидан кўп бўлса, маблағ етишмовчилиги асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ бюджетдан қўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарори (ўзгартиришлар билан).

ОТМларда иш ҳақи ва стипендиялар миқдори, энергия ресурслари ва коммунал хизматлар баҳоси ва тарифларининг ошиши билан боғлиқ ҳолда бюджет бўйича харажатлар сметасида қўшимча маблағларга эҳтиёж сезилса, ушбу харажатлар Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда асосланган ҳисоб-китоблар асосида бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, уларга ўзгартиришлар киритиш ҳамда харажатлар сметаси ижроси бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Харажатларнинг базавий нормативлари ва тузатиш коэффициентларининг қўлланилиши муносабати билан ОТМларнинг бюджет харажатлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ОТМларнинг жорий йилга тасдиқланган бюджет харажатлар сметаларига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

ОТМ харажатларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

ОТМ харажатларини тўлаш ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан республика ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМ талабаларини моддий таъминлаш;

дори-дармонлар;

коммунал хизматлар;

бошқа харажатлар.

6.5-жадвалда бир нафар талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб, харажатларнинг базавий нормативлари (жон бошига молиялаштириш) ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш орқали ОТМ харажатларини режалаштиришнинг шартли мисоли келтирилган.

**ОТМ талабаларининг 2011 йил 1 январь ҳолатидаги
соня (киши)**

№	Кўрсаткичлар	Талабаларнинг йил бошдаги соня	Қўшилган қабул	Қўшилган битирув	Қўшилган талабалар сифидан чиқариш	Талабаларнинг йил охиридаги соня	Талабаларнинг ўртача йиллик соня (N)
		1	2	3	4	5	6
		у.	у.	у.	у.	Нк (1 устун + 2 устун - 3 устун - 4 устун)	Н (1 устун + 2 устун /3-3 устун /2-4 устун * 0,6)
1	бакалаврият	415	102	90	5	422	401
2	магистратура	20	10	10		20	18
3	аспирантура*	8	6	6		8	7
4	ординатура	-	-	-	-	-	-
5	докторантура	-	-	-	-	-	-
6	махсус сиртқи	-	-	-	-	-	-
ЖАМИ		443	118	106	5	450	426,0

***Изоҳ:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2012 й. ПФ-4456-сон Фармониға мувофиқ стажер-тадқиқотчи-изланувчилик институти бекор қилиниб, унда ўқиётганлар диссертация тадқиқотлари мавзуларини олий таълимдан кейинги таълимнинг янги талаблари асоида танқидий экспертиза қилиш ва аттестациядан ўтказиш орқали катта илмий-ходим-изланувчилар институтиға ўтказилди. 2013 йил 1 январдан олий таълимдан кейинги бир босқичли таълим тизими жорий этилиб, фан доктори химояси ва илмий даражаси умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларға мувофиқ амалға ошири-

лади. 2012 йил 1 июлга қадар ОАК томонидан кўриб чиқишга тақдим этилган илмий ишлар бўйича илмий унвонлар амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ берилади.

ОТМ талабаларининг ўртача йиллик сони жорий молия йилида режалаштирилаётган талабалар сонининг курслар бўйича (қабул, битирув, талабалар сафидан чиқариш) ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = Y_{\text{н}} + Y_{\text{к}}/3 - Y_{\text{б}}/2 - Y_{\text{ч}} \times 0,6$$

N – талабаларнинг ўртача йиллик сони 426

$Y_{\text{н}}$ – талабаларнинг йил бошидаги сони 443

$Y_{\text{к}}$ – қабул қилиниши кутилаётган талабалар сони 118

$Y_{\text{б}}$ – битириши кутилаётган талабалар сони 106

$Y_{\text{ч}}$ – талабалар сафидан чиқарилиши кутилаётганлар сони 5

**ОТМ гуруҳлари бўйича бир нафар талабага
харажатларнинг базавий нормативлари (минг сўм)
(6.2-жадвалга қаранг)**

<i>Гуруҳлар</i>	<i>ОТМ номи</i>	<i>БНЗ, – ОТМнинг бир нафар талабасини жорий ўқитиш харажатларининг базавий нормативи</i>	<i>БНЗ, – IV гуруҳ харажатлари бўйича ОТМнинг бир нафар талабасини жорий ўқитиш харажатларининг базавий нормативи</i>	<i>БНЗ, – ОТМ моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи</i>
I гуруҳ	ОТМ	3 539	100	65

**ОТМнинг бир нафар талабасига харажатларнинг
базавий нормативларига тузатиш коэффициентлари
(6.4-жадвалга қаранг)**

<i>т/р</i>	<i>ОТМ номи</i>	<i>К₁ – ОТМ харажатлари миқдорининг меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўловлар ва стипендиялар бўйича ошиб кетишига тузатиш коэффициенти</i>	<i>К₂ – ОТМ харажатларининг IV гуруҳ харажатлари бўйича ошиб кетишига тузатиш коэффициенти</i>
15	ОТМ	1,060	–

**Тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг бир нафар талабаси ва битирувчи талабаси таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативлари
(6.3-жадвалга қаранг)**

<i>т/р</i>	<i>Нормативлар</i>	<i>Шартли белгилар</i>	<i>Миқдори (мина сўм)</i>
1	Тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг бир нафар талабаси таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи	БНД ₁	2856
2	Тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг бир нафар битирувчи талабаси таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи	БНД ₂	8035

$N_{дк}$ – тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМ талабаларининг йил бошидаги сони – 1 ;

$N_{дсв}$ – тўлиқ давлат таъминотида бўлган, етим ва ота-она қаровисиз қолган ОТМнинг битирувчи талабалари жорий молия йилидаги сони – 1 .

6. ОТМ бюджетини 2011 йил учун ҳисоблашнинг шартли масоли (млн сўм)

БСВ	БНД ₁	Насе	Насе	Насе	БНД ₁	Н	БНЗ ₁	Қ ₁	БНЗ ₂	Қ ₂	БНЗ ₃	Қ ₃	БНЗ ₄	Норматив
ОТМ учун бюджет маълумлари ҳалми	ОТМнинг тулик давлат таъминотида бўлган бир нафар таъминотда бўлган, этия ва ота-она қаровисиз қолган бунча ҳаракатларнинг базавий нормативи	ОТМнинг тулик давлат таъминотида бўлган, этия ва ота-она қаровисиз қолган битирувчи талабаларни жорий қолдириш сони	ОТМнинг тулик давлат таъминотида бўлган, этия ва ота-она қаровисиз қолган битирувчи талабаларни жорий қолдириш сони	Тулик давлат таъминотида бўлган, этия ва ота-она қаровисиз қолган битирувчи талабаларнинг йил бошидаги сони	ОТМнинг тулик давлат таъминотида бўлган, этия ва ота-она қаровисиз қолган битирувчи талабаларнинг базавий нормативи	Талабаларнинг ўртача йиллик сони	ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш ҳаракатлари бунча ҳаракатларнинг базавий нормативи	ОТМнинг IV гуруҳ ҳаракатлари ҳажминини оширувчи тузатиш коэффициенти	IV гуруҳ ҳаракатлари бўйича ОТМнинг бир нафар талабаси учун жорий ҳаракатларнинг базавий нормативи	ОТМнинг махсуслашган ҳақ тўлаш, ягона кўрсаткичи ва сипатлиги ҳаракатлари ҳажминини оширувчи тузатиш коэффициенти	ОТМнинг бир нафар талабаси учун жорий ҳаракатларнинг базавий нормативи	1	2	1
	11 = (гр.1 × гр.2 + гр.3 × гр.4 + гр.5) × гр.6 + (гр.7 × (гр.8 - гр.9) + гр.10 × гр.9)	5 300	1	1	1	2 101	426	65	0	96	1,109	2177	1	2177

$$БСВ = (БНЗ_1 \times К_1 + БНЗ_2 \times К_2 + БНЗ_3) \times N + (БНД_1 \times (N_{де} - N_{дсв}) + БНД_2 \times N_{дсв})$$

$$061\,478,818 = (2177 \times 1,109 + 96 \times 0 + 65) \times 426 + (2101 \times (1-1) + 5300 \times 1)$$

Белгиланган формула бўйича ҳисоблаб чиқилган ОТМ бюджетининг миқдори бюджет харажатларининг иктисодий таснифига мувофик харажатлар гуруҳлари бўйича тақсимланади. Харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар).

II. Иш ҳақига қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофик).

IV. Бошқа харажатлар.

I гуруҳ «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» харажатларини ҳисоблаш учун штатлар жадвали тузилади. Штатлар жадвали асосида эса штатдаги профессор-ўқитувчилар, соатбай ҳақ тўлаш асосида педагогик фаолиятга жалб этилган шахслар, маъмурий-техник, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг иш ҳақи, стипендия жамғармаси ҳамда устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олувчи меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ҳисобланади.

II гуруҳ «Иш ҳақига қўшимчалар» бўйича харажатлар, I гуруҳ «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» бўйича харажатлар ва амалдаги ягона ижтимоий тўловлар ставкалари асосида ҳисоблаб чиқилади.

ОТМ бюджети суммасидан I гуруҳ «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» ва II гуруҳ «Иш ҳақига қўшимчалар» бўйича харажатлар суммаси айириб ташланади. Қолган сумма IV гуруҳ – «Бошқа харажатлар» моддалари бўйича мазкур гуруҳ харажатларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига мувофик тақсимланади.

ОТМ харажатларини юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятларга эга гуруҳлар бўйича ҳисоблаш тартибини кўриб чиқишга ўтамиз.

6.2. Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисоблаш

1. Профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи. Ушбу гуруҳ бўйича штатдаги профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари (ўқув юртлари, бўлимлар, факультетлар, филиаллар ва ўқув-маслаҳат пунктлари, кундузги ва сиртки асирантура, соатбай ҳақ тўлаш асосида педагогик фаолиятга жалб этилган

шахслар, шунингдек, ОТМнинг раҳбар ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш билан биргаликда) режалаштирилади.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаб турган шахслар киради.

ОТМ кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр лавозимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.02.2006 й. 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ танлов бўйича эгалланади.

ОТМ ректори профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимлари, маъмурий-хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар бўйича штатларни шу турдаги ходимлар учун вазирликлар (идоралар) томонидан тасдиқланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

ОТМ ректорлари профессор-ўқитувчилар таркиби штатлар жадвалини тасдиқлашда профессорлар, доцентлар ва катта ўқитувчилар лавозимлари сонини ўқув машғулотлари турлари (маърузалар, семинарлар ва ҳ.к.) бўйича соатлар миқдоридан келиб чиқиб белгилаши лозим. Шу билан бирга, ушбу лавозимлар сонини асосиз кўпайтирмасликлари ва раҳбар ходимлар, маъмурий-хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар таркибида катта мутахассисларнинг ортиқча сонига йўл қўймаслик зарур.

ОТМлар профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкмаси ҳажмини ҳисоблаш барча таълим шакллари бўйича йилда бир марта ярим йилликлар бўйича алоҳида амалга оширилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар йили келгуси ўқув йили учун тузиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган шахсий иш режаларига асосланган. Йиллик шахсий иш режаси 1540 соат миқдоридаги иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади ҳамда ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий тусдаги асосий тадбирлар рўйхатини (тадбирлардан ҳар бири бўйича соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда) ўз ичига олади.

ОТМ харажатларида иш ҳақи сезиларли улушга эга. Профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси лавозимлар сони ва ўртача иш ҳақи ставкалари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг умумий сони бир нафар ўқитувчига талабалар ва аспирантлар сони, таълим шакллари бўйича ставкалар

СОНИНИ ХИСОБЛАБ ЧИКИШ АСОСИДА АНИКЛАНАДИ (6.7-жадвал).

6.7-жадвал

ОТМ профессор-ўқитувчилари тарқибга ставкаларини ҳисоблашнинг шартли масола

	2010 йил				2011 йил						
	Сметлада ҳисобга олинган	1 нефар ўқитувчи учун	Уртмача йиллик сон	Талабалар (аспирантлар) нинга ҳисобга олинган сони	Мўъссаса томонидан ҳисобланган	1 нефар ўқитувчи учун	Уртмача йиллик сон	Талабалар (аспирантлар) нинга ҳисобга олинган сони	Сметлада ҳисобга олинган	1 нефар ўқитувчи учун	Уртмача йиллик сон
Бакалаврлар бўйича	403	10.5	38,4	424	10.5	39,9					
Магистрлар бўйича	20	10.5	1,9	20	10.5	1,7					
Сиртқи бўлимлар бўйича											
Кундузги аспирантура бўйича	14	12	1,0	13	14	0,9					
Сиртқи аспирантура бўйича											
Табарлов бўлимлари бўйича											
Малака ошириш ва педагогик курслар факультетлари бўйича											
ЖАМИ:			41,2			42,5					

Иқтисодий раёбга ўлтириши жамғармаси 47 935,0 минг сўм

ЎФ-1444 818,0 минг сўм

Қасаллик варақаларини қоплаш учун жами

41 11 100 Бир йилда жами иш ҳақи

5 116,0 минг сўм
527 996 минг сўм

Профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозимлар сонини ҳисоблаш талабалар сонининг бир нафар ўқитувчига нисбати нормативларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Макзур нормативлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Қуйидаги жадвалда талабалар сонининг бир нафар ўқитувчига нисбати нормативлари келтирилган¹ (6.8-жадвал):

6.8-жадвал

Талабалар сонининг бир нафар ўқитувчига нисбати бўйича нормативлар

Таълим йўналишлари	Нормативлар	
	2009/2010 ўқув йили учун	2014/2015 ўқув йилидан бошлаб
Техник	10,3	12,2
Гуманитар	10,5	12,5
Тиллар	7,9	9,4
Тиббиёт	6,8	8,2
Санъат	3,5	4,1
Спорт	7,1	8,4
Педагогика	10,5	12,5
Иқтисодиёт	10,5	12,5
Қишлоқ хўжалиги	10,3	12,2
Архитектура	6,8	8,2

Изоҳ:

Қуйидаги таълим муассасалари учун талабалар сонининг бир нафар ўқитувчига нисбати нормативлари алоҳида белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари учун 2009/2010 ўқув йилида 6,8, 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб 8,5.

Тошкент ислом университети учун 2009/2010 ўқув йилида 5,1, 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб 6,1.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 25.06.2010 й. тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари штатдаги лавозимга ва илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади. Профессор-ўқитувчилар таркиби штатлар жадвалларининг базавий лавозим маошлари схемаларида маош миқдорининг юқори ва қуйи миқдорлари назарда тутилган (6.9-жадвал). Ушбу лавозимлар бўйича лавозим маошлари олий таълим муассасаси ректори томонидан ходимлар сони ва тегишли вазирлик (идора) томонидан ушбу олий таълим муассасаси учун мазкур ходимлар тоифаси бўйича ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида белгиланади. Бунда яратилган илмий мактаб, меҳнат стаж, ўқув-тарбия жараёнига қўшилган фаол ҳисса ва ОТМ раҳбари томонидан белгиланадиган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

6.9-жадвал

1.12.2011 йилдан бошлаб ОТМ профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)

<i>Лавозимлар номлари</i>	<i>Базавий лавозим маошлари миқдори</i>	
1. Кафедра мудири		
фан доктори илмий даражаси ёки профессор илмий унвонига эга	957 781	914 931
фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга	914 931	879 883
илмий даражага эга бўлмаган	879 883	844 646
2. Профессор		
фан доктори илмий даражасига эга	914 931	879 883
фан номзоди илмий даражасига эга	879 883	844 646
илмий даражага эга бўлмаган	844 646	802 960

3. Доцент		
илмий даражага эга	844 646	802 960
илмий даражага эга бўлмаган	802 960	761 749
4. Катта ўқитувчи		
илмий даражага эга	802 960	761 749
илмий даражага эга бўлмаган	761 749	721 455
5. Ассистент, ўқитувчи		
илмий даражага эга	721 455	681 498
илмий даражага эга бўлмаган	681 498	642 146
6. Ўқитувчи стажёр	601 295	

Изоҳлар:

1. Базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Профессорлар ва доцентларнинг базавий лавозим маошлари тегишли равишда профессор ёки доцент илмий унвонига эга шахсларга (катта илмий ходимга) белгиланади.

3. Профессор ёки доцент лавозимига тайинланган, бироқ тегишли илмий унвонга эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар таркибидаги шахсларга икки йилгача муддатга базавий лавозим маошлари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

профессор	844 646
доцент	802 960

Шундай қилиб, штатлар жадвали ва ходимларнинг лавозим маошлари профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблашнинг асоси ҳисобланади. Штатлар жадвали

ва ходимларнинг лавозим маошлари ОТМнинг ҳар бир раҳбар ходими ва профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланадиган базавий лавозим маошлари ҳамда устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шаклланади.

2. ОТМларнинг раҳбар, маъмурий-хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 й. 164-сон қарорига мувофиқ Маъмурий-бошқарув ходимлар намунавий штатлари ва базавий лавозимлари маошлари асосида аниқланади.

Маъмурий-хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар штатлари ОТМ ректори томонидан мазкур ОТМ учун белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар ва лавозимлар турларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Уларнинг сони кўрсатилган ходимлар тонфалари бўйича юқори турувчи органлар томонидан тасдиқланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида, бошқарув аппаратида тааллуқли ходимлар сони эса белгиланган тартибда бошқарув аппаратини сақлаш учун ажратилган маблағлар ва умумий меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида белгиланади.

Олий таълим муассасалари раҳбарларининг (ректор, проректор, декан, декан ўринбосари, филиал директори, ОТМ филиали директори ўринбосари) базавий лавозим маошлари ОТМ мансуб бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади (6.10-жадвал).

Биринчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ ОТМлар, иккинчи гуруҳга эса талабалар контингенти 2000 нафардан кам ОТМлар кирилади.

Қуйидаги лавозимларни эгаллаб турган шахслар ОТМнинг раҳбар ходимлари таркибига кирилади: ректор, проректор, декан, декан ўринбосари, филиал директори, ОТМ филиали директори ўринбосари.

2011 йил 1 декабрдан олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори¹

Лавозимлар номи	Разряд	Базавий лавозим маошлари миқдори	
		I гуруҳ	II гуруҳ
1. Ректор			
академик	22/21	1 080 625	1 036 726
профессор ёки фан доктори	21/20	1 036 726	993 061
доцент ёки фан номзоди	20/19	993 061	957 781
2. Ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор			
профессор ёки фан доктори	20/19	993 061	957 781
доцент ёки фан номзоди	19/18	957 781	914 931
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	18/17	914 931	879 883
3. Халқаро алоқалар, капитал қурилиш ва молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор			
профессор ёки фан доктори	19/18	935 299	899 978

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиқларининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 15.11.2011 й. 453/72-сон қўшма қарорига 2-илова.

доцент ёки фан номзоди	18/17	899 978	864 496
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	17/16	864 496	828 961
4. Филиал директори			
академик	21	1 036 726	1 036 726
профессор ёки фан доктори	20	993 061	993 061
доцент ёки фан номзоди	19	957 781	957 781
5. Филиал директори ўринбосари			
профессор ёки фан доктори	19	957 781	957 781
доцент ёки фан номзоди	18	914 931	914 931
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	17	879 883	879 883
6. Декан			
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	18	914 931	914 931
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	17	879 883	879 883
7. Декан ўринбосари			
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	17	879 883	879 883
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	16	844 646	844 646
8. Ҳисоблаш маркази бошлиғи	9/8	351 220	328 709

Изоҳ:

Ушбу жадвалда назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ОТМлар ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамаси¹ томонидан тасдиқланган базавий лавозимлар маошлари миқдорлари асосида амалга оширилади (6.11-жадвал).

6.11-жадвал

2011 йил 1 декабрдан олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори

Лавозим номлари	Базавий лавозимлар маошлари миқдори
1. Ҳисоблаш марказлари муҳандислари	
1-тоифали	284 754
2-тоифали	264 028
тоифасиз	244 135
2. Маданият ва спорт ишлари вазириликнинг маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари концертмейстерлари:	
етакчи концертмейстер	698 555
концертмейстер	621 761
3. Илмий котиб	328 709
4. Ишлаб чиқариш таълими устаси	264 028

Изоҳ:

Ушбу жадвалда назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазириликларининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 15.11.2011 й. 453/72-сон қўшма қарорига 3-қлова.

ОТМнинг ўқув-ёрдამчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси бир ойлик ставкани 12 ойга ва ходимларнинг (қабул қилинган сметадаги) ўртача йиллик сонига кўпайтириш орқали аниқланади.

6.12-жадвалда ОТМда иш (профессор-ўқитувчилар таркиби, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдამчи ва бошқа ходимлар) ҳақи ставкасини ҳисоблашнинг шартли мисоли келтирилган.

41 11 100 Иш хақи – ҳаммаси
41 10 000 – Доймий ва вақтинча ишлаётган ходимлар иш хақи
а) профессор-ўқитувчи ходимлар

Қўрамқулар	2010 йил			2011 йил									
	Сметда ҳисобга олинган			Муассаса томонидан ҳисоблаб чиқилган				Сметда ҳисобга олинган					
	смаваларнинг сони	ўртача ойлик ставка	ўшша маҳамта ҳақ тўлаш жағрафиси	ўшша	ўртача ойлик ставка	ўшша маҳамта ҳақ тўлаш жағрафиси	ўшша	смавалар сони	ўртача ойлик ставка	ўшша маҳамта ҳақ тўлаш жағрафиси			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	41,2	385 603	190 642	42,5	42,5	42,5	515 012	262 656,0					
Штабдаги профессор-ўқитувчиларнинг иш хақи (ўриндош ўқитувчиларнинг иш хақи билан биргаликда)			7626,0										
Штабдаги профессор-ўқитувчиларнинг иш хақи (ўриндош ўқитувчиларнинг иш хақи билан биргаликда)													

б) маъмурий-хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар (ётоқхона ходимлари билан биргалликда)

Қўрсаткичлар	2010 йил				2011 йил						
	Сметада ҳисобга олинган		Муассаса томонидан ҳисобга олинган		Сметада ҳисобга олинган						
	Стекаларнинг ўрнеча ўлчиқ сони	ўлчиқ меҳнат ҳақ тўлат	ўлчиқ сума	ўрнеча ўлчиқ сума	ўлчиқ меҳнат ҳақ тўлат	ўлчиқ сума	ўлчиқ сума	ўлчиқ сума			
	1	2	3	4	5	6	8	9	10	11	12
Маъмурий-хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар, шу жумладан:	52.5	134 328,0	42,0	42,0	42,0	271 762,0	7 устун = 5 устун x 8 устун x 12 ой				
Бошқарув аппарати	20,5	70 580,0	19,5	19,5	19,5	381 344,0	4				
Ўқув-ёрдамчи ходимлар											

Профессор-ўқитувчилар, маъмурий-хизмат кўрсатувчи, ўқув ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг жами меҳнатга ҳақ тўлаш жағвармаси 476 866 минг сўм

Вақтинчалик меҳнатга лавозимсизлиги бўйича нафақа тўлаш билан боғлиқ иқтисодий ҳисобга оли ан ҳолда ўшанинг ўзи 474 127 минг сўм

Талабалар ва ўқитувчилар сони ўртасидаги нисбатнинг; узг ариши тугайли профессор-ўқитувчилар таркибини ишдан бўшатмиш билан боғлиқ иқтисод

в) аспирантлар, ординаторлар ва малака ошириш факультетлари тингловчилари сони

Курсаткичлар	Муассаса томонидан ҳисобланган				Сметада ҳисобланган				
	аспирантура		ордианатура	Кўрсаткичлар ва факультетларнинг тингловчилари	аспирантура		ордианатура	Кўрсаткичлар ва факультетларнинг тингловчилари	доқторантатура
	Иштирокидан ақалдаган ҳолда	Иштирокидан ақалдаган ҳолда			Иштирокидан ақалдаган ҳолда	Иштирокидан ақалдаган ҳолда			
Йил бошидаги сони	14				14				
Қабул	5				5				
Битирув	5				5				
Аспирантлар, ординаторлар, доктарантлар ва тингл овчилар севидан чиқариш	1				1				
Йил охиридаги сони	13				13				
Ўртача йиллик сони	13				13				
Ҳисоблаш	13				13				
Аспирантларнинг 2011 йил 1 январдаги сони									

* Факат таълим олиши учун кукумат карорига мувофиқ профессор-ўқитувчи холим штати ажратиладиган курслар ва факультетлар тингловчилари контингенти кўрсатилади.

6.3. Олий таълим муассасалари ходимларини рағбатлантирувчи ва компенсацияловчи устамалар ва кўшимча тўловлар

1. ОТМлар ходимларининг меҳнат ҳақи базавий лавозим маошларидан ташқари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган устамалар ва кўшимча тўловларни ҳам ўз ичига олади.

Устамалар ОТМлар ходимларини, шу жумладан, юқори касб маҳоратига эга, ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ва илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида белгиланадиган моддий рағбатлантириш туридир. Устамалар ОТМ фаолияти натижаларига аниқ ходим томонидан қўшилаётган алоҳида ҳиссани тавсифловчи фаолият сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилади.

Кўшимча тўловлар эса ходимлар томонидан кўшимча тарзда бажарилаётган ишлар учун белгиланади.

2008 йилдан Ўзбекистон Республикасининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-926-сон қарори билан ОТМ ходимларининг базавий лавозим маошлари оширилди, уларга мунтазам равишда устамалар ва кўшимча тўловлар қўшиладиган бўлди. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлар лавозим маошларига алоҳида меҳнат шароитлари, хорижий тилларни билиш, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун кўшимча ҳақ тўлаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа кўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинди.

Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон республикаси олий ўқув юртлиари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисидаги Низомга¹ мувофиқ, профессор-ўқитувчилар таркиби ва ОТМнинг бошқа ходимларини моддий рағбатлантириш пул кўринишидаги тақдирлаш – мукофотлар, шунингдек, раҳбарият то-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 25.12.1996 й. 296-сон билан рўйхатга олинган.

монидан уларнинг асосий иш ҳақиға (ижодий ва ишлаб чиқаришдаги юксак ютуқлари учун) белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар ўрнатилган тартибда шакллантирилган бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан амалға оширилади.

ОТМ ходимиға қўшимча меҳнат ҳақи ходим томонидан асосий лавозим мажбуриятлари билан бир қаторда ўз лавозим мажбуриятларига кирмайдиган қуйидаги қўшимча ишларни бажарганлиги учун белгиланади:

- узоқ вақт ишға чиқмаётган ходимнинг мажбуриятларини бажариш;
- даволанишда бўлган ходимнинг мажбуриятларини бажариш;
- ихтисослаштирилган илмий кенгашда раис, раис ўринбосари ва илмий котиб сифатида ишлаш;
- ОТМ илмий кенгашида илмий котиб ўринбосари ва доимий фаолият кўрсатувчи комиссия аъзоси сифатида ишлаш;
- хорижий тилни билиш ва уни амалиётда қўллаш;
- махфий ҳужжатлар билан ишлаш;
- зарарли ва ўта зарарли шароитларда ишлаш;
- меҳнатда эришган юксак ютуқлари;
- ОТМ ва факультет илмий кенгашида илмий котиб мажбуриятларини бажариш.

Вақтинчалик ишламаётган ходимлар ўрниға (амалдаги қонунчиликка мувофиқ унинг иш жойи/лавозими сақлаб қолинган ҳолларда) асосий иш фаолиятидан озод этилмаган ҳолда уларнинг мажбуриятларини бажарганлик учун қўшимча тўловлар (касаллиги, сафарға кетганлиги, таътилға чиққанлиги, тўлиқ бўлмаган иш куни/ҳафтасида ишлаши ва бошқа сабабларға кўра ишламаётган ходимнинг ўрниға ишлаш) мазкур ходим ишға чиқмаган муддат учун унинг лавозим маоши ёки тариф ставкасиға нисбатан фоиз ҳисобида ўрнатилади.

Қўшимча тўловлар тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар эътиборға олиниши лозим:

- таркибий бўлимлар раҳбарлари ва уларнинг штатдаги ўринбосарларига бир-бирининг ўрниға мажбуриятларини бажарганлиги учун қўшимча тўловлар амалға оширилмайди;
- ўқув-ёрдамчи ходимлар ОТМ ичида бўлимларнинг меҳнатға ҳақ

тўлаш жамғармасининг 50% чегарасида ўриндошлик асосида ишлашлари мумкин;

– бўш турган лавозимлар бўйича қўшимча тўловлар учун иқтисод қилинган маблағларнинг ҳаммаси ёки бир қисми йўналтирилиши мумкин.

Устамалар ёки қўшимча тўловлар маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимларга ҳам:

– ҳисоблаш техникасини ўзлаштиргани ва улардан фойдалангани;
– лавозим йўриқномаларида назарда тутилмаган қўшимча иш турларини бажаргани;

– ўқув жараёнига икки сменали иш режимини жорий этиш ҳисобига иш ҳажмининг ортганлиги;

– таътилга чиққан ходимлар ўрнига ишлагани;

– тариф-малака тавсифномасида назарда тутилган билимларга нисбатан юқори даражадаги билимлар талаб этувчи ишларни бажаришдаги юқори малакаси;

– меҳнатда эришган юксак ютуқлари учун белгиланиши мумкин.

Қўшимча мажбуриятларни бажараётган ходимларга қўшимча тўловлар ОТМнинг юридик ёки жисмоний шахслар билан тузилган хўжалик шартномалари бўйича белгиланиши мумкин. Унинг миқдори шартнома шартлари ва ходимнинг шартномани бажаришда қатнашиш даражаси асосида белгиланади.

Қўшимча мажбуриятларни бажараётган ходимларга устамалар белгилаш:

– кафедра бўйича (ажратилган лимитнинг умумий суммаси чегарасида) кафедра мудири;

– факультет деканати бўйича (ажратилган лимитнинг умумий суммаси чегарасида) ўқув ишлар бўйича проректор;

– ёрдамчи хизматлар кўрсатувчи бўлимлар бўйича бўлим бошлиқлари;

– ОТМ илмий кенгашида илмий котиб ўринбосари ва доимий фаолият кўрсатувчи комиссия аъзоси сифатида ишлаш бўйича ректор томонидан тавсия этилади.

Кафедралар ва бўлимлар мустақиллигини ошириш мақсадида ходимларни бошқариш масалаларини ҳал этишда ҳар бир бўлим (кафедра) учун штатлар жадвали ва базавий меҳнатга ҳақ тўлашнинг те-

гишли суммаси белгиланади. Аммо, агар кафедра ёки бўлим юклама ҳажмини қисқартирса (илмий кенгаш қарори билан белгиланган даражадан паст бўлса), қўшимча тўловлар учун фойдаланиладиган штатлар жадвали лимитлари ҳам камайтирилади. Кафедра ўқитувчилари учун мазкур кўрсаткич ўқув юкламаси ҳисобланади.

Бирон-бир ходимга белгиланаётган устамалар ва қўшимча тўловлар сони ходимни қўшимча мажбуриятларни бажаришга жалб этишни чекламайди. Қўшимча мажбуриятларни бажаришга ходимнинг розилиги (агар бу ҳол асосий фаолият тури бўйича бажарилаётган иш ҳажми камайиши ёки сифатининг ёмонлашувига олиб келмаса) билан йўл қўйилади.

Ходим иш ҳақиға устамалар ва қўшимча тўловлар қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- ходимнинг асосий хизмат мажбуриятларини бажармаганлиги;
- ходимнинг ишларни ўз муддатида бажармаганлиги;
- ходим томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилиши;
- ходим томонидан ОТМ фаолияти принципларининг бузилиши;
- ходимнинг ОТМ ҳудудида маст ҳолатда юриши;
- ходим томонидан ОТМ мол-мулкига ва обрўсига зарар келтирилиши;
- ходим томонидан меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши.

Устамалар ва қўшимча тўловлар камида 1 ой ва 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади. Устамалар ёки қўшимча тўловлар белгиланган ходимлар устамаларнинг миқдори ва муддатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинади.

Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланадиган устамалар ва қўшимча тўловлар миқдорлари базавий лавозим маошларига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

2. Олий таълим соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ўзига хос хусусиятлари меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш миқдорлари ходимнинг таълим муассасаси фаолиятининг пировард натижаларига қўшган шахсий ҳиссаси билан боғлианишида намоён бўлади.

Ўқув муассасаларининг илмий-интеллектуал салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутхассислар тайёрлаш сифа-

тини ошириш мақсадида ректоратлар ҳар йили ходимларни (меҳнат самарадорлиги ва сифатидан келиб чиқиб) моддий рағбатлантириш тартиби ва миқдорларини белгилашлари лозим.

ОТМ профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа тоифадаги ходимларни пул кўринишида тақдирлаш-мукофотлаш, шунингдек, раҳбарият томонидан уларнинг ижод ва ишлаб чиқаришдаги юксак ютуқлари учун асосий иш ҳақиға устамалар ва қўшимча тўловлар тўлаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби учун иш ҳақиға мукофотлар, қўшимча тўловлар ва устамалар ўрнатилган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шакллантирилган ўқув муассасаларини рағбатлантириш жамғармасидан белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5.07.1996 й. 236-сон қарорига мувофиқ, ОТМнинг бошқа ходимлари учун эса ректорат қарори ва касаба уюшмаси келишуви бўйича тўланади.

Тўлов-шартнома асосида кадрлар тайёрлаш, лойиҳа-кидирув, конструкторлик, технологик ишланмаларни бажариш, ҳомийлик, тижорат фаолияти ва бошқа таълим хизматлари кўрсатишдан олинадиган бюджетдан ташқари маблағлар ўқув муассасасини моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари ҳисобланади.

Тўлов-шартнома асосида кадрлар тайёрлаш ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи ОТМ профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ОТМни моддий рағбатлантириш жамғармаси базасида ўртак кўрсатган ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг ректор жамғармаси ташкил этилмоқда. Ўртак кўрсатган, юқори касб маҳоратига эга ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчиларнинг лавозим маошларига 30 фоизгача ойлик устамалар белгиланади.

Белгиланаётган устамалар, қўшимча тўловлар ва мукофотлар миқдорлари ҳар бир ходимнинг амалга оширилаётган тадбирлар, бажарилаётган ишлар (хизматлар), шунингдек, ўқув муассасасининг даромадларини оширишга қўшаётган аниқ ҳиссасига боғлиқ ҳолда табақалаштирилади.

Куйидагилар ОТМ ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

– ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этишда эришган сезиларли муваффақиятлари, уларни жаҳон стандартлари даражасида мунтазам янгилаб бориш, фан, техника, янги технологиялар, маданият соҳасидаги ютуқлар ва истиқболли ривожлантириш, фан-техника ва жамият тараққиётини белгилаб берувчи йўналишлар бўйича махсус курслар яратиш;

– ўқув ва ўқув-услубий ишлар сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаб берувчи юксак педагогик маҳорат, талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришни таъминловчи ўқитишнинг илмий-услубий даражаси;

– талабаларга таълим бериш ва уларнинг билимини назорат қилишнинг фаол усулларида фойдаланиш, таълим ва тарбия беришнинг ягоналигини таъминлашда эришилган сезиларли муваффақиятлар, ўсиб келаётган авлодда юксак маънавий кадриятларни шакллантириш, спортдаги ютуқлар;

– янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш ва ёзиш;

– барча турдаги ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш, талабалар конструкторлик бюроси, ёш ижодкорлар маркази, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига рақбарлик қилиш, талаба ёшлар ўртасида конкурслар, олимпиадалар, конференциялар ва симпозиумларда қатнашиш учун иқтидорлиларини танлаш борасида фаол ишлар олиб бориш;

– талабаларда мустақил фикрлашни ва уларни ўқитишда алоҳида ёндашувни таъминлаб берувчи (компьютерлардан фойдаланган ҳолда) ўқитишнинг янги шакл ва усуллари ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига жорий этиш;

– олий таълим муаммолари бўйича илмий тадқиқотларда қатнашиш, уларнинг натижаларини тайёрланаётган мутахассислар сифатини ошириш мақсадида ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;

– илмий-услубий кенгашлар ва ўқув-услубий бирлашмаларда самарали ишлаш, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, халқ хўжалигининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича аниқ таклифлар киритиш;

– фан ва техника, шунингдек, халқ хўжалиги ривожини учун муносиб ҳисса қўшадиган мақолалар, монографиялар ва китоблар нашр этиш;

– Ўзбекистон Республикаси манфаатлари учун турли даражадаги ижтимоий-сиёсий ва оммавий тадбирларда фаол қатнашиш;

– илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аспирантларга (жумладан, хорижлик) раҳбарлик қилишда ижобий натижаларга эришиш;

– жорий йил мобайнида амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган диплом лойиҳаларига (ҳозирги вақтда малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациялари) раҳбарлик;

– хорижий тилларнинг (инглиз, француз, немис ва б.) биронтасидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнида қатнашиш;

– кабинетлар, лабораториялар, замонавий ўқув-лаборатория ва илмий жиҳозлар билан таъминланган ихтисослаштирилган аудиторияларни тузиш, бюджет маблағларини кўпайтиришга қўшган шахсий ҳиссаси.

Қуйидагилар ОТМлар ректорларини рағбатлантириш мезонлари ҳисобланади:

– ОТМни битириб чиқаётган мутахассисларни тайёрлашнинг сифат кўрсаткичлари;

– профессор-ўқитувчилар таркиби малакасини ошириш бўйича вазифаларнинг бажарилиши;

– Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти тармоқларини ривожлантиришга қўшилган ҳисса;

– ОТМга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш йўллари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш даражаси;

– ОТМ даромадлари ва харажатлари сметаларининг бажарилиш натижалари;

– миллий иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантириш, олий таълимни ислоҳ этиш муаммолари бўйича ҳукумат ва бошқа бошқарув органларига таклифлар киритиш;

– ОТМ жамоасида маънавий ва руҳий муҳитнинг ҳолати.

ОТМ раҳбарияти ходимларни тегишли бўлимлар тавсияси асосида касаба уюшмалари билан келишган ҳолда ОТМ томонидан тасдиқланган, юқорида санаб ўтилган мезонларга мувофиқ ҳақиқатда эришган ютуқлари учун рағбатлантиришни амалга оширади.

Таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот ва хўжалик фаолияти самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш мақсадида

ходимларни рағбатлантириш ўқув йили мобайнида амалга оширилиши мумкин.

Алоҳида олинган ходимлар билан бир қаторда ўқув муассасаси раҳбарияти ёки бошқа бошқарув органлари томонидан белгиланган одатдаги ишлаб чиқариш фаолиятдан ташқари бажарилган муайян иш ҳажми учун жамоалар, кафедралар, факультетлар, илмий лабораториялар ва бошқа бўлимлар ҳам моддий рағбатлантирилиши мумкин. Бажарилган иш ҳажми тегишли ижро этувчилар рўйхати, бажарилган ишларга оид аниқ кўрсаткичлар, эришилган самара ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши зарур.

Ўқув муассасаси раҳбарларини мукофотлаш миқдори ва меҳнат фаолиятида юксак ижодий ва ишлаб чиқариш ютуқларига эришганлик учун устамалар ва қўшымча тўловлар юқори турувчи бошқарув органлари қарорлари билан тасдиқланади.

Ходимларни моддий тақдирлаш тўғрисидаги буйруқ ҳар бир ходимга ОТМ бўлимлари раҳбарлари томонидан имзоланган ва касаба уюшмаси билан келишилган тақдимнома асосида тайёрланади. ОТМ ректорларига эса вазирликлар, идоралар бўйсунуви бўйича тегишли бошқармалар ва марказий аппаратлар бўлимлари томонидан тайёрланади.

Меҳнат интизомини бузган, шунингдек, ОТМ раҳбариятига бажарилган ишлар ёки эришилган ютуқлар тўғрисида нотўғри маълумот берган ходимлар моддий тақдирлашдан маҳрум этилади.

6.4. Олий таълим муассасаларида ўриндошлик асосида ва соатбай ишловчилар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш

Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

– штатдаги ўқитувчилар томонидан ушбу тоифадаги ходимларга соатбай ҳақ тўлаш шартлари тўғрисида амалдаги низомларга мувофиқ бажарилган ўқув ишлари учун;

– белгиланган нормативларга мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаган ҳолда ўқув ишларини бажаришга жалб этиладиган ректорлар, проректорлар ва бошқа раҳбар ходимларга;

– ўзга ташкилотлардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг ўқув ишлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

Ўқув жараёнига штатда турмайдиган мутахассислар жалб этилганида иш ҳақи меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш жамғармаси ҳисобидан тўланади. Ушбу жамғарма амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ штатдаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (йиллик) жамғармасига нисбатан фонсларда режалаштирилади.

Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаш ўзига хос хусусиятларга эга:

– тижорат асосида таълим хизматларини кўрсатувчи бўлим меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорини (ОТМ ректори томонидан тасдикланадиган) шартнома асосида белгилаши мумкин;

– ўқув жараёнига бошқа ташкилотлардан юқори малакали мутахассислар жалб этилган ҳолларда улар билан меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг индивидуал миқдори кўрсатиладиган меҳнат шартномасини тузишга рухсат берилади.

6.13-жадвалда олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари келтирилган (5.01.2011 й. 2176-сон билан рўйхатга олинган).

6.13-жадвал

Ўқув машғулотларини олиб борганлик учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

1. ОТМда ўқув машғулотларини олиб борганлик учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

<i>т/р</i>	<i>Контингент</i>	<i>Ўқув машғулоти олиб борадиган шахс</i>	<i>Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)</i>
2	ОТМлар талабалари	профессор, фан доктори	11 944,2
		доцент, фан номзоди	7543,9
		илмий даражага эга бўлмаган шахс	5466,2
3	Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш таълим муассасалари (курслар) тингловчилари	профессор, фан доктори	14 432,8
		доцент, фан номзоди	9901,3
		илмий даражага эга бўлмаган шахс	7989,1

Изоҳлар:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорига меҳнат таътилига ҳақ тўлаш киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурсларнинг жюри аъзолари, шунингдек, конкурсга қўйилган ишларга тақриз берган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Таълим муассасаларида соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини олиб бориш учун ходимлар жалб этиш мазкур муассасада штатдаги педагог ходимлар томонидан олиб борилмайдиган ўқув машғулотлари ва фанлари учун кўзда тутилади. Соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини олиб борганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасида алоҳида қаторда ажратиб кўрсатилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

5. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатлардан келиб чиқиб белгиланган.

6. Ўқув машғулотларини олиб борганлик учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Молия вазирлиги билан келишилган.

6.5. Олий таълим муассасалари стипендия жамғармасини ҳисоблаш

Олий таълим муассасалари харажатларида катталиги бўйича иккинчи ўринда стипендиялар тўлаш харажатлари туради. Талабалар фанларни ўзлаштиришидан келиб чиқиб уч тоифага бўлинади (аълочи, яхши ўқийдиган ва улгурувчи талабалар).

ОТМ бўйича бир ойга стипендия жамғармасини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$C_{\phi} = K_{\kappa} \times P_{\kappa},$$

бу ерда:

C_{ϕ} – олий таълим муассасаси бўйича 1 ойга стипендия жамғармаси;

K_c – ҳар бир тоифа бўйича (аълочи, яхши ўқийдиган ва улгурувчи) талабалар сони;

P_c – тегишли тоифа бўйича 1 ойлик стипендия миқдори.

Йиллик стипендия жамғармаси стипендия олувчиларнинг ўртача йиллик сони, у ёки бу таълим муассасасида стипендияларнинг ўртача миқдори (ҳар бир тоифадаги талабалар сонига боғлиқ равишда) ва таълим олиш ойлари сонини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Молиявий йил давомида стипендия жамғармаси ҳажмида юз берадиган ўзгаришлар стипендиянинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, бюджетдан молиялаштирилади.

6.6. Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» миқдорини ҳисоблаш

Харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг IV гуруҳ харажатлари бўйича тўлиқ ёйилмасини ўз ичига олувчи иловага ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетда турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ҳамда штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш. тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга 1-иловага¹ мувофиқ тузилади. Илова сметаларнинг прогноз кўрсаткичларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ОТМлар томонидан харажатлар сметаларини тузишдан олдин ўзларига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда тегишли ходимлари кенгашини чакирадилар ва сметани тузиш тартиби ҳамда муддатлари тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатадилар, уларга ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ва уларга сметани тузиш масалалари бўйича қонунчилик талабларини тушунтирадилар, бюджет маблағлари бўйича смета ҳисоб-китобларининг қонунчиликка мувофиқ келиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя этиш ҳақида кўрсатмалар берадилар, шунингдек, сметани тузиш ҳамда бланкаларни тўлдириш техникаси масалалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Айни дамда, ўзларига қарашли

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

ташкilotларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (аудиториялар, ўқувчилар сони ва бошқалар) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиладилар.

Смета бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини, иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт. Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал қилиш керак:

– Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;

– ОТМларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига;

– товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига.

ОТМнинг «Бошқа харажатлари»га қуйидаги турдаги харажатлар кирази:

– хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

– телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифлардан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда лимитдан ошиқ фойдаланилган шахарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, Интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари ОТМнинг харажатлар сметасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда фаолият хусусиятларидан ва ушбу хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

ихтисослаштирилган академик лицейлар ёки касб-ҳунар ўқув юртларида овқатланишга кетадиган харажатлар ОТМларнинг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртача йиллик сонидан ва натурал меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади;

ижтимоий-маданий ОТМларнинг айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойабзал, чойшаб, ётоқ анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

инспекция ва қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади;

ОТМларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа давлат мулклари ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифалардан, шунингдек, конунчиликда белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

ОТМларни махсус асбоб-ускуналар (ўқув ва хўжалик мақсадлари учун фойдаланиладиган), компьютерлар, хўжалик буюмлари (ўқув бинолари ва ётоқхоналар учун мебеллар, ўқув жараёнида фойдаланиладиган машиналар ва механизмлар), шунингдек, мазкур буюмларни ташиш харажатлари ва ҳоказолар билан таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда асбоб-ускуналар ва буюмлар сотиб олиш харажатлари. Ушбу харажатлар бир нафар талабани ўқитиш меъёрлари бўйича аниқланади;

бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш харажатлари ОТМнинг асосий сметаси бўйича капитал таъмирлашни амалга ошириш учун бажарилиши лозим бўлган ишлар рўйхати асосида амалга оширилади. Ушбу харажатларни молиялаштириш манбаи сифатида буюртмачилар билан тузилган шартномалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажаришдан тушаётган маблағларнинг бир қисми йўналтирилади. Мазкур харажатлар миқдори жамлама режалаштиришда ташқи кубатурадан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

ОТМлар кафедраларининг илмий тадқиқот ишлари учун харажатлар қуйидаги харажатларни ўз ичига олади: машиналарнинг моделлари, лаборатория стендлари ва тажриба намуналарини тайёрлаш; институт кафедралари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари учун материаллар ва буюмлар (реактивлар, металллар, алоҳида деталлар, уруғ, дори-дармонлар ва ҳ.к.); илмий фаолият учун зарур

тажриба ҳайвонларини сақлаш; илмий экспедициялар; илмий сессиялар, съездлар ва конференциялар ўтказиш; илмий хизмат сафарлари; диссертациялар ҳимоялари;

– хизмат сафарлари харажатлари ташкилот олдига қўйилган вази-фалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда амалдаги қонунчиликда белги-ланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Юқорида кўрсатилган харажатлар, шунингдек, давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда бошқа кўрсаткичлар ва услублар қўлланиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли Молия вазирлиги бўлимлари томонидан текширилади.

ОТМлар томонидан харажатлар сметаларини тузиш учун буюртма-лар амалдаги қонунчиликда белгиланган шакллар ёки рўйхатлар, хара-жатлар гуруҳи бўйича бўлиб ҳамда сметага ҳисоб-китоблар иловаси би-лан биргаликда тақдим этилади. Буюртмаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: иситиш, ёритиш, сув таъминоти харажатларини ҳисоблаш учун зарур натурал кўрсаткичлар; сотиб олиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар рўйхати; капитал ва жорий таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхати; қонунчиликка мувофиқ белгиланган кадастр юритиш бўйича ишлар ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар ҳисоби; бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатга киритиш учун асосланган ҳисоб-китоблар; бюджетдан маблағлар аж-ратишни асослаш учун бошқа керакли ҳисоб-китоблар.

ОТМ харажатлар сметаси уч нусхада тузилиб, муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқига эга шахс), муассаса бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқига эга шахс), шунингдек, молия-иқтисод бўлими бошлиги (штатлар жадва-лига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассис) томо-нидан имзоланади. Белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг:

- биринчи нусхаси ОТМда қолади;
- иккинчи нусхаси Молия вазирлигига тақдим қилинади;
- учинчи нусхаси (зарур ҳолларда) ОТМдан юқори турувчи ташки-лотларга (тегишли вазирликлар ва идораларга) топширилади.

Барча ОТМлар харажатлар сметасини Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади. Молия вазирлиги харажатлар сметасини чуқур

ўрганиш мақсадида уларни тузиш ва ижро этишининг ҳар қандай босқичида сметаларга ҳисоб-китобларни талаб этиш ҳуқуқига эга.

ОТМларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ кейинги йилнинг бошланишига режалаштириладиган харажатлар сметалари вазирликлар ва идоралар (ОТМлари мавжуд) томонидан тузилади. Бунда фаолиятдаги ўхшаш ОТМларда шаклланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва харажатларнинг ўртача меъёрларидан келиб чиқилади. Янги ОТМларни сақлаш харажатлари уларнинг кутилаётган фаолият кўрсатиш муддатларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

ОТМ IV гуруҳ харажатларини ҳисоблашнинг шартли мисоли 6.14-жадвал ва 9.1-иловада келтирилган.

М.Домоносое номидаги М/У Тошкент филиали IV гуруҳ
 харajatларнинг ҳисоблаш мисоли (абғрим харajatлар
 молдаларнинг ҳисоблаш)

42 20 000 – Коммунал хизматлар учун харajatлар

Модда ва кичик модда	Элемент	Курсаткичлар номи	2010 й.			2011 й.					
			ҳақиқатда бажаришган			муассаса томонидан ҳисобга олишган					
			ўлчов бирлиги	сони	миқдори (мил. сўм)	сони	қиймати (сўм)	миқдори (мил. сўм)	сони	қиймати (сўм)	миқдори (мил. сўм)
21	0 0	Электр энергияси учун тўлов	1	2	3	4	5	6	7	8	9
	0 0		МИНГ кВт.ч	85.0	5987.0	25.00	76.80	1920	25.00	76.80	1920
22	0 0	Табиий газ учун тўлов									
	0 0		т.кубм								
23	0 0	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов									
	0 0		МИНГ т/калп	126.0	3039.0	85.09	26 785.20	2279	85.09	26 785.20	2279
24	0 0	Совуқ сув ва оқова учун тўлов									
	0 0		т.кубм								
25	0 0	Чийиқиларни тозалаш, олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ хизматлар учун тўлов, шумунингдек, энергия ва бошқа ресурсларни сотиб олиш (бензин ва ЕММдан ташқари)									
	0 0		куб.м								
ЖАМИ:			«	«	9028.0	«	«	4199	«	«	4199

Изоҳ

Электр энергияси -- 1 кВт 38 сўм 40 т., ётоқхоналардаги электр инжиллар ҳам ҳисобга олинган.

42 32 200 – Нотурааржой биноларни саклаш ва жорий таъмирлаш харажатлари

Курсаткичлар номи	2010 йили ҳақиқатда бажарилган	2011 йил	
		Муассаса томонидан ҳисобга олинган	Сметада ҳисобланган
лифтларни жорий таъмирлаш (саклаш ва жорий таъмирлаш)			
биноларни дезинфекциялаш	1117,0	1735,0	
дератизация бўйича харажатлар			
жами:	1117,0	1735,0	0,0

42 52 110 – Товар-молний захирагтар (коғоздан ташкари)

Курсаткычлар номи	2011 йил		Сметгада ҳисобланган	
	Мувассаса томонидан ҳисобланган	Сони	Минг сўм	Сони
Тармоқ таъбиаларини сотиб олиш	Сони			х
Дискетлар, флеш-картлар ва бошқа турдаги ахборот ташувчиларини сотиб олиш	2	119	2	119
Бошқа эхтиёт қисмлар, жиҳозлар ва буюмлар сотиб олиш				
Чизмачилик, канцелярия ва ёзув буюмлари ҳамда материалларини сотиб олиш харажатлари				
Бино ва иншоотларни тазминлаш учун тез эскирадиган буюмлар (пампочкалар ва ҳ.к.) сотиб олиш	100	421	100	421
Лифтлар ва механизмларни сақлаш учун эхтиёт қисмлар сотиб олиш				
ёзув машиналари, нусха кўчирувчи-ўқувчи техникалар учун материаллар ва бутловчилар				•
Тиббий, ўқув ва илимий, лаборатория буюмларини сотиб олиш				
Янгидан ташкил этилаётган ёки кенгайтирилётган муассасалар учун кам қийматли бир турдаги буюмларни (тарелкалар, ошхона идишлари ва б.) сотиб олиш				
ёнгинга қарши жиҳозлар сотиб олиш				

Курсаткичлар номи	2011 йил		Сметда ҳисобланган	*
	Муассаса томонидан ҳисобланган	Минг СЎМ		
тармоқ кибелларини сотиб олиш	сон	минг СЎМ	сон	*
маданият уйларида спектакллар кўриш учун декорациялар, костюмлар, париклар ва ҳ.к.лар учун материаллар сотиб олиш				
защитиш аппаратлари				
ўқув ва илмий мақсадлар учун лабораторий жиҳозлари ва буюмларини сотиб олиш				
болалар муассасаларида ўқинчолар сотиб олиш				
вадбиётлар, шу жумладан, мавзу-мотивома ва статистика				
ўқув ва илмий мақсадлар учун бarcha турдаги ҳужжатларни сотиб олиш				
ОТМ учун синф журналлари, бланклар, дипломлар, гувоҳномалар, талабалик гувоҳномалари, синов дафтарчалари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бюджет тақимлотлари учун меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш ҳаражатлари йўл ва автотранспорт рақамли белгилари				
гуллар ва кўчатлар сотиб олиш ҳаражатлари				
ҳужжатлик ва парфюмерия буюмларини сотиб олиш				
ювиш воситаларини сотиб олиш				

Кўрсаткичлар номи		2011 йил			
		Муассаса томонидан ҳисобланган		Сметада ҳисобланган	
Тармоқ кәбелларини сотиб олиш	сони	минг сўм	сони	к	
драматик, музикаий ва бадиий асарлар сотиб олиш					
Музей ва кўргазма экспонатлари					
илмий тадқиқот ишлари учун турли хил материаллар ва буюмлар сотиб олиш (реактивлар, кимёвий маҳсулотлар, қишлар, металллар, илмий ишлар учун дори-дармонлар, уруғлар, газламалар ва х.к.)					
Бошқа буюмлар (жиҳозлар) ва материаллар (асосий воситалар ва қозғалдан ташқари) сотиб олиш					
ЖАМИ:	к	540,0	к	540,0	

ОТМнинг IV гуруҳ харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарори доирасида Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

6.7. Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси

Ўзбекистонда, Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига¹ мувофиқ, ОТМлар ўз молиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадда:

- ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида ОТМларнинг Молия вазирлиги Ҳазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежалган маблағлар (капитал кўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

- ОТМ фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

- вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ўзга ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан ОТМга берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобидан ривожлантириш жамғармасини шакллантиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг маҳаллий бошқармалари транзит счётига тушаётган ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

Юқорида саналган манбалар ҳисобига қўшимча даромад олаётган ОТМлар 2015 йил 1 январгача² давлат бюджетига ундириладиган барча солиқлар ва йиғимлардан озод қилинади. Бунда бўшаган маблағлар ОТМнинг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон қарори 7-банди.

Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ОТМ томонидан фақат қуйидагиларга сарфланади:

- аввало, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга;
- бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;
- ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ОТМда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзи мавжуд бўлса, ОТМни ривожлантириш жамғармаси маблағлари тежаб қолинган бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзларни тўлашга (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотининг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзининг ОТМни ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

ОТМнинг харажатлар сметасига иловада назарда тутилган тегишли харажатлар тўланмаганлиги ва (ёки) харажатларнинг ҳар қайси гуруҳи бўйича белгиланган лимитларнинг ошиб кетганлиги муносабати билан пайдо бўлган эса, тўлиқ ҳажмда бюджетдан маблағ билан таъминланган тақдирда, ОТМни ривожлантириш жамғармаси маблағлари (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни тўлдирилгандан сўнг), аввало, харажатларнинг тўланмаган қисми ва белгиланган лимитларнинг ортиб кетган миқдори доирасида кредиторлик қарзларини узишга йўналтирилади.

ОТМда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарзи мавжуд бўлмаса, ОТМни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари (ҳомийлик ёрдами, беғараз ёрдам миқдори бундан мустасно) қуйидагича сарфланади:

- тушган барча маблағларнинг камида 75% товарлар (ишлар,

хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрнини тўлдиришга ва ўз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

– тушган барча маблағларнинг кўпи билан 25% ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ОТМга кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамидан олинган маблағларнинг барча суммаси, агар ҳомий билан махсус ўзгача ҳол келишилмаган бўлса, ОТМнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Тўлов-шартнома асосида таълим олишдан тушаётган маблағларни режалаштириш ва сарфлаш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида тўлов-шартнома шаклида таълим олиш ва тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга¹ мувофиқ амалдаги қонунчиликка риоя этган ҳолда тегишли харажатларни навбати билан молиялаштиришни таъминлаш орқали амалга оширилади.

ОТМларга тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилиш (бакалаврият, магистратура) Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тўлов-шартнома бўйича қабул квотаси доирасида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида қабул бўйича давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Республика ОТМларида иккинчи таълим олиш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» Қонунининг 14-моддасига, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва кейинги таълим олиш тартиби тўғрисидаги Низомга (21.08.2008 й. 1844-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ тўлов-шартнома асосида амалга оширилади.

ОТМга хорижий фуқароларни тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилиш (бакалаврият, магистратура) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитиш тартиби тўғрисида»ги (4.08.2008 й. ўз кучини йўқотган, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 4.08.2008 й. 169-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 6.08.1999 й. 795-сон билан рўйхатга олинган.

қарори амалда) ва давлатларо келишувларга ёки давлат комиссияси қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Тўлов-шартнома асосидаги таълим грантлари керакли мутахассисликларга эҳтиёжни қондириш ва тегишли таълимни олиш учун корхоналар, муассасалар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан ажратилади.

Корхоналар ва муассасалар тўлов-шартнома асосида таълим грантларини ажратишда ишлаб чиқариш ва бўлимлари фаолияти ихтисослашувига мос йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича кадрларга бўлган реал эҳтиёжларни эътиборга олишлари лозим.

Корхоналар ва муассасалар мутхассисликларга ўз эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили (1 апрелгача) олий таълим муассасалари мавжуд вазирликлар ва идораларга (нухаларини таълим муассасаларига) ҳар ўқув йили учун талаб этиладиган йўналишлар, мутахассисликлар сони кўрсатилган буюртмалар берадилар.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан абитуриентлар талабалikka (магистрантлар, ўқувчилар) қабул қилингандан кейин таълим муассасаси, буюртмачи ва абитуриент ўртасида тўлов-шартнома асосида уч томонлама шартнома тузилади.

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кирган жисмоний шахслар уларни ўқишга қабул қилган ОТМ билан икки томонлама шартнома туздиладар.

Шартномаларда томонларнинг мажбуриятлари ва зарурий қўшимча шартлар келишиб олинади.

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кираётган абитуриентлар ОТМ бўйича тегишли шартнома расмийлаштирилган ва юридик ёки жисмоний шахс томонидан ўқиш учун тўловларнинг (тўлиқ ёки ўрнатилган миқдорнинг камида 50%) 15 сентябргача тўланганлиги тасдиқлангандан кейин талабалikka қабул қилинадилар. Таълим олиш қиймати Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан белгиланади.

Сиртдан таълим тўловлар ҳажми кундузги таълим шакли қийматининг 60% миқдорида белгиланади.

Энг кам иш ҳақи ёки тарифлар миқдори ўзгарган ҳолларда тегишлича таълим олиш вақтининг қолган қисми учун тўловлар суммаси

ҳам ўзгаради. Бунда шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Таълим учун тўлов жисмоний ёки юридик шахс (буюртмачи) томонидан тўлиқ ёки қисман (белгиланган миқдорнинг камида 50% миқдорида), аммо шартномада белгиланган муддатда бир йилда 2 мартагача амалга оширилади.

Таълим олиш учун тўловларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Талабалар ички тартиб-қоидаларни, ўқув интизомини бузганлиги ва академик ўзлаштирмаганлиги, шунингдек, шартнома шартларини бажармаганлиги учун талабалар сафидан чиқарилган ҳолларда олдин тўланган тўловлар қайтарилмайди. Талабанинг асосли сабабга кўра шахсий ташаббуси билан таълим олиш тўхтатилган ҳолларда эса ОТМ олдин тўланган суммадан ҳақиқатда таълим олинган муддат учун амалга оширилган харажатлар айириб ташланган қисминигина қайтаради.

Тўловлар бир нафар талабани ўқитиш харажатларини тўлиқ қоплаш миқдорида ҳар бир ўқув йили учун таълим шакли, йўналиши ва мутхассислиги (бакалаврият йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, иккинчи таълим-олиш бўйича, мамлакат ОТМларида ҳорижлик фуқароларни ўқитиш) бўйича алоҳида белгиланади.

Талабалар ҳар йили 1 августга қадар кейинги ўқув йили учун амалга оширилиши зарур тўлов миқдорлари тўғрисида хабардор қилинади.

Талабанинг (магистрант) таълим олиши учун тўловларни амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс тўлов қобилиятини йўқотган ҳолларда бошқа буюртмачи ёхуд жисмоний шахс таълим муассасаси билан шартномани қайта расмийлаштириш ҳукукига эга.

Тўлов-шартнома асосида кадрлар тайёрлаш учун тўланаётган маблағлар таълим муассасаси даромадларига қўшилади ва тўлов-шартнома асосида ўқиётган талабаларни (магистрлар) ўқитиш, муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини жиҳозлар билан таъминлаш, асбоб-ускуналар, юмшоқ буюмлар сотиб олиш, кутубхона фондини тўлдириш, «Маънавият ва маърифат» тадбирларини, «Универсиада» спорт мусобақаларини, «Ниҳол» ижод фестивалини ўтказиш, шунингдек, «Истеъдод» жамғармаси бўйича

хорижий ОТМларда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришга сарфланади.

ОТМларни молиялаштиришнинг яна бир муҳим қўшимча манбаи ташқи иқтисодий фаолият ҳисобланади, ушбу фаолият объектларига қуйидагилар киради:

– ўқув жараёни – давлат таълим стандартлари, дастурлари доирасида таълим хизматларини кўрсатиш (турли ташкилий-ҳуқуқий мулкчилик шаклига эга корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан мутахассислар тайёрлаш бўйича шартномалар тузиш; шартнома асосида хорижлик талабаларни ўқитиш; қўшимча таълим дастурлари, махсус курслар ва кадрлар тайёрлаш цикллари; тайёрлов курслари; давлат таълим стандартлари доирасидан ташқари маслаҳат хизматлари);

– тадқиқотчилик фаолияти – илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш хизматлари (турли ташкилотлар, корхоналар билан биргаликда олиб бориладиган фаолият, фойдаланилмаётган илмий асбоб-ускуналарни сотиш);

– тадбиркорлик фаолияти (ижара, сотиб олинган товарлар, жиҳозлар савдоси, бошқа муассасалар фаолиятида қатнашиш, акциялар, облигациялар ва бошқа турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ва улар бўйича даромад олиш ҳамда даромад келтирувчи бошқа операциялар);

– ташқи иқтисодий фаолият (иш юзасидан ўрнатиладиган алоқалар, биргаликда илмий фаолият олиб бориш);

– наشريётчилик фаолияти;

– ахборот билан таъминлаш ва хўжалик фаолияти (адабиётларни топиш, улардан нусха кўчириш бўйича кутубхона хизматлари, китобни йўқотганлик ва муддатидан ортиқ фойдаланганлик учун пенялар, ўқитувчилар, ходимлар, талабаларга турли хўжалик хизматларини кўрсатиш; ОТМ уй-жой фонди ва ётоқхонларда кўрсатиладиган хизматлар);

– корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, хайрия жамғармалари, васийлик кенгашлари, битирувчилар уюшмаси, хайрия асосида реал молиявий ёрдам кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи бошқа жамоат ташкилотларининг хайрия бадаллари.

ОТМлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга (19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тузадилар ва тасдиқлайдилар. Бунда ОТМлар томонидан бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумлар ва харажатларни режалаштириш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

ОТМни ривожлантириш жамғармаси бўйича сметалар Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши мажбурий эмас.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметада бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумлар миқдори уларнинг шаклланиш манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда келтирилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметанинг даромадлар қисмига амалдаги қонунчиликка мувофиқ барча манбалардан кутилаётган тушумлар ҳамда молия йилининг бошидаги маблағларнинг қолган қисми қўшилади.

Ходимларнинг муайян қисмини бюджетдан ташқари маблағлар сметаси ҳисобидан сақлаш лозим бўлган ҳолларда сметага 2157-сон қарорда назарда тутилган тартибда тузилган штатлар жадвали илова қилинади.

Таълим муассасалари ҳар чоракда кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигида белигиланган тартибда юқори турувчи вазирликлар ва идораларга тўлов-шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш учун тўланадиган маблағлар бўйича харажатлар сметасининг ижроси тўғрисида ҳисоботлар топширадилар.

Вазирликлар ва идоралар Молия вазирлигига тасдиқланган шаклда ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари учун белгиланган муддатларда ҳисобот топширадилар.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Олий таълим босқичларини санаб ўтинг.
2. Бакалаврият ва магистратура таълими бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?
3. ОТМ харажатларини молиялаштириш манбаларини айтинг.
4. Олий таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси қандай

шаклланади?

5. ОТМлар харажатларини жон бошига молиялаштириш механизмини қўллаш шароитларида режалаштириш хусусиятларини гапириб беринг.

6. ОТМларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблашда харажатларни режалаштириш хусусиятлари нималардан иборат?

7. Талабаларнинг ўртача йиллик сони қандай аниқланади?

8. ОТМ ходимлар штати қандай ҳисобланади?

9. ОТМлар харажатларини рағбатлантирувчи компенсацияловчи устамалар белгилаш шароитида режалаштириш хусусиятлари нималардан иборат?

10. ОТМлар харажатларини рағбатлантирувчи компенсацияловчи қўшимча тўловлар белгилаш шароитида режалаштириш хусусиятларини айтиб беринг.

11. ОТМда штатдаги ходимлар ва ўриндошлар учун соатбай ҳақ тўлаш хусусиятлари нималардан иборат?

12. ОТМларда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган IV гуруҳ харажатларини ҳисоблашда харажатларни режалаштириш хусусиятларини гапиринг.

13. ОТМларда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар қандай шаклланади?

14. ОТМлар томонидан бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш тартибини тавсифлаб беринг.

15. Олий ўқув юрти бўйича стипендия жамғармаси қандай ҳисобланади?

16. Ўзбекистон Республикасида жон бошига молиялаштиришга ўтказилмаган ОТМларни сананг.

17. ОТМ ходимлари меҳнатига қўшимча тўловлар белгиланадиган иш турларини айтиб беринг.

18. Олий таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўналишларини кўрсатинг.

19. Олий таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси бўйича сметалар Молия вазирлигида мажбурий рўйхатдан ўтказиладими?

20. Қайси ҳужжат профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини меъёрлаштириш асоси ҳисобланади?

21. Профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан индивидуал иш режаси қайси соатлар ҳажмидан келиб чиқиб тузилади?
22. ОТМ профессор-ўқитувчиларининг умумий сони қандай аниқланади?
23. ОТМ профессор-ўқитувчи ходимлар лавозимларининг сонини ҳисоблаш қандай амалга оширилади?
24. Нима профессор-ўқитувчилар таркибининг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини ҳисоблаш учун асос бўлади?
25. Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари нимага боғлиқ ҳолда табақалаштирилади?
26. ОТМлар раҳбарларининг базавий лавозим маошлари қандай аниқланади?
27. ОТМлар ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари нималардан иборат?
28. ОТМлар ректорларини рағбатлантириш мезонларини айтинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий:

Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. – Тошкент: InfoCOM.UZ, 2010.

Норматив ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 29.08.1997 й. 464-1 сон Қонуни.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 й. 463-1 сон Қонуни билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-926-сон қарори.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.09.1999 й. 414-сон қарори билан тасдиқланган).

Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асоси-

да ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.02.2006 й. 20-сон қарори билан тасдиқланган*).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ғи 1.08.2008 й. 164-сон қарори.

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.08.2008 й. 164-сон қарорига 4-илова*).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида»ғи 24.05.1994 й. 266-сон қарори (*2008 йил 4 августдан ўз кучини йўқотган*). Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ғи 4.08.2008 й. 169-сон қарори амалда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ғи 13.06.2011 й. 172-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.06.2011 й. 172-сон қарори билан тасдиқланган*).

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида тўлов-шартнома шаклида таълим олиш ва тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом (*Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 6.08.1999 й. 795-сон билан рўйхатга олинган*).

Олий таълим тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 22.02.2003 й. 1222-сон билан рўйхатга олинган*).

Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида Низом (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 6.08.2010 й. 2136-сон билан рўйхатга олинган*).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган*).

Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (5.01.2011 й. 2176-сон билан рўйхатга олинган) 2011 йил 17 ноябрдан ўз кучини йўқотди. 2012 йил 8 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 29.08.2012 й. 2386-сон билан рўйхатга олинган олий таълим муассасаларида «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари» амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 10.04.2012 й. 36, 147-сон қарори.

Иловалар

6.2-илова¹

_____ йил учун рўйхатдан ўтказилди
_____ да
_____-сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси
» _____ 20 _____
йилдан _____
(имзо) _____

(имзо) _____

_____ минг сўм миқдорда
тасдиқланган
(сумма ёзув ва рақам билан)

жумладан, иш ҳақи _____
минг сўм
(сумма ёзув ва рақам
билан)

Маблағларни бош тақсимловчи

(имзо) _____

» _____ 20 _____ йил

ЙИЛ УЧУН БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА ДА- РОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Ташкилотнинг тўлиқ номи _____

Тўлиқ манзили _____

Индивидуал (умумий)

Бюджет даражаси _____

Бўлим _____

Кичик бўлим _____

Боб _____

Ўлчов бирлиги _____

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга 3-илова (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 29.10.2010 й. 92-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2010 й. 2157-сон билан рўйхатга олинган).

_____ Өлм

Дароматтар номи ёки тушуллар турми	_____ йил учун тушуллар	Тасдиқланган			
		жумладан, чоралар бўйича			
		I	II	III	IV
— янароҳ ҳолатига — қолдиқ					
Жами дароматлар					
Шу жумладан:					
.....					
.....					
.....					
Қолдинини қисобга олган ҳолда жами дароматлари					

Харажатлар моддалари номи	Тонфа	Модда ва кичик модда	Элемент	йил учун ҳақиқий харажатлар	йил _____ йил _____			
					тасдиқланган			
				жами	I	II	III	IV
I гуруҳ харажатлари – иш ҳами ва унга тенглаштирилган тўловлар								
I гуруҳ харажатлари бўйича жами								
II гуруҳ харажатлари – иш бериувчиларнинг ажратмалари								
II гуруҳ харажатлари бўйича жами								
IV гуруҳ харажатлари – бошқа харажатлар (иловага мувофиқ)								
Бошқа даромадлар жами								
Жами:								

Ташкилот раҳбари _____ (ИМЗО)
 Бош бухгалтер _____ (ИМЗО)

М.Ў.

**Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасига
ИЛОВА**

**Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича «Бошқа харажатлар» бўйича IV гуруҳ харажатлари
ёйилмаси**

Харажатлар моддалари номи	Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент	Тасдиқланган				
				жами	Жумладан, чораклар бўйича			
					I	II	III	IV
IV гуруҳ харажатлари – бошқа харажатлар								
Бошқа харажатлар – жами								
жумладан:								

381

Ташкилот раҳбари _____
(имзо)

Молия-иқтисод бўлими бошлиғи _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.

7-БОБ. ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАРОМАДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ТОПШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

7.1. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари томонидан бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари даромадлардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш ва топшириш қоидалари

Олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги бюджет муассасалари (кейинчалик ташкилотлар) Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларга (27.08.2011 й. 2270-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари даромадлардан фойдаланиш тўғрисида ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботлар тайёрлашади ва тақдим этишади

Ҳозирги вақтда аксарият республика бюджети, Қорақалпоғистон бюджети ва маҳаллий бюджетларда турувчи олий ва ўрта махсус таълим тизими муассасалари бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари даромадлардан фойдаланиш бўйича бухгалтерия ҳисобини «ЎзАСБО» автоматлаштирилган дастурий мажмуасини қўллаш ёрдамида олиб бормоқда. ЎзАСБО Молия вазирлиги АҲМ томонидан веб-технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқилган.

ЎзАСБО Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (22.12.2010 й. 2169-сон билан рўйхатга олинган) ва бошқа бюджет ҳисоби ва ҳисоботи бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. ЎзАСБО «Ғазначилик-4» дастурий мажмуаси (кейинчалик «Ғазначилик-4») билан ўзаро мувофиқлаштирилган (синхронлаштирилган) бўлиб, юқорида қайд этилган дастурий мажмуалар ўртасида қуйидаги жорий ва даврий ахборотлар билан алмашишни амалга оширади:

- ташкилотларнинг аниқлаштирилган сметалари;
- ташкилотларнинг «Ғазначилик-4» дастурий мажмуасида очилган шахсий счётларидан кўчирмалар;

– ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва молиявий мажбуриятлар (рўйхатга олинган шартномалар ва тўланган тўлов топшириқномалари);

– бошқа зарур маълумотлар ва ахборотлар билан алмашиш.

ЎзАСБО «Ғазначилик-4» дастурий мажмуасидан олинган маълумотлар асосида барча бюджет объектлари бўйича бухгалтерия ҳисоби операцияларини амалга оширади. Ташкилотлар ЎзАСБОнинг ягона базасида сақланадиган ва тегишли бухгалтерия регистрларида ҳисобга олиннадиган маълумотлар асосида юқори турувчи ёки тегишли молия органлари учун молиявий ҳисоботларни тузадилар.

ЎзАСБОни қўллаш ташкилотларга қуйидагиларга эришиш имконини беради:

– электрон тўлов топшириқномаларини жорий этиш ва уларни электрон рақамли имзони (ЭРИ) қўллаш орқали тўлашни амалга ошириш (ахборотли ҳимоя воситаларини қўллаш ёрдамида);

– давлат харидлари тизимида электрон савдо механизмларини жорий этиш учун шартномалар лойиҳаларини киритиш;

– ҳужжатларни қоғоз шаклида тақдим этмасдан электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ бошқа операцияларни амалга ошириш ва ҳ.к.

Ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларга¹ мувофиқ қуйидаги ҳисоботларни тузишади:

– йиллик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январь ҳолатига;

– чораклик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига.

Бундан ташқари, ташкилотлар сет, штат ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклларга мувофиқ тузадилар ва топширадилар.

Бунда йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар касса ва ҳақиқий харажатлар бўйича тузилади.

Ташкилотлар томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 27.08. 2011 й. 2270-сон билан рўйхатга олинган.

- баланс (1-шакл, 9.1-илова);
- харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл, 9.2-илова);
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот (9.3-илова);
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот (9.4-илова);
- тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот (9.5-илова);
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (9.6-илова);
- бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот (10.7-илова);
- номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (5-шакл, 10.8-илова);
- қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда товарлар (хизматлар, ишлар) ишлаб чиқариш ва сотиш, тегишли молия органларига молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл) тақдим этиш.¹

Ташкилотлар томонидан топшириладиган чораклик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

- баланс (1-шакл);
- харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл);
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот;
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот.

Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметаси ижроси жараёнига таъсир қилган асосий омиллар; бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилиш сабаблари (агарда иқтисод қилинган бўлса); дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғига 2-илова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 24.01.2003 й. 1209-сон билан рўйхатга олинган.

вакти; муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича кўрилган чоралар; қонунчиликка мувофиқ ташкилотларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисида маълумотлар; ҳисобот даврида кириш қилинган ва сарфланган қоғоз тўғрисидаги маълумотлар, камомати аниқланган ҳамда ўғирланган пул маблағлари ва бошқа товар-моддий бойликлар суммаси ва ҳисоботлар билан боғлиқ бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларини (жумладан, тугалланмаган қурилиш ва ўрнатиладиган асбоб-усуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиқ берилди.

Тушунтириш хати ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс) ҳамда молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ ҳолда режа-иқтисод бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ва ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисобот шаклларидаги барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Ташкилотларда тегишли активлар, пасивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда ушбу модда устидан қизиб қўйилади.

Ташкилотлар молиявий ҳисоботларни (жамланма ҳисоботлардан ташқари) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 308-сон шаклдаги «Бош-журнал китоби» ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузадилар.

Молиявий ҳисоботлар шаклларининг манзил (уст) қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

– «Ташкилот номи» реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;

– «Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизитида ташкилот бюджет таснифининг вазифавий ва ташкилий жиҳатдан бўлиниши кўрсатилади;

– «Ҳисобот даври» реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;

– «Бюджет тури» реквизитида ташкилот томонидан Ўзбекистон

Республикаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаи ва ташкилот тақдим этадиган ҳисобот бўйича бюджетлар даражаси кодлари кўрсатилади;

– «Ўлчов бирлиги» реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

Ташкилотлар жамлама молиявий ҳисоботларни ўзлари кўриб чиққан тасарруфидаги қуйи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда ўзининг харажатлар сметаси бўйича молиявий ҳисоботлари асосида тузади. Молиявий ҳисоботлар қоида тариқасида ўсиб боровчи тартибда битта ўн хонали сонда минг сўм ҳисобида тузилади. Агар молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари манфий қолдиқ билан чиқса, у ҳолда, кўрсаткичлар ҳисоботларда «минус» белги билан акс эттирилади.

Қонунчиликка мувофиқ асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисобкитоблар ва баланснинг бошқа моддаларини инвентаризациядан ўтказишлари шарт.

Баланс (1-шакл) ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорасидан кейин келадиган ойнинг 10-кунигача (қоидаларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно) тақдим этилади. Баланс (1-шакл)ни тузишдан олдин барча мавжуд мемориал ордерлар билан расмийлаштирилган бухгалтерия проводкаларини дастлабки ҳужжатларга мувофиқ ҳолда тўғри тузилганлиги ҳамда «Бош-журнал китоби» (308-шакл)га тўғри ёзилганлиги, субсчётлар бўйича ойлик айланмалар ва ҳисобот даври охирига «Бош-журнал китоби» (308-шакл) бўйича қолдиқлар тўғри ҳисобланганлиги текшириб чиқилади.

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорасидан кейин келадиган ойнинг 10-кунигача (қоидаларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно) тақдим этилади.

Ташкилотлар мазкур ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагиларни текшириб чиқишлари лозим:

– тасдиқланган харажатлар сметаларига белгиланган тартибда кiritилган ўзгартиришларнинг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 294-сон шаклдаги касса ва ҳақиқий хара-

жатларни ҳисобга олиш дафтарига (кейинги ўринларда – 294-шакл дафтари) тўғри ёзилганлигини;

– ҳисобот даври учун бюджетдан молиялаштирилган (тўланган) маблағлар тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ ҳолда (киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб) амалга оширилганини (тегишли мемориал ордерлар, 294-шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

– ҳисобот чорагида амалга оширилган касса харажатларининг (ғазначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларнинг) тўғрилигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

– ҳақиқий харажатларнинг ҳисоб регистрларига тўғри ёзилганлигини (тегишли мемориал ордерлар ва 294-шакл дафтари маълумотлари асосида).

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари *тўғрисида маълумот* ташкилот томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейин келадиган ойнинг 10-қунигача (қоидаларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно) тақдим этилади.

Мазкур маълумот ташкилотнинг ҳисобот даври охирига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейин келадиган ойнинг 10-қунигача (қоидаларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно) тақдим этилади.

Мазкур ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳисобот даври мобайнида фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадларни, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамлар ҳисобидан тушган тушумларни, шунингдек, тежаб қолинган ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилган бюджет маблағлари ҳаракатини акс эттириш учун тузилади.

Мазкур ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар:

– ҳисобот чораги мобайнидаги фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишга, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришга, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамларига, шунингдек, ҳисобот чорагининг охириги иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағларига доир дастлабки ҳужжатлар тўлиқлигини;

– (шахсий) ҳисоб варақлардан олинган кўчирмалар ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари тўғрилигини текшириб чиқадилар.

Таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейин келадиган ойнинг 10-кунигача (қоидаларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно) тақдим этилади.

Ушбу ҳисобот таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган. Таълим муассасалари ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагилар тўғрилигини текшириб чиқадилар:

– ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

– таҳлилий ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларига мувофиқлигини;

– тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри ёзилганини.

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур қоидаларда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Ҳисобот қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари (4 002 0 0);

– ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси (4 004

0 0);

– мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (4 005 0 0);

– мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (муסיқа ва санъат мактаблари) (4 006 0 0);

– ходимлардан улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар (4 007 0 0);

– мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (4 008 0 0);

– ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари (4 010 0 0);

– умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар (4 011 0 0);

– капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар (4 012 0 0);

– тургун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар (4 013 0 0);

– бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови (4 015 0 0);

– бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари (4 999 0 0);

– грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари;

– кредитлар (6 000 0 0).

Ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар қуйидагиларни текширадилар:

– ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

– ҳисоб рақамлардан олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот ташкилот томонидан ҳисобот йили учун тақдим этиладиган баланс билан бирга топширилади. Мазкур ҳисобот ташкилотнинг жорий йил якуналари бўйича молиявий фаолияти натижаси, яъни ҳар бир даромад (тушум)ларнинг турларини мазкур даромадлар (тушумлар) ҳисобидан амалга оширилган харажатлар билан солиштириш натижаси бўйича

маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот ташкилот томонидан ҳисобот йили учун тақдим этиладиган баланс билан бирга топширилади. Мазкур ҳисобот ташкилотнинг ҳисобот йили мобайнидаги номолиявий активлари (асосий воситалари, номоддий активлари ва товар-моддий захиралари) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

Мазкур ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

- бюджет маблағлари ҳаракати бўйича счетлардан банк кўчирмаларининг тўлиқлигини;
- счетлардан (шахсий счетлардан) ўтказилган (амалга оширилган тўловлар) маблағларнинг тўғрилиги ва асосланганлигини;
- тегишли ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини (294-шакл дафтари ва касса харажатларида амалга оширилган жорий счетлар ва ҳисоб-китоб шакллари 292-шакл дафтари).

Юкори турувчи ташкилотга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Марказлаштирилган бухгалтерияда молиявий ҳисоботлар у ташкил этилган ташкилот раҳбари томонидан ҳамда марказлаштирилган бухгалтериянинг бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг Молия вазирлиги ҳамда ҳудудий молия органларига тақдим этиладиган жамлама молиявий ҳисоботлари тегишли равишда мазкур бошқарув идораларининг ваколатли раҳбари ва ушбу идораларнинг бухгалтерия хизматлари раҳбарлари (бош бухгалтери) томонидан имзоланади. Вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) муҳрларисиз ҳамда юкорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг имзоларисиз молиявий ҳисоботлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Республика бюджетида турадиган ташкилотлар молиявий ҳисоботларни Молия вазирлигининг тегишли буйруқларига мувофиқ белгиланган муддатларда вазирликка тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар бюджетларида турадиган ташкилотлар молиявий ҳисоботларни тегишли вазирлик ва идораларга, ҳокимликлар бошқармаларига

(бўлимларига) улар томонидан белгиланган, лекин қондалар билан ўрнатилган муддатлардан кеч бўлмаган муддатларда тақдим этадилар.

Ташкилотлар тегишли молия органларига улар томонидан белгиланган, лекин белгиланган муддатлардан кеч бўлмаган муддатларда жамлама молиявий ҳисоботларни тақдим этадилар. Муддатлар тегишли бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг юқори турувчи молия органига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарорига мувофиқ, молия йилига қўшимча вақт этиб белгиланган давр мобайнида операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун молиявий ҳисоботларни топширишнинг алоҳида муддатлари Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Республика бюджетига турадиган ташкилотлар юқори идораларга ҳисоботларни бўйсунушига қараб улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари чораклик жамлама молиявий ҳисоботларни ҳисобот давридан кейин 25 кундан кечиктирмасдан, йиллик молиявий ҳисоботларни эса ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 20 февралидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатилган муддатлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан чораклик ва йиллик жамлама молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг табақалаштирилган муддатларини белгилайди.

Молиялаштирилиши (харажатларининг тўланиши) йил давомида бир бюджетдан бошқасига ўтказилган ёки бир вазирлик (идора) тасарруфидан бошқасига ўтказилган ташкилотларда ўтказиш санасига молиявий ҳисобот (йиллик ҳисобот шакллари ҳажмида) тузилади ҳамда у илгариги ва ҳозирги юқори турувчи идораларга тақдим этилади. Келгусида ҳисобот фақат янги юқори турувчи идорага тақдим этилади.

Ташкилотлар учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддат ишламайдиган кунга тўғри келган тақдирда ҳисобот ишламайдиган кун арафасидаги сўнгги иш

қунида топширилади

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчилар томонидан, ҳисоботлар белгиланган муддатда топширилмаган тақдирда, Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари бюджет маблағларини олувчилар раҳбарларини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бюджетдан молиялаштиришни (тўлашни) чеклашлари, зарур ҳолларда эса тўхтатиб қўйишлари мумкин.

Молиявий ҳисоботларда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Ҳисоботларда хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлайдилар. Молиявий ҳисоботларга киритилган барча тузатишлар ҳақида уларни юқори турувчи ташкилот томонидан текшириш ва тасдиқлашда мазкур молиявий ҳисоботлар тақдим этилган барча манзилларга мажбурий тартибда хабар қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- зарур ҳолларда молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотлар юзасидан тушунтиришлар талаб қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларини ҳамда уларнинг ҳужжатлар билан асосланганлигини, шунингдек, тафтиш далолатномалари ва ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш материалларини жойида кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари молиявий ҳисоботларда номувофиқликлар ва ноаниқликлар мавжуд бўлганда ўз эътироз ва таклифларини тегишли ташкилотларга улар қабул қилинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан хабар қилади.

ИЛОВАЛАР

7.1-илова

1-шакл

БАЛАНС

20 __ йил 1 _____ ҳолатига

Ташкилот _____

Ҳисобот даври: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь

Бюджет тури _____

Ўлчов бирлиги _____

АКТИВ	Қатор коди	Йил бошига	Йил (чорақ) охирига
1 БЎЛИМ. НОМОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР			
1-§. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар			
Асосий воситалар			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (010, 011, 012, 013, 015, 018, 019-субсчётлар)	010		
Эскириш суммаси (020, 021, 022, 023, 025, 029-субсчётлар)	011		
Қолдиқ (баланс) қиймати (010 қатор – 011 қатор)	012		
Номоддий активлар (030-субсчёт)	020		
Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар – жами (012 + 020 қаторлар)	030		
2-§. Ноишлаб чиқариш активлари			
Ерни ободонлаштириш (040-субсчёт)	040		
3-§. Товар-моддий захиралар			
Тайёр маҳсулот (050-субсчёт)	050		
Қурилиш материаллари (060-субсчёт)	060		
Озиқ-овқат маҳсулотлари (061-субсчёт)	061		
Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари (062-субсчёт)	062		
Инвентарь ва хужалик жиҳозлари (063-субсчёт)	063		
Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари (064-субсчёт)	064		
Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари (065-субсчёт)	065		

Бошқа товар-моддий захиралар (069-субсчёт)	066		
Товар-моддий захиралар – жами (050 + 060 + 061 + 062 + 063 + 064 + 065 + 066 қаторлар)	070		
4-5. Номолиявий активларга қўйилмалар			
Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар (070-субсчёт)	080		
Тугалланмаган қурилиш (071-субсчёт)	081		
Асосий воситаларга бошқа харажатлар (072-субсчёт)	082		
Номоддий активларга харажатлар (080-субсчёт)	090		
Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар (090-субсчёт)	100		
Товар-моддий захираларга бошқа харажатлар (091-субсчёт)	101		
Номолиявий активларга қўйилмалар – жами (080 + 081 + 082 + 090 + 100 + 101 қаторлар)	110		
I БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ (030 + 040 + 070 + 110 қаторлар)	120		
II БЎЛИМ. МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР			
Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари (100-субсчёт)	130		
Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари (101-субсчёт)	131		
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар (110-субсчёт)	140		
Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар (111-субсчёт)	141		
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари (112-субсчёт)	142		
Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар (113-субсчёт)	143		
Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар (114-субсчёт)	144		
Валюта ҳисоб варағи (115-субсчёт)	145		
Бошқа ҳисоб варақлардаги пул маблағлари (119-субсчёт)	146		
Миллий валютадаги нақд пул маблағлари (120-субсчёт)	150		
Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари (121-субсчёт)	151		
Аккредитивлар (130-субсчёт)	160		
Йўлдаги пул маблағлари (131-субсчёт)	161		
Пул эквивалентлари (132-субсчёт)	162		

Депозитга қўйилган пул маблағлари (140-субсчёт)	170		
II БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ (130 + 131 + 140 + 141 + 142 + 143 + 144 + 145 + 146 + 150 + 151 + 160 + 161 + 162 + 170 қаторлар)	180		
III БЎЛИМ. ДЕБИТОРЛАР			
Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар (150-субсчёт)	190		
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар (152-субсчёт)	191		
Сугурта бўйича тўловлар (154-субсчёт)	192		
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар (156-субсчёт)	193		
Бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (159-субсчёт)	194		
Бюджетта тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар (160-субсчёт)	200		
Ягона иқтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар (161-субсчёт)	201		
Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар (162-субсчёт)	202		
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар (163-субсчёт)	203		
Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар (169-субсчёт)	204		
Камомадларга доир ҳисоб-китоблар (170-субсчёт)	210		
Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар (172-субсчёт)	211		
Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар (175-субсчёт)	212		
Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар (179-субсчёт)	213		
Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар (180-субсчёт)	220		
III БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ (190 + 191 + 192 + 193 + 194 + 200 + 201 + 202 + 203 + 204 + 210 + 211 + 212 + 213 + 220 қаторлар)	230		
БАЛАНС (120 + 180 + 230 қаторлар)	240		
ПАССИВ	Қатор коди	Йил бошига	Йил охирига (чорақ)
IV БЎЛИМ. КРЕДИТОРЛАР			

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар (150-субсчёт)	250		
Харидор ва буортмачилар билан ҳисоб-китоблар (152-субсчёт)	251		
Сугурта бўйича тўловлар (154-субсчёт)	252		
Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар (155-субсчёт)	253		
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар (156-субсчёт)	254		
Бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар (159-субсчёт)	255		
Бюджетта тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар (160-субсчёт)	260		
Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар (161-субсчёт)	261		
Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар (162-субсчёт)	262		
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар (163-субсчёт)	263		
Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар (169-субсчёт)	264		
Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар (171-субсчёт)	270		
Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар (172-субсчёт)	271		
Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар (173-субсчёт)	272		
Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар (174-субсчёт)	273		
Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар (175-субсчёт)	274		
Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар (176-субсчёт)	275		
Депонентланган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар (177-субсчёт)	276		
Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар (179-субсчёт)	277		
Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар (180-субсчёт)	280		
III БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ (250 + 251 + 252 + 253 + 254 + 255 + 260 + 261 + 262 + 263 + 264 + 270 + 271 + 272 + 273 + 274 + 275 + 276 + 277 + 280 қаторлар)	290		

IV БЎЛИМ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР		
Бюджет маблағлари бўйича харажатлар (231-субсчёт)	300	
Бюджетдан молиялаштириш (232-субсчёт)	301	
Бюджет маблағлари бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа (301 – 300 қаторлар)	302	
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобиغا амалга оширилган харажатлар (241-субсчёт)	310	
Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари (242-субсчёт)	311	
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа (311 – 310 қаторлар)	312	
Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар (251-субсчёт)	320	
Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар (252-субсчёт)	321	
Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа (321 – 320 қаторлар)	322	
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар (261-субсчёт)	330	
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар (262-субсчёт)	331	
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа (331 – 330 қаторлар)	332	
Бошқа даромадлар бўйича харажатлар (271-субсчёт)	340	
Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар (272-субсчёт)	341	
Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар (273-субсчёт)	342	
Бошқа даромадлар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа (341+342 – 340 қаторлар)	343	
Яқуний молиявий натижа (351 + 352 + 353 + 354 + 355 + 356 қаторлар)	350	
Бюджет маблағлари бўйича яқуний молиявий натижа (280-субсчёт)	351	

Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа (281-субсчёт)	352		
Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблаглари бўйича якуний молиявий натижа (282-субсчёт)	353		
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблаглари бўйича якуний молиявий натижа (283-субсчёт)	354		
Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа (284-субсчёт)	355		
Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар (285-субсчёт)	356		
IV БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ (302 + 312 + 322 + 332 + 343 + 350 қаторлар)	360		
БАЛАНС (290 + 360 қаторлар)	370		
V БЎЛИМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР			
Ижарага олинган асосий воситалар (01)	380		
Масъул сақлашга олинган товар-моддий бойликлар (02)	381		
Қаъбий ҳисобот бланклари (04)	382		
Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг қарзлари ҳаражатга чиқазилиши (05)	383		
Марказлаштирилган таъминот бўйича тўланган моддий бойликлар (06)	384		
Ўқувчилар ва талабаларнинг қайтарилмаган моддий бойликлар бўйича қарзлари (07)	385		
Кўчма спорт совринлари ва кубоклари (08)	386		
Тўланмаган йўлланмалар (09)	387		
Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари (10)	388		
Ҳарбий техникаларнинг ўқув предметлари (11)	389		
Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари (12)	390		

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.

_____ 20__ йил

Баланс (1-шакл)га ИЛОВА

20__ йилнинг 1 январь ҳолатига
субсчётлар бўйича амалга оширилган якуний ёзувлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Субсчётлар	_____ йил		Субсчётлар бўйича якуний ёзувлар									
	1 январь ҳолатига қолдиқ (якуний ёзувларга кадар)		230-суб-счёт		240-суб-счёт		250-суб-счёт		260-суб-счёт		270-суб-счёт	
	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т
231		х										
232	х											
241		х										
242	х											
251		х										
252	х											
261		х										
262	х											
271		х										
272	х											
273	х											
Жами												
Қолдиқ												

Раҳбар _____

(____)

Бош бухгалтер _____

(____)

М.Ў.

_____ 20__ йил

Харажатлар сметасининг ичроси ҳақида
ҲИСОБОТ

20__ йил _____ ҳолатига

Ташкилот _____

Бўлим _____ кичик бўлим _____ боб _____

Ҳисобот даври: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь ҳолатига

Бюджет тури _____

Ўлчов бирлиги: _____

Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент	Харажатлар номи	Қатор коди	Тасдиқланган (аниқланган) режа	Ҳисобот даври учун молиялаш-тирилган	Касса харажати жами	Ҳақиқий харажатлар жами
А			Б	1	2	3	4	5
х	х	х	Тезаб қолинган ва Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган маблағлар					
			Харажатларнинг ҳаммаси					

Раҳбар _____

(_____)

Бош бухгалтер _____

(_____)

М.Ў.

_____ 20__ йил

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т

20 ____ йил _____ ҳолатига

Ташкилот _____

Ҳисобот даври: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь ҳолатига

Бюджет тури _____

Улнов бирилиги: _____

Т/р	Харажат модаласи	Харажат номи	Жами қарз-дорлик	Шундан		Шундан муқаддими ўтган қарздорлик – жами	Шу жумладан		Шундан республика ташқарисида	Изоҳ
				бюджет ҳисобидан	бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан		бюджет ҳисобидан	бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан		
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИК:										
	1-гuruh бунча жами	Иш ва унга тенглаш-тирилган туловлар								
	2-гuruh бунча жами	Иш ҳақиқа гушмичалар								
	...									

КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИК:

1-группа буйича жами	Иш ва унга тенглаштирилган туловлар								
...									
2-группа буйича жами	Иш хайрига қўшимчалар								
...									
3-группа буйича жами	Капитал қўйилмалар								
...									
4-группа буйича жами	Бошқа ҳаракетлар								
...									
	Харажатлар гуруҳлари буйича жами:								
	Бюджет ташкилотининг иштирокида вақтинча буладиган маблағлар юзасидан ҳисоб-китоблар буйича								
	Туловларнинг махсус туралирига доир ҳисоб-китоблар буйича								
	Бюджетга туловлар буйича бюджет билан ҳисоб-китоблар буйича (1- ва 4-группада кўрсатилганларидан ташқари)								

	Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан хисоб-китоблар бўйича (1-, 2- ва 4-руҳларда кўрсаткичларидан ташқари)								
	Талабалар билан тулов-контракт маблаглари юзасидан хисоб- китоблар бўйича								
	Юқори ва кўчи ташкилотлар ўртақдаги бошқа хисоб- китоблар бўйича								
	Юқорида ақс этиришгичлардан ташқари бошқа хисоб- китоблар бўйича кредиторлик қарзлари								
	Хаммаси								

Рақбар _____

(имзо)

Бонд Бухгалтер _____

(имзо)

М.У.

_____ 20__ йил

**Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси бўйича пул маблағлари
ҳаракати тўғрисида
ҲИСОБОТ**

20___ йил _____ ҳолатига

Ташкилот _____

Ҳисобот даври: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь

Бюджет тури _____

Ўлчов бирлиги _____

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Йил бошига пул маблағи қолдиги	
2. Ҳисобот даврида тушган даромадлар – жами	
шу жумладан:	
а) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан	
б) вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан	
в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобидан	
г) ҳисобот чоррагининг охириги иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағлари	
3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари – жами	
4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиги	

Харажатлар ёйилмаси

харажатлар номи	тоифа	модда ва кичик модда	элемент	касса харажатлари – жами	харажат (261-субсчёт бўйича)
А	1	2	3	4	5
харажатларнинг ҳаммаси					

Раҳбар _____

(имзо)

Бош бухгалтер _____

(имзо)

М.Ў.

_____ 20__ йил

7.5-илова

**Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган
маблағлар ҳаракати тўғрисида
ҲИСОБОТ**

20__ йил _____ ҳолатига

Ташкилот _____

Ҳисобот даври: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь

юджат тури _____

Ўлчов бирлиги _____

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи	
2. Ҳисобот даврида тушган даромадлар – жами	
шу жумладан:	
а) 01.03.20__ йилга ўтувчи контракт суммаси (20__ / 20__ ўқув йили учун)	
б) жорий йил учун тушган контракт суммаси (20__ / 20__ ўқув йили учун)	
в) бошқа тушумлар	
3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари – жами	
4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи	

Харажатлар ёйилмаси

харажатлар номи	тонфа	модда ва кичик модда	элемент	касса харажатлари – жами	харажат (251-субсчёт бўйича)
А	1	2	3	4	5

ҳаракатларнинг ҳаммаси					

Раҳбар _____

(имзо)

Бош бухгалтер _____

(имзо)

М.Ў.

_____ 20__ йил

7.6-илова

**Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича
ҲИСОБОТ**

20__ йил _____ ҳолатига

Ташкилот _____

Ҳисобот даври: йиллик, 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь

Бюджет тури _____

Ўлчов бирлиги _____

Тушумларнинг номи	Йил бошига маблағ қолдиги	Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар) – жами
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг иқтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари (4-002-0-0)		
Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси (4-004-0-0)		
Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (4-005-0-0)		
Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (муסיқа ва санъат мактаблари) (4-006-0-0)		
Ходимлардан улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар (4-007-0-0)		

Мақтаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (4-008-0-0)		
Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари (4-010-0-0)		
Умумтаълим муассасаларида дарсликлар южараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар (4-011-0-0)		
Капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар (4-012-0-0)		
Тургун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар (4-013-0-0)		
Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови (4-015-0-0)		
Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари (4-999-0-0)		
Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари – жами		
Кредитлар (6-000-0-0)		

ХАРАЖАТЛАР ЁЙИЛМАСИ

А. КАССА ХАРАЖАТЛАРИ

Харажатлар номланиши	Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент	Маблаглар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи бўйича кодлар кесимида														
				4-002-0-0	4-004-0-0	4-005-0-0	4-006-0-0	4-007-0-0	4-008-0-0	4-010-0-0	4-011-0-0	4-012-0-0	4-013-0-0	4-015-0-0	4-999-0-0	5-000-0-0	6-000-0-0	
А	Б	В	Г	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари – жами	x	x	x															
Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи	x	x	x															

Б. ҲАҚИҚИЙ ХАРАЖАТЛАР

Харажатлар номланиши	Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент	Маблаглар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи бўйича кодлар кесимида								
				4-005-0-0	4-006-0-0	4-007-0-0	4-008-0-0	4-010-0-0	4-013-0-0	4-015-0-0	4-999-0-0	
А	Б	В	Г	1	2	3	4	5	6	7	8	

Ҳақирой харажатлар – жъми	х	х	х																	

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.У.

_____ 20____
йил

7.7-илова

Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида
ҲИСОБОТ*

20__ йил _____ ҳолатига

Ташкилот _____

Ҳисобот даври: йиллик

Бюджет тури _____

Ўлчов бирлиги _____

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Сумма
1.1. Бюджетдан молиялаштириш	010	
1.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар	020	
1.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар (031 + 032 + 033)	030	
шундан:		
а) тўлов-контракт маблағлари	031	
б) депозитга қўйилган маблағлар бўйича даромадлар	032	
в) бошқа тушумлар	033	
1.4. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармеси даромадлари (041 + 042 + 043)	040	
шундан:		
а) товар (иш, хизмат) реализациясидан	041	

б) фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан	042	
в) ҳомийлик ёрдамларидан	043	
1.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари (051 + 052 + 053)	050	
а) пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан	051	
б) ҳомий ва донор ташкилотлардан	052	
в) фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан	053	
1.6. Бошқа даромадлар (061 + 062)	060	
шундан:		
а) инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар	061	
б) бошқа бюджетдан ташқари даромадлар	062	
1.7. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар (071 + 072)	070	
шундан:		
а) таълим муассасаларидаги тўлов-контракт маблағлари бўйича	071	
б) бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари бўйича	072	
Даромадлар (тушумлар) жами (010 + 020 + 030 + 040 + 050 + 060 + 070)	080	
2. Харажатлар		
2.1. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар	090	
2.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган харажатлар	100	
2.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	110	
2.4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	120	
2.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	130	
2.6. Бошқа даромадлар бўйича харажатлар	140	
Харажатлар жами (090 + 100 + 110 + 120 + 130 + 140)	150	
3. Молиявий натижа		
Жорий йилга молиявий натижа (161 + 162 + 163 + 164 + 165 + 166 + 167)	160	
шундан:		

а) бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа (010-090)	161	
б) тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижа (020-100)	162	
в) таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа (030-110)	163	
г) бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа (040-120)	164	
д) тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича жорий йилга молиявий натижа (050-130)	165	
е) бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижа (060-140)	166	
ж) бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар (070)	167	

* Агарда бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот даврида товар (иш, хизмат)лар реализациясидан даромад олинган бўлса, у ҳолда, ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда тузилган молиявий натижалар гўрисидаги ҳисобот (2-шакл) қлова қилинади.

Раҳбар _____

(_____)

Бош бухгалтер _____

(_____)

_____ 20 ____ йил

М.Ў

5-ШАКЛ

Номиналий активлар ҳаракати тўғрисида
ХИСОБОТ

Ташкилот _____

5-сон шакл

Боб _____

Ҳисобот даври: йиллик

20__ й. 1 январь ҳолатига

Бюджет тури _____

Ўлчов бирлиги: _____

413

1	2	3	Йил бошига қолдиқ		Йил охирига қолдиқ		9	Йил мобайнида ташкилот эҳтиёжлари учун сарфланган		11
			4	5	6	7		8	10	
Курсаткич номи	Қатор коди	жами	бюджет маблағлари ҳисобидан	бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	жами	бюджет маблағлари ҳисобидан	бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	жами	бюджет маблағлари ҳисобидан	бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан
Асосий воситалар – жами (011 + 012 + 013 + 014 + 015 + 016 + 017)	010							х	х	х

7.2. Олий таълим муассасалари томонидан сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботларни тузиш ва топириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (16.06.2009 й. 1969-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турадиган ташкилотлар, шу жумладан, ОТМларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шакллари тасдиқланган.

ОТМлар ҳар чоракда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ёки юқори турувчи вазирлик ёки идораларга Олий ўқув юртлари бўйича штатлар ва контингентлар режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот (бюджет, контракт) топширадилар (3-2-шакл, 10.9-илова).

Олий ўқув юртлари бўйича штатлар ва контингентлар бўйича режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот (бюджет, контракт) шаклининг манзил (устки) қисми ҳуйидаги тартибда тўлдирилади:

– «Ташкилот номи» реквизитида ОТМнинг тўлиқ номи кўрсатилади;

– «Даврийлиги (ҳисобот даври)» реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;

– «Вазирлик» реквизитида ОТМ вазирлиги ёки идораси (юқори турувчи орган) номи кўрсатилади;

– «Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизитида ОТМнинг давлат бюджети харажатларининг вазифавий ва ташкилий жиҳатдан таснифланишига мансублиги қайд этилади;

– «Бюджет тури» реквизитида ОТМ томонидан ҳисобот тақдим этиладиган маблағлар манбаи (бюджетлар даражаси – республика ёки маҳаллий бюджет) кўрсатилади.

«А. Талабаларни ўқитиш бўйича режанинг бажарилиши» ва «Б. Бошқа кўрсаткичлар» реквизитларида ОТМнинг миқдорий кўрсаткичлари кўрсатилади. Улар Молия вазирининг юқорида келтирилган буйруғига мувофиқ ҳисоботларда талабаларнинг ҳақиқий ва ўртача йиллик сонини ташкил қилади ва акс эттиради.

ОТМлар бўйсунуви бўйича юқори турувчи ташкилотларга тақдим этадиган ҳисоботлар мазкур муассасаларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари, шунингдек, режа-молия хизмати раҳбарлари томонидан имзоланади.

Республика бюджетида ОТМлар ҳисоботларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ёки юқори турувчи вазирлик ва идораларга тақдим этадилар. Ўз навбатида, ушбу вазирликлар ва идоралар жамлама ҳисоботларни молия вазирининг тегишли буруқларида белгиланган муддатларда Молия вазирлигига топширадилар.

7.9-илова

3-2-шакл

Олий ўқув юртлари бўйича штатлар ва контингентлар бўйича режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот (бюджет, контракт)¹⁾

(кераклиги чизилсин)

3-2-сон шакл

01 _____ 20__ йил ҳолатига

Ташкилот номи _____
 Даврийлиги: йиллик, чораклик (кераклиги чизилсин)
 Вазирлик (идора) _____
 Бўлим _____ боб _____ параграф _____
 Бюджет тури _____

А. Талабаларни ўқитиш бўйича режанинг бажарилиши

	Кодлар		Ҳақиқий борлиги		Ўртача йиллик миқдори	
	тоифалар ¹⁾	қаторлар	йил бошига	йил (чорак) охирига	йиллик режа	бажарилиши
Асосий курсаткичлар ²⁾	1	2	3	4	5	6
Кундузги ўқитиш – бакалаврият						
Ташкилотлар – ҳаммаси			01			
Талабалар – ҳаммаси			02			

Қабул		03				
Чиқарув – ҳаммаси		04				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар – ҳаммаси		05				
Сиртки ўқитиш – бакалаврият						
Талабалар – ҳаммаси		06				
Қабул		07				
Чиқарув – ҳаммаси		08				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар – ҳаммаси		09				
Кундузги ўқитиш – магистратура						
Талабалар – ҳаммаси		10				
Қабул		11				
Чиқарув – ҳаммаси		12				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар – ҳаммаси		13				
шу жумладан, диссертация химоя қилган шахслар		14				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар		15				
Аспирантура – ишлаб чиқаришдан ажраган ҳолда ўқув						
Аспирантлар сони		16				
Қабул		17				
Чиқарув – ҳаммаси		18				
шу жумладан, диссертация химоя қилган шахслар		19				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар		20				

Аспирантура – ишлаб чиқаришдан узлуksиз ҳолда ўқув						
Аспирантлар сони		21				
Қабул		22				
Чиқарув – ҳаммаси		23				
шу жумладан, диссертация химоя қилган шахслар		24				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар		25				
Докторантура – ишлаб чиқаришдан ажраган ҳолда ўқув						
Докторантлар сони		27				
Қабул		28				
Чиқарув – ҳаммаси		29				
шу жумладан, диссертация химоя қилган шахслар		30				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар		31				
Ординатура						
Ординатлар сони		32				
Қабул		33				
Чиқарув – ҳаммаси		34				
Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар		35				
Б. Бошқа кўрсаткичлар						
Профессор- ўқитувчилар таркиби ставкалар сони		36				
Жисмоний шахслар		37				
шу жумладан, педагоглар		38				

Маъмурий хизмат, ўқув ёрдам ва бошқа ходимларнинг штат бирлиги сони (жисмоний шахслар миқдори)		39				
Педагогик ходимларни иш ҳақи жамғармаси		40				
Педагогик тарихининг ўртача иш ҳақи		41				
Педагогик иш ҳақининг бошқа турлари		42				
Узоқда, чўлда, сувсизликда ишлаганлиги учун туман коэффициенти (педагог иш ҳақига)		43				
Маъмурий хизмат, ўқув-ёрдам ва хизмат кўрсатувчи ходимларни, ётоқхоналар ходимларини кўшган ҳолда штат бирликлари		44				
Маъмурий хизмат, ўқув-ёрдам ва хизмат кўрсатувчи ходимлар, ётоқхоналар ходимларини кўшган ҳолда иш ҳақи жамғармаси		45				
Туман коэффициенти: сумма		46				
Олувчилар сони		47				
Моддий рағбатлантириш жамғармаси		48				
Моддий рағбатлантириш жамғармаси % ҳисобида		49				

Иш ҳақи жамғармаси – ҳаммаси (1% вақтинча меҳнатта қобилиятсизлик варақаларидан ташкири)		50				
Компенсация тулаш ҳаракатлари		51				
Компенсация опувчилар сони		52				
Шу жумладан, шаҳарларда		53				
Қишлоқларда		54				
Ётоқхоналардаги жойлар		55				
Ҳақиқатда яшовчилар сони		56				
Иморатларнинг ташқи кубатураси		57				
<p>1. Бюджет маблаглари буйича алоҳида, контракт маблаглари буйича алоҳида тўлдирилади.</p> <p>2. Молия органлари бюджетдан маблағ олувчилардан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида сеп, штат ва контингентлар режаси бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар буйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.</p> <p>3. Ушбу қатор тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.</p>						

Раҳбар _____

Молия-режа хизмати раҳбари _____

Бош бухгалтер (бухгалтер)

« ____ » _____ 20__ йил

М.Ў.

7.3. ЎМКТ муассасалари томонидан сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар тузиш ҳамда топшириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турадиган ташкилотлар, шу жумладан, ЎМКТ муассасаларининг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шакллари Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи билан тасдиқланган (16.06.2009 й. 1969-сон билан рўйхатга олинган).

ЎМКТ муассасалари (касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва махсус касбий-техник ўқув юртлари) ҳар чоракда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ёки юқори турувчи вазирлик ёхуд идораларга қуйидаги ҳисоботларни топширадилар:

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, махсус касбий-техник ўқув юртлари ва кадрларни тайёрлаш бўйича бошқа ўқув юртлари бўйича сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот (бюджет) (3-7Б-шакл, 10.10-илова);

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, махсус касбий-техник ўқув юртлари ва кадрларни тайёрлаш бўйича бошқа ўқув юртлари бўйича сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот (контракт) (3-7К-шакл, 10.11-илова).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳисоботлар академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари томонидан сет, штат ва контингентлар бўйича маълумотларни молиялаштириш манбаларидан (яъни бюджет ва шартнома бўйича) келиб чиққан ҳолда акс эттиришлари учун мўлжалланган.

Юқорида кўрсатилган ҳисоботлар шаклларининг устки (манзил) қисми қуйидагича тўлдирилади:

– «Ташкилот номи» реквизитида муассасанинг тўлиқ номи кўрсатилади;

– «Даврийлиги (ҳисобот даври)» реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;

– «Вазирлик» реквизицида муассаса вазирлиги ёки идораси (юқори турувчи орган) номи кўрсатилади;

– «Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизицида муассасанинг давлат бюджети харажатларининг вазифавий ва ташкилий жиҳатдан таснифланишига мансублиги қайд этилади;

– «Бюджет тури» реквизицида муассаса томонидан ҳисобот тақдим этиладиган маблағлар манбаи (маҳаллий бюджет) кўрсатилади.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар томонидан «Ҳақиқий борлиги» ва «Ўртача йиллик миқдори» устунларида миқдорий кўрсаткичлар келтирилади. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар мазкур устунларни ўша муассасаларнинг сет, штат ва контингентлар бўйича бирламчи ва умумлашган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирадilar. Кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи (16.06.2009 й. 1969-сон билан рўйхатга олинган) талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарадилар ва ҳақиқий ҳамда ўртача йиллик сонини кўрсатадилар.

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, ОТМлар бўйсунуви бўйича юқори турувчи ташкилотларга тақдим этадиган ҳисоботлар мазкур муассасаларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари, шунингдек, режа-молия хизмати раҳбарлари томонидан имзоланади.

Маҳаллий бюджетларда турувчи академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳисоботларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ёки юқори турувчи вазирликлар ва идораларга тақдим этадилар. Ўз навбатида, ушбу вазирликлар ва идоралар жамлама ҳисоботларни молия вазирининг тегишли буйруқларида белгиланган муддатларда Молия вазирлигига топширадилар.

3-7Б-шакл

**Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, махсус касбий-тех-
ник ўқув юртлари ва кадрларни тайёрлаш бўйича бошқа ўқув
юртлари бўйича сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг
бажарилиши тўғрисида
ҲИСОБОТ
(бюджет)**

3-7Б-сон шакл

01 _____ 20__ йил ҳолатига

Ташкилот номи _____

Даврийлиги: йиллик, чорақлик (караклиги чизилсин)

Вазирлик (идора) _____

Бўлим _____ боб _____ параграф _____

Бюджет тури _____

Асосий кўрсаткичлар'	Кодлар		Ҳақиқий борлиги		Ўртача йиллик миқдори	
	тонфалар²	қаторлар	йил бошига	йил (чорақ) охирига	йиллик режа	бажарилиши
1	2	3	4	5	6	7
Ташкилотлар – ҳаммаси		01				
Ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қуввати – ҳаммаси (ўқувчи ўринлар)		02				
шу жумладан, янги киритилган ташкилотлар миқдори		03				
Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати		04				
Гуруҳлар миқдори		05				

Шу жумладан, курслар буйича: 1-курс		06				
2-курс		07				
3-курс		08				
Ўқувчилар – ҳаммаси		09				
шу жумладан, курслар буйича: 1-курс		10				
2-курс		11				
3-курс		12				
Шу жумладан, янги киритилган ташкilotлардаги Ўқувчилар миқдори		13				
Қабул		14				
Шу жумладан, янги киритилган ташкilotларга одам қабули		15				
Бошқа ўқув юртларидан келганлар, ўтказилганлар ва тикланганлар		16				
Бошқа ўқув юртларига ўтказилганлар		17				
Чиқарув – ҳаммаси		18				
шу жумладан, тўлиқ бюджет ҳисобидан сақланаётган етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар чиқаруви		19				
Ўқув муддати тутагунча кетиб қолганлар – ҳаммаси		20				
Бепул оқдат олувчи ўқувчилар		21				

Шу жумладан, тўлиқ бюджет ҳисобидан сақланаётган етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар		22				
Бюджет ҳисобидан оёқат бериладиган ўқувчилар оёқат кунлари		23				
Шу жумладан, тўлиқ бюджет ҳисобидан сақланаётган етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар оёқат кунлари		24				
Кунига битта ўқувчи оёқатлиниш ўртача харажати (сўм)		25				
Педагогик соатлар		26				
Педагогик ставкалар – ҳаммаси		27				
1-гуруҳга ставкалар		28				
Гуруҳларга раҳбарлик учун ставкалар		29				
Ёзма ишларни текширганлик учун ставкалар		30				
Ўқув кабинетларига раҳбарлик учун ставкалар		31				
Педагогик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси		32				
Педагогик ходимлар ўртача меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси		33				

Педагогик иш ҳақиёнинг бошқа турлари		34				
Шу жумладан, гуруҳлар раҳбарлиги учун		35				
ёзма ишларни текшириш учун		36				
ўқув кабинетларига раҳбарлик учун		37				
бошқалар		38				
Туман коэффициенти узоклик, чўллик, сувсизлик (педагогик иш ҳақи бўйича)		39				
Жисмоний шахслар		40				
Шу жумладан, педагоглар		41				
Ишлаб чиқариш усталари ставкалари миқдори		42				
Жисмоний шахслар миқдори		43				
Ишлаб чиқариш усталари меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси		44				
Ишлаб чиқариш усталари ўртача иш ҳақи		45				
Туман коэффициенти узоклик, чўллик, сувсизлик (ишлаб чиқаришда дарс берган усталар учун)		46				

Маъмурий бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штат бирликлари ётоқхоналар ходимларини қўшган ҳолда		47				
Маъмурий бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар жисмоний шахслар сони		48				
Маъмурий бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар иш ҳақи жамғармаси ётоқхоналар ходимларини қўшган ҳолда		49				
Маъмурий бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар ўртача иш ҳақи жамғармаси ётоқхоналар ходимларини қўшган ҳолда		50				
Туман коэффиценти: сумма		51				
олувчилар сони		52				
Директор жамғармаси		53				
Моддий рағбатлантириш жамғармаси (директор жамғармаси бўлмаганда)		54				

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси жами (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаш ҳаражатларидан ташқари)		55				
Компенсация тўловлари ҳаражатлари		56				
Компенсация олувчилар сони		57				
шу жумладан, шаҳарларда		58				
қишлоқ жойларда		59				
Ётоқхоналардаги жойлар		60				
Ҳақиқатда ётоқхоналарда яшовчилар сони		61				
Иморатларнинг ташқи кубатураси		62				

1. Молия органлари бюджетдан маблағ олувчилардан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида сёт, штат ва контингентлар режаси бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

2. Ушбу қатор тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи (ҳисобчи) _____

» ____ » _____ 20__ йил

М.У.

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, махсус касбий-тех-
ник ўқув юртлари ва кадрларни тайёрлаш бўйича бошқа ўқув
юртлари бўйича сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг
бажарилиши тўғрисида

ҲИСОБОТ
(контракт)

3-7К-сон шакл

01_____ 20__ йил ҳолатига

Ташкилот номи _____

Даврийлиги: йиллик, чораклик (қарақлиги чизилсин)

Вазирлик (идора) _____

Бўлим _____ боб _____ параграф _____

Бюджет тури _____

Асосий кўрсаткичлар ¹	Кодлар		Ҳақиқий борлиги		Ўртача йиллик миқдори	
	тоифалар ²	қаторлар	йил бошига	йил (чорак) охирига	йиллик режа	бажарилиши
1	2	3	4	5	6	7
Гуруҳлар миқдори		01				
Ўқувчилар – ҳаммаси		02				
Шу жумладан, курслар бўйича: 1-курс		03				
2-курс		04				
3-курс		05				
Қабул		06				

Бошқа ўқув юртидан келганлар, битта ўқув юртида ўқитишнинг бошқа турларидан ўтказилганлар ва тикланганлар		07				
Бошқа ўқув юртига кетганлар, битта ўқув юртида ўқитишнинг бошқа турларига ўтказилганлар		08				
Чиқарув – ҳаммаси		09				
Ўқув муддати тугагунча кетиб қолганлар – ҳаммаси		10				
Педагогик соатлар		11				
Педагогик ставкалар – ҳаммаси		12				
Битта гуруҳда тегишли ставкалар		13				
Шу жумладан, гуруҳларга раҳбарлик учун ставкалар		14				
ёзма ишларни текшириш учун ставкалар		15				
ўқув кабинетлари раҳбарлиги учун ставкалар		16				
Жисмоний шахслар		17				
Шу жумладан, педагоглар		18				

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси – ҳаммаси (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик касаллик варақаси бўйича 1% қўшилмаган ҳолда)		30				
Компенсация тўловлари харажатлари		31				
Компенсация олувчилар сони		32				
Шу жумладан, шаҳарларда		33				
қишлоқ жойларда		34				
Туман коэффиценти: сума		35				
олувчилар миқдори		36				

¹ Молия органлари бюджетдан маблағ олувчилардан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида сёт, штат ва контингентлар режаси бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

² Ушбу қатор тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.

Раҳбар _____ Бош бухгалтер (бухгалтер) _____

» _____ » _____ 20__ йил

М.У.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Қайси норматив ҳужжат бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари даромадлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш қоидаларини белгилаб беради?
2. ЎзАСБО автоматлаштирилган дастурий мажмуаси нима?
3. «Ғазначилик-4» дастурий мажмуаси нима?
4. Молиявий ҳисоботларни тузиш даври ва топшириш муддатларини айтиб беринг.
5. Молиявий ҳисоботларда харажатлар қандай акс эттирилади?
6. Ташкилотлар томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қайси ҳужжатлар киради?
7. Бюджет ташкилотлари товарлар (хизматлар, ишлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ўз фаолиятларини қайси молиявий ҳужжатда акс эттиридилар?
8. Ташкилотлар томонидан топшириладиган чораклик молиявий ҳисоботлар таркибига қайси ҳужжатлар киради?
9. Молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида нималар акс эттирилади?
10. Ташкилотлар молиявий ҳисоботларни қайси китоб маълумотлари асосида тузадилар?
11. Ташкилотлар баланс (1-шакл) тузишга қадар нималарга эътибор қаратишлари зарур?
12. Ташкилотлар куйидаги ҳисоботларни тузишга қадар нималарни текширишлари лозим:
 - харажатлар сметасининг ижроси тўғрисида;
 - бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида;
 - таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида таълим олишдан тушаётган маблағлар ҳаракати тўғрисида?
13. Бюджет ташкилотлари томонидан бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган бюджетдан ташқари маблағларни айтинг.
14. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетиде турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шакллари қайси меъёрий ҳужжат билан тасдиқланган?

15. ЎМКТ муассасалари томонидан бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари даромадлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва уларни топшириш қоидаларини тушунтириб беринг.

16. Сет, штат ва контингентлар бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботларни тузиш ва топшириш тартиби қандай?

17. ЎМКТ муассасалари томонидан сет, штат ва контингентлар бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботларни тузиш ҳамда топшириш тартибини тушунтириб беринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Норматив ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 3.09.1999 й. 414-сон қарори (*Ўзгартиришлар билан*).

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл) (*Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғига 2-илова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 24.01.2003 й. 1209-сон билан рўйхатга олинган*).

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 16.06.2009 й. 1969-сон билан рўйхатга олинган*).

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (*Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 22.12.2010 й. 2169-сон билан рўйхатга олинган*).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар (*Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 27.08. 2011 й. 2270-сон билан рўйхатга олинган*).

ГЛОССАРИЙ

Академик лицей – ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юрти.

Асосий воситаларни инвентаризациялаш – мол-мулкни ва мажбуриятларни текшириб кўриш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва тасдиқлаш.

Базавий тариф ставка – ягона тариф ставкаси бўйича тариф ставкасини, тариф ставкасига амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган доимий устамаларни, шунингдек, айрим тоифадаги ходимлар меҳнат ҳақиға қўшилган қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

Бакалаврият – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим.

Бюджет маблағларининг тасарруфчиси – ижро этувчи ҳокимият органи, бюджет маблағларини улар олувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга; уларға бюджет ажратмалари тўғрисидаги билдиришномани етказди, бюджет маблағларини олувчиларнинг сметаларини тасдиқлайди, улар бюджет маблағлари мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатади.

Бюджет маблағларини олувчилар – бюджет рўйхатига биноан жорий йилда бюджет маблағларини олиш ҳуқуқига эга бюджет ташкилоти ёки бошқа муассаса.

Бюджетдан молиялаштириш – корхона, муассаса, ташкилотларға уларнинг харажатларини тўлик ёки қисман қоплаш учун давлат бюджетидан қайтарилмайдиган маблағларни ажратиш.

Бюджет ташкилоти – ижро этувчи ҳокимият органи томонидан бошқарувчилик, ижтимоий-маданий, илмий-техник ёки бошқа но-тижорат тусдаги функцияларни бажариш учун тузилган ташкилот. Унинг фаолияти даромадлар ва харажатлар сметаси асосида бюджет-

дан ёки бюджетдан ташқари жамғармалардан молиялаштирилади.

Бюджет харажатлари – давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифа ва функцияларини бажариш учун йўналтирилаётган пул маблағлари; давлат пул маблағлари фондини таксимлаш ва ундан тармоқ, мақсадли ва ҳудудий йўналишларда фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат. Унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади.

Бюджет таснифи – давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва бажаришда, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган, муайян белгилар бўйича давлат бюджети таркибига кирадиган бюджетлар даромадлари ва харажатларини гуруҳлаш.

Бюджетдан ташқари фаолият – бюджет ташкилотларининг қўшимча бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича фаолияти.

Бюджет ташкилотлари харажатлари нормативлари – белгиланган тартибда бир бирлик учун пул ва натура шаклидаги харажатларнинг тасдиқланган нормативлар (мисол учун, ёқилги харажатлари нормативлари, электр энергия, газ ва сув истеъмоли учун лимитлар, бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари, узайтирилган кунли гуруҳларда болаларни овқатлантиришнинг пул ва маҳсулот шаклидаги нормативлари, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни сақлаш ва ҳ.к.).

Бюджет харажатлари – давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг функция ва вазифаларини молиявий таъминлаш учун йўналтирилган пул маблағлари; давлат пул маблағлари жамғармасини таксимлаш ва ундан тармоқ, мақсадли ва ҳудудий белгиланиши бўйича фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар.

Бюджет маблағларини олувчилар – бюджет рўйхатига биноан

жорий йилда бюджет маблағларини олиш ҳуқуқига эга бюджет ташкилоти ёки бошқа муассаса.

Бюджет маблағларининг тасарруфчиси – ижро этувчи ҳокимият органи, бюджет маблағларини улар олувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга; уларга бюджет ажратмалари тўғрисидаги билдиришномани етказди, бюджет маблағларини олувчиларнинг сметаларини тасдиқлайди, улар бюджет маблағлари мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари тасарруфчиси – улардан мақсадли фойдаланиш бўйича масъулиятга эга бюджет ташкилоти раҳбари.

Вақтинчалик харажатлар сметаси – ташкилотларнинг харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи ҳужжат. Унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликка ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ҳар ойда аввалги молия йилининг охириги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдордаги бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси. Унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат томонидан молиялаштириш – хўжалик субъектларига бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига қайтарилмайдиган молиявий ресурсларни тақдим этиш методи.

Директор жамғармаси – таълим муассасалари (умумтаълим мактаблари, лицейлар, коллежлар) томонидан амалдаги қонунчилик доирасида алоҳида хизмат кўрсатган ходимлар меҳнатини мукофотлаш жамғармаси. Директор жамғармасининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молия йили учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан фоизда белгиланади. Ҳозирги вақтда унинг миқдори умумтаълим муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизигача бўлган миқдорда белгиланади ва республиканинг барча умумтаълим муассасалари учун ягона ҳисобланади.

Жорий харажатлар – таълимга ажратилаётган харажатларнинг бир қисми. Муассасани жорий сақлаш ва унинг жорий фаолият юри-тишини таъминлаш учун йўналтирилади.

Жон бошига молиялаштириш – таълим муассасалари харажатла-рини молиялаштириш тизими. У бир нафар ўқувчи (тарбияланувчи, бола), ўқувчилар (тарбияланувчилар, болалар) сони ва муассасалар хусусиятларини акс эттирувчи махсус коэффициентларни ҳисобга ол-ган ҳолда белгиланган харажатлар нормативларига асосланади.

Жамлама сметалар – алоҳида муассасалар, вазирликларга те-гишли идоралар, ижро этувчи органларнинг барча сметалари ва мар-казлашган тадбирлар учун тузиладиган сметаларни бирлаштирувчи ҳужжатлар.

Ижара объектлари – ташкилотлар томонидан бошқа ташкилотлар-га қўшимча бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш мақсадида ижарага берилаётган, ташкилот ихтиёридаги ва унинг балансида ту-рувчи бинолар, иншоотлар (шунингдек, уларнинг қисмлари), иморат-лар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар.

Ихтисослаштирилган мактаб, мактабгача таълим муассаса-лари – жисмоний ривожланиши ва соғлигида камчиликлар мавжуд болалар учун ташкил этиладиган муассасалар. Уларга болаларни қабул қилиш жойлардаги таълим ва соғлиқни сақлаш органларини бошқариш бўйича ваколатга эга давлат органлари томонидан тузиладиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар ҳулосаси асосида амалга оширилади.

Касб-ҳунар коллежи – ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юрти.

Капитал харажатлар – таълимга ажратилаётган харажатлар-нинг бир қисми; капитал таъмирлаш, капитал реконструкция ва янги қурилиш ҳамда лаборатория анжомлари, ўқув мебеллари, компьютер техникаси ва бошқаларни сотиб олишга йўналтирилади.

Капитал қўйилмалар – асосий фондларни (бинолар, асбоб-уску-налар билан бирга) сотиб олиш ёки такомиллаштириш учун сарфлан-ган пул маблағлари.

Мактабгача таълим – бола шахсини соғлом ва етук, мактабда

ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва, мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълим.

Мажбурий умумий ўрта таълим – узлуксиз таълим босқичларидан бири, ўқувчининг фан асослари бўйича тизимли билимга эга бўлиши, билимларни эгаллаш эҳтиёжини ривожлантириш, ўқувчида базавий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни эгаллаш, маънавий-маърифий сифатларнинг шаклланишини таъминлайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси – таннархга киритиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлар тўлаш, тақдирлашлар учун харажатларни молиялаштиришнинг мақсадли манбаи.

Молиявий натижа – ҳисобот даврида ташкилотлар ўз капитали қийматининг молиявий-хўжалик фаолиятлари натижасида қўшимча ўсиши (фойда) ёки камайиши (зарар). Ҳисобот давридаги фойда (зарар) ҳар ойда ҳисобга олинган барча даромадлар ва харажатларни таққослаш орқали аниқланади. Агар олинган даромадлар ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлардан ошиб кетса, фойда олинган ҳисобланади ёки аксинча.

Маҳаллий бюджет – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми. Унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни).

Марказлашган (мақсадли) тадбирлари учун харажатлар сметаси – ташкилотлар томонидан режалаштирилаётган йилда вазирликлар, идоралар, ҳокимият бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлашган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар бўйича тузилади.

Намунавий штатлар – доимий ишлайдиган ходимларнинг лавозимлар рўйхати. Унда ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мақсади, вазифалари, функциялари ва ишлаб чиқариш дастурларини бажариш учун зарур лавозимлар сони кўрсатилади.

Номоддий активлар – 1) сотиб олинган (олинган) ҳуқуқлар ёки со-

тиш (бериш) мумкин бўлган ҳуқуқлар; 2) лицензиялар, муаллифлик ҳуқуқи (мисол учун, дастурий таъминот), интеллектуал мулк (мисол учун, «ноу-хау» – конструкторлик ва тадқиқот ишлари натижаси сифатидаги техник билимлар), савдо белгилари, брендлар, кино ва видеофильмлар.

Номоддий ноишлаб чиқариш активлари – муайян юридик шаклларга эга бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда тuzилади ва бир институционал бирликдан иккинчисига ўтади. Уларга эгаларига аниқ фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи (бошқа институционал бирликларга эгаси рухсатидан ташқари бу турдаги фаолият билан шуғулланишни тақиқловчи) ҳужжатлар киради. Номоддий ноишлаб чиқариш активларига қуйидагилар мансуб: патентлаш объектлари (кашфиётлар, конун ёки суд қарорига мувофиқ суд ҳуқуқи тақдим этилган техник янгиликлар), ижара тўғрисидаги шартномалар ва бошқа узатиш ҳуқуқига эга контрактлар, сотиб олинган гудвилл (бу ишбилармонлик алоқалари ва обрў-эътиборнинг шартли қиймати бўлиб, корхонага фаолиятдаги фирма сифатида тўланади ва унинг барча активлари суммасидан унинг барча пассивлари суммасини айириб ташлаш орқали аниқланади).

Номолиявий активлар – ҳўжалик юритувчи субъектлар фойдаланаётган ва муайян давр мобайнида уларга фойдаланиш ёки сақлаш натижасида реал ёхуд иқтисодий манфаат келтираётган объектлар. Бу турдаги активлар яратиш усулига кўра икки гуруҳга ажратилади: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш.

Персонал – корхона, ташкилот, муассасаларнинг ёлланиб ишлайдиган ва ходимларнинг умумий ҳажмига киритилган барча ходимлар мажмуи.

Республика бюджети – давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми. Унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни).

Сметали молиялаштириш тамойиллари – маблағларни сарфлашда иқтисод қилиш, харажатларни минималлаштиришга интилиш режимида риоя этиш; бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш;

молия органлари томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини тизимли назорат қилиш.

Таълим муассасаси – давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи муассаса.

Тарификация рўйхати – таълим муассасалари педагог ходимлари иш ҳақи учун харажатларни режалаштиришда қўлланиладиган ва муассаса томонидан тузиладиган ҳужжат.

Тузатиш коэффициентлари – бир нафар ўқувчини ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини ҳисоблашда қўлланиладиган катталик. Ушбу коэффициентлар таълим хизматлари кўрсатишнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади ва харажатларнинг базавий нормативлари миқдори кўпайиши (камайиши)га олиб келади.

Тариф ставкалари (лавозим маошлари) – базавий тариф ставкалари, амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланадиган устамалар ва кўшимча тўловлар асосида шаклланади.

Тариф – меҳнатга ҳақ тўлаш ставкалари тизими.

Тарификация – солиқ солиниши ёки тўланиши лозим бўлган объектларнинг у ёки бу гуруҳи асосида тариф белгилаш, масалан, иш ҳақи тарификацияси.

Тарификация рўйхати – иш ҳақи ва лавозим маошлари ставкалари ҳамда педагог ходимларга устамалар ва кўшимча тўловлар белгилашни тасдиқловчи асосий ҳужжат.

Устамалар – ОТМлар ходимларини, шу жумладан, юқори касб маҳоратига эга ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида белгиланадиган моддий рағбатлантириш тури.

Формула асосида молиялаштириш – молиявий маблағларнинг белгиланган меъёрлар тизимини ҳар бир таълим ташкилотига белгиланган тартибда ва ошқора қўллаш асосида тақсимлаш имконини берувчи усул.

Харажатлар асосида молиялаштириш – ўзининг фаолиятини бажариш учун ташкилот томонидан сарфланган харажатларни қоплаш, яъни бинолар, иншоотларни сақлаш, уларни жорий таъмирлаш, ишчи-ходимлар иш ҳақини тўлаш ва ҳ.к. (бундай усул «сарф-харажатли» ҳисобланиб, ҳозирги даврга қадар Ўзбекистон таълим муассасалари-

ни бюджетдан молиялаштириш амалиётида устуворлик килмоқда).

Харажатлар сметаси – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат. Унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бўйича кўзда тутилган бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади.

Хизмат сафарлари харажатлари – хизмат сафарларида йўл кира тўлови, яшаш жойини ижарага олиш ва суткалик тўловлар, курслар ва ўқув муассасаларига хизмат сафарлари бўйича тўловларга ажратмалар.

Штатлар жадвали – корхона мулкдори, раҳбари ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланади, доимий ходимлар лавозимлари номи, лавозимлар (вакансиялар) сони ва лавозим маошлари миқдори, тўлов хусусиятлари келтирилади. Штатлар жадвалида тегишли ташкилотнинг таркибий тузилиши акс эттирилади.

Ўриндошлик – ходимнинг асосий мажбуриятларидан ташқари унинг лавозим мажбуриятларига кирмайдиган қўшимча ишларни бажариши.

Ўқув режа – фанлар ва ўқув дарслари кесимида ўқув соатларининг миқдори ўрнатиладиган ҳужжат. Унга мувофиқ ҳар бир турдаги таълим муассасаси учун зарур педагогик ставкалар, профессор-ўқитувчилар таркиби ставкалари миқдори ҳисоблаб чиқилади.

Ўтган давр кўрсаткичлари асосида молиялаштириш – ташкилот бюджети ўтган давр харажатлари даражасида инфляцияни ҳисобга олган ҳолда мазкур муассаса молиялаштирилаётган тегишли бюджет имкониятларидан келиб чиқиб молиялаштирилиши кўзда тутиладиган усул.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети – давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми; бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни).

Қўшимча тўловлар – ходимлар томонидан қўшимча тарзда бажарилаётган ишлар учун белгиланадиган тўловлар.

**Б.И. НУРМУХАМЕДОВА, З.Х. СРОЖИДДИНОВА,
Б.Б. СУГИРБАЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ
ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

Ўқув қўлланма

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, 2013 йил.
Ўзбекистон, 100029, Тошкент ш., Мирободкўчаси, 4-уй.

Тел.: (+998 71) 120-34-50

Факс: (+998 71) 120-34-85

Сайт: www.undp.uz

БМТТД «Ўзбекистонда бюджет тизимини ислоҳ қилиш» лойиҳаси,
2013йил.

Ўзбекистон, 100008, Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси, 5-уй.

Тел.: (+998 71) 239-48-61

Факс: (+998 71) 239-48-60

Сайт: www.publicfinance.uz

Мухаррир: А. Карасев

Мусаххих: С. Егорова

Техник муҳаррир: И. Азимова

Компьютер саҳифаловчи: В. Емельянов

Рус тилидан таржимон: Ш.Х. Ҳажибакиев

«InfoCapitalGroup», Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-А

Нашриёт лицензияси: АІ №207

Босишга рухсат этилди: 05.09.2013 г.

Адади: 125 дона

